

Еркін АБДІ

ВАКІ  
ВА  
ОСУЛА НІК

13



87.4


А-15

Маърифий-оммабоп туркум

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ



ВАҚТ  
ВА  
ОСУДАЛИК



17 СИР



ТОШКЕНТ - 2022

УЎК 38.018.74

КБК 87.7

А 15

ISBN 978-9943-9074-2-3

Ё. Абдуллаев. Вақт ва осудалик. 17 сир. – Т.: „Fan va texnologiyalar nashrioyt-matbaa uyi”, 2022. 354 б.

### Масъул муҳаррир

Шайх Абдулазиз Мансур – Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раис ўринбосари

### Сўз боши муаллифи

Алишер Ваҳобов, иқтисод фанлари доктори, профессор

### Тақризчилар:

Раҳматилло Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор  
Жонпўлат Қудайберганов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Ҳар тонг, бир жайрон уйқудан уйғонар, Африкада! Миясида фақат бир ўй бор: энг чопағон арслондан ҳам тезроқ югуришим керак. Акс ҳолда, йиরтқичларга ем бўламан.

Ҳар тонг, бир арслон уйқудан уйғонар, Африкада! Унинг миясида ҳам бир ўй: “Камида энг суст югурадиган жайрондан тезроқ чопишим керак. Акс ҳолда, очликдан ўлиб кетишим мумкин”.

Истанг, арслон бўлинг, истанг жайрон! Муҳими бу эмас. Муҳими қўёш шарқдан бош кўтарар-кўтармас, ҳаракатни бошланг. Шу билан бирга Кечагидан ҳам кўра тезроқ, кечагидан ҳам кўра кўпроқ ҳаракат қилинг. Акс ҳолда яшашингиз қийинлашади: Осудалик сизни тарк этади.

Хўш, қандай қилиб кечагидан ҳам тезроқ ва кўпроқ ҳаракат қилиш керак? Ушбу китоб (17 сир) ана шулар ҳақида.

ISBN 978-9943-9074-2-3

© Ё. Абдуллаев, 2022

© „Fan va texnologiyalar nashrioyt-matbaa uyi”, 2022

## ВАҚТНИ ҚАДРЛАШГА ЧОРЛОВЧИ ХАЗИНА (Сўзбоши ўрнида)

Одамзот ҳаёти давомида гоҳида моддий гоҳида маънавий хазинага интилиб яшайди. Бироқ у ҳар иккала ҳолатда ҳам, ҳар иккаласига эришитирувчи ўз кўлида жуда катта хазина борлигини ҳис қилмайди. Бу хазина – Вақт! Юриб кетаётган соат милига қараб нимагадир шошар эканмиз, ана шу хазинани бой бериб қўяётганимиздан баъзида ўзимизни койимиз, яна баъзида нималарнидир қилишга ундаймиз. Гоҳида у ечим бўлиб бизни узоқ куттирса, гоҳида энг оддий тувоҳ ва ҳакам бўлиб адолатни жойига қўяди. Ҳар не бўлганда ҳам у билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Гарчи биз ҳисоблашмасак ҳам у ўзи бир куни ҳукмини чиқаради. Бу ҳукм олдида эса уни қадрлаганларнингина юзи ёруғ, боши баланд бўлади.

Биз истаймизми – йўқми, кўхна олам шундай яралган. Унинг кечинмалари ҳам уч кун оралаб ўтади, Кеча. Бутун. Эртага. Азал-азалдан ҳаёт шундай. Унинг биз билмайдиган, кўз илғамас қоидалари, тамоиллари бисёр. Кимки шуни ардоқласа муродига етади, бузса, уйи қуяди. Гард камига яшашдан наф кам, саробнинг ўзгинаси.

Бир чети эзгуликка уланган ишлар хайрли кун топади. Шон-шавкат етаклаб келаверади. Ке бори шу экан-да, деб таваккаллаб юриш эса қачондир кишини виждан азобига дучор қилиши муқаррар.

Ана шу аччиқ ҳақиқатга янада ойдинлик киритиш ҳамда вақт қадрини кенг ўқувчилар оммасига жуда содда ва равон тилда баён қилиш, мақсадида Тошкент молия институтининг профессори Ёрқин Абдуллаев томонидан мен қизиқиб ўқиган “Осуда яшашнинг 99 сири” номли (Бош китоб) туркумнинг таркибига кирган “Вақт ва осудалик” номли навбатдаги китоблари (17-сир)ни тайёрлабдилар.

Омади гапни айтганда чиндан ҳам туркумнинг ушбу сонини китобхонлар интиқлик билан кутишган. Зоро, вақт

деган олий ҳакамнинг сир-синоатлари, вақтдан фойдаланишни ташкил этиш, кунни, ҳафтани, ойни ва йилни қандай режалаштириш кераклиги каби масалалар барчани бирдек қизиқтириши табиий, албатта. Шу маънода, муаллифнинг китобхонларга куюнчаклик билан куйидаги саволлар ила мурожат қилгани ҳар бир кишини ўйлантиришга ва уларга жавоб излашга мажбур этади.

“Хўш биз ҳар доим ҳам вақтимиз қадрига ета оляяпмизми? Олтинга тенг дақиқалардан унумли фойдаланяпмизми? Наҳотки, вақт кескир қилич эканлиги, агар сиз уни кесмсангиз, у сизни қиймалаб ташлашини тушунмасангиз? Ёки, ғанимат дамларни фойдали ишларга бағишламоқ учун кимнингдир даъватини кутиб ўтириш шартми? Имкон қадар ўзимиздан яхши ном қолдириш учун фурсат кутмоқлик кейин надоматга сабаб бўлмайдими? Олдин ким эдим-у хозир кимман? Ўтган вақтларимни рози қила олдимми?”.

Ҳа, бу саволлар ўта мураккаб. Мураккаб саволга муносиб жавоб бўлиши лозим. Бироқ, бунинг удасидан чиқиши ўта оғир. Зоро, ҳеч иккilanmasdan айтишим мумкин. Аксариятимиз, ҳар бир дақиқамиз у ёқда турсин, ҳафта, ой, йиллик вақт режаларини тузмаймиз. Кундаликлар олиб бормаймиз. Ҳар куннинг ҳисоб-китобини қилмаймиз.

Шу, ўринда милоддан аввал 580-500 йилларда яшаган юонон файласуфи ва математиги Пифагорнинг: “Ҳар куни эрталаб уйқудан турган заҳоти ўзингдан: “Бугун нима қилишим зарур?”, деб, кечқурун ухлашдан олдин эса “Нима қилдим?”, деб сўра”, деган даъватини эслаш жоиздир.

Ана шундай ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб муаллиф қуйидаги саволларга жавобларни излашга жазм қилгандар:

- бизнинг вақтимизнинг бир қисми куч билан тортиб олиниши, бир қисмининг ўмарилиши, бир қисми эса дангасалигимиздан бекорга оқиб кетиши;
- вақт деб аталмиш олий ҳакам ҳаётимиз давомида қилинган амалларнинг барчасини сарҳисоб қилиши;
- вақт ўтаяпти, деймиз. Бўлмаган гап, вақт эмас биз ўтиб кетаётганимиз, вақт биздан аввал ҳам бўлган, биздан ҳам кейин ҳам бўлиши;

- вақт ғилдираги ҳеч кимга, ҳеч нимага қарамай бир маромда айланаётганилиги;
- ғанимат фурсатини бой берәётганинг хонадонида ҳеч қачон түкин-сокинлик, тинчлик-хотиржамлик бўлмаслиги;
- вақтни бехуда совуриш – исрофнинг энг оғир тури эканлиги;
- вақтни бой бериш ўзини ўзи қатл этиш билан баробар эканлиги;
- вақт юргумайётганилиги, фақат инсониятнинг кўнгли осоийиш ва хотиржам эмаслиги, инсониятга кўнгил хотиржамлиги этишмаётганилиги;
- вақтдан унумли фойдаланиш қоидалари ва осудаликни таъминлаш йўллари кабилар миллий қадриятларимиз Farb ва Шарқ донишмандларининг панд насиҳатлари, ривоятлари, бугунги ҳаётий кузатмалар ҳамда кўп сонли социалогик сўровлар натижалари, шунингдек, Қуръон ояtlари, ҳадислар, ҳикматлар ва мақоллар асосида ёритилган.

Китоб сўнгига жаҳон адабиёти дурдоналари таркибидан жой олган шоири-ёзувчилар ва ёш истеъодди қаламкашларнинг вақтга бағишилаб ёзган шеърлари, бир қайнови гаплар, латифалар ва ўз-ўзини синаш учун руҳий тестлар ва қизиқарли бошқотирма (судоку)лар келтирилган.

Китобни муртоала қилар эканман муаллифнинг “Қалбим уммонидаги, томчилар” рукнидаги теран ва мағзи тўқ фикрлари мени бир қадар ўтмишимга, ва умр давомида сарфланган вақтларимга бир назар ташлашга даъват этди. Бироз ҳисоб-китоб қилгандек бўлдим ҳам, Мана ўша дурдона сўзлар:

“Вақтнинг индамай ўтаётганидан хотиржам бўлма. Бир куни у ҳар бир бехуда ўтган лаҳза учун товон сўрайди”.

Ва, яна:

“Агар одамлар тўғрисида ёмон гапирсак, унда уларни яхши кўришимизга вақтимиз қолмайди”.

Яна:

“Ҳаётимизда барча ғов тўсиқлар ичимиизда. Уларни бузуб ташланг. Ижоддами, илмдами, турмушдами – олдин-

гизга вақт талабига мос креатив мақсадларни қўйинг. Уларга ишонч ва иштиёқ билан интилиинг. Сублимация даражасида бўлсин. Қулай фурсатни кутманг, у фақат битта. Унинг номи "Хозир"".

Ва, яна муаллифнинг даъват ўрнида айтган сўзи:

"Эй, вақтни бекор ўтказаётган дўстим! сен умрингнинг энг бебаҳо, даврини бой беряпсан. Рус ёзувчиси, масалчи И.А. Криловнинг (1769-1844) "Ниначи ва чумоли" тўғрисидаги масалини эсла...

Кел, менинг дўстона сўзимга қулоқ ос.Faflat уйқудан уйғон. Ҳавога совурилаётган кунларингга маъно кирит. Куруқ олиб қочаётган хаёлинга чек қўй. Ушалиши мумкин бўлмаган орзуларингдан воз кеч. Адади бисёр хоҳиш-истакларингни ихчамла".

Ҳа, ҳар бир айтим, худди нишонга бориб теккан ўқдай. Мен бу айтимларни вақтни қадрлашга чорловчи хазина ёхуд ҳикматли сўз мақомидаги дурдоналар деб bemalol айтишим мумкин. Зеро, уларда сабоқ оладиган ибратли маслаҳат ва тे-ран фалсафий маънолар бор.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу китоб олий ҳакам деб аталмиш Вақт уммонидан ўзлаштиришимиз мумкин бўлган, ҳатто биргина томчи ўрнини ҳам боса олиши даргумондир. Аммо, агар ўқувчи мана иш уммонига нисбатан ҳақиқий қизиқиш уйготса, унинг бағрига отилиб, чуқур ерларига шўнғиши истакларини туғдирса вақт тўғрисидаги ўз фикрларини бениҳоя бойитишга эришган бўларди.

Алишер Ваҳобов,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор

Ёзилган нарсалар авлодлар хотирасида  
қилингандан ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

Амир Темур

I ҚИСМ

ВАҚТ  
ХУСУСИЯТЛАРИ

1  
БОБ

## ВАҚТ ТАВСИФИ

### 1.1. ВАҚТ – ЎЗИ НИМА?

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида ВАҚТ ва унинг бирикмаларига қуидагича изоҳлар берилган:

T/Р	Сўз ва унинг бирикмалари	Изоҳ
1.	Вақт	- Замон, вақт, муддати, он, мавсум.
2.	Вақт-бевақт	- ҳар замон, ҳар замонда.
3.	Вақти-вақти билан	- баъзи-баъзида, ора-сира, вақти-вақти келиб, ўқтин-ўқтин.
4.	Вақти – соати	- бирор иш, воқеа ва ш.к.нинг юз беришига имкон берадиган пайт, амалга ошиш пайти.

Демак, **вақт** – бу юз бериб турувчи воқеа – ҳодиса, нарсаларнинг асрлар, йиллар, кунлар, соатлар, дақиқалар ва шу кабилар билан ўлчанадиган давомийлиги шундай ўлчов белгисига эга бўлган объектив ҳодиса.

#### Масалан:

- **Кеча** – ўтди. Ўлиб бўлди. Кўлингизда ундан ҳеч нарса, қолмади? Ҳаттоқи бир лаҳза ҳам. Милоддан аввал 427-347 йилларда яшаган юонон файласуфи Платон (Аристотель) таъбири билан айтганда: “Вақт ҳамма нарсани ўзи билан бирга олиб кетади”. Шу зайлда у инсон умрининг бир парчасини ўз қанотида олиб кетади. Ҳинд шоири ва мутафаккири – Хисрав Дехлавий (1253-1325) шундай дейди: Ўтиб кетган, йўлингдан

топ-чи бир кун, Бугун қайтиб келармиди кечаги кун?! Кечаги кун қайтмаса-да биз учун катта сабоқ мактаби ўтайди.

◦ Бугун – айни дамда яшаётган вақтимиз. Ўлиб бормоқда. “Бугунги ишни эртага қўйма, эртага тонг отмаслиги мумкин”, дейди инглиз конструктори Ульям Конгрив (1772-1828). Француз публицисти Э. Лаблуенинг (1764-1830) таъбири билан айтганда: “Эртага деган сўз – бу бугуннинг душманидир. “Эртага” сўзи бизни бор бутимииздан айиради, фаолсизликда ушлаб, охир-оқибат нотавон қиласди”.

Шунинг учун бир дақиқани ғанимат билишимиз ва ундан унумли фойдаланишимиз зарур. Бугунингизнинг тинч осуда ўтганига Шукроналикда бўлинг.

◦ Эрта – ҳали туғилмаган. Келажак. Фақат унга етамизми, йуқми уни Яратганинг ўзи билади. Етганда ҳам нима бўлиши бизга қоронги. Америкалик ёзувчи Л. Левинсон (1905-1974) шундай дейди:

“Эртанги кун келмасдан олдин, бугун сенинг учун қанчалик яхши эканлигини сен тушунмайсан”.

Дарҳақиқат, вақт ўтган сайин ҳар бир нарсанинг ва воқеанинг моҳияти ҳам ўзгаради. Биз у кунга умид боғлаймиз.

Машҳур американлик руҳшунос олим Д. Карнеги (1888-1965) бугунги кунга урғу бериб шундай ёзади:

“Ҳаётингизда беҳаловатлиқдан кутилмоқчи бўлсангиз: ўтмиш (кеча) ва келажак (эрта)ни темир дарвоза билан ўзингиздан ажратиб қўйинг. Бугунги кун билан яшанг.

Дунё бир кундир, у ҳам бугундир.

Америкалик олим ва давлат арбоби Б. Франклайннинг (1706-1790) таъбири билан айтганда “Биргина бугуннинг қиймати, эртанги куннинг иккитасига тўғри келади”.

Немис шоири ва драматурги Шиллернинг (1759-1805) фикрича эса:

“Келажак (эрта) ҳаддан ташқари имиллайди, ўтмиш (кеча) харакатсиз, ҳозир (буғун) эса қуюндай тез ўтади”.

Вақт ҳақида айтилган юқоридаги фикрларни тиргак қилган ҳолда,

**Гап келди:** Мен эртаниги кунга ишонаман, унга яхши ниятлар илиа умид боғлайман. Негаки, кечаги кунни кўрдим. Ундан баҳраманд бўлдим. Мўлжаллаган режаларимни бажаришга эришдим. Миннатдор ҳолда у билан хайрлашдим. Бутунни яхши кайфият билан тонгда кутиб олдим. Гарчи уни на тутиб, на ундан ўзиб, на уни тўхтатиб бўлса-да, унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга, бутун учун ажратилган вақтни бой бермасликка ҳаракат қилдим.

Бугунги кунни мен қадрлайман. Чунки бутун туфайли биз ҳамма ёки кўп нарсага эришишимиз ёки кўп нарсани йўқотишими мумкин. “Бугунги бир соат эртаниги икки соатга айланади”, дейди американлик ёзувчи ва журналист Т. Фуллер (1810-1805).

Ана шунаقا, азизлар! Бугунги кунни севинг, қадрланг ва ундан унумли фойдаланинг! Унинг бирор бир дақиқасини ҳам қўлдан бой берманг. Агар бугунги кунингизни қўлингизда тутиб туролсангиз – эртаниги кунингизга камроқ асир бўласиз...

“Эртаниги кунга банди бўлмай десант, дейди миллиоддан аввал 6-3 милоднинг 65-йилларида яшаган Рим файласуфи ва ёзувчиси Сенека, бугунни қўлдан бой берма. Ҳар кунни гўё охирги кундек яшаш даркор, чунки ундан кейин нима келади, ҳеч ким билмайди”.

Вақтнинг тавсифини академик шоиримиз Fafur Ғуломдан яхшироқ таърифлаш қийин.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун  
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз...

Ҳамма вақт ҳукмида яшайди. Буюм ва ҳодисалардаги барча ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг қайси бир соҳасига тегишли бўлишидан қатъи назар физика фанининг умумий тушунчаларидан бири ( $t$ ) вақтда, қатъий белгиланган вақт оралиғида содир бўлади.

## ВАҚТ

Фалакиётчи олим сўради:

• Вақт нимадир, аё устоз?

Донишманд жавоб берди:

• Сиз ниҳоясиз ва ўлчаб бўлмас вақтни ўлчашга уринасиз.

Сиз соатларга ва йил фаслларига қараб яшашни хоҳлайсизми ва хатто кўнглингизни ҳам вақтга бўйсундириши хоҳлайсиз.

Сиз вақтдан жилға, сой ясад, қирғоғида ўтириб уни кузатишини хоҳлайсиз. Аммо сизда вақт етишмаслиги ҳаёт, умр қисқалигини билдиради.

• Кечаги кун бугуннинг хотираси, эртанги кун эса – бугуннинг орзусидир.

Ҳа, донишманд таъкидлагандек ВАҚТ ҳеч кимга бўйсунмас, жиловсиз, бетўхтов. У ҳар қандай муаммо-ю ҳодисага ечим топа оладиган олий ҳакам. Ҳукмига итоат эттира оладиган беаёв, бешафқат тизгин. Ҳеч қаерда сотилмайди, бозори ҳам йўқ. Инсоният ўзи кашф этган ўлчов бирликлари измида. Озор етган дақиқаларда унинг мақоми – сабр, давоси эса – вақт.

**Донишманд сўзини давом этди:**

Аммо сизлар хаёлан вақтни йил фаслларига қараб ўлчар экансиз, бу фасллар бир-бирининг бағрида эканлигини унуманг.

Бугун кечаги куннинг хотирасини бағрига олсин, келажакни бағрига боссин!

### 1.2. ВАҚТ ЎЛЧОВ БИРЛИГИМИ?

Вақт ҳеч кимни севмайди ва ҳеч кимдан нафратланмайди ҳам. Вақт ҳеч кимга ва ҳеч нимага бефарқ эмас – у ҳамма нарсанинг ҳисобини олади, ҳамма нарсани ўлчайди, Айнан шу ўлчов туфайли ҳар бир воқеликнинг ҳолати тўғрисида тасаввурга эга бўламиз.

60 сония 1 дақиқани, 60 дақиқа 1 соатни, 24 соат бир кечакундузни (суткани), 30-31 кун бир ойни, 12 ой бир йилни,

100 йил бир асрнинг ўлчовини беради. Барча жараённинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби инсон умрида ҳам тугилмоқ, яшамоқ ва вақти-соати келиб бу дунёни тарк этмоқ қонунияти мавжуд.

Вақт дея аталмиш олий ҳакам эса ҳаёт давомида қилинган амалларнинг барчасининг ана шу ўлчовлар билан сарҳисоб қиласди. Абдулхай Абдураҳмоновнинг (1994) "Рӯҳ сирлари" (Т.: "Фан", 2006, 191-1926) китобида вақт ўлчовлари ҳақида қизқарли маълумотлар келтирилган.

Ердаги вақт	Коинот вақти билан
100 йил	3 соат 6 дақиқа 60 сония
63 йил	2 соат 13 дақиқа 34 сония
10 йил	20 дақиқа 20 сония
1 йил (366 кун)	2 дақиқа 2 сония
10800 кун	1 соат
180 кун	1 дақиқа
72 соат	1 сония

Эътибор беринг, Ерда 63 йил ҳаёт кечирган одам коинот вақти билан бор йўғи 2 соату 13 дақиқа 34 сония яшаб ўтган бўлар экан: Ёки, коинотдаги узок сайёralарнинг бирида 10 кун туриб қайтилганда, Ерда 720 йил ўтиб кетар экан<sup>1</sup>.

Куръони каримда бизнинг ўлчовларимиздаги кун билан минг, ҳатто эллик минг йилга teng келадиган кунлар борлиги зикр қилинган. Яъни қуръонда фаришталарнинг бу ҳисоби билан эллик минг кунга teng бўлган бир кун (муддат ичи)да Аллоҳнинг даргоҳида юксалганлари хикоя қилинади (қаранг: Тусунхўжа Ҳидоятхўжаев. Кексалик ҳикматлари. Т., "Мовароунахр", 2005, 339 бет).

<sup>1</sup> Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: "Мовароунахр", 2001, 633 бет.

### 1.3. ЭРА, МИЛОД ВА ЙИЛ ЎЛЧОВЛАРИ

Вакт ўлчови ёрдамида эра, милод ёхуд давр ва йиллар ҳисоби амалга оширилади. Эра, милод сўзлари давр ҳисоблалинг номлари, эра – лотинча “айрим сон”, “бошлангич рақам”, Милод эса арабча “туғилиш”, “Янги” деган маъноларни беради.

Эра, ҳақиқатдан юз берган бирор катта воқеа, ҳодисадан бошланган. Масалан, қадимги юнонларда йил ҳисоби муқаддас Олимп тоги ёнбагирларида биринчи Олимпиада ўйинлари бошланган пайтдан, яъни **эрамиз (милод)дан олдинги 776 йилдан то эрамиздан олдинги 394 йилгача бўлган**.

Лотинларда ака-ука Ромул ва Ремларнинг **эрамиздан олдинги 753 йилда Рим (Рома) шахрига асос солган кундан, мусулмонларда эса, Пайғамбар Мұхаммад алайхиссаломнинг эрамиз (милодий)нинг 622 йили Маккадан Мадинага ҳижрат қилган (кўчиб ўтган) пайтдан бошланган деб қабул килинган**.

Хозирги янги эра (милодий) Исо пайғамбар туғилган кундан бошланган деб қабул қилинган. “Эрамиздан ёки милоддан олдин фалон йилда” деганда Исо пайғамбар туғилган 1-чи йилдан олдинги даврлар тушунилади. Исо алайхиссалом яхудий миллитига мансуб бўлиб, тахминан милодий 1-33 йилларда Фаластинда, хозирги Исроилда яшаб ўтган. Ислом илоҳиётшунослигига Исо Биби Марям мухаррам ойининг ўн бешида, якшанба куни онаси Биби Марямдан отасиз туттилган; бор йўги 33 йил умр кўрган; ражаб ойининг еттинчисида, пайшанба куни Худованд амри билан осмонга кўтарилиб кетган то қиёматгача тирик деб талқин қилинади.<sup>1</sup>

Милодий йил ҳисобини ҳам Исо алайхиссалом туғилган санадан бошлиб ҳисоблаш қабул қилинган. демак жорий илини яъни 2020 йилда Исо алайхиссалом туғилганига 2020 йил тўлди.

<sup>1</sup> Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2001, 136 бет.

Йил – Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиши даври. Астрономияда 4 хил йил ҳисоби бор:

- 1) Юлдуз йили – 365,2564 кунга;
- 2) Тропик йили – 365,2422 кунга;
- 3) Календарь йили, яъни ҳозирги григорян тақвими бўйича – 365,2425 кунга;
- 4) Қамарий – ой йили 12 синодик ойга, яъни 354,3671 кунга тенг.

Қамарий йил ҳижрий йил деб ҳам аталади<sup>1</sup>.

Ҳижрий йилдан милодий йилни чиқариш учун ҳижрий йилни 0,97 га кўпайтириб, чиқсан натижага 622 ни қўшамиз. Масалан, Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратлари 150-нчи йили вафот этганлар:

$$150 \cdot 0,97 = 145,5 + 622 = 767,5$$

Демак, у зот милодий 767 йилда вафот этган эканлар (қолдиқ сон ҳисобга олинмайди).

#### 1.4. ФАСЛ ҮЛЧОВЛАРИ

Биз кузу қиши, баҳору ёз дея таърифлайдиган фасллар ҳам вақт үлчови билан ном топади (2021).

Демак, 2021 йил 12 ой, 54 ҳафта ва 365 кундан иборат. Фасл билан ой орасида, ой билан ҳафта орасида, ҳафта билан кунлар орасида ВАҚТ ётади ва уларни мазмунан ажратади. Вақт матосидан кун, ҳафта, ой ва фасллар либоси тикилади.

Ўрта Осиё худудларида баҳор ва куз фасли қисқа – ҳар бири таҳминан 2 ойдан, ёз ва қиши фасли узун, ҳар бири 4 ойдан давом этади. Ой тақвимида Ой ер атрофини Гарбдан Шарққа томон айланиб, Қуёш тўғрисига келиши ой боши дейилади. Лекин бу вақтда ой кўринмайди. 1-2 кундан кейин, янги ой Гарбда кечқурун ўроқ шаклида кўринади. Ой бошидан иккинчи ой бошигача 29,5 суткани ташкил қиласи.

<sup>1</sup> Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: "Мовароуннахр", 2001, 633 бет.

Фасллар	Ойлар	Ҳафталар рақамлари, сони	Кунлар
Куз	Сентябрь	35, 36, 37, 38, 39	30
	Октябрь	40, 41, 42, 43, 44	31
	Ноябрь	45, 46, 47, 48, 49	30
Қиши	Декабрь	49, 50, 51, 52, 53	31
	Январь	1, 2, 3, 4, 5	31
	Февраль	5, 6, 7, 8, 9	28
Баҳор	Март	9, 10, 11, 12, 13, 14	31
	Апрель	14, 15, 16, 17, 18	30
	Май	18, 19, 20, 21, 22	31
Ёз	Июнь	23, 24, 25, 26, 27	30
	Июль	27, 28, 29, 30, 31	31
	Август	31, 32, 33, 34, 35	31
4	12	54	365

Ернинг қүёш атрофида айланиб ўтаётганида кун ва туннинг teng келиб қолган вақти.

- 21-22 март баҳор фаслининг бошланиши, йилнинг дастлабки кунлари – Наврӯз байрами ўтказилади ва унинг биринчи ойи ҳамал деб аталади.

Қуёшнинг ёзги туриш нуқтасидан ўтиши, куннинг энг узун пайти, яъни:

- 21-22 июнь ёз фаслининг бошланиши. 25 июндан 6 августанча ёз чилласи давом этади. Бу давр йилнинг энг жазира мааниси пайтлари бўлади.

Қуёшнинг кузги кун ва туннинг teng кунлиги нуқтасидан ўтиши, яъни:

- 23 сентябрь куз фаслининг бошланиши.

Қуёшнинг қиши туриш нуқтасидан ўтиши, яъни.

- 21-22 декабрь қишининг бошланиши деб қабул қилинган. 25 декабрдан 6 февралгача қиши чилласи давом этади. Бу давр йилнинг энг совуқ пайтлари бўлади.

## 1.5. МУЧАЛ ЙИЛ ЎЛЧОВЛАРИ

Аждодларимиз мучал йил ҳисобидан жуда кенг фойдаланишган ва ҳозиргача фойдаланилади. Мучал йили 12 ҳайвон номи билан аталади. Бундай ҳисоб дастлаб қадимги муғил, Хитой ва бутун туркий халқлар, кейинчалик Осиёнинг бошқа халқлари орасида тарқалган.

**Мучал йили 21–22 мартағи баҳорги  
төң күнлик кунидан бошланади**

Мучалнинг 12 йилга, яъни ҳар бир йили бир ҳайвоннинг номи билан аталадиган ва йил боши 21 мартдан бошлаб келгуси йилнинг 20 мартағи қадар давом этадиган йил ҳисоби.

Қуидаги жадвалда эски мучал тақвимининг ҳозирги ҳисоб бўйича қайси йилларга тўғри келиши 2043 йилгача кўрсатилган. (Қавс ости ҳайвонларнинг форсча номи келтирилган).

**Мучал номлари ва йиллари**

№	Ҳайвонлар номи	ЙИЛЛАР											
		1900	12	24	36	48	60	72	84	96	08	20	32
1.	Сичқон (Муш)	1900	12	24	36	48	60	72	84	96	08	20	32
2.	Сигир (Бақар)	1901	13	25	37	49	61	73	85	97	09	21	33
3.	Йўлбарс (Паланг)	1902	14	26	38	50	62	74	86	98	10	22	34
4.	Қуён (Харгуш)	1903	15	27	39	51	63	75	87	99	11	23	35
5.	Балиқ (Наҳанг)	1904	16	28	40	52	64	76	88	2000	12	24	36
6.	Илон (Мор)	1905	17	29	41	53	65	77	89	01	13	25	37
7.	От (Асп)	1906	18	30	42	54	66	78	90	02	14	26	38
8.	Қўй (Гусфанд)	1907	19	31	43	55	67	79	91	03	15	27	39
9.	Маймун (Ҳамдуна)	1908	20	32	44	56	68	80	92	04	16	28	40
10.	Товуқ (Мурғ)	1909	21	33	45	57	69	81	93	05	17	29	41
11.	Ит (Сак)	1910	22	34	46	58	70	82	94	06	18	30	42
12.	Тўнғиз (Хук)	1911	23	35	47	59	71	83	95	07	19	31	43

Қизиги шундаки, дунёning ранг-баранглигига монанд 12 мучал йилида ҳайвонлар шундай тартиб билан жойлаштирилганки, бу тартиб дунёning ишлари каби хилма-хиллик тимсоли тариқасида олинган. Дунёning ишлари яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром аралаш, орасида ҳамда кетма-кет келади. Ҳайвонлар:

- 1 ва 2-йил – ҳаром-ҳалол (сичқон, сигир);
- 3 ва 4-йил – ҳаром-ҳалол (йўлбарс, қўён);
- 5 ва 6-йили – ҳалол-ҳаром (балиқ, илон);
- 7 ва 8-йили – ҳалол-ҳалол (от, қўй);
- 9 ва 10-йили – ҳаром-ҳалол (маймун, товук);
- 11 ва 12-йили – ҳаром –ҳаром (ит, тўнгиз).

Иyllарнинг бундай тартибда жойлаштирилиши дунёning ранг-баранглигига ва бир-бирига зид жуфтларнинг курашига ишорадир. Бу қарама-қарши кучлар кураши, уларнинг ўзаро тўқнашуви ҳаракатни келтириб чиқаради ва ҳаёт чархпалагини айлантираверади.

### 1.6. ШАМСИЙ (ҚҮЁШ) ЙИЛИ, ОЙЛАРИ

Шамсий – қүёш йили ҳисоби ҳижрий, яъни – 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик куни – 21-22 марта (Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган кунидан) бошланган.

Кейинги йил бошлари эса 20, 21, 22 марта тўғри келади. Давомийлиги ҳозирги Григорян тавқимидағи каби 365 ёки 366 кундан иборат. Бу тақвим салжуқий хукмдор Маликшоҳ жукронлиги даври (1072-1092 йиллар)да қабул қилинган.

Ҳижрий-қамарий ойлар 29 ёки 30 кун бўлади. Шу сабабли бир ҳижрий-қамарий йил 354 кун бўлиб, мелодий йилдан 1 кун кам бўлади. Ҳижрий-қамарий тақвимнинг биринчи уни Мухаррам ойининг биринчи кунидан бошланади.

Хут (февраль) ойида ҳар тўрт йилда бир марта 29 кун кела-  
ва бу йил кабиса, яъни “улуғ йил” деб аталади.

JIZZAX DPU

INV № 119629  
АХРОДОЛ

Шамсий иили ойлари, унсурлари ва буржлар номлари

№	Ой номлари (руса)	Унсури	Хомий сайёralар	Бошланадиган ва тамомланадиган сана	Буржлар (зодиак) номи ўзбекча
1.	Ҳамал (март)	Олов	Марс ва Плутон	21.03-20.04	Қўй
2.	Савр (уа) (апрел)	Ер	Зуҳро (Венера) ва Ҳийрон	21.04-21.05	Сигир
3.	Жавзо (май)	Ҳаво	Меркурий ва Прозерпина	22.05-21.06	Этизаклар
4.	Сарнатон (июнь)	Сув	Ой (Қамар)	22.06-22.07	Қискичбака
5.	Асад (июль)	Олов	Күёш (Шамс)	23.07-22.08	Арслон, шер
6.	Суннбула (август)	Ер	Прозерпина ва Меркурий	23.08-22.09	Бошок
7.	Мезон (сентябрь)	Ҳаво	Ҳирон ва Зуҳра (Венера)	23.09-22.10	Тарозу
8.	Ақраб (октябрь)	Сув	Плутон ва Марс	23.10-21.11	Чаён
9.	Қавс (ноябрь)	Олов	Юпитер ва Нептун	22.11-21.12	Ёй, камон
10.	Жадий (декабрь)	Ер	Сатурн ва Уран	22.12-21.01	Тор Эчкиси
11.	Даъл (январь)	Ҳаво	Уран ва Сатурн	21.01-19.02	Қовға, челак
12.	Хут (февраль)	Сув	Нептун ва Юпитер	20.02-20.03	Балиқ

## 1.7. ОЛАМ НЕЧА КУНДА ЯРАТИЛГАН?

Тангри таоло оламни олти кунда яратди:

1.	Якшанба – 1 кун	Осмонни яратди
2.	Душанба – 2 кун	Ойни, қүёшни, юлдузларни яратиб, фалак ичига жойлаштириди.
3.	Сешанба – 3 кун	Қушлар, қурт-қумурсқаларни, фариштиларни яратди
4.	Чоршанба – 4 кун	Сувни яратди, елларни, булувларни чиқарди, дараҳтлар, ўт-ўланларни яратди, ҳаммага ризқ-рўз улашиди
5.	Пайшанба – 6 кун	Жаннат ва дўзахни, раҳмат ва азоб фаришталарини ҳамда ҳурларни яратди
6.	Жума – 6 кун	Ҳазрат Одам Атони яратди
7.	Шанба – 7 кун	Ҳеч нарса яратмади

Тавротда эса оламнинг яратилиши ҳақида қўйидағича хабар берилади: худованд дастлаб фаришталарни, сўнгра осмон билан ерни яратди. Ер ҳали шаклсиз, қўримсиз, бўм-бўш бўлиб, бепоён фазо узра қоронгилик ҳукм сурар, худованднинг рухи эса сув юзида парвоз этар (кезиб юрар) эди, дейилади [9, 29-бет]:

№	Хафта кунлари	ИЗОҲ
1.	Биринчи кун	Ёруғликни яратиб, ёруғликни – кундуз, қоронгуликни – кеча деб атади, яъни ёруғлик ва қоронгуликни бир-биридан ажратди.
2.	Иккинчи кун	Бепоён осмонни яратди
3.	Учинчи кун	Куруқлик, ер билан сувни, ўсимликларни, ўт-ўланлар ва дараҳтларни яратди
4.	Тўртинчи кун	Кунни бошқариш учун қўёшни ва тунни бошқариш учун ой ва юлдузларни яратди ва уларни осмон гумбазида жойлаштириди

5.	Бешинчи кун	Худованд сувда яшовчи турли-туман жониворларни ҳамда қүш, паррандаларни яратди
6.	Олтинчи кун	Худованд ерда яшайдиган жониворларни, ёввойи ҳайвонларни, даррандаларни, чорвани, курт-құмұрсқаларни яратди. Ундан кейин Худованд ўз қиёфасига ўхшатиб, Одам Атони ва унинг жуфти Момо Ҳаввони яратди
7.	Еттинчи кун	Худованд ўз фаолиятини тамомлаб, барча қылған ишларидан тинди. Худованд бу кунни муборак ва муқаддас қилиб айирди, чунки ушбу кунда У Ызини бутун яратиш фаолиятидан тинган, деб ёзилган.

### 1.8. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ҚАҢДАЙ НОМЛАНГАН?

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эхтиёжлар, талаблари ва ҳәёттій тамойиллари бўлади. Ҳар бир замоннинг ўз займи, қарашлари, муносабатлари, тафаккур тарзи мавжуд. Ўзбекистонда ўтган 26 йил мобайнида бутунлай янги тарихий шароитларда, янги давлатчиликка, асос солинди. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти вужудга келтирилди.

Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий, соҳада туб бурилишлар ясалди. Ташқи сиёсатда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли субъектига айланди. Ва ўзининг қатъий сиёсий позициясини намоён этди. Дунёнинг энг кучли ва катта давлатлари Ўзбекистон билан ҳисоблашадиган, унинг умумдунёвий масалаларига тегишли фикр ва холосаларини инобатга оладиган бўлиб қолади.

Мустақиллик Ўзбекистонга мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаш ва ҳар бир йилни унинг номи билан аташ имкониятини берди. Мана ўша йилларнинг номи:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан  
йилларнинг номланиши

- 1991 – Ҳазрат Алишер Навоий йили.  
1996 – Амир Темур йили.  
1997 – Инсон манфаатлари йили.  
1998 – Оила йили.  
1999 – Аёллар йили.  
2000 – Соғлом авлод йили.  
2001 – Оналар ва болалар йили.  
2002 – Қарияларни қадрлаш йили.  
2003 – Обод маҳалла йили.  
2004 – Мехр ва муруват йили.  
2005 – Сиҳат –саломатлик йили.  
2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили.  
2007 – Ижтимоий ҳимоя йили.  
2008 – Ёшлиар йили.  
2009 – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.  
2010 – Баркамол авлод йили.  
2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.  
2012 – Мустаҳкам оила йили.  
2013 – Обод турмуш йили.  
2014 – Соғлом бола йили.  
2015 – Кексаларни эъзозлаш йили.  
2016 – Соғлом она ва бола йили.  
2017 – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили.  
2018 – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш.  
2019 – Инновацион фаолликни ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш.  
2020 – Илм-фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили.  
2021 – Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва саломатликни мустаҳкамлаш.  
2022 – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили.  
2023 – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили.

Ана шу нүктаи назардан айтиш мумкинки, 2017 йил Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёт ва ривожланишида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Бу бевосита Замон билан ҳамнафас ҳозирги цивилизация талабларига жавоб берадиган, бугунги кун миллий ва дунёвий эҳтиёжларни назарда тутган, жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари билан миллий хусусиятларимиз, қадриятларимиз, давлатчилик усул ва услубларимиз ўйғуналашиб кетган, синтезлашган кучли ва қудратли сиёсий тафаккур билан боғлиқ.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар Стратегияси” айни ана шу замонавий тафаккурни: мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни ривожлантириш, бошқарувни эркинлаштириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш билан бирга ҳалқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўз сўзи, қатъий холосаси, умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда, ички ва ташқи сиёсатда ўзгармас, изчил позициянинг мавжудлиги асносида намоён этади.

Ушбу стратегия мамлакат тараққиётининг ҳар томонлама ва муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

### 1.9. МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАЙСИ КУНЛАР БАЙРАМ КУНЛАРИ ДЕБ БЕЛГИЛАНГАН?

Қуйидаги кунлар мамлакатимизда иш куни бўлмаган расмий байрамлар жорий этилган.

- 1 январь – Янги йил байрами.
- 8 март – Ҳалқаро хотин-қизлар куни.
- 21 март – Наврӯз байрами.
- 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни.
- 1 сентябрь – Мустақиллик куни.
- 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.
- 8 декабрь – Конституция куни.
- Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) – июль.
- Курбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) – сентябрь.

Ҳайит кунлари диний идоранинг аниқланган маълумотларига биноан бир кунга ўзгариши мумкин. Ушбу иш куни бўлмаган кунлардан ташқари иш куни бўлса-да турли касб эталарининг байрамлари ҳам мамлакатимиз миқёсида белгиланган. Жумладан:

- оммавий ахборот воситалари куни.
- 9-10 ноябрь – миллатларо бағрикенглик куни.
- Ҳар йили апрель ойининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон геологлари куни.
- 2 сентябрь – бутун жаҳон статистиклар куни (ҳар тўрт йил охири).
- 7 ноябрь – тиббиёт ҳодимлари куни 2020
- 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмаси ҳодимлари куни
  - 16 ноябрь – бутун жаҳон болалар куни.
  - 19 ноябрь – тадбиркор аёллар куни.
  - 9 декабрь – халқаро коррупцияга қарши кураш.
  - 9 декабрь – коронавирусга қарши курашиш куни.
  - декабрь ойининг иккинчи якшанбаси – Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ҳодимлар куни ва ҳ.к.

### 1.10. ВАҚТ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ АСТРОНОМИК МАЪЛУМОТЛАР<sup>1</sup>

- Ердан Ойгача бўлган масофа – 384 000 км.
- Ойнинг диаметри 3476 км.
- Қуёш Ердан 109 баравар катта
- Қуёш нури ерга 8 дақиқада етиб келади.
- Қуёшнинг устки қисми иссиқлиги 6000 градус.
- Ер ва Қуёш орасидаги масофа 149,6 млн.км.
- Ернинг умумий майдони 510 млн.кв.км.
- Ернинг тахминий вазни 600 трлн.тонна.
- Юпитер сайёрасининг вазни қолган барча сайёralар вазнидан катта.

<sup>1</sup> Дунё, Сиёsat, Жамият. Тузувчи, Ориф Аюпов. – Т.: “Зиё” нашриёти, 2017, 191 бет.

- Галактикамизда 200 миллиардан ортиқ юлдузлар мавжуд улардан бири Қүёш.
- Охирги бир-нече минг йилларда Ернинг оғирлиги бир-нече миллиард тоннага оғирлашды (тушган метеоритлар ва космик чанг ҳисобига).
- "Қора гирдоб"нинг оғирлиги Қуёш оғирлигидан 6 млрд баробар ортиқ.
  - Қуёш тизимидағи сайдерларда бир сутка:
  - Ерда – 24,0 соатта тенг.
  - Меркурийда – 8,8 соатта тенг.
  - Марсда – 24,6 соатта тенг.
  - Юпитерда – 9,9 соатта тенг.
  - Сатурнда – 10,3 соатта тенг.
  - Уранда – 10,7 соатта тенг.
  - Нептунда – 15,8 соатта тенг.

## 2 БОБ

# ВАҚТ ҚАДРИ

Бугун Инсон шошайпти. Лекин ҳеч нарсага улгуролмаяпти. Сабаби – вақт зиқ. Вақт йўқ. Тараккиётнинг ҳалокатли уммонида жони ҳалак. Елади, югуради. Тонг отади – кун ботади. Лаҳзада умрнинг бир куни кетади. Цивилизация гёёки инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаёттандайдай. Ҳа, цивилизация узоқни яқинимизга олиб келди – дунёнинг нариги бурчи аҳмоқларгагина эмас, биз одамларга ҳам бир қадам бўлиб қолди... Нега унда биз ҳеч нарса, кўп нарса қилишга улгуролмаяпмиз?

Жавоб битта, яъни инсон ҳар бир лаҳзанинг қадрига етмагани сабабли, улгурмаяпти. Бошқача қилиб айтганда, вақтнинг қуидагича хусусиятларига нисбатан бефарқмиз.

### ВАҚТ ХУСУСИЯТЛАРИ

- Лаҳза қадри
- Вақт – бу умр
- Вақт – бу оқар дарё
- Вақт – бу пул
- Вақт – бу олий ҳакам

#### 2.1. ЛАҲЗА ҚАДРИ

– ЛАҲЗА... Ана шу бир лаҳза, бир нафақда биз бормиз ёки йўқмиз, кўхна дунё эса қиёмат қадар бардавом... Инсон умрининг нимадир маъноси бўлса, у шу лаҳзани хотирада нақшлаши ғамининг гўзаллиги, севинчининг тўпоришлиги билан шу вақт оралиғида ўзи ҳам тирик қола олишидир. Ва бу кўнгилнинг ростлиги ва мардлигидан, юракнинг қонига чўмилиб,

қайта туғилган оддий, ўткинчи лаҳза мұйжизавий, мангу лаҳзага эврилади. Бу мангу лаҳзада инсонга хос барча эңг ўлмас хис-түйғулар қиёматтагача келажакнинг юрагидан ўтади.

- Оқиб ўтган умрни қайтаришга илож йўқ, қўлдан кетган вақтта етишишга имкон йўқ.
- Рубоий:

Дилга тонг солувчи лаҳзани қидир,  
Ақлу-онг солувчи лаҳзани қидир.  
Номим минг йил қолсин десанг минг йиллик,  
Йўлга бонг солувчи лаҳзани қидир.

Ҳазрат Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида айнан инсон умри ва ҳаётининг ҳар бир нафас ва лаҳзасига улуғ бир неъмат, дея таъриф-тавсиф беради.

Дарҳақиқат, нафас – бу тирикликтининг асоси ва устунидир. бу оламда яшаб турган ҳар бир жонзоттинг тириклиги бевосита шу нафас билан боғлиқ. Нафас ҳаво маъносидан ташқари вақт ва ҳаёт деган маънени ҳам англатади. Ҳазрат Навоий ҳар бир нафасни жавҳар билан тенг кўриб, бу жавҳарни гаронмоя (қимматбаҳо) деб ташбех қилган. Шунинг учун инсон буни ғанимат (ўлжа) деб билиши керакки, бу ўлжани қўлдан чиқаргандан кейин қайтадан тута олмайди.

Шу ўринда хотирлашимиз керак бўлган ибратли бир ривоят бор.

## РИВОЯТ

Ривоят қилишларича, қадимда бир машшоқ ўлимга ҳукм этилибди. "Эрталабгача тоат-ибодатда бўл, тонгга яқин дорга осиласан" дейишибди унга. Тун ярмида машшоқнинг уйидан ҳазин нола таралибди. Подшо одамлари эшик тирқишидан қарашса, созанда берилиб куй чалаётганмиш! "Хой, нодон, ўлиминг кутиб турибди-ю, бу ёқда сен бемалол куй хониш қилаётисан", дебдилар. Шунда машшоқ: "Мен учун вақт қадри. Тонгга қадар яна бир куй яратиш ҳаракатидаман.

- “Одамлар мени шу күй туфайли эслаб юришар”, деяпти машшоқ. Ҳар бир лаҳза у учун ғанимат.
  - Одамлар бор, сонияни санаб, ўзидан боғу бўстон қолдиришга бел боғлайди.
  - Одамлар бор, вақтни қандай ўтказолмай жони ҳалак.
  - Одамлар бор, эл-улусга нафи тегмаган, ўзгалар корига ярамаган дамларини умри ҳисобига кўшишга уялади.
- Одамлар бор, бирорларнинг қадамини пойлайди...

### ВАҚТ ХУСУСИЯТЛАРИ



Зўравонлик билан вақтни бўйсундираолмайсиз. Сиз уни кесмасангиз, у сизни қималаб ташлайди:




Вақтни овлай олмайсиз ҳам!



Вақтни бирөвдан қарзға ололмайсиз ҳам!



...Бирөвга қарз беролмайсиз ҳам!



...Олиб қочолмайсиз ҳам. Унинг тутқич бериши қийин!

Ақлли ва донишманд кишилар умрни қадрлаб, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қылғанлар. Бир файласуф шундай деган: “Вақт бизнинг энг арzon ва айни вақтда энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсага эришамиз”. Дарҳақиқат, танамизга кириб-чиқаётган ҳар бир нафас бизни абадий тарқ этаётган бетакрор вақтимизнинг ифодасидир. Шу ўринда яна, бир ҳаётий мисолни келтириш жоиз. Маъруза пайти талабалар профессордан вақтнинг қадрини қандай билиш мумкинлиги ҳақида сўрашибди.

Профессор саволга:

- Бир йилнинг қадрини сўнгти имтиҳондан ийқилган битиравчи талабадан;
- Бир ойнинг қадрини тўлғоқ муддатидан олдин тутган онадан;
- Бир ҳафтанинг қадрини ҳафтада бир марта нашр этиладиган газета муҳарриридан;
- Бир куннинг қадрини қаттиқ касал бўлган кишидан;
- Бир соатнинг қадрини суюклисини интиқ кутаётган ошиқдан;
- Бир дақиқанинг қадрини поездга кеч қолган йўловчидан;
- Бир сониянинг қадрини ҳалокатга йўлиқкан одамдан;
- Бир сониядан кичик улушнинг қадрини Олимпияда ўйинларида кумуш медални қўлга киритган спортчидан сўранг – дей жавоб берган экан.

Қиссадан хисса ўрнида,

---

Гап келди

Азизлар!

Бир оддий ҳақиқатни унутмайлик. Умр ўткинчи эмас, аксинча вақтимиз ҳисобли. Яратганинг инояти или олаётган бир лаҳзалик нафасимиз ҳам аслида ганимат. Унинг ҳар бир дақиқасини қадрлайлик. Акс ҳолда эртага армонда қоламиз. Вақт ғаниматдир.

Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини қадрланг, чунки уни қайта яшолмайсиз. Лаҳза бебаҳодир.

---

## Альберт Эйнштейн нима дейди?

Немис физик олими, Нобель мүкофоти лауреати Альберт Эйнштейн (1879-1995) вақт қадри ҳақида шундай деди:

“Хаёт – улуғвор томоша, у менга ёқади, агар бир киши келиб менга уч соатдан кейин ўласан десалар, мен ундан ҳеч ажабланмас, саросимага ҳам тушмас эдим. Аввало, шу уч соат вақтдан қандай фойдаланиш ҳақида ўйлар, сўнгра қоғоз-қаламимни йигиштириб ўлимга тайёр ётар эдим!”

Вақтнинг тавсифи академик шоиримиз Гафур Гуломдан (1903-1976) яхшироқ таърифлаш қийин. Ёшлигимизда мактабда тутган дафтарларимизнинг муқовасида Гафур Гуломнинг сурати ҳамда унинг тўрт қатор шеъри бўларди. Бу мисралар ҳануз хотирамда:

Азиз асримизнинг азиз онлари  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Ажойиб сатрлар, дарҳақиқат, шоҳ сатрлар.

Умр фурсатларнинг жамулжамидир. Фурсатлар ўз эгасидан уни бекорга ўтказмасликни талаб қиласи, дейди хассос шоир бобомиз.

Шу маънода,

---

Гап келди:      Азизлар! Унутманг! Бир дақиқа ҳам оз фурсат эмас. Шу бир дақиқа ичидаги ҳам қанча ишни амалга оширса бўлади. Айтмоқчи бўлганим, вақт оз, деб кўп нолиймизу, лекин бир дақиқанинг ҳам аслида катта фурсат эканини билмаймиз. Олдингизга қандай мақсад кўйган бўлсангиз, шунга эришишга етарли имконият, вақт бор. Фақат бу вақтни бой бермасангиз бас. Уни йўқотганингиздагина, вақтни жуда тез ўтказиб юборган бўласиз.

Инсон ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланиши керак. Вақт кутиб турмайди.

---

## ТҮРТЛИКЛАР

Умр бир лаҳзадир,  
Ўтар-у кетар.  
Ҳар лаҳзанинг  
Минг бир маънолари бор.  
Тилак шу – биз кечган,  
Йиллар-у йўллар  
Бари манзиллардан  
Бўлгай устувор.

**Ҳар бир лаҳзани ғанимат деб билинг!**

Бўш вақтни ғанимат билиб, фойдали ва эзгу ишларга бағищламоқ даркор. Агар бўш вақт яхши ишлар билан тўлдирилмаса, у албатта, ёмон ва келажакда зиён бўладиган ишлар билан тўлади. Киши ишдан ва бошқа зарурӣ нарсалардан қутулиб, бўш вақт топса, уни ҳам ғанимат билиши керак. Ҳеч бўлмаганда китоб ўқиш, бирон нарса ўрганиш, бирорта фойдали иш билан машғул бўлиш ёки қариндошлар билан кўршиш, касални бориб кўриш ва ҳоказо ишлар билан бўш вақтдан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Негаки, гирт бекорчилик киши онгига турли васвасаларни, беҳуда фикрларни олиб келади. Қалбга гам-андуҳ эшигини очади. Турли-туман шаҳвоний ишларга етаклайди.

**86400 доллар ...**

Ҳар бир кун ўтади, ҳар бир соат ниҳоясини топади ва ҳар бир лаҳза кезувчиидир, уни ортга қайтариш ёки бошқаси билан алмаштиришнинг имкони йўқ.

Фараз қилинг, шундай банк борки, у ҳар куни эрталаб ҳисобингизга 86400 доллар қўяди. Лекин бу банк ҳар кунлик қолдиқни сақламайди. Ҳар кеча у сиз ишлатмаган қолдиқни охирги тийинигача нолга тенглаштиради. Сиз нима қиласиз? Албатта, ҳар куни охирги тийинигача ишлатишга ҳаракат қиласиз!!! Шуни билингки, ҳаммамизнинг шу банқда ҳисобимиз мавжуд. Унинг номи Вақт.

Ҳар куни эрталаб бу банк сизнинг ҳисобингизга 86400 сония ўтказади.

Яńни, 24 соат \* 60 дақиқа = 1440 дақиқа

1440 дақиқа \* 60 сония = 86400 сония

Хар кеча бу банк маълумотларни ўчиради ва бу кредитнинг қайси қисми керакли мақсадларга сарфланмаганлигига қарайди. Бу банк пулларни сақламайди ва уларни бошқа хисобларга ўтказишга ҳам йўл қўймайди. Хар куни янги хисоб очилади. Хар кеча бир кунлик қолдик, яńни ишлатилмаган пуллар бекор қилинади. Агар сиз бу пулларни ишлатмасангиз – фақат йўқотасиз. Биз орқага қайтишимиз ёки эртанги кредитни қарзга олиб туришимиз мумкин эмас. Сиз, бугун сизга берилгани билан ҳозир яшашингиз керак. Пулларни шундай ишга тикингки, бундан соғлиғингизга, баҳтингизга ва ишингизга фойдаси тегсин. Шунингдек, сиз бу пулларга савоб ёки гуноҳ сотиб олишингиз ва шундай қилиб амаллар халтасини савоб ёки гуноҳ амалларга тўлдиришингиз мумкин. Соат миллари айланишда давом этмоқда. Бугун вақтдан максимум даражада фойдаланинг.

Филжумла ўрнида,

Гап келди:

Киприкдаги ёш киприк учун бир лаҳзалик юк. Одам умрининг фурсати ҳам худди шундай. Модомики, шундай экан, Сиз яшайдан ҳар бир дақиқа нинг қадрига етинг. Кеча? Бу тарих. Эртага? Бу сир ... шунинг учун имкониятингизда фақат Ҳозир бор! Яна бир нарсани унутманг: вақт сизни кутиб ўтирумайди! Шунинг учун сиз эгалик қилаётган ҳар бир дақиқа нинг қадрига етинг. Яратган сизга инъом этган, сизга ажратилган вақт чексиз эмас. Инсон ёргу дунёдан юз ўтириб, охират сари юзланган вақтида ўзига яна бир оз муҳлат берилишини ёки йўқотган нарсасини тўғрилаб, бузганини тузатиб олиш учун озгина вақтнинг ортга қайтарилишини орзу қиласи.

Шулардан келиб чиқиб айтиш жоизки, ҳар бир киши ўзига берилган қисқа умрни фойдали ишларга сарфлаши, илм олиши, ҳунар ўрганиши ёки тадбиркорлик, тижорат каби касб-кор қилиши ва жамият манфаатига ҳаракат қилиши айни муддаодир.

## 2.2. ВАҚТДАН ЎЗГАН УМРЛАР

Одам вақт исканжасида, яъни инсон доимо вақтнинг ичидә. Айтайлик, мен ҳозир кундуз куни соат 9<sup>00</sup> институтдаман, сиз эса худди шу куннинг шу пайтида бошқа жойдасиз. Бир неча соат ўтиши билан бугун тугайди. Соат миллари яна янги куннинг вақтини кўрсата бошлайди. Шу тартибда, олайлик, йил ўтади. Бу ҳамма учун бирдек тегишли, таъбир жоиз бўлса, умумий вақт. Инсон ана шу вақтнинг ичи (исканжаси)да. Лекин ҳар бир одамга алоҳида тегишли бўлган вақт тушунчаси ҳам бор. Буниси энди инсоннинг (нима десак экан) ичидағи вақт бўлади...

Биз кўп бора умрнинг қисқалиги, вақтнинг оқар сувданда тезроқ ўтиб кетиши ҳақида эшитганмиз, кўрганмиз, ўқиганмиз. Дарҳақиқат, вақт шундай бир пойгачики, у манту ғолиб, у шундай чегара билмаски, уни қамаб қўйган тақдирда ҳам ўз кучини кўрсатаверади, на унга етиб на у билан олишиб бўлади.

Шундай экан фақатгина, бир ҳолатдагина инсонлар у билан баҳслаша оладилар бу ҳам бўлса, ҳар бир сонияда китоб мutoаласи, ижод, бунёдкорлик, изланувчанлик ва яратувчаник билан банд бўлганда, вақтдан ўзиб кетиш мумкин. Инсон шундайин қиматли иш билан шуғуллансинки, унинг бу ҳаракати ва шижиоатидан вақт шошиб қолсин. Вақтни шоширган, чўчитган воқеаларга, оламшумул ҳодисаларга дунё кўп бора гувоҳ бўлган.

Масалан, бобомиз Амир Темур Мовароуннахрни мўғул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиб, ўзаро урушларга барҳам бериш учун курашганда, эндинигина 24 ёшга қадам қўйган эди. Бухорий бобомиз барча илм сирлари билан қизиқиб, дунё кезиб, 60 мингдан зиёд ҳадис тўплаганда 16 ёшдан эндинигина ошганди. Ёки ҳазрат Навоий устози Лутфийни ҳайратда қолдириб, “Оразин ёпқоч” деб бошланувчи fazалини айтиб берганда 11 ёшли бола эди. Отаси вафотидан кейин таҳтта чиққан Бобур Мирзо 12 ёшда, бувиси Бибихонимни ҳоли-жонига қўймай, унга фалак илмига доир

саволларни тұхтосиз берган Улугбек 5-6 ёшли бола бўлгани кўпчиликка аён. Санайверсак, вақтдан ютган буюкларимиз ҳақида тарихда мисоллар кўп.

Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар"ни йигирма тўрт ёшида ёзганига ҳамманинг ҳам ишонтиси келавермайди. Кўпгина физик олимларнинг Нобел мукофотига сазовор бўлган буюк қашфиётлари ҳам шу ёшлар атрофида қилинган. Алберт Эйнштейн, Луи де Броил, Дирак, Гейзенберг, Шредингер шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бирини, миллатидан қатъий назар, барча ҳалқларнинг улуғ фарзандлари дегим келади. Ер юзида бу алломалар рўёбга чиқарган қашфиётлар бир бурда нон, бир чимдим туз каби кириб бормаган хонадон топилмаса керак.

Улар вақтнинг қадрини билишган. Faфур Ғулом айтмоқчи умр дафтарининг ҳар саҳифасини шоҳ сатрлар билан безаш моҳиятини жуда ёшликларидан идрок этишган.

Айнан ўша буюклар ўз шижоатлари, ҳаракатлари билан вақтидан илгари юрган кишилар бўлган. Қисқа умр қўрган бўлишса-да қолдирган излари яна кўпдан кўп асрлар яшайди, авлоддан авлодга кўчуб бораверади. Австриялик машҳур бастакор Франц Шуберт (1797-1828) атиги 31 йил яшаган бўлса-да, 20 та опера ва 600 га яқин қўшиқ яратган.

Ана шу қисқагина қайднома кишини мазмунли ва ўзгалиарга ўrnak бўлувчи умр кечириш кераклигига ундейди.



Вақтдан ўзиш мана бунақа бўлади!

## Илгарилаган одамлар ҳақида эртак

...Бор экан-да, йўқ экан Серқуёш хур ўлканинг энг" қайноқ кунжагидаги даштларда мол боқиб юрадиган бир хаёл-параст бўзбола бўларди. Шунга нима бўпти дейсизми? Ҳаксиз: ҳеч нима бўлгани йўқ. Лекин гап бу ҳақида эмас. Гап шундаки, ўша бўзбола нуқул вақтдан ютмоқчи бўларди. Фақат тенгқурлари тушда ҳам кўрмаган соҳилларга интилар, улар ўқимаган асарларни ўқиб, улар ўйлаб-да кўрмаган фикрларни айтарди. Ёшига номувофиқ барвақт улгайган бўзболанинг гап-сўзини эшитган катталар бир ҳайрон қолишса, бир ҳавас қилишарди...

Аммо ... бўзболанинг отаси бундан хурсанд бўлмай, ўғлини тез-тез шошилмасликка чақиравераркан, Қайсар ўғил ҳам йўлидан қайтмасди. Охир-оқибат бўзбола жуда тез улгайди: ёш йигирмада, гап-сўзлар эса – қирқни уриб қўйган шоввозларникidek вазмин, ақлли, пурмаъно ...

Орадан йиллар ўтди. Ва бир куни бўзбола ҳеч қачон қилмаган иши – ортига қайрилиб қаради-ю ... даҳшатга тушди. Тенгқурлари тутул ўзидан тўрт-беш ёш катталардан ҳам анча илгарила бетган бўзбола умрининг ортиқча босим билан кечтан кунларига, ҳаловатсиз соатларига, нафас бўғизига тиқилган дақиқаларига, сукунатсиз сонияларига ... назар ташларкан, миисига қон тепди: Нега бунча қониқмайман? Қаёққа шошиляпман ўзи?!. Нима учун чилпинишларсиз жи-и-м-гина яшашим мумкин эмас??!!

Шунда у қачондир отаси қоралаган "Кундалик дафтар" да ўқиган мана бу гаплар оғриғини илк бор ўзида туйди:

Сўқмоқ сендан илгари ҳам бор эди, сендан кейин ҳам бўлади ... Беҳисоб йўловчи сендан аввал ҳам бу йўлдан юрган, сендан сўнг ҳам юради ... Ҳеч ким бу манзилга сендан олдин ҳам барвақт боролмаган, сендан кейин ҳам етолмайди ...

Бу шунчаки бир эртак. Вақт билан бўладиган олишувда голиб чиқишига ҳаракат бўлиши лозим. Беҳудага вақтинг кетди нақдинг кетди, дейишмайди халқимизда. Бир дақиқани ҳам беҳуда ўтказмаган кишиларгина вақтни ўзига бўйсундирган ва уни ютган кишилар бўладилар.

Шу ўринда,

Гап келди:

Хаётдан бир шингил.

Бир дўстимни биламан. Қачон қарама, ишлагани ишлаган. Кечаси соат иккита кўнгироқ қилсангиз ҳам шу ҳол. Ишлаётган бўлади – ёзаяпман, дўст! Ёзаяпман, вақт оз, улгуролмай қоламан, деб қўрқаман, дейди у. У машаққатли ижоднинг нурли онларидан хузур қиласди, қалби илҳом олади, руҳи тетик. Чунки у маълум маънода вақтни ўз ботинига қамай олган. У вақтнинг исёнига қарши туролган шахс. Тўғри, қўлимиздан келадиган ишга, укувимиз етарли юмушга бор кучимизни сарфласак, вақтни бехуда ўтказмасак, бизнинг гийбатта ҳам, ҳасадга ҳам ҳафсаламиз қолмайди.

Эҳтимол, каминага шу дўстимдан юқсан бўлса, ажаб эмас.

### 2.3. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ВАҚТНИ БЎЙСУНДИРИШ МУМКИН?

“Инсоннома” китобининг (Т.: “Тафаккур қаноти”, 2014) муаллифи Бахтиёр Ҳайдаровнинг таъкидлашича инсонга жуда узоқ вақт эмас, балки баракали вақт зарур. Масалан, жуда узоқ вақт тўшакда ётилса, ҳатто пар ёстиқ ҳам бошга тошдек ботади. Боши-кети йўқ сериални узок томоша қилсангиз, охири кўз тиниб, бўйин умуртқаси толиб қолади. Юмшоқ курси кетингизни жизиллатиб “чақади”. Бундай узоқ вақтнинг кимга кераги (ёки фойдаси) бор?

Вақт хусусиятлари



1. Вақтни занжирлаб ўзингизга бўйсундира олмайсиз,  
биродар



2. Замонавий ускуналар билан ҳам вақтни ўзингизга  
бўйсундиришингиз мушкул



### 3. Вақтни күмиб ўзингизга захира ҳам ярата олмайсиз, биродар!

Эрталаб барвақт уйғониш ва бирорта фойдали иш билан машгул бўлишда ҳосият кўп. Вақтнинг баракаси эрта саҳарда эканлигини улуғларимиз таъкидлашган. Замонавий илм фаннинг аниқлашича, эрта саҳарда, қўёш чиқаётган пайтда алоҳида шифобахш хусусиятга эга бўлган нурлар таралади. Бу ҳосиятли нурларни қабул қилиш учун инсон танаси фақатгина вертикал (тик) ҳолатда бўлиши шарт экан.

“Эрта уйғониб, атрофни супуриб-сидириб, кўча дарвозани очиб қўйсангиз, хонадонга барака киради”, – дейишида кексаларимиз. Бу – юз фоиз ҳақ гап! Аммо эрта уйғониш масаласи кўнчилик учун муаммо. Шу сабабли француз лашкарбоши ва давлат арбоби, император Бонопарт Наполеонни (1769-1821) ҳар эрталаб тонгда: “Туринг, сизни буюк ишлар кутиб турибди”, деб уйғотишар эканлар.

**Хўш, Нима қилмоқ керак?**

### 1. Соат қўнғирогини ҳар куни бир вақтта тўғрилаб қўйинг.

Танамиз муайян ҳаракатга ўрганиб қолиш хусусиятига эга. Ҳар куни бир вақтда уйғонишга ҳаракат қилсангиз, борган сари бу нарса одат тусига кира бошлиди. Албатта,

дастлабки пайт бу “иш” жуда мушкулга ўхшаб туюлади. Дам олиш кунлари ҳам ўзингизни бўшаштирманг, ҳар кунги вақтда туринг. Шундагина организмнинг ички “соат”и бу тартибга мослашади, тез орада соат қўнғирофисиз ҳам керак вақтда уйғона оласиз.

### Имманиул Кантдан ўрганайлик!

Шаҳар кўчаларидағи уйларнинг пештоқидаги соатлар ҳам немис файласуфи Кантнинг (1724-1804) кундалик иш ва яшаш тартиби, унинг йўлдан ўтиб-қайтишига қараб тузатиб турилгани тўғрисидаги ривоятлар ҳам буюк олимнинг ўзига ниҳоятда талабчанглигидан далолат беради. ... Кантнинг ҳаёти ва турмуш тарзининг ўзиёқ жуда антиқа ва ажойиб бир фан дейиш мумкин. Нимжон, касалманц бўлиб туғилган Кант оқилона кун тартибини ҳеч қачон бузмагани учун узоқ ва энг муҳими, ҳар жиҳатдан соғлом ва сермазмун ҳаёт кечирган.

### 2. “Яна ўн дақиқа мизғиб олай ...”

Бу бефойда. Соат жирингладими – сакраб туришга ҳарарат қилинг. “Ўн дақиқа мизғиб олиш”дан ҳеч қандай фойда йўқ. Яна бир яхши усул: будильникни, яххиси, хонанинг нариги бурчагига қўйинг. Жиринглайвериб ғашингизга теса, уни ўчириш учун “ранжу машаққатлар билан” юриб борасиз. Энди қайта ўринга кириб ётмаганингиз маъқул!

### 3. Эрта туришни хоҳлаш керак.

Эрта уйғониш учун, аввало, бунга хоҳиш бўлиши керак. Агар истак чиндан ҳам жиддий бўлса, мия бунга қарши турли баҳона-сабаблар ўйлаб топишга уринмайди. Яна ўша гап: ҳамма нарса ниятга боғлиқ!

### Ҳикоя

Қизикувчан шогирдлардан бири пири комилни синаб кўрмоқчи бўлди. Боғдаги гулларга қўниб турган нафис капалакни тутиб, кафтлари орасига беркитди ва устози олдига бориб сўради:

– Қўлимдаги капалак тирикми ёки ўлик?

Шогирд агар "ўлик" деган жавоб олсам, капалакни учирин юбораман, устоз "тирик" деб айтса, кафларим билан қисиб ўлдираман, дея ўйлаганди. Пири комил шогирдининг мақсадини англади ва унинг қўлига ҳам қарамай деди:

– Ҳаммаси ўз қўлингда ...

**Демак, Вақт ўзимизги ҳам боғлиқ**

Баъзиларнинг соати қўпинча шошади, айримларники эса нуқул орқада қолади. Гап ҳамиша ҳам соатнинг соз ёки носозлигига эмас. Гап шундаки, бу вақт ҳисоблагичи, айни пайтда, бизнинг ички оламимизни ўзида акс эттириши ҳам мумкин. Яъни, ҳар биримиз, озгина бўлса-да, вақтга ўз хукмимизни ўтказа оламиз! Буни инкор этишга шошилманг. Ахир, ҳар бир инсон алоҳида бир дунё, кичик, лекин сирли олам эмасми? Бу митти оламнинг ўзига хос тўртинчи ўлчами ҳам бор.

Хуллас, кимнингки соати ҳамиша тўғри юрса, у ўз замони билан ҳамнафас, ҳамқадамдир. Соатингиз доим кечикса, ҳойнаҳой, ўзингиз ҳам ўтмишга, кечаги кунингизга bogланиб қолгансиз. Мабодо соат милларингиз шошса, демак, келажакка назар ташлашга ошиқаётган бўласиз. Борди-ю, соатингиз нуқул бузилаверса, эҳтимол, унинг сизга кераги йўқдир? Аникроғи, ўзингиз вақтни бошқаришни, ўз истагингизга кўра баҳти лаҳзаларни узайтириш ва кутиш онларини қисқартириш санъатини эгаллаб олгандирсиз?

Булар, аслида, янгилик эмас. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратларининг фикрича, "... ҳар ким ўз вақтидаги вазифасини адо қилиш билан машғул бўлса, уни "соҳиб ул-вақт" – "вақт соҳиби" дейдилар... Бу вақт соҳиби вақтнинг тасаруфидан қутилган, балки уни ўз тасаруфига олган бўлади, яъни ҳар бир вақтни энг муҳим ва аъло ҳолга сарф этади. Уни "Абуъл вақт солик" – "Вақт отаси бўлган солик", дейдилар..."

Хуллас, дунё сир-асрорларга тўла. Инсон эса, аввало, ўзига оид сирларни англаб етса, қанийди!

**4. Уйқудан аввал қачон уйғониш зарурлигини англаш.**

Бирор иш ёки ҳаракат (масалан, эрта уйғониш)ни айнан қайси вақтда бажариш кераклигини ўзингизга қатъий аҳд қиласангиз, бу қарорни ички онг "ижро учун" қабул қиласи.

Энг қизиғи, сиз керакли вақтда рұхан енгил ва юқори кайфиятда уйғонищдан ташқари, энергияга түлиб, дам олган ҳам бўласиз. Синааб кўришингиз мумкин!

### 5. Чарчоқни ҳис этганингизда ухлашга ётинг.

Барвақт туриш учун, уйқуга, албатта, эрта ётиш шарт эмас.

Кўпинча биз организм талаб қилганидан ҳам кўпроқ ухлаймиз. Яхшиси, чарчоқни ҳис этганингиздагина ухлашга ётинг. Хоҳиш бўлмасаям, ухлашга ўзингизни мажбуруламанг. Бу нарса дам олишга ҳам, эрта туришга ҳам ёрдам бермайди. Фойдали вақтни йўқотасиз, холос.

Шу ўринда,

---

Гап келди: Агарда “иш” тушунчасига кенг маънода қаралса, уйқу соатларидан қолган соатлар иш билан ўтади. Мен бир суткада ўрта ҳисобда олти соат ухлайман. Демак, асосан, “иш куни” 18 соатдан иборат.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “иш” тушунчасига утилитар нуқтаи назардан қараб бўлмайди, чунки ҳаётнинг турли муаммолари устида тафаккурда бўлиш менинг учун катта ва мухим иш.

---

Ва ниҳоят:

### 6. Бадантарбия билан шуғулланинг.

Уйғонгач, ҳеч бўлмаганда, бир нечта жисмоний машқ ба жарыш ва турниқда тортилишни одат тусига киритиш керак. Бунда организмдаги ҳаётий қувват жунбушга келади. Кайфият кўтарилади. Бу эса, шубҳасиз, бугунги муваффақиятнинг дебочасидир. Шундан сўнг совуқ (мeyerida) душ қабул қилишга не етсин! Тўғрисини айтганда, бу ҳар кимнинг ҳам кўлидан келмайди.

Вақт инсон учун қайта тикланмайдиган захира (ресурс) си расига киради. “Ҳеч ким вақтга ҳоким бўла олмайди”, – дейишади. Лекин инсон ўз вақтини ўзи истаган тарзда сарфлаши, шунга яраша натижага эга бўлиши мумкин.

## 2.4. ҲАР НАРСАНИНГ ВАҚТИ-СОАТИ БОР ...

Мутахассислар инсон организмидаги ҳар бир түқиманинг фаол ҳаракатланиш соатлари борлигини аниқлашган. Үнга кўра:

**Түғилиш вақти.** Тажрибали дояларнинг айтишларича, чақалоқларнинг аксарияти тунги 12 дан 4 гача бўлган вақтда туғиларкан.

**Қон босими вақти.** Тунги соат 4 билан 5 оралигига киши қон томирларида энг паст босим бўларкан. Шунинг учун ҳам бу вақтда уйкудан уйғониш жуда қийин кечади.

**Ювениш вақти.** Эрталабки 8 да совуқ сувда чўмилиш жуда фойдалидир. Чунки шу пайтда организмда ҳимоя кучлари фаоллашган бўлади.

**Овқатланиш вақти.** Эрталабки 8 даги нонушта қоматингизга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Негаки бу пайтда углеводлар ёғга эмас, балки энергияга айланади. Лекин кечқурунги 8 да тановул қилинган овқат эса “қоматингизни бузиши” мумкин. Чунки у жисмингизда ёғга айланади.

**Даволаниш вақти.** Тиббий муолажалар учун, яъни укол ва дори-дармон қабул қилиш учун энг яхши вақт эрталабки 9-10 лар оралигидир. Бу пайтда тери ўта сезувчан бўлади. Бирок, агар эҳтиёж сезилса, тиш дўхтирига, яхшиси, тушдан кейин учрашганингиз маъқул. Негаки шу пайтдаги бор машина оғриқларига организм кўпам “жиззакилик” қиласермайди.

**Ижод учун қулай вақт** эрталабки соат 10 ва туш пайти. Сабаби, мия тиниқ ва фаоллашган бўлади.

**Ҳазм вақти.** Соат 13 да ошқозон энг кўп суюқлик ишлаб чиқарди, ҳатто бу пайтда овқатланмасангиз ҳам.

**Уйқу вақти.** Мутахассисларнинг таъкидлашларича, энг ширин уйқу кундузга 14 дагисидир. Бу пайтдаги уйқу организмга тунги уйкудан кўра кўпроқ хуш ёқади. Араблар бундай уйқуни қайлула деб атайдилар. Табибларнинг фикрича, соглиқнинг ярми кун ярмидаги уйқуда экан. Бу фикрда жон бўлса керакки, Оврупо олимлари тушда иш жойларида би-

роз мизгиб олишни расман жорий этишга жиддий киришишмоқда.

**Соч ва тирноқларни олиш вақти.** Соат 16 ва 18 лар атрофига соч ва тирноқларнинг ўсиши тезлашади.

**Иштача ва мусиқа вақти.** Соат 17 да организм учун энг буюк иштача кўзгалса, 19 да эса мусиқа тинглаш учун энг кўтарики рух пайдо бўлади.

**Мулоқот вақти.** Дўйстона мулоқот учун яхши соат 18 ва 20 оралигидир. Одамзод негадир шу пайт ўзини ёлғиз ҳис этади.

Ибодат вақти. Шубҳасиз, кези келганда, ҳар қандай даҳрий қалбда ҳам буюк Яратганга илтижо туғилади. Шундай экан, исломий ақидаларга кўра, бир кунда адо этиладиган 5 маҳал намоз икки дунё саодатининг қалити саналади. Овруполик турии соҳа олимлари намоз вақтлари ва ҳаракатларини қайта-қайта текшириб, таҳлил қилишиб, унда инсон учун бекиёс улкан фойдалар, буюк ҳикматлар мавжудлигини яқдилтан олмоқдалар. Қолаверса, улуғ бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари шундай деганлар: “Дил ба ёр-у, даст ба кор!” – “Дилинг Аллоҳда ва қўлинг ишда бўлсин!”

**Уйғониш вақти.** Сиз барвақт уйғонасизми? Агар шундай қилсангиз, анча мунча мушкулингиз осонлашади. Чунки, бу вужудимиздаги “биоритм” деб номланган жараённинг фаол ишлаши учун саҳар вақти ишлаб чиқарилган гармонлар муҳим аҳамиятга эга. Эрталабки 8<sup>00</sup>-16<sup>00</sup> ораси картизол сингари инсонга тетиклик берувчи гормонлар энг кўп ишлаб, чиқариладиган вақт ҳисобланади.

**Дам олиш вақти.** Руҳшуносларнинг фикрича, ҳар бир инсоннинг ақлан ва жисмонан унумли ишлаш вақти бор. Бу давр миқдори 1,5 соатдан иборат. Иш вақти шу муддатдан ошиб кетганида инсон танаси чарчайди ва эснаш, диққатни бир ерга жамлай олмаслик каби ҳолатлар вужудга кела бошлиди. Ўша пайт ишни тўхтатиб, қисқа танаффус қилиш керак. Дам олиш вақтида бошқа иш билан машғул бўлиш ёки 15-20 дақиқа кўзларни юмиб, тинч ўтириш ҳам танаффус вазифасини ўтайди. Кўзни юмишдан мақсад мияга келаётган маълумотларни камайтиришдир. Чунки миядаги маълумот-

лар базасининг асосий қисми кўриш орқали тўпланади. Юз ва қўлларни ювиш, енгил ҳаракатлар бажариш дам олишнинг яна битта усулидир.

Ақлий чарчоқни йўқотиш учун барча ишларни тўхтатиб бир бурчакда ўтириш шарт эмас. Маълумки, ақлий ва жисмоний фаолиятлар миянинг турли бўлимлари томонидан бажарилади. Шу сабабли бирон-бир иш билан банд бўлган одам бошқа машғулотга ўтса, миянинг қисмидаги юк “камайиб, бошқа қисми фаолроқ ҳаракат қила бошлайди ва миянинг чарчаган қисми дам олади. Масалан, ўқувчи математикани тўхтатиб, жисмоний иш билан шуғулланса бўлади. Ёки чет тили ўрнини руҳан тетиклаштирувчи бирор куй ёки шеърга бўшатиши мумкин.

Ха, хар бир ишнинг, нарсанинг ўз вақти соати бор. Ўша вақт ғанимат, беҳуда ўтса надоматдир. Шу ҳақида бир ривоят эсимга тушди.

### РИВОЯТ

Ўтган замонларда бир жуда ҳам чиройли қиз бўлган экан. У шунчалар гўзал эканки, бошқа шаҳарлардан бой-бадавлат инсонлар унинг кўлинини сўрашга совчи жўнатишар экан. Аммо у ҳамма келган совчиларга рад жавобини берар экан. Бу орада унга ўша шаҳарда яшайдиган бир ошиқ йигитдан совчи келибди. Аммо қиз унга ҳам рад жавобини берибди. Йигит бу рад жавобидан хафа бўлиб, бошқа шаҳарга бош олиб кетибди. У ерда уйланиб, бола-чақа орттирибди. Бир куни йўли аввал яшаган шаҳарга тушибди. У ерда эски танишлари билан кўришиб, сұхбатлашиб, ўша гўзал қиз ҳаёти ҳақида сўрабди. Дўсти унга қизнинг уйини кўрсатиб, унинг турмушга чиққанини айтибди. Йигит гўзал қиз қандай инсонларга турмушга чиққан экан, деган қизиқиш билан унинг эшигини тақиллатибди. Эшикни семиз, кал ва бадбашара бир одам очибди. Уйларига разм солиб, йигит бадавлат эмасликларига амин бўлибди.

Бир неча кун ўтгач, у яна қиз эшигини қоқибди. Бу сафар эшикни ўша гўзал қиз очибди. Йигит ўзини таништириб, қиздан нега бундай инсонга турмушга чиққанини сўрабди. Қиз

эса “Уй орқасидаги боғчадан энг гўзал гулларни олиб келсанг сенинг бу саволларингга жавоб бераман, аммо бир шартим бор, боғчага кирганингдан сўнг ортга йўл йўқ”, дебди. Йигит юзлаб гуллар ловуллаб турган боқقا кириб кетибди. Бирдан жуда чиройли бир гулга кўзи тушиб уни узмокчи бўлганида, бошқа тарафдаги пушти гулни кўрибди. Уни оламан деб турганида бошқа ундан ҳам гўзал гулни кўриб қолибди. Шу тариқа бир-биридан гўзал гулларнинг ичидан энг гўзалини оламан деб, боф охирига бориб қолибди. Қарасаки, боф сўнгида биргина сўлгин гулдан бошқа гул қолмабди. Ноилож гўзал боф ичидан сўлгин гул билан қиз ёнига қайтибди. Энг гўзал гулни кўриб турган қиз эса, унинг қўлидаги сўлгин чечакни кўриб: “Кўрдингми? Ҳар доим янада яхшисини топишни истар экансан, умр ўтади ва сен эса энг ёмонига рози бўлишдан бошқа илож топмайсан. Шунинг учун ёшлик кетмасдан, вақт ўтмасдан қўлимизда бўлган неъматларнинг қийматини билмогимиз керак”.

Қиссадан ҳисса. Гўзал қиз тақдири ва шунга монанд оддий ҳақиқатларни кўпчилигимиз англаб етмаймиз. Англаб еттанимизда эса, кеч бўлиши мумкин. Чиндан ҳам, фурсат – танимат эканилигига сўнг амин бўламиз. Афсус.

## 2.5. БИЗ – БУЮК ЎФРИЛАР

Энг бебаҳо бойлик, инсон сарф қиласидаган асосий дастмоя дея таърифланадиган ВАҚТ ҳақида донишмандлар кўплаб пурмаъно фикрлар билдиришган. Жумладан, файласуф Сенека ўзининг “Луцилийга хатлар” асарининг биринчи номасида ёзади: “Шундай қила қол, азизим Луцилий! Ўзингни ўзинг учун сақла, шу пайтгача сендан тортиб олинаётган ёки ўғирланаётган, бехуда кетаётган вақтингни бундан буён аспра ва жамлаб ол. Менинг ёзаётганим ҳақ эканига ўзинг ишонч ҳосил қил вақтимизнинг:

- бир қисмини куч билан тортиб олишади;
- бир қисмини ўмаришади;
- бир қисми дангасалигимиз боис бекорга оқиб кетади!

лар базасининг асосий қисми кўриш орқали тўпланади. Юз ва қўлларни ювиш, енгил ҳаракатлар бажариш дам олишининг яна битта усулидир.

Ақлий чарчоқни йўқотиш учун барча ишларни тўхтатиб бир бурчакда ўтириш шарт эмас. Маълумки, ақлий ва жисмоний фаолиятлар миянинг турли бўлимлари томонидан бажарилади. Шу сабабли бирон-бир иш билан банд бўлган одам бошқа машгулотга ўтса, миянинг қисмидаги юк “камайиб, бошқа қисми фаолроқ ҳаракат қила бошлайди ва миянинг чарчаган қисми дам олади. Масалан, ўқувчи математикани тўхтатиб, жисмоний иш билан шуғулланса бўлади. Ёки чет тили ўрнини руҳан тетиклаштирувчи бирор куй ёки шеърга бўшатиши мумкин.

Ха, ҳар бир ишнинг, нарсанинг ўз вақти соати бор. Ўша вақт ғанимат, бехуда ўтса надоматdir. Шу ҳақида бир ривоят эсимга тушди.

### РИВОЯТ

Ўтган замонларда бир жуда ҳам чиройли қиз бўлган экан. У шунчалар гўзал эканки, бошқа шаҳарлардан бой-бадавлат инсонлар унинг кўлини сўрашга совчи жўнатишар экан. Аммо у ҳамма келган совчиларга рад жавобини берар экан. Бу орада унга ўша шаҳарда яшайдиган бир ошиқ йигитдан совчи келибди. Аммо қиз унга ҳам рад жавобини берибди. Йигит бу рад жавобидан хафа бўлиб, бошқа шаҳарга бош олиб кетибди. У ерда уйланиб, бола-чақа орттирибди. Бир куни йўли аввал яшаган шаҳарга тушибди. У ерда эски танишлари билан кўришиб, суҳбатлашиб, ўша гўзал қиз ҳаёти ҳақида сўрабди. Дўсти унга қизнинг уйини кўрсатиб, унинг турмушга чиққанини айтибди. Йигит гўзал қиз қандай инсонларга турмушга чиққан экан, деган қизиқиш билан унинг эшигини тақиллатибди. Эшикни семиз, кал ва бадбашара бир одам очибди. Уйларига разм солиб, йигит бадавлат эмасликларига амин бўлибди.

Бир неча кун ўтгач, у яна қиз эшигини қоқибди. Бу сафар эшикни ўша гўзал қиз очибди. Йигит ўзини таништириб, қиздан нега бундай инсонга турмушга чиққанини сўрабди. Қиз

эса "Үй орқасидаги боғчадан энг гўзал гулларни олиб келсанг сенинг бу саволларингта жавоб бераман, аммо бир шартим бор, боғчага кирганингдан сўнг ортга йўл йўқ", дебди. Иигит юзлаб гуллар ловуллаб турган боқقا кириб кетибди. Бирдан жуда чиройли бир гулга кўзи тушиб уни узмоқчи бўлганида, бошқа тарафдаги пушти гулни кўрибди. Уни оламан деб турганида бошқа ундан ҳам гўзал гулни кўриб қолибди. Шу тариқа бир-биридан гўзал гулларнинг ичидан энг гўзалини оламан деб, боғ охирига бориб қолибди. Қарасаки, боғ сўнгига биргина сўлғин гулдан бошқа гул қолмабди. Ноилож гўзал боғ ичидан сўлғин гул билан қиз ёнига қайтибди. Энг гўзал гулни кўриб турган қиз эса, унинг қўлидаги сўлғин чечакни кўриб: "Кўрдингми? Ҳар доим янада яххисини топишни истар экансан, умр ўтади ва сен эса энг ёмонига рози бўлишдан бошқа илож топмайсан. Шунинг учун ёшлик кетмасдан, вақт ўтмасдан қўлимида бўлган неъматларнинг қийматини билмогимиз керак".

Қиссадан хисса. Гўзал қиз тақдири ва шунга монанд оддий ҳақиқатларни кўпчилигимиз англаб етмаймиз. Англаб етганимизда эса, кеч бўлиши мумкин. Чиндан ҳам, фурсат – фанимат эканлигига сўнг амин бўламиз. Афсус.

## 2.5. БИЗ – БУЮК ЎҒРИЛАР

Энг бебаҳо бойлик, инсон сарф қиласидаган асосий дастмоя дея таърифланадиган ВАҚТ ҳақида донишмандлар кўплаб пурмаъно фикрлар билдиришган. Жумладан, файласуф Сенека ўзининг "Луцилийга хатлар" асарининг биринчи номасида ёзади: "Шундай қила қол, азизим Луцилий! Ўзингни ўзинг учун сақла, шу пайтгача сендан тортиб олинаётган ёки ўғирланаётган, бехуда кетаётган вақтингни бундан буён аспра ва жамлаб ол. Менинг ёзаётганим ҳақ эканига ўзинг ишонч ҳосил қил вақтимизнинг:

- бир қисмини куч билан тортиб олишади;
- бир қисмини ўмаришади;
- бир қисми дангасалигимиз боис бекорга оқиб кетади!

Дарҳақиқат, милоддан аввал 6-3 милодий йилнинг 65 йилларида яшаган Рим файласуфи ва ёзувчisi жуда ҳақ гапни айтган. Минг афсуслар бўлсинким, доим ҳам ВАҚТ деган бебаҳо неъматнинг қадрига етавермаймиз.

### Ачинарлиси шуки:

Кўпчилик, айниқса раҳбарлар бошқаларнинг вақтини аямасдан куч билан тортиб олишади. Вайсақи нотиклар, мажлисбоз бошлиқлар, масъулиятсиз ўқитувчилар, дангаса талабалар вақтнинг ҳақиқий ўғриларидир. Улар нафақат ўз вақтларини балки атрофидагилар, яқин инсонлар вақтининг кушандаларидир.

Айрим ношуд раҳбарлар бир оғиз сўз учун ҳам хузурига чақиради, ёки йўл-йўлакай, ёки телефон, модемнома билан ҳал қилиш имкони бўлган иш учун ҳам маҳсус мажлиста тўплайди. Улар фурсатни ғанимат деб билмайдиган ВАҚТ исрофчиларидир.

Шу ўринда,

---

Гап келди: Азизлар! шу нарса сир эмаски, умримиз давомида ҳар биримиз кимнингдир бир неча сониясини, яна бирорларнинг 5-10 дақиқасини, бошқаларни эса кўплаб соатларини бефойда сарфлашларига сабаб бўлганимиз аниқ ёки бўлмасам "ўғрилар"дан азият чекканмиз.

Айрим домлаларимиз дарс соатларида мазкур фан бўйича маълумот ва йўналиш бериш ўрнига оиласи ва фарзандлари ёки сессия яқинлашганда нима бўлишидан огоҳлантирувчи киноялардан иборат маърузалари ҳақида нолиб сўзлаганларни, ё бўлма-са, бир хил инсонлар маълум машғулот ёки мутоала, билан банд эканингни билиб туриб, мақсадсиз ва мазмунсиз "фийбат" билан чалғитишларида оғриниб гапиришлари ҳам айни ҳақиқат. Албатта, бу оддий вазиятлардан фожиа ясаш керак эмас, дейдигандар ҳам учраши табиий. Аммо биз учун арзимасдек

бўлиб туолган соатларда, дақиқа ва сонияларда бутун дунё ва табиатда қанчалик улкан кашфиётлар ва ўзгаришлар юз бериши мумкинлигини ҳеч тасаввур қилиб кўрганимизми?

Шундай экан, ҳеч биримизнинг олтиндан-да қиммат бўлган сонияларни ўғрилашга ҳаққимиз йўқ: Хоҳ ўз, вақтимиз, хоҳ ўзгалар вақти бўлсин!

Вақт ўғрилари деганда мен кўпинча ибратли панднома, яъни, бобомиз Амир Темур тузукларидағи бир қатор ривоятнома, аммо ВАҚТнинг олтиндан ҳам қимматли эканлиги тўғрисидаги қуийдаги суҳбати ёдимга тушади.

**Вақт олтиндан ҳам қимматдир!!!  
Қандай қилиб вақт ўғирларидан қутулиш мумкин?**

◦ Шайх Саъдий айтади:

– Бир шогирд ўз устозига: “Мен билан суҳбатлашиб ўтириш учун ҳар куни уйимга одамлар келиб туради. Улар билан гаплашиб ўтириб вақтимни бекорга ўтказиб, ўқиш-ёзишга вақт топа олмайман, нима қилишимни билмай ҳайрон бўлиб қолдим” – деб ҳикоя қилди. Устози шундай маслаҳат берди:

– Бунинг чораси осон. Уйингга сен билан суҳбатлашгани келганлар орасида камбағаллар бўлса уларга пул қарз бер, бойлари бўлса, улардан пул қарз сўра. Ана шундай тадбир билан уйингга одамлар келиб гап сотиб ўтиришларидан қутиласан, чунки пул қарз олганлар: “Қарз берган пулини қистайди” деб сенга рўбару бўлмайдилар, бойлар эса “унга кўринсак, у албатта биздан пул қарз сўрайди”, – деб сенга кўринишдан қочадилар. Шогирд устозининг маслаҳати бўйича иш тутганди, ҳар кун келиб гап сотиб ўтирувчи бекорчилардан қутулди.

**Байт:**

Истамас орса киши сен унга меҳмон бўлмагил,  
Гавҳари қиммат баҳосан, сен унга дандон бўлмагил.

## 2.6. СОҒЛИҚ ҒАНИМАТДИР, ҲАР СОАТИ НЕЙМАТДИР

Мутахассислар фикрича, кеча ва кундузниң ҳар бир соати инсонларга ҳам жисмонан, ҳам, руҳан ўз таъсирини ўтказар экан? Яъни соат нечида нима бўлади? Қуйида ана шу ҳақда қизиқарли маълумотларни келтирамиз.

### Соат нечида нима бўлади?

#### 01.00–02.00

Бу соатда диққат пасаяди. Ҳайдовчилар диққат эътиборли бўлиши керак. Кўриш имкони ва кўрганларига акс таъсир камаяди. Бу вақтда дарс қилиш тавсия этилмайди. Уйқу асносида жигар ва тери хужайраларимиз ишлайди, бошқа органлар ўз фаолиятини секинлаштиради.

#### 03.00–04.00

Ўпкага тоза ҳаво ғоятда зарур. Чунки бу вақт ўпканинг камаланиши учун қулай вазиятдир. Астма билан касалланган беморларнинг қонида йиринглашни кўпайтирадиган моддаларнинг ҳаракати фаоллашади, бронхитлар сиқиласди. Бу тахликада қутилиш учун тоза ҳаводан нафас олиш керак. Бу соатларда қон босимининг кўтарилиши, юрак томирларида меъёрдан чекинишнинг ошишидан, юрак хуружининг ортиши кузатилади.

#### 05.00–06.00

Буйракларингизга диққатли бўлинг. Бу соатдан кейин вужудимиз уйғонади. Агар уйқумизни давом эттирасак, энергиямиз бекорга сарф бўлади. Бу соатларда буйраклар ўз фаолиятини тезлаштиради. Уйқуда тургандан кейин сийдик йўли бўшатилмаса, пайти келиб, заарали моддалар чўқиндиси пайдо бўлиб, инсонга изтироб беради.

#### 07.00–09.00

Юрагингизни асранг. Бу вақт овқат ҳазм қилиш системасининг энг фаоллашган пайти. Нонуштани карбонат ангидрид метаболизм жиҳатидан ундан кейинги босқичларда шиддат

билин энергия"га айлантирумокладир. Бу соатларда юрак хурожи ортганидан мутлақо тамаки чекмаслик керак.

#### 09.00–10.00

Кучли зеҳн. Организмни ҳимоя қилиш ҳужайраларининг энг тинч бўлган пайти. Бу соатда вируслар bemalol ҳаракат қила олмайди. Мушаклар спорт фаолиятига тайёр. Эрталабги спорт машғулотлари мушакларга куч беради. Ўрганиш тушуниш тезлиги ва кучи юқори савияда бўлиб, кўнгил тинч ҳамда сокиндир.

#### 11.00–12.00

Куннинг энг қизғин пайтидамиз. Ва бу нарса организмнинг энг фаол пайти билан боғлиқ. Энг кучли қийинчиликлар ҳам соат 12 да вужудда фикрий дам олиш ўзини ҳис эттиради.

#### 13.00–14.00

Вужуд истироҳат хоҳлайди. Бу соатларда вужуд чарчайди ва гафлат бостиради. Овқат микдори ортиқчароқ бўлса, уйқу ва гафлат микдори ҳам ортади. Бу соатда 1 соат пешин уйқуси организмга бир ҳамла қилишга тайёрланади. Тиш даволашда оғриқ озроқ ҳис этилганидан бу соат тиш шифокорига бориш учун энг мувофиқ пайтдир.

#### 15.00–16.00

Янги бир ҳамла. Энергия орқага қайтади. Терини муҳофаза қилувчи томирларга кўп қон келганидан инсон бу соатларда камроқ терлади.

#### 17.00–18.00

Ўзи билан ўзи бўладиган пайт, органларнинг фаолияти юқори савиядадир. Бу соатларда ейилган овқатнинг таъми томогимизда қолади. Чунки таъм ва ҳид билиш органларининг иши фаоллашган. Буйрак ҳам бор кучи билан ишлайди, соч ва тирноқларимиз бу соатларда жуда тез ўсади. Физиологик ва психологик ҳаракатсизлик енгади. Инсон ўз-ўзи билан бўлишни хоҳлайди. Кечки овқатланиш учун мос пайт.

#### 19.00–20.00

Қон босими ва томир уриши бу соатларда пасаяди. Стресс камаяди. Нерв системасига оид дорилар бу соатда кўпроқ

таъсирлироқдир. Аллергияси бор кишилар дориларини бу соатда истеъмол килиши керак. Антибиотиклар бу соатда жуда ҳам таъсирли бўлади.

### 21.00–22.00

Болаларнинг ривожланишида энг маҳсулдор соат. Нерв органлари ўз вазифаларини бу соатда секинлаштиради. Бу соатда ейилган овқат ошқозонда шундайлигича қолади, бу эса таҳликалидир. Чунки натижада ошқозонда оғриқлик ва ачиш пайдо бўлади. Болалар бу соатда ётиши керак. Чунки ривожланиш гармонияси сүякли тўқималарга таъсир қилиб, хужайра бўлинишини тезлаштиради.

### 23.00–24.00

Уйқута кетиш. Бу соатда дам оламиз ва бўшашамиз.

Фурсат – ғанимат маъносида,

---

Гап келди: Вақт қадрини вақт белгилайди. Ёшлиар улгурмаган деб “кун ўтса бўлди” қабилида қадрли вақтни тумдон қиласидар “Соат нечада нима бўлади?” деган савол улар учун бир пул. Қариялар улгурмайман деб жонини жабборга бериб тинмай вақт пайида бўладилар. Кексалик туфайли тез-тез “мехмон”га келиб туб палак қўйиб кетмасликка жон жиҳати билан ҳаракат қиласиган хасталикларни бартараф қилиш учун “Соат нечада нима бўлади”, деган саволга жавоб топиш илинжида унга бот-бот мажбуран мурожаат қилиб турадилар.


Ҳа, вақт ғанимат, фурсат ғанимат. Билингки ўтган вақтни қадрини кеч англаш сиз-у бизни, ҳар онда беихтиёр бош иргаб тасдиқлашга ундаиди. Зинхор шуни унумтманг.

---




Вақтни совуриши дегани мана бунақа бўлади! Айнан шу каби кимсалар ВАҚТнинг буюк ўғрилариидир.

\* \* \*




Бўлар-бўлмас гаплар билан телефонда мулоқот қилиш ҳам ВАҚТнинг кушандасидир. 6 соат гумдан бўлиб кетди ...  
(Расмга эътибор беринг).



Олтиндан ҳам қиммат ВАҚТНИ УЧИРИБ ЮБОРДИНГИЗ. ҚУВЛАМАНГ. УНГА ЕТОЛМАЙСИЗ. БЕКОРГА ОВРА БҮЛАСИЗ!



ҮЗГАЛАРНИ ЁЛЛАБ ҲАМ БОЙ БЕРИЛГАН ВАҚТНИ ҚАЙТАРОЛМАЙМИЗ, БИРОДАР!



СОВУРИЛГАН ВАҚТНИ БИРОВДАН ТОРТИБ ҲАМ ОЛОЛМАЙСИЗ!

## ВАҚТ ОЛТИНДАН ҲАМ ҚИММАТДИР

Буюк Амир Тимур ўзининг энг яқин сафдошлари билан самимий сұхбатлашиб ўтирганда улардан бири дебди:

— Олампаноҳ! Биласизки, кўпдан-кўп азоб-уқубатлар ва хатарли кунларни биргалиқда бошимиздан кечирган эдик. Ҳатто ҳалқимизни бир бурда нонга зор бўлган вақтларини кўрганмиз. Аллоҳга минг карра шукурлар бўлсинки, тахт қўлга киритилгач, тинчлик ва фаровонликда яшамоқдамиз. Ҳеч бир нарсага етишмовчилигимиз йўқ.

— Тўғри айтасизлар, — дебди соҳибқирон, — юртимизда инсонга нимаики зарур бўлса барчаси мавжуд. Аммо шахсан менда бир етишмовчилик бор. У ҳам бўлса вақтдир. Қилишимиз лозим бўлган ишлар шу даражада кўпки, уларни амалга ошириш вақт озлик қиляпти. Бамисоли киши саҳрода сувга қанчалик чанқоқ бўлса мен ҳам вақтга шунчалик кўп ташна бўлиб юраман. Ҳеч кимга сир эмаски, вақтни сотиб олиш ёки ўрнини тўлдиришнинг ҳеч иложи йўқ. У бир маротаба ўзини кўрсатади-ю, сўнг ўз-ўзидан ғойиб бўлади. Масалан бутунги соат ва кунни эртага топиб бўлмайди. Шу боис менинг учун вақтнинг ҳар бир дақиқаси олтиндан қимматлидир. Чунки олтин ва бошқа ноёб нарсаларни топса бўлади, лекин қўлдан чиқиб кетган вақтни қайта топиш мумкин эмас.

Шу ўринда сұхбатдошлар:

— Эй Аллоҳ, Олампаноҳимизга ошиб-тошиб кетадиган вақтни бергин, — дейишиб дуога қўл кўтаришибди ҳамда уни шаънига мақтov сўзларини такрорлайверишибди.

— Тўхтатинглар, — дебди соҳибқирон, — Сизлар мени ҳадеб мақтайвериб вақтимни оляпсизлар. Вақт Аллоҳнинг неъмати, албатта. Аммо уни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш сиз ва бошқа мансабдорларга боғлиқ. Биласизларки, менинг фармонларим ёки топшириқларим ҳамма вақт кўнгилдагиdek амалга оширилмаслиги орқасида аралашишимга ва вақтимни кетказишга тўғри келяпти. Агар мансабдорлар ўз

зиммаларидағи вазифаларни ўз вақтида күнгилдагидек адо эттәнләрида ортиқча текшириш ва йиғилишларга ўрин қолмас эди. Бу билан ҳаммамизни вақтимиз тежалиб күп ишларни қилиш имкони туғиларди. Маълумки, саройда ва бошқа жойларда йиғилиш ўтказганимда ҳар бир киши навбати билан мени узундан-узок дуо қилиш билан шуғулланади. Шу пайтда вақтни бекорга сарфланаётганилигидан юрагим ачиб, худди нинани устида ўтиргандек бўламан. Гап щуки, бундан ҳар бир киши салом-алиқдан сўнг бевосита ишга тааллуқли, фикр-мулоҳазаларини баён этсин.

Демак, менинг вақтимни тежаш мансабдорларнинг қўлида. Бундай кимсалар ўз вазифаларини дўндириб адо этсалар вақт беҳуда сарфланмайди. Бир ишни ўрнига ўн, ўн ишни ўрнига юз ишни қилиш имкони туғилади. Натижада мамлакатимизда тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришилиб ҳалқ олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Ҳа, бобомиз соҳибқирон Амир Темурнинг бу сўзлари ҳеч қандай изоҳни талаб қилмайди.

### Яна бир гап

Бир кеча кундузда одам ихтиёрида йигирма тўрт соат вақт бор. Шундан саккиз соати уйқуга ажратилса, демак, ўн олти соатга ўзимиз ҳукмронмиз. Бу вақтни қандай совуриш ўз ихтиёrimизда. "Совуриш" сўзига атайин ургу бердим. Чунки айрим одамлар кўп вақтларини айнан совурадилар. Ҳа, худди шундай!

Вақтни беҳуда совуришда бизга етадигани йўқ. Қанчалаб қимматли соатларимизни кераксиз валақлашлар, гийбат-иғво мажлислари, ўйин-кулги, эсноқ-мудроқлар билан ўтказиб юборамиз, Чойхоналарда эртадан-кечгача гап-сотишшиб ўтирган, бекорчиликдан нарда, карта ўйнаётган кишилар орамизда йўқ дейсизми? Ишхоналарда қимматли вақтининг қадрига етмай осмонга қараб эснаб ўтирган, машғулот топа олмай бошқотирма ечаётган, компьютер ўйинлари билан соатларини совураётган кишилар орамизда йўқ дейсизми? Транспортни ёки ваъдалашган кишимизни соатлаб

кутишлар бор, аммо негадир ана шу энди асло қайтиб келмайдиган бебаҳо вақтимизнинг бекор ўтаётганига ачинмайдиган бўлиб кетганмиз? Нега ана шундай пайтларда бирор фойдали машгулотни топиб олмаймиз? Нима учун бўш қолсак, китоб, газета-журнал ўқиб, билимимизни оширмаймиз, фикримизни кенгайтирмаймиз? Ёки бирор тилни ўрганиш учун лугат ёд олмаймиз? Ёхуд ўзимизнинг, борлиқнинг, маҳлукотларнинг яратилиш ҳикмати ҳақида жиндай тафаккур қилмаймиз? Ё инсониятга фойда келтирадиган бирор кашфиёт, янгилик тўғрисида бош қотирмаймиз?

Ҳеч бир жароҳат осонликча битмайди. Айниқса, маънавиятга тушган жароҳат ... Бугун ёш-яланглар, ҳатто, аёллар орасида расмга кирган "гап" аталмиш одатимиз бор. Дийдорлашиш, сухбатлашиш – одамларни яқинлаштиради. Гап баҳона, дийдор ғаниматлиги яхши. Бирок айрим "гап"ларга бехос кириб қолсанг, аёллар ноз-неъмат устида олди-қочди гапдан бўшамайди. Кимнинг қанча сарпо қилгани, кимнинг ҳайитга нечта тогора юборгани ... Бундай давраларда Вақт қийналаётганга ўхшайди, назаримда.

Ёш-яланглар ўтиришларидағи ичкиликбозлик ё яхши ёмон видеокассеталарни тонготаргача томоша қилиш ... Албаттга, инсон эркин, хур, унинг вақти ҳам ўзиники. Аммо ҳозир айтганим – фурсатнинг гоҳ бемаънилика, гоҳ ахлоқсизликка айланиши, боя таъкиддаганимиздай, кишининг ўзи доирасида қолиб кетмайди, ён-атрофига соя туширади.

Шундай аёллар борки, кунда беш маҳал бешик тўйи бўлса, ҳаммасига иштирок этишга шошилади. Бугунни тўйларга сарфлаб, эртани тўй таассуротларини баён қилишга багишлайди. Шубҳасизки, бу таассуротлар холис эмас, ғийбат, ҳасад, ҳатто иғво билан тўйинтирилган бўлади. "Элакка чиққан хотиннинг, эллик оғиз гапи бор", деганларидаи кўчада қўши nilar билан соатлаб валақлашадиганларни кўп учратамиз.

Ёшлар ўртасидаги гиёхвандлик, ўғрилик, бошқаларнинг мол-мулкига тажовуз, фоҳишабозлик каби салбий иллатлар бу ярим тунгача бар, ресторан, дискотекаларда майшат қилиб, энг хунуги баязи кабель телевидениялари орқали бе-

рилаётган ахлоқбузар киноларни кўриш каби бебошликларнинг натижаси эмасмикин? Ҳизмати тақозо этмаса қандай ақлли инсон ярим кечагача кўчада дайдиб юради? Динимиз ҳам, замонавий таълим-тарбия ҳам ёшларнинг бундай бебош юришиларини қоралаган, уларга энг фойдали, ҳаётий маслаҳатлар берган. Саёқ юриш ўрнига эрта туриш, илм ва қасб-ҳунар эгаллаш, ҳалол турмуш кечириш, жамиятни фаровонлаштиришга ҳисса қўшишни тарғиб этган.

### Мушоҳада

Мен метроларда, автобус бекатларида юртдошларимизни кузатиб, ўсмиrlар изидан юриб, уларни тинглаб суюнаман. Чунки 10-15 дақиқалик вақтини ҳам беҳудага сарфламай, китоб ўқиётган, кроссворд ечаётган, чайнвورد устида тортиша-ёғтан замондошларимиз кун сайин кўпаймоқда. Ҳатто, идоралар рўпарасида раҳбарини кутиб турган шоғёрлар ҳам машинасида ўтириб бошқотирмалар ечишни расм қилишган. Ўсмиrlар эса йўл-йўлакай жуғрофия, тарих фанларидан “Ким миллионер бўлмоқчи” ёки “Заиф ҳалқа” га ўхшаган ўй-инлар ўйнаб кетишиади. Уларнинг тўп бўлиб туриб:

Энг узун дарё қайси?  
Энг баланд чўққи неча метр?

деган саволларини эшишиб, ғурурланаман. Ахир, буларнинг ҳеч қайсиси шунчаки эрмак ёки бекорчилик машғулоти эмас-ку. Буларнинг ҳаммаси Вақтнинг юракларга кириб нафас олаёттани, инсоннинг бир жонли бўлагига айланиб бораёттани.

Вақтнинг устида ҳукмронлик қилиш, деган иборани жуда ёмон кўраман. Бу дунёда ҳеч ким ҳеч нарсага зўравонлик қилиб яхшиликка эриша олмайди. Айниқса, Вақтга...

Вақтга яқинлашган, уни хурмат қилган, дўст тутинган, севган кишиларгина бирон бир эзгуликка эга бўлиши мумкин.

Шукрки, бугун бизда шундай кайфият пайдо бўлмоқда.

## АСЛИНИ ОЛГАНДА

Бу жуда ҳам, янги ҳолат эмас. Қадимда момоларимиз пли-та чироқ, шам ёруғида кашта тикиб ўтириб, ё зардўзлик қилаётуб, ёнида иш, хунар ўрганаётган қизалоқларга ширали овозда халқ қўшиқлари, достонларини айтиб берганлар. Йигитчалар болалигидан бел олишганлар, чавандозликни ўргатишган катталар. Бирон бир баҳонали сабаб тузилган анжуманларда ғазалхонлик қилганлар, шатранж ўйнаганлар. Бу машғулотларнинг ҳаммаси қалб, ақл тарбияси эди.

Қарамлик йилларининг тўзонлари тушиб ғуборланган бу тарбия усуллари яна аслига қайтмоқда, замонавий йўллар билан бойимоқда.

Аммо ...

### Оилавий соатлар борми

Ўтказилган тадкиқотлар айниқса, дастлабки беш ёшда болага ота-оналарнинг руҳий жиҳатдан вақт ажратишлари жуда муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда. Айниқса, мана шу йиллар болалар билан кўпроқ бирга бўлиш, уларнинг марказий нерв системаси шаклланишида муҳим ҳисса бўлиб кўшилиши айтилган.

Ота-онанинг кундалик ишларни бир томонга суриб қўйиб, фақатгина фарзандлари учун ажратадиган вақтлари бўлиши лозим. Оталарнинг болаларга кам вақт ажратишлари, турли сабабларга кўра фарзандлари билан кам вақт ўтказишлари кўп учрайдиган ҳолатдир. Сиз ажратадиган вақт фарзандингизга ўша пайтда ёки кейинчалик катта фойда бўлади.

Фарзандингиз билан ўтказган вақтингиз унинг ўзига бўлган ишончини шакллантириши жиҳатидан аҳамиятлидир. Чунки унга вақт ажратишингиз уни қадрлашингиз демакдир. Фарзандингизга “Мен сени кадрлайман, чунки вақт ажратяпман” деган кайфиятни беради. Бор-йўқлиги эътиборга олинмаса, худди у уйда йўқдек ҳаракат қилинса бу боланинг ўзига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб қуйидаги бир ривоятни айтиб беришга изн сўрайман.

## 2.7. СОТИБ ОЛИНГАН ВАҚТ

Бир киши ишдан ҳориб, жигибийрони чиққан ҳолда ярим кечаси уйига келди. Эшик остонасида беш яшарлик ўғли уни кутиб турарди.

Ота, сиздан бир нарсаны сўрасам майлими? – савол берди бола.

Майли, нимани сўрамоқчисан?

Отажон, бир соатда қанча пул топасиз?

Бу сенинг ишинг эмас. Нимага буни сўраяпсан?

Шунчаки билгим келяпти. Илтимос, айтаколинг! Бир соатда қанча пул топасиз?

Шунчалик билгинг келаёттан экан, майли, айтаколай. 20 доллар топаман.

Эҳ, – деди бола бошини ҳам қилиб ва бир зум ўтмай яна сўрай бошлади:

Отажон, менга 10 доллар қарз бериб тура одасизми?

Отанинг қоши уйилди.

Мендан қанча пул топишимни сўрашдан мақсадинг бирор бир ахмоқона ўйинчоқ ёки шунга ўхшаш бемаъни нарсаларни сотиб олиш бўлса, овора бўлма. Тур, хонангта бориб, ухла! Мен кун бўйи узоқ ва қаттиқ меҳнат қиласман. Бунақа беҳуда майнавозчиликларга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ.

Болакай хонаси томон оҳиста қадам ташлади ва эшикни секингина ёпди.

Боласининг қилиги отанинг энсасини қотира бошлади.

“Пул ундириш учун бундай саволлар беришга қандай ҳадди сиди экан?” ўйларди у. Бирор соатлардан сўнг ҳовуридан тушди.

“Ўз боламга бироз қаттиқ қўллик қилиб юбормадиммикан?” – дея ўйга тола бошлади. “Эҳтимол ўғлим ўша 10 долларга чинакамига муҳтоҷ бўлиб қолгандир. Ахир бунчалик тез-тез пул сўраб турмасди-ку!”

Ота ўғлининг хонаси тарафга юрди ва эшикни очиб паст овозда сўради:

Уйғоқмисан, ўғлим?

Ха, уйғоқман, – жавоб берди бола.

Үйлаб қарасам, боя сенга бироз ноҳақлик қилган эканман, – деди ота, Кун бўйи тўплаб юрган аламимни сендан олибман. Мана сенга 10 доллар.

Боланинг чехраси ёришди ва отасининг қаршисига ўтириб хурсандлигидан қичқирди: “Вой, отажон, раҳмат сизга!”

Бола ёстигининг тагига кўлини тиқиб озроқ майда пулларни чиқариб олди. Ўғлида пул борлигини кўриб, отанинг янада жаҳли чиқа бошлади. Бола пулларни жамлаб санади-да, отасига назар солди.

Шунча пулинг бор экан, нега яна мендан сўрайсан? – овозини кўтарди ота.

Чунки ўзимдаги етарли эмас эди. Ҳозир эса тўппа-тўғри бўлди, – жавоб берди бола. – Ота, мана менда 20 доллар пул бор. Бир соатингизни сотиб ола қолай. Бу вақтни мен билан ўтказинг!.. Ота ҳанг-манг бўлиб қолибди ...

Қиссадан ҳисса ўрнида,

---

Гап келди: Жавоб ғоят жўн. Фарзанд: отажон, менга 10 доллар бериб туриңг деб зорланаяпти. Илтимос, эртага ишдан эртароқ келинг, ҳаммамиз бирга ўтириб, овқатланамиз деяпти. Ота эса бунга бефарқ. Унинг иши бошидан ошиб-тошиб кетган ...

Ўқиган ёки эшиттансиз: З ойлик чақалоқни дошишманд тарбиясига олиб борган ота-она З ой кечиккан чиқади. Бу бежиз эмас, албаттга. Зеро, ёш бола табиатида дунёни ўрганишга бўлган истак кучли. Мутахассисларнинг фикрича, инсон умри давомида ўрганадиган салкам 50 фоиз билимни 7-8 ёшгача бўлган даврда эгаллар экан. Донишмандларнинг “Ёшлиқда олинган билим тошга битилган нақш кабидир” деган ибраторумуз нақди ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Айни юқоридаги таъкид фарзанд таълим-тарбияси, камолида мактабгача таълимнинг аҳамияти нечоғлик кайта эканлигидан далолат.

Юқоридаги ривоят күпроқ вақтини ишга күмиліб ўтказадиганларга тааллуқли. Инсонга берилған умр қисқа, уни бутунлигига ишга бағишлиш эса дұруст әмас. Сизни чин дилдан яхши құрувчи кишилар, яқынларга ҳам ВАҚТ ажратиб туришни унутманг.

Күйидати оқанларда узрохәликларни бас қилинг:

“Узр, биродар, сизни йүқлаш күнглимда бор-у, аммо сира бўш вақтим бўлмади”.

“Сиз айтган ишни бажариб кўйишга ҳеч бўш вақтим бўлмади, айбга буюрмайсиз”.

“Тонг отади... бир пасда кеч ҳам киради. Китобга қарай десам, бўш вақт йуқ...” ва ҳ.к.

### Дангасалик ҳам<sup>1</sup> ...

Айтинг-чи, дангасалик оқибатида йўқотилған вақтимиз жавобини қандай берамиш? Буюк салафлардан бири: “Эй Одам фарзанди, сен вақтлардан иборатсан, агар бир кунинг беҳуда ўтса, сенинг бир қисминг кетибди” деган экан.

Дангасалик – камбағалликнинг онаси, танбаллик – муҳтоҗжликнинг отаси. Майда-чуйдаларга ўралашиб, олтинга тенг вақтингизни бекор ўтказиб, эртага аттанг деб қолманг. Мол-давлат, телефон қули бўлманг, улар сизга қул бўлсин. Олдингизга тоғдек мақсадлар кўйинг, ёшлик куч-ғайратингизни, ақлингизни мана шу мақсадлар сари йўналтиринг. Эзгу-ниятларни бошингиз узра кўтарингки, бу умрингиз йўлини ёритувчи сўнмас маёқ бўлсин.

Шу ўринда, дангасалиги туфайли фурсатни бой берган күён тўғрисидаги ривоят ёдимга тушди.

### Ривоят

Бир куни қуён ўзининг чопқирилгини намойиш қилиш учун тошбақага югуриш бўйича мусобақалашишни таклиф

<sup>1</sup> Ушбу мавзу мазкур туркум таркибидаги “Мехнат ва осудалик” (15-сир) китобида батафсил ёритилган.

қилибди. Тошбақа рози бўлибди. Марра учун ўрмон четидаги бир дараҳтни белгилашибди. Мусобақа бошланибди. Тошбақа шошилмай йўлга тушибди, уни қўрган қуён роса кулибди ва: "Мен бир оз мизғиб олсам ҳам бўлади, маррага бир пасда етиб оламан", деб дараҳт тагига ёнбошлабди. Орадан бир қанча вақт ўтибди, қуён қаттиқ ухлаб қолибди. Бир пайт уйғониб қараса, тошбақа маррага етай деб қолибди. Бор кучини йиғиб югурибди, лекин кеч қолган экан. Тошбақа ундан олдин маррага етиб борибди. Қуён қилган ишидан афсусланиб, ҳайвонлар олдида роса уялибди.

ХУЛОСА: Эй фарзанд, ҳар бир ишнинг ҳаракатини ўз вақтида қилган яхши. Дангасалик сабабли фурсат бой берилгач, ҳар қандай қобилият ҳам фойда брмайди.

### Якун

Лаҳза ғанимат ҳақидаги ушбу рукнни қуийдаги сўзлар билан интиҳолашни жоиз топдим. Такрор, бўлса-да яна бир бор қайтараман. Инсон фарзанди энг кўп исроф қилаётгани вақтдир. Биз вақтимиз жуда кўпдек доимо бепарво ва бамайлихотир юраверамиз. Ҳолбуки, қиласиган ишлар кўп, зиммамиизда масъуллик бор, бироқ вақт оз... Нима қилиш керак? Ишга гайрат билан киришиб, кўп масалаларни оз вақт ичига сиғдира олиш лозим, Нимадир қилиб, ақалли охиратга бир нарсаларни олиб борайлик. Дунёвий ишларда биз жуда шошиламиз. Кеча-кундуз тўхтовсиз елиб-югурмиз. Имкони бўлса, ухламасдан инсон тунни ҳам дунёси учун сарфлар эди.

Тўгри, ишлаш, ҳаракат қилиш керак. Дунё ҳам бир эҳтиёж. Бироқ дунё ҳамма нарса дегани эмас... Дунёдан-да аҳамиятироқ, муҳимроқ нарса бор. Бу – Аллоҳ таолонинг ризоси, солиҳ амал. Мана шунга келганда биз сабрли, вазмин ва bemalolmiz. "Бугун қилмасам, эртага, бўлмаса индин ҳам бор-ку. Бу йил бўлмаса, кейинги йил қиларман. Нима бўпти энди. Қиёмат қўпибдими?" дейди нафсимиз. Ваҳоланки, бугун бормиз, аммо эртага яшашимизга кафолат йўқ-ку! Бугун бор киши эртага йўқ. Ҳар куни ер юзида минглаб инсон ўлмоқда. Кимдир касал бўлиб, кимдир юриб туриб, кимдир

уйкуда ва ҳоказо. Эрта улардан бири биз бўламиз. Абадий яшамаймиз ахир. Навбат келиши билмаганимиз учун ҳам ҳар вақт тайёр турайлик. Ҳозирдан чора-тадбир кўриб, қолганини Аллоҳ таолонинг марҳамати, тафвиқига қолдириб, ҳар икки дунёмиз учун гайрат қилиб, Яраттувчимизнинг ҳузурига ёруғ юз ила борайлик.

Аллоҳ таоло лутф-карами ила хайрли оқибатлар насиб этсин.



Ютур ва яна ютур!

З  
БОБ

## ВАҚТ – БУ УМРМИ?

Вақт – ҳаёт демак. Ўтаётган ҳар дақиқа – ю сония, кун инсон умрининг хатосиз ўлчовидир. "Вақт матосидан умр либоси тикилади," деган Б.Франклин юз бора ҳақ. Аслида умр – бу киши түғилгандан то ўлгунча бериладиган вақт. Вақтдан эса умрнинг тарихи яратилади. Тарих ғиддирагини орқага қайтариб бўлмайди. Демак, вақт олиб кетганини қайтариш асло мумкин эмас.

Умр отлик тушунчада улкан илмий ва фалсафий маъно мужассам.

Шу ўринда,

---

Гап келди: Азиз ўқувчим!

Барчага маълум, инсон умри чекланган. У маълум йиллар, маълум ойлар, кунлар, соатлар, дақиқалар, борингки, маълум лаҳзалардан иборат. Шундай экан, ўтаётган ҳар бир онимизнинг қадрига етмасак, вақт ҳамиша бизнинг зараримизга ишлайверади. Ўтаётган ҳар дақиқа-ю сония, соат, кун инсон умрининг ўлчовидир."

Умр азиз, вақт эса ундан-да азиз.

---

Донишмандлар, умр сарҳисобини кечган вақтда яшаган умри билан эмас, балки шу давр мобайнида қилинган эзгу ишлар билан ўлчашар экан. Демак, бундан кўриниб турибдики, инсоннинг қанча яшагани эмас, қандай яшагани муҳим аҳамиятга эга.

Пайгамбаримиз алайҳиссалом дедилар: "Банда Қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунича, бир қадам ҳам олдинга

силжий олмайди: бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртингчи-си – ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади". (Имом ат-Термизий).

Эътибор беринг-а! Ушбу ҳадиси шарифда инсон умрининг ҳар бир парчасида ўзига хос шаклда Вақтни қандай сарфлаганилиги сўраляпти.

Хўш сўралганлар ҳақида нималар дея оламиз! Қуйида ана шулар ҳақида.

### 3.1. УМРНИ НИМАЛАР БИЛАН ЎТКАЗДИНГИЗ

Пайгамбар Нуҳ алайҳиссалом узоқ умр кўрган, минг ёшидан ўтиб вафот этган экан. Ул зотдан: "Эй пайгамбарларнинг умрбоқийси, сиз дунёни қандай тушундингиз?" – деб сўрашгани-да, у: "Дунё икки эшикли ҳовлига ўхшайди. Биридан кирдим-у, бошқасидан чиқиб кетгандайман", – деган экан. Минг ийлча умр кўрган бошқа пайғамбар эса. "Шу озгина умрга чайла қуриб вақтимни зое қилибман-а", – дея надомат чеккан экан.

Эрамизнинг 121-180 ийларида яшаб ижод этган. Қадимги Юон Файлласуфи Марк Аврелийнинг фикрича, энг узоқ умрнинг энг қисқа умрдан сира фарқи йўқ. Ҳеч ким ўтмишдан ҳам, келажақдан ҳам ажрала олмайди. Инсон умрини белгиловчи вақт лаҳзага тент. Унинг моҳияти мангу ҳаракатdir. Сезги ноаниқлик, қалб бекарорлик, тақдир сирлилик демакдир. Шон-шухрат эса ишончсиз нарса. Ҳаёт кураш ва саргардонлик демакдир.

Кимдир 30 ийл умр қуриб, айримлар 200 ийл яшаганида ҳам қила олмаган ишларни амалга оширади. Номи мангувликка муҳрланади. Юз ийлдан кўп яшаб, беному нишон ўтиб кетганиларнинг саноғи йўқ. Бунинг ҳикмати нимада?

Дин ва жамоат арбоби Алихонтўра Соғуний (1885-1976) бу саволга шундай жавоб берганлар.

“...Агар бир киши юз йил умр кўрса ёки етмиш турли илм-хунар ўрганса, агар унга барака берилмаса, умрининг узунлигидан охири хорликка қолиб, безор бўлғай. Илм-хунарнинг кўплигидан бошқалар бу ёқда, ўзи конгудек ҳам фойда ололмагай.

Энди барака деган нарса нимадур? Ҳар ишнинг игилилиги – ҳар ишдан чиқсан яхшилик натижасидур. Бу эрса Худо томонидан бўлур. Иймонлик кишиларгина мунга ишонурлар. “Умрингдан барака топгур”, – деб дуо қилиш – энг улуг олқишибур”.

Демак, инсон учун энг муҳими умридан барака топиш экан! Умрнинг узун-қисқалиги эса одамнинг хоҳиш-имконидаги иш эмас. Немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788-1860) айтганидек, “Ёшлик нуқтаи назаридан, ҳаёт-тутанмас келажак, қарилик нуқтаи назаридан, жуда қисқа ўтмиш”. Умрнинг ҳар бир дақиқаси олtingа тенг, ганимат, бебаҳо сармоя. Ундан унумли фойдаланиш керак.

Бунинг устига, “Тез орада сен ҳамма нарсани унутасан ва, ўз навбатида, сени ҳам ҳамма ёдидан чиқаради”. (Марк Аврелий).

Биз йўқоттан сармоямизга койинамиз, пулимизга жонимиз ачииди, бойлигимиз қўлдан кетса, изтироб чекамиз. Аммо сездирмай, билдирамай сокин дарё каби текис оқиб ўтаган умримизга лоқайдмиз, бепарвомиз. Гоҳо дарё бўйида ўтириб, соатлаб сувга термуламиз. Ва англамаймиз-ки, ўша жозибадор зарралар орасида сизу бизнинг вақти-миз, умримиз, сассизгина, беозоргина оқиб бормокда.

Албатта, осмонда сон-саноқсиз порлаган юлдузларга қўлимиз етмаганидай, чархпалак мисоли айланаётган замон ғидирагини тўхгата олмаймиз. Аслида, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Асосийси, бизга ато этилган умрга хиёнат қилмасликдир. Умр деб аталган ноёб неъматнинг қадрига етиб, гўзал ахлоқ ва хушхулқ, самарали меҳнат ва чиройли амаллар ила зийнатлашдир.

“Вақтдан ҳаёт деган мато тўқилади”, деган донишманд юз бора ҳақ. Чунки, инсон умри шундай ҳам жуда қисқа, биз уни

фақат яхши ишларимиз билангина узайтира оламиз. Лекин, аксинча, қимматли дамларини беҳуда сарфлайдиганлар камми?

Америка халқининг севимли фарзанди Бенжамин Франклин "Модомики вақт қимматли мулк экан, уни талон-торож қилиш энг оғир гуноҳдир", деб бежиз айтмаган.

Халқимиз ноннинг уволидан қўрқади, пулни мақсадсиз сарфлашдан тийилади. Афсуски, орамизда вақтнинг, умрнинг уволини билмайдиганлар ҳам топилади. Наҳотки улар ғанимат дамлар ортга қайтмаслигини билишмайди. Ахир, сўнгти пушаймон – ўзингта душман, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бўён кишиларнинг онги ва тафаккурида, шу ўринда кескин ўзгаришлар юз берди. Сармояни вақт, вақтни сармоя деб англаган тадбиркорлар ўзлари учун ҳам, Ватан учун ҳам, келажак учун ҳам катта ишларни рўёбга чиқармоқдалар.

Шунинг баробарида эртадан кечгача кўчадан ўтган-кетгани энсасини қотирадиганлар ҳам йўқ эмас. Дуч келган одамга ҳаётидан нолишдан чарчамайдиган, аммо жамият равнақи учун битта чўпни у ёқдан бу ёқقا олишга бели оғрийдиганлар қайси маконда улғайишган экан? Бундай шахслар илгари ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам яшаган, шекилли, фаранг ёзувчиси Лабюйер XVII асрдаёқ "Ўз вақтидан оқилона фойдалана олмайдиган одам ҳаммадан бурун вақт етишмаслигидан нолийди: у кунларни кийинишга, овқатланишга, ухлашга, олди-қочди гапларга, нима қилиш керак, деган хаёлларга, умуман ҳеч нима қилмасликка сарфлайди", деб ёзган.эди.

Тўгри, ҳар ким ўз феъл-автори, уддабуронлиги, ҳаётга қизиқиши ҳамда қобилиятига яраша яшайди. Бироқ вақтни бой бериб, вақт зиқлигидан нолиш – эр кишига мутлақо ярашмайди. Шунчаки кун ўтказиш, бу ҳали яшаш дегани эмас. Умрини эзгу ниятлар, бунёдкорлик ишлари билан безамоқ керак.

Яхши яшаш учун эса, яхшигина ҳаракат лозим. Умрини ранг-баранг қилишнинг энг синалган ва савобли йўли, аввало,

одамларга мөхр бера билишдир. Айниқса, қавм-қариндош, оғаини, маҳалла-қўй, миллат, халқ, инсоният баҳт-саодати учун қайфурмок умрнинг гултожи саналади.

Умр – бу вақт! Умр ҳам, ўтаётган вақтимиз ҳам ғанимат. Бизга берилган ғанимат умрни мазмунли яшаб, келгуси авлодларга яхши ном, ибратли ишлар қолдириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

### Шерда умр сарҳисоби

Ҳа, умр – киши туғилгандан то ўлгунча бериладиган вақт. Вақтдан эса умрнинг тарихи яратилади. Умр ва вақтнинг қўшилувидан ҳар кимга берилган тақдир ўзлигини намоён қиласиди: авваламбор ишда, курашда.

Унинг мазмуни – сизнинг ҳар кунги ҳаётий; қашфингизга, эзгулик яратиш йўлидаги шарафли; меҳнатингизга, қалбинингиздаги саховатни одамларга сочишингизга қараб белгиланади, баҳоланади, хотираларга жойланади:

“Ҳамма кунлар

Бутун ҳаёт –

Иш учун

Кураш учун

Охирга кун

Одамлардан

Розилик сўраш учун”.

Кимнинг қанча умри бор? Унга қанча вақт берилган? Бир неча йилми ёки юз йил?.. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким буни билмайди, Ҳаёт деган мўъжизага вақт берилмаган, миллионлаб асрлар давомида у ер узра ижод этишдан чарчамайди, иксониятни камолотга етаклашдан тўхтамайди, фаолиятга, курашга ҳамма вақт имкон яратади.

Шундай экан, умргузаронлик қандай бўлиши керак? Узок умрга эришиш борми? Умр ўлчови йилларни ёки эсда қоладиган эзгуликлар, саховатлар, яратишларнинг жами бўлган инсонийликми?

Бунга “Одамнинг яшаси учун, курашнинг улғайиши учун зарур” (А. Мухтор) бўлган шеър қандай жавоб айтади? Қани мутафаккир шоир нидосига қулоқ солинг-чи!

“Қалб талпинар  
Ойлар, йиллар,  
Тұсатдан тұхташ учун  
Ёзиш, ўчириш керак,  
Нимадир тушуниш.  
Кимдир кечириш керак,  
Кимданда афв, ўтиниш”.

Ха, одамнинг умри оқар сув. У гоҳ лойқаланиб, гоҳ тиниб, гоҳ тез, гоҳ зүрға, гоҳ тұлқинланиб, гоҳ сокин оқади. Гоҳ илик, гоҳ совуқ бұлади ... Бандаман деганнинг ҳаммасида ҳам шу холат зухур бұлади. Энг буюк китоб “Қуръони карим”нинг “Анъом” сураси 160-оятида қуидаги ҳақиқат битилган: “Ким бирон чиройли амал қылса, унга ўн баробар қилиб (қайтари-лур). Ким бирон ёмон иш қылса, фақат ўшанинг биробарида жазоланур ва уларға зулм қилинmas”.

Инсон мәхнату мاشаққатта қанча тез бўйсунса қалбини меҳру шафқатта тўлдирса, у ҳамма вақт ҳар ишда эзгулик яратиш билан банд бўлади, умрининг оқиши ҳамма учун ҳар доим роҳатбахш бўлади. Ўзининг яшаши осон ва гўзаллашади. Ўзгалар дунёсини ҳам гулга кўмади. Шундай яшашга доимо шошилиш лозим. Шундай қадр-қимматга эга бўлиш учун тинимсиз олға интилмоқ зарур, мукаммалликка, комилликка эришмоқни бутунги бурч дея тушунмоқ ва амалиёт учун қўлланма қилмоқ талаб қилинади. Умрни беҳуда совурмоқдан, номуносиб ишларга сарфламасдан, унинг ҳар лаҳзасини, ойларини, йилларини ҳаётнинг мазмуни учун, Эркинлик ва Озодликнинг қадри учун, Мустақиллик ва Истиқлоннинг бунёди учун баҳшида қилишга улгuriш керак. Инсон биродаринг учун беминнат хизматини қойилмақом қилиб бажаришга эришмоқ, “Умрни ғанимат билмоқ” (А. Навоий) лозим. Иншааллоҳ,

“Барига бугун улгур  
Эрта балки фурсат йўқ.  
Чунки умр деганлари

Бамисли отилган ўқ,  
Уни ўтдай ёндириб қўй  
Дунёда қолиш учун  
Сўнгти соат –  
Одамлардан  
Розилик олиш учун".

Ҳақ гап: одам бўлиб туғилиш мумкин, лекин ҳақиқий инсон бўлиб, бошқаларга қалбдан нур улашиб яшамоқ жуда-ям оғир иш. Ана шу оғир юкни кўтара олган, уни манзилгача олиб борган. одамгина кўпдан "розилик" ола билади, "яхши одам эди" деган шарафга мұяссар бўлади.

Дарҳақиқат, Саъдий бобомиз айтганлариdek:

"Қололмас жаҳон ичра мангу киши  
Фақат қолгуси яхши ному иши".

Навоий бобомиз ёзганлариdek: "Умр бевафодир, мардона ҳаёт – абадийдир". Шу сабабдан, маънавият – кимнингдир қалб ниноси, кимнингдир қалб кўшиғи, кимнингдир қалб эҳсони, кимнингдир қалб сўзи, кимнингдир қалб кўзи, кимнингдир қалб қуёши... Маънавият инсоннинг ижобий ва самимий хислатлари жамидир. Унда инсонийликка зид ҳою-ҳавасларга, машшату гуноҳларга ўрин ажратилмаган. Баркамоллик, меҳнату мashaққат, поклигу сахийликка ўхаш минг-минглаб хислату фазилатлар бўлиши, ўсиши, ривожи, камоли учун майдон яратилган, холос. Ҳаммамиз учун уни эгаллаш имконияти жамулжам. Гапнинг ҳаммаси – ўзлигимизда! Ўз умримизнинг эгаси бўла олишимизда!

Сиз билган гаплар айтилган бўлса, бу яхши гапларни такрорлаш – савоб деган тасалли бизга етарли. Хўш, бугун қандай эзгулик қилдингиз? Кимнинг оғирини енгиллатдингиз, кимнинг кўнглини олдингиз? Улгурдингизми ёки энди киришмоқчимисиз?.. Шошилинг, Ҳазрати Инсон!

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг таъкидлаган сўзларни, унинг мағзини яна бир ўйлаб кўринг?

"Энг муҳим вазифамиз – мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, ҳалқимизни

ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз, аввало биз – раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади”<sup>1</sup>.

Вақт биз билан ҳеч қачон ҳисоблашмайди. Аксинча, бизнинг зийрак ва ғайратли бўлиб ҳар бир лаҳзанинг қадрига етмоғимиз умримизга мазмун қўшади. Йўқса, кунлардан-кунларга “қуруқ кўл билан” ўтаверамиз... Ҳаёт эса давом этаверади. Ўчмас из қолдирмаган УМР қадам сари ўчиб бораверади, саробга айланиб қолади. Ҳеч қачон жамиятга давлат раҳбари таъкидлаганидек, ривожланиш, туб бурилишлар бўлмайди.

Шу ўринда,

---

Гап келди:

Эй инсон!

Ҳаётингни рози қилиш, ўзингдан ўчмас из қолдириш, одамлардан розилик олиш ҳаракатини бошлиған бўлсанг, сенга офарин. Бошламаган бўлсанг, бутундан кириш – вақт ғанимат! Аллоҳ мададкор! Тараққиётнинг янги босқичига ўтган мустақил Ўзбекистон талағбор!

Агар ҳаётинг олтин дақиқаларини беҳуда ҳавотга совурсанг, бир кун келиб, ўзингни энг катта душманингта айланасан. Ҳафсаласизлик, ишончсизлик, ялқовлик, журъатсизлик сени умр бўйи таъқиб қилувчи рақибларингдир. Бу рақиблар, бир кунмас бир кун енгса, зинданбанд қиласилар. Зиндан эса Юсуф алайҳиссалом айтганидай тирикларнинг қабридир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлиста мурожатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 53-бет.

### ЗОЕ КЕТГАН УМР

Бу кимса дунёга ҳамма каби яланғоч ҳолда келди. Сўнг уни кийинтиришди. “Ул зот” улғайтагач, аввал йиглади, кейин кулади, тўйтунча еди, ичди, киядиганини кийди. Сўнг эса ... Қандай келган бўлса, шундай кетди.

Инсондан нима қолади деб сўралганда: Ўчмас из ... агар у инсондек яшаган бўлса, деб жавоб берган экан донишманд. Рим ёзувчиси Сенека (мил. авв. 6–3 милоднинг 65 йилларида яшаган, файласуф) шундай ёзган экан.

“Ҳеч ким умри қисқа бўлиб туғилмайди, уни ўзимиз қисқартирамиз; умримиз тугал, аммо биз уни елга совурамиз. Агар оқилона фойдаланилса, умр жуда узоқ давом этади. Ҳар қандай умр эмас, балки яхши ўtkазилган умр – баҳт-саодат хисобланади.”

Дарҳақиқат, ҳаётӣ тажрибалар тасдиқланганидек, ҳар қандай умр эмас балки мазмунли ўтказилган, ўзидан яхши ном қолдирган умр кишига баҳт, икки дунё саодатини, таъминлайди.

Навбат иккинчи сўровга<sup>1</sup>.

### 3.2. ЁШЛИК ДАВРИДА НИМА БИЛАН МАШГУЛ БЎЛДИНГИЗ?

Ёшлик – умрнинг бир бўлаги, лекин унинг бошқа даврлардан ажратиб турувчи ўзига хос қийматдор тарафи ҳам бор. Ёшлик файрату шижоатта, ўткинчи мақсадларга тўлган даврdir. Ҳамда икки заифлик – гўдаклик ва кексалик орасидаги қувватга тўлган йиллардир.

Болаликни ўйин, ёшликни шаҳват, балоғат ёшини гафлат билан ўтказиш ва кексаликда қўлдан кетгандар учун ҳасрат чекиш, ўзини ҳар томон уриб, надомат кўз ёшларини тўкишгофилик билан умр ўтказишнинг аломатлариdir.

<sup>1</sup> Бу мавзу бўйича мазкур туркум китобларнинг 97 сири “Кексалик ва осудалик” сонига қаранг.

### Хўш, айтинг-чи:

Бугунги ёшларимиз олтинга тенг вақтини қандай ўтказяпти? Бўш вақтида нима билан машгул? Тунги клубларда вақтини ўтказаётган айрим ёшларимизга нима дейиш мумкин? Интернет тармоғида-чи? Бу саволларга жавоб беришдан олдин бу дунёning яхши-ёмон савдоларини бошидан кўп ўтказган, қариялар даврасида бот-бот эсланадиган бир ривоятни келтиришни жоиз деб биламан.

### Ривоят

Эмишки, ёшлигида унча-мунча адашиб, донишмандлмк фаслига киргач, ақли тиниқ тортган бир султон кунларнинг бирида юрт алломаларидан зўрини хузурига чорлабди:

– Умримнинг қишидан дараклар келмоқда. Биласиз, эгиз ўғилларим бор. Иккиси – икки кўзим қароси. Қай бирига халқим тақдирини ишониб кетишимни билмай иккиланмоқдаман. Маслаҳатингизга эҳтиёжим бор, – дебди.

Аллома ўғлонларни синовдан ўтказишга султондан изн сўрабди. Розилик бўлгач, уларга юзма-юз бўлибди:

– Икковингиз икки йўлдан икки сахрога сафар қиласиз. Бахту бойлигиниз ўзингиз билан. Йўқотмай, кўпайтириб кайтсангиз, сизни улуғ мартаба кутади.

Ўғиллар аллома шартига кўра, от-увовсиз, елкасида сув ва озгина емиш солинган хуржун билан йўлга равона бўлишибди.

Биринчи ўғил йўл юриб, йўл юрса-да, мўл юриб, сахроға етибди. Алломанинг “бахту бойлигиниз ўзингиз билан” деган гапини эслаб, хуржунининг чок-чокларидан сўкиб, ахтарибди. Кийимларини ҳам астарларигача титибди. Ҳеч вақо топа олмагач, йўлда тушириб қўймадимми дея изига қайтибди.

Иккинчи ўғил ҳам вақти етиб, хуржуни бўшагач, хаёлга толибди. Бир қарорга келиб, чўпонлар ўтовини ахтариб борибди.

– Мен куч-куввати бор ишталабман, – дебди. Чўпонлар кудук қазишмоқчи экан, йигитни ишга солишибди. Йигит

астойдил, ихлос билан қазиганиданми, ё Яраттанинг иродасими, кудук ўрнига саҳронинг қоқ ўртасидан чашманинг кўзи очилибди:

– Хосиятли йигит экансан, қудуқ қазисак, саҳро оловига дош беролмай, қачондир қурирди, чашманинг умри узоқ, – деб “мардикор”ни сийлашибди. Подаларидан бир қанча кўй-кўзилар инъом этиб, от миндириб жўнатишибди.

Алқисса, аллома икковини ҳам хон хузурига олиб кириб:

– Айтган баҳту бойлигим вақт, фурсат эди. Сиз унинг бир қисмини йўлларда бекор харжладингиз, – дебди биринчи ўғилга.

Хон изоҳсиз ҳам иккинчи фарзандининг вақт – бебаҳо бойликни кўпайтириб қайтганини тушунибди ва юрт тақдирини унга ишонибди.

Қиссадан хисса ўринда

---

Гап келди:

Азиз ёшлар!

Бу – бир ривоят. Аммо кимдир шарт қўйиб, синаса, синамаса ҳаёт ўзи ҳар бир инсоннинг Вақтта муносабатини ҳамиша имтиҳон қиласи. Ўша имтиҳонда иккинчи фарзанддай тўлиб-тошиб турсак, қалбимиз яхшилик, саховат, олқиш, билим, нурга тўла бўлса, демак, биз бекор яшамабмиз. Ҳар кишини шундай баҳтга етказсин, моддий-матнавий ялангочлик, қашшоқлик гуноҳи, иснодидан, уятидан ўзи арасин.

---

Вақтдан тўғри фойдаданишни ўрганиш болалиқдан бошлигади. Чунки вақтни тўғри тақсимлай олиш ҳам яхши хулқлар сирасига киради. Болаликнинг маълум йилларига қадар ота-оналар ва мактаб муаллимлари боланинг бўш вақтига “эгалик қиласи”. Яъни улар “дарс тайёрла”, дейишса, бола тайёрлаши керак, “ухла” дейишса ухлаши шарт. “Телевизор кўрма” деб буюришса бажариши лозим

Нима деб ўйлайсиз, ота-онанинг, устозларнинг ушбу жавоблари ўз ижобатини топаяптими? Албатта йўқ! Бола ўз вақтига ўзи эгалик қилишни хоҳлайди. Катталар эса унинг

бу хуқуқига эга бўлишига вақт эрта деб ўйлашади. Натижада кўчага чиқиб кетадиган болаларнинг сони тобора кўпайиб бораяпти. Бу, албатта, ачинарли хол.

Азиз китобхон! кўчадан ўтаётганингизда сизнинг ҳам кўзингиз тушгандир, беш-үн бола ариқ бўйигами ё дарахт соясидами тўпланиб олишиб, соатлаб гапдан бўшашмайди. Гапларига қулоқ солсангиз бири тоғдан, бири боғдан. Гапириб зерикишмайди ҳам. Қоронғи тушса бирон симёғоч атрофика давра қурадилар, шунинг учун бундай сергап болаларни "симёғоч қоровуллари" деб, уларнинг бу қилиқларидан кулиш одат тусига кирган.

"Симёғоч қоровуллари"нинг ишлари – вақтни ўлдириш. Улар сұхбатлашадиган аниқ мавзу йўқ. Каллага нима гап келса, ўша томонга оғаверадилар. Шу боис, уларнинг сұхбатини маъносиз, дейишга ҳақлимиз. "Болалар ўнчаки гаплашиб ўтиришибди, уларнинг орасида безорилар йўқ", деб хотиржам бўлишга эса ҳаққимиз йўқ. Уларнинг орасида бугун безори йўқдир, бироқ эртага қўшилиб қолар. Қўшилиб қолганини, нашага ўргатишни бошлаганини вақтида пайқаймизми?

"Беозор" "симёғоч қоровуллари" наша чекиб ўтиришганида, бир одам уларни тартибга чақиради. "Отанг баобрў одам, бу ишинг чакки", дейди. "Беозор" йигитча унга жавобан: "Мияни ачитманг, братан, биз билан битта тортинг", деб таклиф қиласди. Натижада жанжал чиқади ва тартибга чақирган одам калтакланиб ўлдирилади.

### Яна бир гап

Бугун ҳаётимизни телевизорсиз, қўл телефонисиз ва интернет тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳамма уларни табиий нарса деб билади. Бу замон тараққиёти. Албатта, Вақтни тежашда ойнаи жаҳонни мақсадли ва тартибли кўриш муҳим роль ўйнайди. Ўринли томоша қилинса, ойнаи жаҳон катта маънавий озиқ беради. Лекин баъзи бир режасиз ёшлиар ойнаи жаҳон қошида кеча-кундуз мукка тушиб ётиб оладилар. Улар нимани қачон ва қанча вақт, қандай томоша қилишни билмайдилар. Нима тўғри келса, шуни қўявера-

дилар. Афсуски, нафосат манбаи бўлган ойнаи жаҳон бундай кишилар учун вақт кушандаси бўлиб қолади. Айниқса интернет фаолияти телесериаллари билан оиласаларни қақшатмоқда, ёшларни издан чиқармоқда. Америкаликларнинг телевизорни “тентак қути” дейишлари бежиз эмас.

Табиийки, телевизор фақат вақтимизни ўғирлаб, исроф қиласди, ундан – бадтари онгимиз ва қалбимизни ифлослантиради. Ички дунёмизга канализациядан бадтар кирликларни оқизиб туради.

Қўл (мобиъ) телефон-чи? Бугун у шунчалик тараққий этдики, энди уйда бир эмас, унинг ҳар бир яшовчисининг қўлида бор. Ҳаттоқи 1,5-2 ёшарли бола ҳам ундан бемалол фойдаланадиган бўлган.

Айримларимиз телефондан қандай қилиб янада самара лироқ фойдаланишни таҳлил қилишга вақт ажратадилар. Ва тан олиш керакки, юқори самара бериши имкониятига қарамай, ҳаётимизнинг вақтини бекорга ўтказишга сабаб ҳам бўлиши мумкин экан.

Хусусан:

**Талабанинг телефонида нималар бор?**

- “WhatsApp”;
- “Instagram”;
- “Facebook”;
- “Viber”;
- “Odnoklassniki”.

Булар талабаларнинг бир-бири билан дарс ёки ўзлари ўрганаётган соҳаси борасидаги мунозаралар, мулоҳазалар учун, фикр алмашув учун хизмат қиласа кошкни эди. Аммо, мазкур ижтимоий тармоклар оддийгина кўча фийбатининг электрон шаклига айланиб қолгандек гўё.

“WhatsApp”да ёзишаётган курсдошлиар дарс қолиб, ушбу ижтимоий тармоқка кирмайдиган бошқа бир ҳамкурсини, қисқаси, учинчи шахсни муҳокама қила бошлайдилар. Ваҳоланки, тилга олинган учинчи шахснинг булагга оғирлиги ҳам, иссиқ-совуғи ҳам йўқ. Бироқ, нима ҳам дейсиз, ҳудди шундай.

Шу ўринда,

Гап келди: Азиз ёшлар!

Телефон сиз учун мұхим бўлса, бошқаларга ҳам мұхимдир. Ким сизни истаса, сонияларда топиб олиши мумкин, сиз ҳам уни. Лекин булар сизнинг иш кунингиз ёки иш режангизни ағдар-тўнтар қилиб юбориши ҳам мумкин! Шунинг учун телефон сизга фақат қудайлик туғдириш учун хизмат қиласин.

Шу ўринда шоир Ҳ. Раҳимнинг қуидаги мисралари ёдга тушди:

Ёшлар дедим, ноилож  
Фурсатни сиқмоқ керак.  
Қилич бўлса у магар  
Тифига чиқмоқ керак.  
Тизгинсиз тўфон бўлса  
Йўлида турмоқ керак.  
Лойдай сиқиб вақтни  
Мақсадга бурмоқ керак.  
Дами қайтиб заминда  
Бўйи билан, эн билан  
Секунд, минут, соат, кун  
Хисоблашсин Сен билан!

(“Шарқ Зиёси”, 14.12.17)

Вақт аввали бор бўлиб, охири бўлмаган, охири бор бўлиб аввали бўлмаган чексизликдан иборат. У бир жинсли, ўтмишдан келажакка қараб ҳаракат қиласи. Ўтган вақт орқасига қайтмайди. Лекин у моддий. Инсон ҳис қилиши, мақсади йўлида ундан бемалол фойдаланиб қолиши мумкин ва шарт. Бу ҳақида ривоятларнинг бирида шундай бир ибратли воқеа нақшланган.

## РИВОЯТ

Ривоят қилибтурларким, ёш, хушбичим бир йигит бор эди. Унинг барнолиги, навқиронлигига тил ожиз эди. Аммо ёшлигини илму маърифатга, савобли ишларга эмас, фақат ўйин-кулги, кайфу-сафога сарф этади.

Унинг бир донишманд қўшниси бўлиб, йигитга ҳар куни насиҳат қиласар, ёшликини бебошлиқ билан ўтказмасликка чақиравди. Аммо йигит унинг сўзларига заррача қулоқ осмас, “Ахир бу айни ўйнаб-куладиган пайтим, бошқа ишларга кейинроқ ҳам вақт топаман”, дея яна бемаъни ишларга шўнгигб кетарди.

Вакт ўтаверди. Йигит қариб, куч-қувватдан қолди. Кўзидан нур кетди. На илм олмоққа, на хунар ўрганмоққа, на бирор савоб иш қилмоққа ҳоли қолди. Чунки у бутун куч-ғайрати, умрини беҳуда сарфлаб бўлганди. Охири ўша оқил қўшни яна унинг ҳузурига келди. Кўрсаки, қаршисида бир пайтдагидек хушсуврат йигит эмас, нурсиз бир қария ўтиради.

“Нега вақтида менинг насиҳатларимга қулоқ тутмадинг?” деганида, “Мен бундай бўлишини қаердан билай? Билганимда ёшлигимни увол қилмасдим, тажрибасизлик қилдим”, дея фифон чекди.

“Отанг неча ёшга кирган эди?”. “Юздан ошган эдилар”. “У ҳам қариб, сенинг аҳволингта тушмаганмиди?”. “Худди мен-дек қариб мункиллаб қолганди”. “Эй, нодон, сенга бундан ортиқ яна қандай тажриба керак? Наҳот отангнинг аҳволини кўриб, ибрат олмадинг? Умрнинг, ёшликнинг ғанимат эканини англамадинг? Афсус...”

### Қиссадан ҳисса

Умрнинг шу қадар тез ўтишини билмай яшаганимиз афсус-пушаймонларимизнинг энг каттасидир. Ҳадисда шундай дейилади: “Бирор киши йўқки, ўлаётганда пушаймон бўлмаса. Агар яхши бўлса, яхшилиги зиёда бўлмаганига пушаймон бўлади, агар ёмон бўлса, ёмонлигини аввалроқ тўхтатмаганига пушаймон бўлади”.

Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард. Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ. Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади. Донолар шундай дейди: „Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир **кунлик** пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсани ея олмай қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Бир **йиллик** пушаймон эса қўлидан келмаса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай, вақтни ўтказиб юбориш орқали келади. Бир **умрлик** пушаймонлик эса, адашиш орқали муносиб бўлмаган муросасиз уйланиб қолиш орқасидан келади“.

Шоир Шавқий айтади:

Ҳар иш айларда аввал эҳтиёж айлаб тафақкур қил,  
Қўлингдан ўтса вақти, фойда бермасдур пушаймонлик.

Таажжуб ўринда,

---

Гап келди:

Азизлар!

Афсусланиш кони зарап. Ачинишдан ҳеч фойда йўқ. „Сўнгти пушаймон ўзингта душман“ дейилади халқимизда. Шундай бўлса-да ривоятдаги пушаймонликка барчамиз бирдек йўл қўямиз.

Нега шундай? Нима учун пушаймон бўлишни ўлимга тақаб олиб келамиз? Нега бир сониялик, бир соатлик, бир кунлик, бир ойлик, боринг, кўп йиллик нафс ороми деб абадиятимизни куйдириб юборамиз? Нима учун номақбул ишга қўлимиз кетаётганида, қадамимиз қинғирлашаётганида дарҳол уни тұхтата олмаймиз? Нега ўзимизга кучи етадигаи фақат ўзимиз эканлигимизни, түгри йўлга соладиган ҳам ўзимиз эканлигини англамаймиз? Нега?

Ҳа, инсон умри давомида кўп пушаймонлар ейди.

Айрим ҳолларда пушаймон туфайли тавба қилиб, түгри йулга тушиб олади. Лекин икки ҳолда унинг пушаймони аскотмайди. Биринччиси – жон бериш, охират остонасидан ўтиш пайтидаги иушай-

мони. Инсон охират сари юзланган маҳалда унга яна бироз мұхлат берилишини ёки йүқтотган нарсасини түғрилаб, бузганини тузатиб олиш учун озгинагина вақтнинг ортга қайтарилишини орзу қиласы. Лекин, бу иложисиз бир нарса!

Иккинчиси – охират диёрига күчилганида ҳар бир жон амалига яраша мукофотланиб ёки жазоланиб, жаннатийлар жаннатта, дұзахийлар дўзахга киритилган бир пайтда дўзахийлар вазифали дунё ҳәётига яна бир бор қайтишни, ҳәётларини янгидан бошлаб, яхши амаллар қилишни хоҳлаб қоладилар. Бироқ улар истаётган нарса ҳақиқатдан нақадар, узоқ! Чунки у вақтда мұхлат замони тугалланиб, ҳисоб бериш замони келган бўлади.

Вақт ва умр мазмуни ҳақидаги мулоҳазаларимизни XVIII асрда яшаган америкалик шифокор Говард Пеккнинг хulosаси билан якунлашни лозим топдик. У “Вақтни бой бериш ўзини ўзи қатл этиш билан баробар”, деган тўхтамга келибди. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олмай иложимиз йўқ. Шундай экан, ҳар бир инсон умрини энг яхши амаллар ва чиройли ишлар билан ўтказишга ҳаракат қилмоғи зарур.

### 3.3. МОЛ-ДУНЁНИ ҚАЙ ЙЎСИНДА (ҚАЙ КАСБ ОРҚАЛИ) ТОПДИНГИЗ ВА НИМАЛАРГА САРФЛАДИНГИЗ?

Пайғамбаримиз сўзидағи учинчи хислат, яъни мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва нимага сарфлагани, сўролмагунча баnda бир қадам ҳам силжий олмаслиги ҳақида бир икки оғиз сўз<sup>1</sup>.

Ҳаётда – камдан-кам одам факирликни хоҳлайди, оз сонли айрим кишиларгина камбағаллик-ка рози бўлишади. Ҳарқалай, ҳозиргача “менга дунёning асло кераги йўқ, мен

<sup>1</sup> Бу мавзу бўйича мазкур туркум китобларнинг 17 сири “Бойлик ва осудалик” сонига қаранг.

камбагал-фақир яшаши хоҳлайман”, деган одамни кўрмадик. Аксарият одамларнинг фикри-ёди ҳамиша катта пул ва мол-дунёни кўлга киритиш, бойлигини кўпайтириш, тўкин ва фаровон яшашига қаратилган бўлади. Ҳаттоқи ёш болалар кичиклигиданоқ “катта бўлсан кўп пул топаман, фалондақа машина оламан, фалончига ўхшаб “каттакон” (амалдор) бўламан”, деган орзулар билан яшайди. Бу табиий ҳол. Парвардигор шундай бўлишини хоҳлаган, шунинг учун инсонларни дунёга муҳаббатли, иштиёқманд, рағбат кўрсатадиган қилиб яратган.

Хўш, унда қандай қилиб бойиш мумкин? Қандай қилинса, кўп мол-дунёга эга бўлиш мумкин? Бадавлат бўлишнинг қандай йўллари бор? Минг афсуски, кўпчилик ана шу саволларга жавоб топиш учун Farbdagi пулдан бошқа нарсани ўйламайдиган, ҳамма нарсани пул-бойлик билан ўлчайдиган, фойда йўлида иймон, эътиқод, барча муқаддас туйгулар ва инсонийликдан ҳам осонгина воз кечадиган, бу йўлда ҳалол нима, ҳаром нима, мутлақо фарқламайдиган кишиларга эргашади.

Айтиш жоизки, энг ачинарлиси шундаки, ҳозирги пайтда кишиларнинг онгига “Ҳалол йўл билан асло бойиб бўлмайди, фақат бошқаларни алдасанг,чув туширсанг, ёлғон ишлатсанг, пора олсанг, судхўрлик қилсанг, заём ёки лотореяга катта ютуқ, ютсанг, пул тикиб қимор ўйнасанг, ҳаром йўллар билан пул топсангина бойиш мумкин”, деган ғоят хатарли ва бемаъни бир фикр сингиб кетган. Дўконида ароқ сотаётган танишга “бу йўл билан бой бўла олмайсиз”, деб кўринг-чи, ҳамма айнан шу орқали яхши фойда кўраётганини пеш қилиб, мингта мисол келтиради. Ёки пиво сотмасак, ошхонамизга хўранда кирмаётир, деб нолиётган бошқа бир танишингизга унинг бу ишида барака йўқлигини эслатиб кўринг, дарров атрофидаги ошхоналар тажрибасидан мисол келтириб оғзингизга уради. Ёхуд бир тижоратчи дўстингизга фоизи билан катта қарз олиш ўрнига музораба (тeng шериклик) йўли билан қилган савдоси баракали бўлишини айтиб кўринг-чи, дарров сизга дунё тижорати тажрибасидан айнан қарз олиб ниҳоятда бо-

йиб кетган ўнлаб кишиларни санашга тушади. Ёки кўзингиз олдида носоз тарозида мол ўлчаб бераётган бир ноинсоф со-тувчига бу ишининг гуноҳ экани ҳақида оғиз очиб кўринг-чи, шу заҳоти ҳозир тожирларга ниҳоятда қийин бўлаётганини айтиб, сизни мутлақо алдамаётгани ҳақида ўн марталаб қасам ичиб юборади. Бизларнинг бойлик ва бойиш ҳақидаги тасаввурларимиз, қарашларимиз ана шундай хато ва бузук!

Ваҳоланки, бундай йўллар билан мол-дунё, бойлик орттириш ҳаромлиги, агар бошда худди бойиб кетаётганга ўхшаса ҳам, пировард натижа жуда аянчли бўлиши, бу усулларнинг дунё ҳаётидаги хатарлари ва кулфатлари-ку майли-я, унинг боқий дунёдаги уқубатлари, ҳисоб-китоблари ниҳоятда оғирлиги кўп марта уқтирилган.

Модомики шундай экан, унда Пайғамбаримиз айтганлариdek, мол-мulkни қай йўсинда (қайси касб орқали) топиш ва сарфлаш керак?

Бой бўлишнинг, бойлик, мол-дунё орттиришнинг ягона йўли ҳалол касб билан, ҳалол йўл билан, қўл кучи орқали бойишдир. Касбларнинг энг яххиси ҳалол савдодир. Ундан кейин эса чорвадорлик, дехқончилик ва ҳунармандликдир. Хабарларда бундай дейилган: “касбнинг афзали ҳалол савдогарлик ва ўз қўли билан қиласидиган касбдир”; “ризқнинг ўндан тўққиз қисми савдогарчиликда, бир қисми эса чорвачиликдадир”; “қўй боқинглар, чунки у баракадир”; “дехқончилик қилинглар, чунки у баракали касбдир” ва ҳ.к.

Юртимиз тарихида тадбиркорлик алоҳида ўрин тутиб келган. Ота-боболаримизнинг ер-мulk, касб-хунарга эта бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ҳалол ишбилармон кишиларни қадрлаш анъаналари мавжуд бўлган. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шиҷоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, – деган сўзларини эслаш кифоядир.

Мамлакатимиз истиқлол баҳтига эришганидан кейин тижорат ва хусусий тадбиркорлик ишлари янада жадаллашиб, тараққиёт йўлига ўтди. Зарурий ҳукуқий қонун-қоидалар

тизими вужудга келтирилди. Мана улкан имкониятлар яратувчи тадбиркорликка оид янги қонунлар қабул қилинди. Үйлаймизки, мәхнатсевар ватандошларимиз ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда юртимизни янада ободу фаровон бўлишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Динимиз таълимоти ялқовлик, боқимандалик каби заарали иллатларни қатъий қоралаб, инсонларни ҳалол ризқ топиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш ва чин ихлос билан мәхнат қилган ҳолда ҳаёт кечиришта чақиради. Расууллоҳ (соллалоҳу алайҳи ва саллам) бирорларга юқ бўлгандан кўра, ҳатто ўтин териб келиб ва уни сотиб кун кечириш афзалроқ эканини айтгандар.

Барча пайғамбарларнинг ўз қасб-корлари бўлган. Масалан: Нуҳ (а.с.) дурадгорлик, Иброҳим (а.с.) баззозлик, Довуд (а.с.) совут ясаш ва темирчилик, хурмо дараҳти новдаларидан сават тўқиши, Закариё (а.с.) дурадгорлик, ҳазрати пайғамбари миз Мұхаммад (с.а.в) чўпонлик ва савдогарлик қасби билан машғул бўлишган.

Ўз навбатида саҳобаи киромлар ҳам бирон-бир қасб-хунар билан ризқ-рӯз топишга саъй-ҳаракат қилишган. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Салмон Форсий хурмо новдаларидан сават тўқиб сотарди, Абдураҳмон ибн Авф, Усмон ибн Аффон ва бошқа бир қатор саҳобийлар тижорат билан шуғулланардилар.

Қадимдаги солиҳ кишиларимиз мазкур нарсаларни яхши анлаганлари учун ҳам, албатта, бирон қасб ва хунар эгаси бўлишган ёхуд тижорат, тадбиркорлик каби ишлар билан шуғулланишган. Ҳазрати Имом Абу Ҳанифа (р.ҳ) шойи ва ипак газламалари билан савдо қилгандар. Машҳур ватандошимиз ва буюк аллома Имом Қаффол Шоший ҳазратлари кулфсозлик билан шуғулланганлар. Ҳазрат Ҳожа Ахрор Валий эса тижорат, чорвачилик ҳамда мулкчиликнинг бошқа турлари билан шуғулланганлар ва ҳоказо...

### Нимага сарфлаш керак?

Аллоҳ бандаларига мол дунёни яхши мақсадларга сарфлаш, икки дунё саодатига эришиш учун беради. Уни оқилона

тасарруф этиш бандани муроду мақсадлари сари етаклайди, исроф қилиш эса ақлсизлик белгиси бўлиб, инсонни хору зорликка олиб боради. Шунинг учун Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳаётини чиройли тарзда олиб боришига сабаб ва восита бўладиган мол-мулк тизгинини ҳар кимга ҳам бериб қўймасликни таъкидлаб, “Нисо” сурасиининг 5-оятида: “(Қарамоғингиздаги) ақли норасоларга Аллоҳ сизга (ҳаёт) воситаси, турини қилиб қўйган молларингизни бериб қўйманглар, балки ўша моллардан едиринг, кийдиринг ҳамда уларга яхши гапиринг!” дея марҳаматини билдиради.

Маълумки мол-мулк ўз-ўзидан келавермайди, унга эга бўлиш учун инсон ўқийди, ўрганади, касб-хунар танлайди, елади, югуради, саъй-ҳаракат қилади. Агарда топган мол-мulkини хусни тадбир билан бошқарса моли зиёда бўлади, унга барака киради. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз: “Иқтисод, билан иш юритган киши (қашшоқ) камбағал бўлмайди”, деганлар (Имом Аҳмад ва ибн Можа ривоятлари). Аллоҳ, бандасининг нияту интилишига яраша ато эттан мол-дунёсининг тасарруфини бошқаларга бериб қўйса, у охир-оқибатда маломатга қолади, надоматлар чекади, бурди кетади. Масалан, киши мол-мulkининг тақцирини ҳисоб-китоб ишларидан йирокрок бўлган хотин-қизларига топшириб қўйса, улар калтароқ ўйлаб ўзларига керакли нарсалар (зеб-зийнат, тақинчоқларни) харид қилишга ортиқча маблағ сарфлаб-қўйишлари мумкин, чунки улардан айримларининг ақли ва табиатлари кўпроқ зеб-зийнатга ўч бўлади. Молният тасарруфи болаларга бериб қўйилса, улар ҳам ўз ақлига кўра иш тутиб, мол эгасининг кўнглини ранжитиб, ишга путур етказишларини ҳам кузатганмиз. Шу сабабли машаққатлар эвазига топилган мол-дунёнинг тизгинини ўз қўлингизга олганингиз маъқулдир.

Ана шундай ҳаётий ҳақиқатлардан келиб чиқиб қўйидаги ҳикояни айтиб бераман.

## Ҳикоя

Ҳикоя қилишларича, Тожиддин исмли бир савдогар бўлиб, у ниҳоятда тақводор, обрў-хурматга сазовор эди. Унинг уч қизи ва Ҳайруллоҳ исмли ўғли бўлиб, учала қизи ҳаётда ўз ўрнини топган, баҳти-тахти хонадонларнинг севикли бекалари экан. Аммо эркатой ёлғиз ўғил ёмон хулқли тенгдошлирига қўшилиб қолиб, отасининг мол-давлатини кайфу сафоға сарфларди. Бечора ота қанча панду насиҳатлар қилмасин, фойдаси бўлмади. Бу кетишда ота вафотидан кейин топган мол-мулкини бебош ўғли тез фурсатда совуриб, ўзи хору-зор бўлиб қолиши мумкинлигини англабди. Шу сабабли-оғир хасталикка чалинган ота арзандасини ёнига чакириб, "Эй, ўғлим! Мени бу дунёдан кўз юмиш вақтим яқинлашганга ўхшайди. Мендан кейин сенга раҳм-шафқат қиласидиган меҳрибон киши тополмай қоласан. Бир кун келиб, ниҳоятда қийналиб, бир бурда нонга зор бўлиб, дунё кўзингта қоронғу бўлиб қолса, мана бу арқон билан шу шифтдаги тўсинга ўзингни осгин. Бу менинг сенга сўнгги васиятим, уни албатта бажар", деб оламдан ўтиби.

Нобакор фарзанд отасидан қолған мулкни исроф қилиб, тез фурсатда пулсиз қолибди. Унинг камбағал, хору-зор бўлганини кўрган илгариги "меҳрибон, жонажон дўстлари" ундан юз ўтирибдилар. Кайф-сафо, улфатчиликка ўргангандаги йигитнинг ҳоли ниҳоятда тант бўлиб, отасининг ўгитларига вақтида қулоқ солмаганига афсуслар чекибди. Охири нажотиз қолган арзанда отасининг сўнгги васиятини адо этишдан бошқа иложи йўқлигини билибди. Арқонни олиб, тўсиндан ўтказиб, ўзини оса бошлабди. Доно ота фарзанди бир куни шу куйга тушишини олдиндан сезиб, тўсинни арралаб, унинг орасига анча микдорда олтину кумушларни беркитиб қўйган экан. Нобакор ўғил арқонга осилиши билан тўсин синиб, яшириб қўйилган олтинилар унинг устига тўклибди. Пешонаси деворга тақ этиб теккач, кўзи очилган йигит бу пулларни отасининг касби савдогарчиликни давом эттиришга сарфлабди. Вақтлар ўтиб, у бойиб-кетибди. Отасидан ҳам тақво-

доррок, тадбиркорроқ ва сахиyroқ бўлиб, етим-есирларга муруввати билан шуҳрат қозонибди.

### 3.4. ЎРГАНГАН ИЛМИНГИЗГА ҚАНДАЙ АМАЛ ҚИЛДИНГИЗ?

Ва, ниҳоят вақтни нимага сарфланганлиги тўғрисида айтган сўзларидағи тўртинчи хислат – бу ўрганган илмига қандай амал қилганлиги сўралмагунча, банда бир қадам ҳам сижимаслиги ҳақида бир икки оғиз сўз.<sup>1</sup>

Ўзидан яхши ном қолдириши кераклигини ҳар бир инсон истайди, лекин бунга сазовор бўлиши учун илм ўрганиш, унга амал қилиш ва уни тарқатиш йўлида жон фидо қилиб риёзат чекмоғи лозим.

**Ҳадиси қудсийда шундай дейилган:**

Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга, илм аҳлига муҳаббатли бўл.

Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан.

Ушбу ҳадисга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъододли шоира, маънавиятимизнинг ҳассос тарғиботчиси бўлган, раҳматли Турсуной Садикованинг берган шарҳларидан фойдаланган ҳолда Пайғамбари-миз ҳадисларидағи тўртинчи хислатга батафсил тўхтаймиз.

**“Олим бўл (илм берувчи бўл) дейиляпти, ҳадисда.**

Сизни яратган ярлақади – дилингизни уйғоқ, кўзингизни чанқоқ, хотирангизни бақувват, ниятингизни оппоқ ва юксак яратди – олим бўлдингиз. Сиз шу туришингизда эндиғина куч тўплаб замин ёрган шаффоғ булоқсиз, нақ пишиб етилган мева, гулга айланаётган ғунчасиз! Булоқнинг қиммати қай даражада шифо бўлишида, меванинг қадри есанг етмиш икки томиринг ундан қувват олишида, гулнинг баҳоси димоғинга-ю қароғингта қанчалик роҳат беришидадир. Демак, Аллоҳнинг шунча омонати сизда турибди! Ўзингиз билан олиб кетишга ёки ичингизда димлаб ўтиришга ҳаққингиз йўқ, у

<sup>1</sup> Бу мавзу бўйича мазкур туркум китобларининг 14 сири “Илм ва осудалик” сонига қаранг.

улуснинг ҳақи. Аллоҳ қулфи дилингизни очиб турди, сиз бамисли асаларидек унинг неъматларидан нектар йиғдингиз ва сиз тўплаган билимда минг бир касалнинг давоси турибди. Бу дунё эса ҳар хил даражотдаги беморларга тўлиб ётибди. Сиз Яратганинг саралар ичидан сара сайлаган дастёрисиз! Шошилинг, азизим, шошилинг, сизга термулиб турганларга борингизни улашинг!

Гап эгасини топади

### 3.5. ВАҚТИ ЙЎҚ ОЛИМЛАР

Институтни тугатган ёш йигит шанба куни устози олдига кириб, деди:

– Устоз, менга илмий иш беринг, мен ҳам сизга ўхшаган олим бўламан.

Устоз, вақтим йўқ, бугун бошқа профессорлар билан чойхонамиз бор, кейинроқ гаплашамиз, деди. Шогирд бир амаллаб ўзи илмий иш бошлади ва дастлабки мақоласи билан устози олдига кирди: “Устоз, ушбу мақоламни бир кўриб беринг”. Устоз деди “Вақтим йўқ, сен чоп қилдиравер, кегин биргаликда ўқиймиз, Ҳозир чойхонамиз бор”. Ииллар елдек учиб ўтди, ҳимоя куни яқинлашди. Шогирд устози олдига кириб, илтижо қилди: “Устоз диссертациямни бир кўриб берасизми, ҳар ҳолда эртага ҳимоя белгиланган”. Устоз: “Ҳозир вақтим йўқ, ҳимоя куни учрашамиз”, деди. Шогирд бир амаллаб ҳимоядан ўтиб олди. Ҳимоя куни устоз уни роса мақтади. Ииллар ўтди. Шогирд ҳам устозга айланди. Шанба куни дўстлари билан энди чойхонага отланаётганда унинг биринчи шогирди эшикдан мўралаб, сўради: “Устоз менга илмий иш берасизми, мен ҳам сизга ўхшаган олим бўлмоқчиман”. Устоз деди: “Вақтим йўқ, кейинроқ гаплашамиз”.

Шу ўринда,

---

**Гап келди:** Шоира опамиз айтганларидек, илмли одам қачонки ўз билимини ҳалқа етказа олса, ақлли хуласаларини ўқишли, жозибали, сингишимили тарзда

тақдим эта олса, яни тушунтирганда одамлар роҳат қилиб эшитсалар, китоб битса, қийналмай, зерикмай ўқисалар, ана ўша зот олимдир! Илм одамлар учундир. Бу ҳақида қўйидаги ҳадис ҳам бор: Илм ўрганиб уни ҳеч кимга айтмаётган одам бойликни тўплаб, уни ҳеч сарф қилмаётган баҳилга ўҳшайди.

Ақлу заковат, қўл, тил, дил инсонга Аллоҳдан фақат яхшилиқ қилиш учун берилган. Уни ичимиизга димлаб ўтиб кетмайлик. Яхши, сўзни, яхши ниятни, ўзимизда бор билимларимизни барча биродарларимизга тарқатишга шошилайлик. Баҳиллик қилмайлик.

### Сўров

#### Ким кимга ҳамроҳ?

Айтилишича, Аллоҳ таоло хулқларни яратгач, Қаноат: "Мен Ҳижозга кетаман", деди. Шунда Сабр: "Мен ҳам сен билан бирга!" деди. Илм: "Мен Ироққа кетаман" – дегани ҳамоно, Ақл: "Мен ҳам сен билан бирга!" – деди. Карам: "Мен Шомга йўл оламан", деди. Шунда Иззат: "Мен ҳам сен билан бирга!" – деди шошилиб Зиллат. "Яхши хулқ: "Мен Яманга бораман", деди. Шунда Ҳилм: "Мен ҳам сен билан бирга!", деди. "Мен Румга кетаман", Фисқ. "Мен ҳам сен билан бирга", деди Зулм. "Мен сахроларга кетаман", деди Шифо. "Мен ҳам сен билан бирга!", деди Мурувват.

(“Ҳилол”, 2007, 1-сон)

Илмни тарқатишда баҳиллик қилиш ёмон хулқли инсонларга хосдир. Улар бир-бири билан ҳамроҳдирлар.

Энди юқорида келтирилган ҳадисга қайтайлик яни, "...ёки илм ўрганувчи бўл" деган жумлагага тўхтайлик. Илм ўрганиш борасида банда борки, ҳам ўзи, ҳам Аллоҳнинг олдидаги хижолатдир. Гофилликка учрамаган, вақтни бой бермаган кимса йўқ. Илм жуда керак эканлигини бу дунёдан кетаридағина англаганлар инсониятнинг ярмини ташкил қиласидесам, хато бўлмас! Гофилларни-ку қўяверинг, машхур

денишманлар ҳам “Ҳамма нарсани ҳеч ким билмайди”, деб айтишган (Горация, мил. авв. 65-8 йилларда яшаган Рим шо-ири).

## ДОНОНИНГ ЖАВОБИ

Одамлар Абу Али Ибн Синодан сўрашибди:

– Эй улуғ ҳаким, сиз ҳозиржавоб, олим одамсиз, файла-сүфсиз, айтинг-чи, шунча ўқиб нима натижага эришдингиз?

Ибн Сино жавоб берибди:

– Ҳа, фақат бир нарсани англадим. У ҳам бўлса, ҳали кўп нарсани билмас эканман.

Милоддан аввал 469-399 йилларда яшаб ижод этган юонон файласуфи Сукрот: “Мен фақат ҳеч нарсани билмаслигимни биламан”, деган. Ватандошимиз Ибн Сино ва Сукротларнинг икрорлари шундай бўлган бўлса биз нима дейишимиз мумкин. Буюк ва қудратли тангри барча бандаларига мурожаат қилиб: “Илмни сизларга оз микдорда бердим”, дейди.

“Дарвоҷе, дейди фалсафа ва тасаввуф бўйича қомусий олим Имом Фаззолий (1058-1111), оламдаги барча тафаккур эгалари йигилишиб бош қотирганда ҳам лоақал унинг чумомли ва чивинни қай тариқа яраттанига оид илми ва закосини англаб етолмайдилар, бу масаланинг ўндан бирини ҳам ечолмайдилар. инсон фақат Аллоҳ буюрган илмнигина эгаллашга қодир”.

Бу айтимлардан холоса шуки, олий неъмат ҳисобланган вақтни яратганинг ўзи буюрган илмни мукаммал ўрганишга интилиш керак. Одамлар билимсизликлари туфайли эмас, балки, кўпинча ўзларига, биламиз деб, бино қўйганликлари учун янгишадилар.

Филжумла ўрнида,

---

Гап келди:      Ақлни камолга етказувчи энг олий нарса илм ўрганиш ва унга амал қилишдир. Илм ўрганиб, илмiga амал қилмаган киши ер ҳайдаб, унга ҳеч нима экмаган ва ҳосил олмаган кишига ўхшайди.

Агар муваффақиятнинг ягона формуласи бўлса, у ҳам бўлса тинимсиз ўқиш ва ўрганишdir. Қанча кўп ишласанг шунча кўпга эришасан.

Яна "...tinglovchi бўл" дея даъват қилади ҳадис. Ўтган авлодларимизнинг бир гўзал феъллари бўлар экан: хонадонга илмли, хурматли меҳмонлар ташриф буюрса, ота-оналар, устозлар дастёрчилик баҳонасида болаларини, шогирдларини уларнинг сұхбатига қатнашириар эканлар. Ўсмирлар қўлга сув қуиб, кавуш тўғрилаб, чой ташиган бўлиб, пойгаҳда тизилишиб ўтирар ва меҳмонларни тинглашар экан. Аслида, шугинанинг ўзи қанча илм! Бу ерда улар сұхбат маданияти, овқатланиш, ўтириб-туриш одобини ўрганганлар. Ва қанча мавзу, қанча маънидан ёш туриб хабардор бўлганлар.

Шу ўринда,

Гап келди: Азиз ўқувчилар!

Илмни чуқур эгаллашда вақтнинг қадрига ета олган олимлар ҳаётидан ўrnак олсак арзиди. Бундай олимлар ўzlари турган мавқедан яна ҳам гўзалроқ дараражага интилганлар. Шу жиҳатдан уларнинг буғуни кечасидан, эртаси буғунидан афзалроқ бўлган. Бу хусусда улардан бири: "Кимнинг бутуни кечаги каби бўлса, у алдангандир ва кимнинг бутуни кечагисидан ёмон бўлса, у лаънатлангандир", деган эди. Улар вақтларини манфаатли илм таҳсил қилишга, фойдали ишларга ё нафс тарбияси ёки бошқаларга фойда келтиришга ишлатишларидан ташқари, бирор кунни ёки ярим кунни ва ё қисқа муддатни бўлсин, бехуда сарф этишдан қизғанишган. Токи ўzlари сезмай қолиб, умрлари бўш ишларга сарф бўлиб, гард-у-губорга, кўпикка айланиб кетмасин. Ўтаётган ҳар бир кунни ҳам ўзи учун ва ҳам атрофидагилар учун илм, маърифат, иймон ҳамда эзгууликларни юксалтиришда фойдаланмасликни улар Аллоҳ неъматига ношукурлик ва вақтга ҳурматсизлик бўлади, деб ҳисоблашган.

Юқоридаги ҳадиснинг "...илмга, илм аҳлига муҳаббатли бўл" деган битигига тўхтайлик. Олим бўлмадинг, илм ўрганивчи ҳам бўлмадинг, илм тинглашга ҳам вақт топмадинг, энди ҳеч йўқ, одамларни етаклаётган, кўзини очаётган, инсониятни тараққиётта кўтараётган ИЛМга хурматда, таъзимда бўл, ундан ҳайратлана бил, бу аввало Аллоҳга шукrona, яъни ибодат ўрнида бўлади. Қолаверса, бу эътиборинг шундан дарак берадики, ўзинг уддалаб ўрганмаган илмга эртага албатта болангни етаклаб келасан, иншааллоҳ!

Ҳақиқий илмли одамлар дарвештабиат бўладилар, яъни улар кибран, ҳою-ҳаваслардан, нафсадан нари, Ҳаққа яқин кишилардир. Уларнинг ҳимоячиси Ҳақнинг ўзи, аммо илмлари билан қоронғу дилларни ёритганлари, дунёning қанчадан-қанча ками улар билан битаётгани учун ва айниқса, эвазига ҳеч кимдан ҳеч қандай имтиёз сўрамаганлари учун ҳам уларга хурмат кўрсатсан, етса молимиз, етмаса, икки оғиз рағбатимиз. мушкулларига ечим бўлишимиз билан кўнгиларини олсан, савобнинг ичидა қоламиз. Яратган бизни бошқа томондан қўша қўллайди. Истеъоди бор, ҳалқа манфаати тегаётганки одам – НЕЬМАТ, МИЛЛАТНИНГ МУЛКИ! Уларга рағбат бериш илмга рағбат беришдир. Илм ва илмилар ардоқланган жойда жамият тараққиётда бўлади. Агар қўлимиздан, тилимиздан уларни қўллаш келмаса, ҳеч йўқ йўлларининг тўсилишига йўл қўймайлик, ҳеч йўқ ҳақларига дуо қиласайлик!

Ривоятларнинг бирида Вақтнинг илмга бўлган садоқати қуийдагича нақшланган.

### 3.6. СЕВГИ, БИЛИМ, ВАҚТ!

Қачонлардир, узоқ-узоқ замонларда Ерда бир орол бор экан ва унда барча маънавиятлилар яшар эканлар. Лекин кунлардаи бир куни улар эътибор беришди: орол сув тагига кета бошлабди. Барча ўз кемаларига ўтириб сузишга тушдилар. Оролда биргина Севги қолди.

У охиригача кутди, лекин кутадиган нарса қолмагандан кейин, у ҳам оролдан сузаб кетишни хоҳлади. Шунда у Бойликни чақирди ва унинг кемасида кетишни илтимос қилди.

Бойлик жавоб берди:

– Кемамда қимматбаҳо буюмлар кўп, сен учун бу ерда жой йўқ.

Ёнидан Ғамгинлик кемаси сузаб ўтаётганди, Севги ундан илтимос қилди, лекин у узрини айтди:

Кечирасан Севги, мен шунчалик ғамгинманки, ҳамма вақт ёлғиз қолишим керак.

Ўшанда Севги Ўурур кемасини кўрди ва ундан ёрдам сўради. У кемасидаги уйғунлик (гармония) бузилишини айтиб жўнаб қолди.

Ёнидан Шодлик кемаси сузаб ўтаверди. Бироқ у шунчалик кайфу сафо билан банд эдикси, ҳатто Севгининг чақириқларини эшиitmади. Севги бутунлай умидсизланди. Шунда тўсатдан қаердандир, орқадан товуш эшитилди:

Кетдик Севги мен сени ўзим билам олиб кетаман.

Севги ўгирилиб бир қарияни кўрди. У Севгини қуруқликка олиб борди ва нарига сузаб кетди. Севги унинг исмини сўрашни унутганини эслади ва Билимга мурожаат қилди:

– Айтгин, мени қутқарган ким эди?

– У – Вақт! – жавоб берди Билим.

Чунки фақат Вақтгина севгининг қадрига етади, фақат у севгининг қадрли эканлигини тушуна олади.

Қиссадан ҳисса ўрнида,

---

Гап келди:      Азизлар! Гарчи Вақт ҳеч кимни севмаса-да ва ҳеч кимдан нафратланмаси – да у ҳеч кимга бефарқ эмас. Қиссамиздаги ҳолатда Севгига Бойлик ҳам, Ғамгинлик кемаси ҳам, Ўурур кемаси ҳам ва Шодлик кемаси ҳам ёрдам қўлини чўзмади. Севгига фақат Вақт ёрдам берди. Шунинг учун ҳам халқимизда “Вақт даволанмайдиган дард йўқ”, деб бежиз айтишмаган.

---

Ва, ниҳоят:

“Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан” демоқда ҳадис. Илм берувчи ҳам, илм ўрганувчи ҳам, тингловчи ҳам, илмлиарни қўлловчи ҳам бўлмаса, бешинчиси ким бўлади? Куръони каримда бу дунёда айрим бандаларнинг диалини қулфли, очилмайдиган қилиб яратдик, дейилади. Демак, “бешинчилар” ўшалар, Аллоҳнинг алоҳида ҳисоб-китобига дучор бўладиган бандалардир! Уларнинг кўзлари очиқ, аммо сўқир. Таъблари ҳаром-ҳалолни ажратолмайди, қўлида-ю тилида яратиш, яйратиш сехри йўқ, диллари тош. Шунинг учун уларга илм юқмайди, қулоқлари берк – насиҳат ўтмайди! Бунинг оти лаънатланишдир! Аллоҳ, бу қисматдан бандаларнингни асрагин! Аллоҳ ҳаммамизга “бешинчи” лардан эмаслигимизни исботлашга имкон берсин, омин!

Шу ўринда,

Гап келди: Азизлар! Вақт ва умр нуқтаи назардан унинг инсонга бир бора берилишини ҳисобга олсан, ақлли одам ҳеч қачон “бешинчи киши” қаторида бўлмайди. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил қиласди. Бу қувонарли ҳолдир. Жуда яхши бўларди агар улардан 30-40 фоизи илм-фан соҳасида ўз иқтидорини намоён этса. Чунки илм йўли савобларнинг энг улуғидир. Ҳаётда битта муаммога олимлар ечим топишса, минглаб кишиларнинг мушкули осонлашади. Мен истардимки, фарзандларимиз ўз ота-боболаридан қолган ёзма манбаларни синчиклаб ўргансалар. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, томонидан яратилган илмий асарларни кимки ўрганишга вақт сарфлабди, у ўз келажагига пухта замин қўйибди. Мен вақт деган қайтарилмас, улуғ ҳакамга муносабатда жуда тежамкорлик керак деб ўйлайман. Чунки одамзот ҳаёти тежалган вақтта қараб узаяди.

Хурматли ёшлиар! Унутманг:

Кўкдаги булатни ушлаб туриб бўлмайди, уни шамол олиб кетади, ёшликни ҳам тутиб туриб бўлмай-

ди, уни вақт олиб кетади. Кексалик эса бир лаҳзада етиб келади.

Шундай қилиб илм кишиси қандай бўлиши керак, илмнинг ибтидоси нима-ю, ва бу юмуш нима билан якун топиши лозимлигини ўзида акс эттирувчи қўйидаги ҳадис билан юқорида ҳадис шарҳини якуnlаймиз.

**Илмнинг аввали сукут, сўнг эшитиш, сўнг ёд олиш,  
сўнг амал қилиш, сўнг уни тарқатишdir.**

Хулоса қилсак, инсон бу синов дунёга ўз ташрифининг сабабини англаш учун келар экан, аввало, омонат умрини мазмунли ўтказишга, ортидан яхши сўз ва боғ қолдиришга ҳаракат қиласди. Шундан, бу дунёning эзгулик аталмиш палласи доимо оғир босиб, дунёни нурга чулғаб турган яхши инсонлар кўпаяверади. Ҳаёт эса янада гўзалроқ бўлади. Қимматбахо вақтларини рози қиласиганлар сафи ортиб бораверади.

### **Эскирмайдиган гаплар**

Маълумки, ҳеч ким икки марта яшамайди, лекин бир марта бериладиган азиз умрнинг қадрига етиб, тўғри ҳалол ва пок яшай билиш энг улуғ фазилатdir.

Бир аср умр кўриб, ном-нишонсиз ўтганлар ҳам бор: оз умр кўриб абадий ном қолдирганлар ҳам бор.

4  
БОБ

## ВАҚТ – БУ ОҚАР ДАРЁМИ?

Вақт оқар сувга ўхшатилади. Оқиб кетган сувни қайтариб бўлмагани каби, ўтган вақтни ҳам қайтаришнинг, имкони йўқ.

Эрамиздан беш юз йил олдин грек файласуфи Гераклит ўз шогирдларига "Ўзгариш қонунидан бошқа ҳамма нарса ўзгарида" деб айтган. У жумладан шундай ҳам деган: "Сиз бир дарёга икки марта кира олмайсиз". Дарё ҳар дақиқа ўзгарида, унга кирган одам билан ҳам худди шу воқеа юз беради. Ҳаёт тинимсиз ўзгаришлардан иборат. Ёлгиз аниқлик бу – бугунги кун. Нима учун энди, олдиндан ҳеч ким айтиб бера олмайдиган ўзгариш ва ноаниқликларга тўла бўлган эртанги кун муаммоларини ечиш ҳаракатлари билан бугунги кун гўзаллигини заҳарлашимиз керак экан.

Ҳақиқатдан ҳам ВАҚТ иларидан тўқилган мато, яъни инсон ҳаёти оқар дарёга ўхшайди. Айни бир дарёнинг ўзига бир марта ҳам тушиш мумкин эмас. Чунки баданинг ҳаммаси сувга тушгунча у аввалги сув бўлмай қолади.

Икки карра яашаш бандасига насиб этмаган. Бир бора яашаш ҳам тинимсиз ўлиб бориш, яъни қайтиш сари муқаррар силжишидир. Ҳозиримиз тинимсиз ўтмишга айланиб боради. Шу лаҳзада қўлда бўлган дақиқа қўл етмас жойда қолади. Шу тариқа бу ҳолат мангу давом этаверади. Оқар дарё каби ВАҚТ асло ортга қайтмайди, бир-бири билан алмашмайди ҳам.

Агар бир ишни, юмушни режалаган бўлсангизу вақтида қила олмасангиз, демак бугунингизни бой бердингиз. Жуда кўп кексаларни кўрдик: "эсизгина умр-а, ёшлик йилларими ни фойдали машғулотларга сарфламай, савобли, хайрли

ишларни килмай ўтказиб юборибман", деб афсус-нолага гарк бўлган. Жуда кўп инсонларни кўрдик: "Қанийди умр қайтадан берилганида манави хатоларимни, гуноҳларимни тақрорламаган бўлар эдим", дея надомат оҳларига ўралашган. Айни пайтда жуда кўп ёшларни кўрдик: "ҳозир ёшман, вақт борида ўйнаб-кулиб қолай, ҳали олдинда қанча йиллар бор-ку", дея бепарволик булоқларидан сув ичиб юрган. Қанча инсонларни кўрдик: "ҳозир мол-дунё топиб олай, муҳташам уйлар қуриб олай, савобли ишларми нафақага чиққанда қиларман", дея ғафлат дарёсида сузган. Олмон мутафаккири Артур Шопенгауэрнинг ҳикматли сўзларига қулоқ солинг: "Ўртамиёна одам вақтни тез ўтказиш пайида бўлади, истеъоддод эгаси эса ундан кўпроқ фойдаланиб қолишга уринади...".

Вақтининг қадрига етмаганлар, уни бехуда совурганлар вақтнинг ашшадий қотилларири. Дунёнинг бир еридаги кишилар ҳар бир дақиқасининг ҳисобини юритиб, дунё ҳаётидаги хайрли, эзгу ишларга кўпроқ улгuriб қолишга тиришиб ётган бир пайтда дунёнинг бошқа бир бурчида кимлардир уни ҳавога совуриш, ҳар кунини қатла қилиш билан овора. Мол-дунёсини совурган одамни кечирса бўлар, аммо вақтини совурган кимсани асло кечириб бўлмас. Молини исроф қилган кишидан кўра бебаҳо вақтини исроф қилган киши жазога лойикроқ.

"Модомики, бегамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулагай фурсат қўлдан бой бериб қўйилади. Вақт ўтганидан кейин афсуланиш бефойда ва бемаънидир", деган Муҳаммад Зоҳирий Самарқандий. "Энг афзал йиги инсоннинг бехуда ўтказган вақтларига ачиниб тўккан ёшлариридир", дейди Ахмад Ҳаворий. "Бекорчидан Худо безор", деганларидан, вақтларининг қотилига айланганbekorчилар охир-оқибатда ҳаётларини заққумга айлантиришади, афсус-надоматлар чекишади. Аммо кеч бўлганида ҳеч нарса ёрдам беролмайди. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино айтганидай, "Мен кўп жойларни кездим ва олам аҳволига қарадим. Унга ҳайронлик кафтини иятига тировчидан ёки пушаймонлик бармоғини тишлаб турувчиidan бошқани кўрмадим".

\* \* \*

“Вақт – мен ясалган жавҳар. Вақт – мени оқизиб кетаётган дарё, лекин бу дарё мен ман; вақт – мени тирнаб-талаёттан йўлбарс, лекин бу йўлбарс мен ман; у – мени ямлаб бораётган олов, лекин бу олов мен ўзимман. Дунё, таассуфки, бор нарса, мен эса, таассуфки, Борхесман.

Аргентиналик фусункор прозаик Луис Борхес.

Эътибор беринг-а! Сўзлар, жумлалар шунчалик ўткир ва кескир, шу билан бирга жуда мағизли. У ёстиқдай-ёстиқдай романларни хуш кўрмайди.

### Ҳа, ҳамма нарса ўткинчи оқар дарё мисоли

Шу ўринда, тахминан миллоддан аввалги 960-935 йилларда ҳукмронлик қилган Ҳазрат Сулаймоннинг узугида ёзилган сўзлар ҳақида бир ривоятни келтираман.

### РИВОЯТ

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг: “Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи”, – деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайгули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай баҳтсизлик тушадики, узукдаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон газаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб, узукни қўлига олади-да, битикни ўқийди. Узукнинг ички томонида: “Бу ҳам ўтиб кетади”, – деган ёзувлар бор эди. Сулаймон аччик кулимсираб, узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

Чунки барча дунёнинг ишлари ва ҳақиқатлар ўткинчидир. Оғир ғамга ботсанг “бу ҳам ўтади”, деб ўзингни овутасан. Муваффақиятлар бошингни айлантирганда ҳам шуни эслайсан. Агар сени йўқчилик эзиб қўйса ёки бойлигинг кўпайиб қолса, бу сўзларни унутмайсан: “Бу ҳам ўтади”. Ҳаёт шундай экан, ғам чекишнинг не хожати бор?

Ҳазрат Сулаймоннинг ушбу сўзлари ногаҳон, шоир форс-тожик адабиётининг буюк намоёндаси Умар Ҳайёмнинг (1048-1131) қуидаги тўртликлари ёдимга тушди:

Кечаги кунингни айламагин ёд,  
Эртанг келмай туриб ҳеч қилма фарёд.  
Ўтган, келмаганга қайғурмоқни қўй,  
Қувноқ бўл, умрингни этмагил барбод.  
Мисоли бир олтин кузда бу дунё,  
Суви гоҳи ширин, аччиқдир гоҳо.  
Шунга умрим бор деб керилма асло,  
Кишинаб турар ажал оти доимо.

Ҳа, бу алдамчи, бир кам дунёда: Вақт – бу оқар дарё, умр ўткинчи, баҳт-сараб, қисмат эса беаёв.

5  
БОБ

## ВАҚТ – БУ ПУЛМИ?

Бу гапни илк бор америкалик олим давлат арбоби Веннамин (Бенжамин) Франклин (1706-1790) “Ёш савдогарларга маслаҳат” асарида айтган. Франклиннинг бу фикри ишбилиармонар, тадбиркорлар, банкир ва савдогарларнинг шиорига айланиб қолган.

Донишманд халқимиз билиб айтган: “Вақтинг кетди – нақдинг кетди”, дега. Айни ҳақиқат, вақт – бу пул. Бунинг исботини бир неча мисолларда кўришимиз мумкин. Масалан, (айниқса, ривожланган мамлакаталарда) психологларнинг ўн минут ёки ярим соатлик маслаҳат ва тавсиялари учун анчайин кўп ҳақ тўлаймиз. Ёки оддийгина турили хил тўғарак ва тил ўрганиш курслари учун ҳам соатига маълум миқдорда пул берамиз. Ва бу соатлардан самарали фойдаланишига киришамиз. Негаки, пулимининг ҳавога совурилишига бардош қиломаймиз. Аммо, пул тўламаган соатларимиз уйқу, турили компьютер ўйинларини, яна қандайдир зерикарли ва фойдасиз юмушларга сарф бўлаётганига пинагимиз бузилмайди ҳам. Вақт пулдан-да қадридир. Кўп пул топишни уddaлаш мумкин, лекин кўп вақт топишнинг имкони бўлмайди.

Очиқ айтиш керак, авваллари “Вақт – пул демакдир” деган нақдига панжа орасидан қараб келган эдик. Ҳозирда эса шиддатли замонда одамлар Вақт ҳақида жиддий ўйлаяпти. Ахир, урушда енгилган Олмониянинг қисқа фурсатда тикланиб, ривожланган давлатлар каторига ўтиб олишига немис халқининг вақтни олтиндан қиммат билиши сабаб эмасми? Улар ҳар бир қадамни ҳисоб-китоб билан ташлайди, ҳар бир сўзни ҳам шундай айтади.


Японлар, корейслар, қайси халқ дунё майдонларида юксалаётган бўлса, улар Вақтнинг ҳар бир лаҳзасини юраклари

устида ҳис этади. Соат “чиқ-чиқ”лари уларнинг юраги устидан юриб ўтади.

Биз ҳам юксалишга астойдил бел боғлаган, тикланаётган халқмиз. Ҳадеб бир хил мавзуларда давра сұхбатлари, такрор-такрор, бир-бирига ўхшаган танловлар ўрнига “Фурсат – ганиматдир”, “Вақтинг – баҳтинг”, “Бош тебратар – соат капири” мавзулари атрофида ҳам түпленсак?

Кимнинг вақти сочилиб, совриляпти? Кимники йўқ? “Чемпионнинг кунлари”, “Қаҳрамоннинг умр фасллари” – телевидение учун фойдали мавзулар эмасми бу?

Ўта тезкор ва, шу билан бирга, чексиз вақт олдида инсон умри нима деган гап? Абу Али ибн Сино ҳазратлари инсон умрини “бир-икки нафас” дея таърифлайди.



Вақт – бу пул. Ғамлаб қўйишга улгуриб қолинг, азизлар!



Вақт – бу пул. Оғир юк бўлса ҳам ташиб, уйга олиб келинг.  
Кўринмас жойга ғамлаб қўйинг!



Вақт – бу пул. Судраб бўлса ҳам ташиб уйга олиб келинг.  
Ғамланг! зарурият туғилганда ундан фойдаланиб қолинг!



Вақт – бу пул. Оқар дарё каби оқади-ю кетади.  
Ғафлатда қолманг! Беҳудага вақтингиз оқиб кетмасин!

“Бир-икки нафас” оралиғида қатъий ўлчов билан берилган ана шу умр инсонга Яратганинг ОМОНАТИдир. Ихтиёримиздаги пул деб аталмиш вақт (сармоя)ни, Аллоҳ томонидан берилган бебаҳо неъматни қандай сарфлаяпмиз? Омонатнинг, албатта, сўрови ва ҳисоботи ҳам бўлади-ку?

Үзи шундоқ ҳам, ҳар бир дақиқа – ўлим томон қўйилаётган шахдам қадам бўлса-ю, устига-устак, вақтни Бу худди “уз жонига қасд қилиш”га ўхшаб кетади. Кераксиз машғулот, фақат кунни ўтказиш учун қилинган эрмаклар – бу вақтни ўлдиришдир. Фақат моддий бойликни кўпайтириш учунгина қилинган уринишлар, фоний дунё ғамида ўтказилган дақиқалар ҳам вақтни ўлдириш саналади, совурамиз...

Ҳар бир кунни гё охирги кундек яшаш даркор, чунки ундан кейин нима келади, ҳеч ким билмайди.

Аллома шоиримиз Faфур Fулом таъбири билан айтганда:

Бир онинг баҳосин ўлчамоқ учун  
Олтиндан тарозу олмосдан тош оз...  
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Құдратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Буюк француз ёзувчиси Ж. Лабрюйер: “Ўз вақтидан оқи-лона фойдалана олмайдиган одам ҳаммадан бурун вақт ет-маслигидан нолийди: у кунларини кийинишга, овқатланишга, ухлашга, олди-қочди гапларга, нима қилиш керак деган хаёлларга, ҳеч нима қилмасликка сарфлайди”, деган экан.

Вақтнинг олтиндан ҳам қадрли эканлиги тўғрисидаги ривоят бугунгача авлоддан авлодга кўчиб келяпти.

## РИВОЯТ

Ривоят қилишларича, бир куни тўрт киши йўлда кетатуриб, бир-бирлари билан дўстлашиб қолибди. Улардан бири – шаҳзода, иккинчиси – зодагоннинг, учинчиси – савдогарнинг ва тўргинчиси – дехқоннинг ўғли экан.

Уларнинг бошига оғир кунлар тушиб, устларидаги кийимларидан бошқа ҳеч нарсалари қолмабди. Шунда шаҳзода дебди: Бу дунёning ҳамма ишлари тақдирнинг қўлидадир. Ўзингни ўтга-сувга урганингдан бирор нарса чиқмайди.

Зодагоннинг ўғли дебди:

Бахт-саодатнинг асоси гўзаллик ва наسابдир.

Савдогарнинг ўғли дебди:

Яхши ўйлаб, түғри тадбир кўриш саодатнинг калити. Бахтсизлик юз берганда одамга аклдан бошқа ҳеч нарса ёрдам бера олмайди.

Деҳқоннинг ўғли дебди:

– Ҳар нарсага саъй-ҳаракат орқали эришилади. Захмат чекиб, меҳнат қилиш инсонларни орзута етказади, уларга севинч ва шодлик либосини кийдиради. Қатъият билан ишга бел боғлаганлар эртами кечми ўз мақсадларига етадилар, мабодо мағлубиятга учрасалар ҳам ҳеч ким улардан кулмайди.

Тўрттала ўртоқ узок, йўл юриб, бир шаҳарга етибдилар ва жой топиб, истиқомат қила бошлабдилар. Биринчи куни деҳқон ўғлига шундай дейишибди:

– Ҳаммамиз жуда чарчадик, бутун умидимиз сенинг саъй-ҳаракатнинг боғлиқ бўлиб қолди. Бор, бугунга етадиган бирор овқат топиб кел. Дамимизни олиб, эртага бизлар ҳам на вбат билан бирон нарса топиб келармиз.

Деҳқоннинг ўғли шаҳарга борибди ва шаҳарликлардан “Нима иш қилсан, кўп пул топаман?” деб сўрабди.

Хозир ўтин пул, – дейишибди одамлар.

Деҳқон ўғли дарҳол тоқقا чиқиб, ўтин кесибди-да, уни сотиб, пулига овқат олиб, жўралари ёнига жўнабди. Кетаётганида шаҳар дарвозасига: “Бир кунлик меҳнат тўрт одамнинг овқатига баробардир”, деб ёзиб қўйибди.

Эртаси куни зодагоннинг ўғлига шундай дейишибди:

– Қани бор, бугун сен гўзаллигинг билан бирор нарса топиб кел, биз эса бироз дам олайлик.

Зодагоннинг ўғли кета туриб, ўз-ўзига дебди: “Қўлимдан ҳеч қандай иш келмайди, ўртоқларимнинг олдига қўлим бўш қайтсан, шарманда бўламан-ку”. У ўйлаб-ўйлаб, шаҳарга етиб келибди ва ғамгин ҳолда бир дарахтга суяниб, нима қилсан экан, деб фикр дарёсига чўмибди. Шу вақтда бир бадавлат хотин унинг ёнидан ўтиб қолибди. Йигитни кўриши билан унга ошиқи бекарор бўлиб, дебди: “Ё, Раббий, шундай ҳам гўзал одам бўларкан-а?!“ Бир оздан кейин чўрисини юбориб, уни уйига таклиф қилибди. Икковлари бутун кунни шод-хуррамлик билан ўтказибдилар. Кечкурун хотин унга

беш юз динор бериб, жўнатибди. Зодагон ўғли бу пулга овқат олиб, шаҳар дарвозасига: “Тўзалликнинг бир кунлик баҳоси беш юз динордир” деб ёзиб, ўртоқлари ёнига келибди.

Эртаси куни дўстлар савдогарнинг ўғлига дейишибди:

– Бу кунни сенинг ақлинг ва ишбилармонлигинг келтирадиган нарса билан ўтказмоқчимиз.

Савдогарнинг ўғли йўлга тушибди. Лекин сал юрмай, дарё бўйидаги катта кемага кўзи тушибди ва унинг олдига борибди. Шаҳар аҳолиси молларнинг эгаси баҳосини пасайтирас, деган мақсадда ҳеч нарса харид қилмай, кутиб турган эди. Савдогарнинг ўғли яширинча кемага чиқиб, ҳамма молни насията олибди. Кейин у худди шу ернинг ўзидаёқ молларни сотиб, юз минг динор фойда қилибди. Сўнгра ўртоқлари ёнига кетаётib, дарвозага: “Ақлнинг бир кунлик баҳоси – юз минг динор” деб ёзиб қўйди.

Тўртинчи куни ўртоқлари шаҳзодага дедилар:

Бор, агар толеинг ёр бўлса бугунги харажатимизни сен қилиб кел.

Шаҳзода таваккал қилиб, шаҳарга йўл олди. Шу куни шаҳар амири қазо қилиб, жамоат мотам ичида эди. Шаҳзода теварак-атрофга қараб, сарой дарвозаси ёнига бориб ўтириди. Дарвозабон уни кўриб, таъзияда иштирок этмаётганлиги учун койиди. Ҳамма амирни дафн этишга кетаётib, сарой бўш қолди, лекин шаҳзода ўтирган еридан қимирамади. Дарвозабон шубҳаланиб, уни жосус деб гумон қилди ва ҳибсонага қамаб қўйди.

Эртаси куни сарой аҳиллари йигилиб, мамлакатни бошқаришни кимга топшириш ҳақида сўзлаша бошладилар. Амирнинг вориси йўқ эди. Баҳс жуда қизиб кетди. Шу пайт дарвозабон деди:

Баланд овозда баҳслашманг, мен бир жосус тутганман, агар у сизларнинг орангиздаги ихтилофдан хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмас.

Сўнгра бор гапнинг ҳаммасини уларга айтиб берди. Ийғилганлар яқдиллик билан жосуснинг ким эканлигини

оидинлаштириш керак деган қарорга келдилар. Шаҳзодани хибсхонадан чиқариб, келтирдилар.

Унинг ким эканлигини, қаердан келиб, қаерга кетаётгандигини суриштирудилар. Шаҳзода ўзини бардам тутиб, жуда доно жавоблар берди. Унинг дадил, хушёр, жасоратли ва шиҷоатли эканлигини кўрган аъёнлар шаҳзоданинг туғилган ери ва асл насабига қизиқдилар.

#### Шаҳзода деди:

Отам вафот этиши биланоқ биродарим тож-тахтга эга бўлиб, салтанатни забт этди. Мен ҳаётимни сақлаш мақсадида ватанин тарк этиб, сизнинг мамлакатингизга келдим.

У ерда ҳозир бўлган савдогарлар шаҳзодани танидилар, унинг аждоди, ота-боболарининг шаъни ва шавкатидан сўз очдилар. Аъёну амалдорлар шаҳзоданинг бу ерларга келиб қолганидан жуда севиниб дедилар:

– У бу шаҳарнинг амири бўлишга лойиқ. Томирида шоҳ қони бор. Мамлакатни идора этишда ўз ота-боболарининг яхши ва хайрли расм-русумлари ва одатларини бу ерда ҳам жорий қилиши аниқ.

Шаҳзода номига хутба ўқиттириб, уни ўзларига шоҳ қилиб, кўтардилар. Мамлакат шаҳзода қўлига ўтди. Бу шаҳар аҳолисининг шундай одатлари бор эди: биринчи кун янги шоҳни оқ филга миндириб, шаҳар кездира бошладилар. У шаҳар дарвозаси ёнига келганда дўстларининг ёзувларини ўқиди ва уларнинг остига: “Саъй-ҳаракат, меҳнат, гўзаллик, ақл – омад келгандагина самарали бўлади. Менинг бир кунлик толеим бунга мисол бўла олади”, деб ёздириб қўйди. Сўнгра шоҳ саройига келиб, тахтга ўтириди ва дўстларини чақиртириб келди. Ақл эгасини вазир қилиб тайинлади, ҳамма нарса саъй-ҳаракатта боғлиқ деган ўртоғини мамлакатнинг барча хўжалик ишларига бош қилиб қўйди, чиройига ишонган ўртоғига кўп давлат баҳш этиб, унга бу шаҳардан чиқиб кетишликни маслаҳат берди ва деди:

– Шундай қиласак, хотинлар сенга мафтун бўлиб, фисқ-фасод кўпаяди.

## Қиссадан ҳисса шуки, бу

Дунёда ҳамманинг ўз ҳақиқати бор. Унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини мушоҳада қилиш шарт эмас. Муҳими, бизга омонат берилган бу ҳаётда тўғри яшаш, тўғри фикрлаш ва инсонларга сидқидилдан ёрдам беришдир. Буни ўзига одат қилган киши ҳаётнинг асл мазмунини англаб етган бўлади.

### Яна бир гап

Олимлардан Куддусий айтади: – Олтиндан қадрли, гавҳардан қимматли бир нарса бор бўлса, у ҳам – вактдир. Вакт бизнинг ҳар турли ишни ишлашга кучимиз етадиган фурсатдир. Бир соатнинг бекор ўтгани – ихтиёrimизда бўлган фурсатнинг зое бўлгани демақдир, ҳолбуки, шу фурсат ичида фойдали ишлар ишлашга ихтиёrimиз бор эди. Фурсатни ғанимат билган одам вактдан истифода қила олади.

Агар бир одам вақтнинг шариф ва азиз бир нарса эканини тақдир эта олса, ишонгинки, у одам умрини роҳат ва фарогатда кечиради. Вакт нақд олтиндир, уни зое этганларни бозорларни айланиб бўш қўл билан қайтганлардан фарқлари йўқдир, бунга дикқат қилиш керак. Шу ўринда,

Гап келди:      Бир донишманд “Вакт олим одамнинг сармояси-дир”, деб ёзган экан. Чиндан ҳам билган кишига у олтиндан қиммат. Ўз умрини чиройли амал, мустаҳкам билим ва фойдали меҳнат билан зийнатлаб ўтказишга бел боғлаган мўмин инсон ҳар дақиқа, ҳар оннинг қадрига етади, ундан имкон қадар унумли фойдаланишга ҳаракат қиласи. Аслида, чукурроқ ўйлаб кўрсангиз, ҳаёт ҳикмати ҳам шу. Ахир одамзот бу дунёга фақат еб-ичиш, кайф-сафога берилиши, ўйин-кулгуга муқкасидан кетиш, яна ҳам очиқроқ айтганда умрни совуриш учун келмайди-ку.

Ҳеч вакт ақлли зот ўз уйига ўғирликка кирадими? Асло, нафақат соғлом фикрли одам, айни чоғда сал овсарроқ шахс ҳам ўзига тегишли нарсани эҳтиётлаб, кўз қорачигидай асрайди. Аллоҳ берган умргузаронликни мудроқ ҳаёт ичида ўтказиш баайни ўз ҳовлисига ўғирликка тушиш билан баробардир.

Вақт – туганмас ва чексиз хазина, унинг борлиққа, инсониятга мутлақо бўйсунмаслиги, фақат илгарилаши барчага аён ҳақиқат. Йиллар ойлардан, ойлар ҳафта ва кунлардан, кунлар эса соат ва дақиқалардан таркиб топиб, ана шу хазина инсониятни даврлардан даврларга олиб ўтади. Уни донишманд ҳалқимиз олий ҳакамга қиёс қиласи ва бу ҳаққоний ҳикматдир.

### Дарҳақиқат:

Вақт – олий ҳакам. Ҳар қандай умр вақт олдида ҳисоб беради. Вақт эса фақат олға ҳаракатланади. У умримизни, яшаш соатларимизни, амалларимизни сарҳисоб қилиб туради. Бу сарҳисобга ҳеч ким аралаша олмайди, шунингдек, вақтдан шафқат сўраб ёки мурувват кутиб ҳам бўлмайди. Бинобарин, умр қадри, унинг мазмуни ҳар кишининг ҳаётлиги чоғида кўрсатган саҳоватлари, амалий фаолияти ва хайрли ишлари билан белгиланади ва баҳоланади.

Йил фасллари сингари умрни ҳам тўрт босқичга бўлиш мумкин. Ўз баҳоримиз, ёзу кузимиз ва қишимиз бор. Ҳамма гап ана шу умр фаслларини қандай ўтказишида.

Хўш, биз вақтдан ҳамиша тўғри ва унумли фойдаланаяпмизми? Аввало шуни айтиш лозимки, умр – қисқа, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қарға 200 йил яшаркан, инсон эса ўртача 70-80 йил умр кўради. Шундан тахминан 23 йили уйқуга, 12-14 йили болалик чоғлигига, 6 йили овқатланишга тўғри келаркан. Сўнг киши ўқийди, хунар ўрганади ва етук инсон бўлишга ҳаракат қиласи.

Соат маълум дақиқада “бонг” уриб туради. Ҳар битта “бонг” вақтга нисбатан лоқайд бўлмасликни бизга уқтираёт-

гандек бўлади. Чиндан ҳам ҳар дақиқа, ҳар лаҳза ғанимат... Таниқли Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов (1939-2016) айтгандек:

Бош тебратар соат кағири,  
Шошил одам, ўтмоқдадир он.  
Ҳар нарсанинг бўлар охiri,  
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!

Одамзот ҳәти тежалган вақтга қараб узаяди. Шу боис арзимаган майда-чуйда ва фойдасиз нарсаларга керагидан ортиқча вақт сарфлаш ўринсиздир. Турмуш донолиги қулай фурсатни бой бермасликни таъкидлаб туради. Демак, вақтдан оқилона фойдаланиш ҳам бир ҳикмат аслида.

Ҳаётнинг ўлчови умр узунлигига эмас, балки қисқа умрни қандай ўтказишдан иборатдир. Улуғлардан бирининг айтишича, "Ақл кишиси бўлишни истаган одам ўзига тез-тез ҳисоб бериб турмоги лозим". Одам жамиятга, оиласига қандай фойда келтириб яшаётгани ана шу "ҳисобот" дан аён бўлади.

Ҳаётий тажрибалар тасдиқлаганидек, ҳар қандай умр эмас, балки мазмунли ўтказилган умр кишига баҳт-саодат келтиради.

Шу ўринда,

---

**Гап келди:** Китоб варақлар эканман қўйидаги сўзлар эътиборимни торти: "Биз фақат замондан шикоят қиласиз". Ажабо замоннинг тили бўлганида у кимдан шикоят қиласади?

Хаёлимга: "Ҳар ҳолда мендан албатта шикоят қиласади" деган ўй келади. Афсуски, кунимизда фойдаси йўқ ва зарарли машгулотлар вақтимизга ҳоким бўлиб қолган. Буни ўйлаб кўриб хафа бўлишга ҳам вақт топа олмаймиз гоҳида. Устига-устак ўғирланган вақт замоннинг эмас, бизнинг айбимиз.

Тараққиёт асрида яшаемиз. Техника кундан кунга ривожланиб бизга енгилликлар келтирмоқда, аммо ... 24 соатда ҳам ўйлаган ишларимизга улгурмаймиз. Икки дунё саодатини топиш учун вақти-

мизни сонияларига қадар унумли фойдаланишимиз лозимлигини унутамиз. Кунимизни бир оқ қофоз, вақтимизни қалам деб түшүнсак, ҳар куни бир варгимиз бор. Уни эса нима билан тұлдириш ўзимизга ҳавола 24 соат, ўйлаб күрсак узун бир фуррат, у бизга гүё: "Әй инсон, мен янги кунман ва сенинг ишларинг тувохиман. Мени фойдали шактада сарф эт. Чунки қиёмат кунига қадар ортта қайтмасман", дейди. У ҳеч қачон бизга бўйсунмайди. Вақт ҳамиша ўз ҳукмини ўтказади. Вақт бизни чирпирак қилиб ўйнаши мумкин. Буни тақдирга йўйишга одатланганмиз. Бу даҳридунга келиб тириклигимдаёқ ўзимга ҳайкал қўяман деганлар қанча ва бунга эришганлар удалаганлар қанча. Даҳолик мақомига ҳаётлигидәёқ етишиб, вақт жиловини қўлга ола билганларнинг ҳам кўнглида бари бир армон қолади – нимагадир улгурга олмадим дейишади, бу дорилғанодан кетаётib.

**Демак, Вақт ҳамиша голиб!**

Ҳеч биримиз вақт устидан ҳукмронлик қила олмаймиз. Ҳар қандай олий ҳукмни у чиқаради. Үнга таъсир ўтказаман деганларнинг кўпи аро йўлда қолишганига тарих шоҳид, албатта. Улуғ Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари бундай деб марҳамат қиласлар: "Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади, нафаснинг зое бўлишига йўл қўйманг ва ундан эҳтиёт бўлинг".

Яна ушбу қоида ёдга келади: "Уч кунлик дунёни бир кун деб ҳисобла. Бир кун ўтиб кетди, яна бир куни келадими, йўқми, Тангри билади. Сен ҳозирги кунингни ғанимат билиб, ҳаракатдан тўхтама". Умрнинг неча кундан иборатлиги эмас, балки айни лахзаларда қандай яшаш муҳим. Одамзод ҳаёти тежалган вақтга қараб узаяди. У вақт ҳақида мулоҳазаларнинг чеки бўлмайди. Чунки гўзал онлар ҳозир ҳам рўпарамиздан бизга кўл силкиб, видо айтиб ўтаётир. Хайр, хайр! Биз-чи, ўша ҳолимиздамиз. Кўл қовуштирганча хаёллар уммонига

ғарқ бўламиз. Яна ўша ... ўйлар-фикрлар. Муҳими, вақтнинг гирибонидан олиб, улуғ мақсадларга ҳамсоя бўлиб, улкан натижаларга қўл берадиганлар сафи ҳам мўл. Вақт имконидан ниҳоятда усталик билан фойдаланаётганларга ҳар қанча тасанно айтса арзиди ...

### Афлотун нима деган?

Милоддан аввал 427-347 йилларда яшаган қадимги юонон файласуфи Афлотун вақтнинг олий ҳакамлиги тўғрисида шундай дейди:

“Вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказади: йилларнинг поёнсиз ҳалқаси номини ҳам, ҳатто тақдирни ҳам ўзгартира олади”.

Донолар қайд қилгани каби вақт занжири даврни даврга улайди. Замон вақтнинг фарзанди, уни тўсадиган куч йўқ. Одам вақтга қарамдур, у эса ҳеч кимга қарам эмас.

Вақт маълум маънода тарих ҳам демакдир. Тарих ғилдирагини эса орқага айлантириб бўлмайди. Демак, вақт олиб кетганини қайтариш асло мумкин эмас.

Вақт. Дунёдаги мавжуд ҳамма нарсалар ва ҳодисалар унга боғлиқ. Ва муқаррар унинг таъсирига учрайди.



Эх..! Жин урсип! Яна кеч қолдим-а!



Кув-а, кув, чоп!

Бизга вақтни бошқариш ҳукми  
берилмаган, аммо уни тақсимлаш ва  
ундан қандай фойдаланишни ўзи-  
миз ҳал қиласиз

*Муаллиф*

II ҚИСМ

ВАҚТНИ  
БОШҚАРИШ МУМКИНМИ?

Хар қандай бино лойиҳасиз қад күтарилимаганидек, ҳар бир кунимиз ҳам ўз мундарижасига эга бўлиши керак. Ахир, кимсасиз оролда яшаган Робинзон Крузо ҳам кундалик иш режасига эга бўлган.

### 7.1. ВАҚТ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ ИНСОННИНГ ҲАЁТ ТАРЗИГА БОҒЛИҚМИ?

Вақт бизнинг ихтиёrimизда бўлган энг “қимматли “ис-  
теъмол буюми” дир. Шунинг учун у билан мулоқот қилишни  
билиш ҳаётимиз қандай кечишига катта таъсир ўтказади. Ҳар  
биришимиз вақтга онгли ёки шунчаки, ўзимизча муносабатда  
бўламиз. Бундай ёндашув кишининг вақтни режалаштириш-  
га бўлган қарашини билдиради.

Вақтга нисбатан мулоқотнинг тўртта турли ёндашувлари  
мавжуд, ҳар бир ёндашув турли ҳаёт тарзини акс эттиради.

#### 1. Ҳеч нарсага арзимайдиган киши

Мақсадсиз ва бирор тайинли ишсиз киши вақт деган нар-  
сани тан олмайди. Улар ҳеч бир тизимсиз яшайдилар. Улар-  
нинг ҳаёти ўз ҳолига қўйиб қўйилган.

Уларнинг бирор иши бўлганда ҳам, тасодифий ишлардан  
иборат. Вақтларини тартибга солишини рад қиладилар.

Бундай киши “Мен бутун умр кечикиб келдим. Мен ўз  
вақтимни ҳеч қачон бошқара олмасам керак. Жин урсин. Мен  
қандай ҳолатда бўлсан, менга бўлаверади, дунё тўнтарилиб  
кетса, кетавермайдими!” дсйдилар.

Бу айтимларда бирон эътирозли жойи борми? Бу ерда  
ким ҳақида гапирилаяпти? Ҳа, бу сизнинг ҳаётингиз. Бундай

ҳаёт ҳар қандай ўсишга тўсиқ бўлиб қолавсради. Ва яхши вақтга умид қилишингиз мумкин эмас.

Минг афсуски, улар бебаҳо вақтларини шарафли ишларни бунёд этишда фойдаланиш ўрнига қачон қарасанг бекор ўтириб, ўтган-кетганинг “ўргини оладиган”, мудом одамларни гийбат қиласиган иғвогар ва ҳасадчилардир. Ундан носозлар неча-неча азиз одамларнинг олтин онларини ўғирлайдилар, асабларини вайрон қиласидилар. Айиқса, “юмалоқ хат” ёзишни касб этган тухматчи иғвогарларнинг касби кармон қесар киссовурлардан ҳам тубандир. Чунки улар инсоннинг энг бебаҳо бойлигини – умрини ўғирлашади.

Бундай одам мақсадини аниқ билмаганлар тоифасидандир.

## 2. Тўққиздан бешгача ўз вақтининг хўжайини

Бу гуруҳдагилар ҳеч нарсага арзимайдиган ва меҳнатсевар кишилар ўртасидаги кишилардир. Булар ўзларини қийнатмай яхши ишлайдилар. Улар кечқурунлари ҳаёт ранглари-ю ҳидидан завқланиш учун бўш бўлишни хоҳлайдилар.

Ҳар ким ҳам муваффақиятнииг юксак баҳоси билан муомала қилишни билавермайди. Бу нафақат мустақил бизнесмен учун, балки барчага маълум корпорацияларнинг кўплаб раҳбар ҳодимлари учун ҳам тааллуклидир. Мана айрим кишилар баҳоларини чегаралайдиган фикрни кўрсатувчи мисол: кичик қизча онасидан сўрайди: “Нега отам мен билан ўйнамайди? У ишдан келибоқ иш кабинетига кириб кетади. Тушдан кейин ҳам унинг ишлари кўп. Мен у билан ўйнашни истайман. У мени энди яхши кўрмайдими?” Онаси ўзининг “якка” лигидан зўрма-зўр кўз ёшини беркитиб, тушунтиришга ҳаракат қиласиди: “Отангнинг иши кўп. У сени жуда севганидан кўп ишлайди. Унинг ишлари кўплигидан улгура олмаганларини уйга олиб келади”. Қизча онасининг гапларидан кўзларини катта очиб: “Агар у ишда улгуrolмаса, уни нега бўшроқ гуруҳга ўтказишмайди?” деб сўрайди.

Ҳақиқатан ҳам нега? Киши молиявий омад ва мансаб пиллапояларидан ўсиши учун тўлайдиган чегара нарх ҳам бор.

Ва у қачон бошқа ҳәетий қадриятлар моддий муваффақиятлар торозисига қўйилганда юзага чиқади.

Бу ота-оналарни масъулиятсиз десак адашмаймиз. Севадиган ота-она: “Фарзандим учун ҳамма нарсага тайёрман”, “Менинг фарзандим энг зўр ва энг кучли бўлиши шарт”, “Фарзандим учун...” дейдиган, фарзанд камолини ўзидан ҳам устун қўядиган ота-оналар ҳам бор. Фарзандининг қаерда бўлмасин, доим нима қилиши кераклигини уқтириб туради.

Бундай одамнинг мақсади бўлса-да, иш кунини аниқ режалаштира олмаган кишилар тоифасидандир.

### 3. Мехнатсевар

Муваффақиятга эришишнинг эскирган концепцияси – кўп ва тиришқоқлик билап ишлаш. Бундай кишиларда ҳеч қачои “Бўлди энди, ишлаганим етар”, деган фикр бўлмайди. У сугкасига 10, 12, 14 соат ишлаши мумкин. Шунингдек, у икки ишда навбатма-навбат ишлашга қодир. У уйкуни енгиб, янада кўп ишга ултурганида қаноат ҳосил қиласди.

Бундай ишлашнинг натижаси нима эканини биламиз.

Қолоқлар учун фахрланиш обьекти бўлган бу кишилар оиласдан узоқлашиш, соғлиқларини йўқотиш, ҳәетий қадриятларининг таназзулига дучор бўладилар.

Ҳайратланарлиси, бу кишилар одатда энг кўп пул топадиган кишилар ҳам эмас. Чунки улар натажадан кўра ишга кўпроқ эътибор берадилар.

Шу билан бирга вақтга муносабатда бўлишнинг яна бир варианти мавжудки, мен уни идеал ҳисоблайман. у

### 4. Ўз вақтининг хўжайини

Тўртингчи ва энг илмли йўл аввалги учтадан келиб чиқади. Вақтнинг ақлли хўжайини ҳәётининг ҳар бир бўлагига вақтини тақсимлаб олади. У ҳатто бекорчиликка, яъни ҳеч нима қилмасликка ҳам вақт ажратади. 9 дан 5 гача ишлайдиганиларга ўхшаб оиласа ҳам етарли вақт ажратади. Лекин меҳнатсеварга ўхшаб ҳам зарур ҳоллардагина керагидан ортиқ вақт ишлаши мумкин.

Ақлли кишини янада ақлли қиласынан нарса унинг вақтни режалаштира олишидир. У бир нёча соат ичида меҳнатсевардан күпроқ ишни амалга ошириши мумкин. Қандай қилиб бунга эришади? У шунчаки иш соатини ошириш ўрнига иш унумдорлигига эътибор бериб ишлайди. Улар доим иш унумдорлигини ошириш устида бош қотирадилар, изланадилар. Бошқачасига айтганда, улар ўз бойликларини “ричаглар тизими” дан фойдаланиш орқали кўпайтиради.

Бу тизим ўзингизнинг заҳира кучларингизни бир неча бор ошириши мумкин. Масалан, сиз пулни ричаг сифатида фойдаланиб, яъни кўчмас мулк олиш учун ёки ўз бизнесингизни бошлаш учун заём (қарз)га айлантиришингиз мумкин. Тижорат билан шуғулланувчи ходимларингиз сонини кўпайтириш ё паст унумли ишларни фаолроқ ходимларга бериш ёки вақт факторини ричаг сифатида кўллашингиз мумкин.

## 7.2. ВАҚТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ИНСОННИНГ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ҲАМ БОҒЛИҚМИ?

Вақтни инсон эгалик қилган пул, ихтисослик, асбоб-ускуна, хомашё каби имкониятларнинг бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо вақт оддий имкониятлардан эмас. Уни омборхонада хомашёни жамғарган каби жамғариб бўлмайди, машинани юргизгандагидёк, ёки ё ўчириб ҳам бўлмайди. Уни асбоб-ускуналарни эҳтиёт қисмлар билан алмаштиргандёқ алмаштиришнинг иложи ҳам йўқ. Уни эркин савдода сотиб олиб бўлмайди ёки имкониятимиз доирасида бўлган бошқа ресурслар каби уни янгидан яратиш ҳам мумкни эмас. Вақт беназир ва тиклаб бўлмайдиган бойлиқдир: Вақтни йўқотар эканмиз, ундан тамоман айриламиш.

Одатда вақт ҳамиша етмайди. Лекин ҳаммага эмас. Деярли ҳамма ишларини бажаришга улгурувчи одамлар ҳам бор. Улар камчиликни ташкил этади, лекин бундай одамлар бор, Ҳар бир киши учун сутка 24 соатни ташкил этади, бир соат 60 дақиқани, бир дақиқа бўлса 60 сонияни. Лекин фақат

айрим одамларгина 24 соат ичида ҳамма ишини қилиб улгуради, қолганлари эса деярли ҳеч нарсага улгуришмайди.

Нега? Сабаби, ҳамма ишини бажаришга улгурувчилар вақтини тұғри тақсымлай билади, қолганлар бўлса уни аёвсиз сарфлашади. Юқорида айтилганлардан иккита муҳим хуласа келиб чиқади. Биринчиси: вақтдан унумли фойдаланиш мумкин. Иккинчиси: вақтни тежашни ўрганиш мумкин, бунинг учун кишида фақат истак бўлиши керак.

Хуллас, ишни аввало ўзингизни қуёш энергиясини қабул қилишга қараб қандай инсон эканлигинизни аниқлаб олишдан бошлаймиз. Инсонларнинг барчаси ҳам қуёш энергиясини кун давомида бир хил тарзда қабул қиласкермас экан. Шундай кишилар борки, эрталабданоқ анча мушкул вазифаларни ҳам уddyлай оладилар, баъзилар, аксинча, тунгти вақтларда ўзларида катта куч-қувватни сезишади. Шунинг учун бу масалани олимларимиз яхшилаб ўрганиб чиқиб, ушбу хусусиятларга қараб инсонларни З ном билан аташни маъқул топищди.

Булар:

1. Тұргайлар
2. Бойўғилар
3. Кабутарлар

### **1. Тұргайлар**

Улар эрталабданоқ ўзларини бардам хис этишади. Тұргайлар куннинг бошланишиданоқ барча мушкул ишларни аъло даражада бажарадилар. Лекин тушлик вақтидан сұнг аста-секин фаоллик даражалари сусайиб боради ва кечга томон бу күрсаткич нолга тенглашиб қолади.

### **2. Бойўғилар**

Улар эса тұргайларнинг акси. Бойўғиларда эрталаб бироз ланжлик, тушкунлик кайфияти ҳукмрон бўлиб, куннинг ярмига бориб, фаоллик даражаси ортади. Кечга томон бойўғиларнинг кучлари шу даражада кўп бўладики, айнан шу вақтда қийин масалаларни ҳал этиш улар учун анчайин осон.

Асл бойўғиларнинг ажойиб хусусиятларида Япония, Жанубий Корея давлатларида унумли фойдаланиш аллақа-

чон йўлга қўйилган экан. Бу давлатларда тунги вактда ишловчи корхоналар бўлиб, уларда айнан бойўгилар меҳнат қилишади. Чунки бу вақтда улар яратган маҳсулот энг сифатли бўлиши исботланган.

### 3. Кабутарлар

Кабутарлар ўта ноёб кишилар. Чунки бу кишрларнинг фаоллик даражаси 24 соат ичидаги юқори босқичда бўлади. Афуски, дунё аҳолисининг маълум бир қисмигина кабутарликка даъво қила олишади. холос.

Энди ўйлаб кўринг, сизда қайси бир хусусият кучлироқ. Шунга қараб кун тартибингизни режалаштирангиз айни муддао бўлади. Яна бир сирни билиб қўйинг, тўргай ё бойўғли бўлиш осон. Лекин сиз ўзингиз учун бошқариш формуласини яратса олсангиз асл кабутарга айланишингиз мумкин. Бу сизнинг кўлингизда.

Қуидаги тест ёрдамида ўзингизни текширинг

### Тест

Сиз кимсиз: “тўргай”ми ёки “бойўғли”?

Марҳамат! Тест саволларига холисона жавоб берниб, ким эканлигинизни аниқлаб олинг.

1. Эрталаб барвақт уйғонишингиз қийинми?

- а) ҳа, деярли ҳар доим – 3;
- б) батъизда – 2;
- в) камдан-кам – 1;
- г) жуда кам – 0.

2. Агар танлаш имконингиз бўлганида, қай маҳалда уйкуга ётган бўлардингиз?

- а) тунги соат бирдан кейин – 3;
- б) 23.00 дан 1.00 гача – 2;
- в) 22.00 дан 23.30 гача – 1;
- г) 22.00 гача – 0.

3. Қандай нонуштани афзал кўрасиз?

- а) тўйиб еб олганни – 3;
- б) унчалик тўйиб олмасликни – 1;

в) битта сувда пишган тухум ёки бутерброд билан чекланса бўла-  
ди – 2;  
г) бир пиёла чой ёки қаҳва етарли – 0.

4. Агар ишдаги ёки уйдаги энг сўнгги гап қочишларни эсга  
олсангиз, улар кўпингча қайси пайтда содир бўлган?

- а) куннинг биринчи ярмида – 1;  
б) куннинг иккинчи ярмида – 0.

5. Нимадан осонликча воз кечардингиз?

- а) эрталабки чой ёки қаҳвадан – 2;  
б) кечки чойдан – 0.

6. Таътил даврида овқатланиш билан боғлиқ одатларингиз  
қанчалик тарзда бузилади?

- а) жуда осон – 0;  
б) етарли даражада осон – 1;  
в) қийин – 2;  
г) ўзгаришларсиз колади – 3.

7. Агар эрталаб муҳим ишлар чиқиб қолса, одатий тартиб  
билан таққослаганда қанчалик эрта ухлашга ётасиз?

- а) 2 соатдан кўпроқ – 3;  
б) 1-2 соатга – 2;  
в) 1 соатдан камроқ – 1;  
г) одатдагидек – 0.

8. Бир дақиқага teng вақт оралигини қанчалар аник баҳолай  
оласиз?

- а) дақиқадан камроқ – 0;  
б) дақиқадан кўпроқ – 2.

Хулоса чиқарамиз:

- 0-7 балл – “тўргай”сиз
- 8-10 балл – “кабутар”сиз (аритмик)
- 14-20 балл – “бойўғли”сиз

Мутахассислар ҳар хил кишилар гурӯхини текшириб, қуидаги хulosага келишди: “Тўргайлар – 20-25 фоиз, “бойўғли” сиз – 30-40 фоиз, қолганлар – бу “каптарлар” ёки аритмиклар. “Тўргай”ларни мақтаб, “бойўғли”лардан қандайдир яхши хусусиятлар топишга уриниб кўрамиз.

Айрим маълумотларга кўра, “бойўғли” хато фикр тудирилиши ва вахима кўтарилишига бошқаларга нисбатан камроқ, берилишаркан. Тиббиёт фанлари доктори Б. Алякринскийнинг фикрича, “бойўғли”ларга хатарли касбга алоқадор: фазогирлар, учувчилар, ўт ўчирувчилар ва сапёрларга зарур сифатлар тааллукли экан. Лекин “бойўғли”лар ошқозон яраси, қон босимининг кўтарилиши ва стенокардиядан кўпроқ азият чекишаркан.

“Бойўғли” бир суткада “тўргай”ларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,5 марта ортиқроқ гормонларни чиқаришади. Шу боис бу хилдаги кишилар кечқурунлари ва тунда фаол бўлишади. Лекин бундай ҳаёт кечириш организм учун изсиз кетмайди.

### 7.3. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎЗ ВАҚТИНИНГ ХЎЖАЙИНИ БЎЛИШ МУМКИН?

Кимdir вақтга эгалик қиласи, кимdir бўлса, аксинча, унга хизмат қиласи. Амин бўлингки, сиз кунни бошқармасангиз, кун сизни бошқаради (текстга қаранг).

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вақт – тагига етиб бўлмайдиган, дунёдаги ҳамма нарса учун бошланғич манба. Вақтимиз борлиги билан ҳамма нарсага эга бўлишимиз мумкин, йўқ бўлса, ҳеч нимага. Киши вақтни ўз ихтиёрига олиши кундалик мўъжиза бўлиб, уни ўрганган сари ҳайрон қоласан.

Үйлаб қаранг-а, эрталаб уйгонасиз! Чўнталингиз ҳаётингизнинг 24 соатлик бутун олам материяси билан тўла. Бу ҳаммаси сизники. Бу сиз эга бўлган қимматли нарса. Ҳеч ким уни сиздан тортиб ололмайди. Ўғирлаб ҳам ололмайди. Ҳеч ким бундан ортиқ ёки кўпига эга ҳам бўла олмайди.

Вақт подшоҳлигига бойлар аристократияси ёки ақлилар аристократияси ҳам йўқ. Бу ерда ҳеч қандай жазо ҳам йўқ.

Сиз бу нарсангиздан ўз ихтиёргиз билан қанча истасангиз, шунча фойдаланасиз ва ундан айрилмайсиз.

Бундан ташқари, келгуси вақтингиздан фойдалана олмайсиз ҳам. Вақтни қарзга олиш мумкин эмас. Ундан фақат ўтагётган даврда фойдаланса бўлади. Эрталик вақтдан бутун фойдалана олмайсиз. У сиз учун!

Юқорида вақтни "мўъжиза" дедик. Тўғри эмасми? Сизда ҳар куни ҳаётингизнинг 24 соати бор. Уларга ўзингизнинг соғлигингиз тўғрисида, қониқишиларингиз, пулларингиз, ўлмас қалбингизнинг ҳурмати ва ривожланиши ҳақидаги ғамхўрлигингиз жойланади.

Вақтдан тўғри фойдаланиш, самарали фойдаланиш энг керакли ва буюк аҳамиятга эгадир. Ҳаммаси сизнинг вақтдан қандай фойдаланишингизга боғлиқ. Сизнинг баҳтингиз, дўстим, шунга боғлиқ.

Агар киши ўзи эгалик қилаётган 24 соатлик даромад керакли харажатлар рўйхатига мос келмаса, бундай киши бир умр тартибсиз ҳолатда бўлади.

Бизда ҳеч қачон қўшимча вақтимиз бўлмайди. Биз қанча вақтимиз бўлса, фақат шунга эгамиш.

Яна шуни унутманг-ки:

#### 7.4. БУГУН – БУ КЕЧАГИ ЭРТАМИЗ

Биз эртанги кунни кутамиз. Охир-оқибат у кириб келади ва биз уни бугун деб атамайз. Бугун – бу кечаги эрта. Биз бунга қандай эришамиз? Жуда оддий, уни ўтказиб юборамиз. Худди кеча ва бутунни ўтказиб юборгандек. Агар биз мана шубир кунни бекорга ўтказишимизни ва шу кун содир бўлиши мумкин бўлган ҳодиса, бажарилиши мумкин бўлган ишларни амалга оширмаганимизни тушуниб етмасак бўлмайди.

Бунақа кунларни ўтказиб юборамиз. Ҳар биримиз тўхтаб ўтириб ўйлашибиз керак. Соат ишлайпти, вақт ўтяпти. Биз тугилгандан бери вақт ўтяпти. У қачондир тугайди. Вақт ҳаммамизни тенглаштириб қўяди. У ҳаммани олиб кетади. Яхшини ҳам, ёмонини ҳам. Ҳеч кимни айириб қўймайди.

Вақт ҳар биримизга имконият беради. Лекин қатыйиликни талаб қиласы. Қачонки, умримиз охирлаб қолғанда хатоларини тузатыш учун иккінчи имконият йўқ. Мана шу дақиқалари ўтиб бораётган соат ишлайверади. Биз ғалаба қиляпмизми ёки мағлубиятта учраяпмизми, унга фарқи йўқ. Вақт ўтаверади. Унииг парвойига ҳам келмайди. Биз муваффақиятта эришамизми ёки омадсизлик азобини чекяпмизми, вақт шафқатсиз. Адолат тантана қиласы, ҳақсизликми, унга барабибир. Ҳеч қанақа баҳона қабул қилмайди. Ўтиб кетаверади. Мұхими ўз ўйинимизни қандай ўйнашимизда. Инсоннинг ҳар қанақа ёшида уни ҳаракатта көлтирадиган бир күзғалиш даври бўлади. Ҳаётимиз ҳар бир дақиқасини қадрлашимиз керак. Биз эса шу дақиқаларни нақадар қимматли эканини тушунмасдан улар бекор ўтаётганини сезмаймиз. Бизда ҳали вақт бор. Бизда ҳали кўплаб имкониятлар, кўп ишлар бор. Эрта ҳам келади. Келаси ҳафта ҳам келади. Ой, ийл ҳам келади. Агар биз бундан ўзимизга керакли ҳисни кўзғатмасак, бу кун ҳафта, ой ва йиллар ҳам бекор ўтиб кетади. Вақт чексиз эмас. Демак, биз орзу мақсадларга эртага эришмоқчи бўлсак, бу йўлдаги биринчи қадамни бутундан бошлаб қўйишимиз керак.

**Хуллас, эртага эмас, шу бугун!**

Америкалик муаллиф Ог Мандинонинг бу ҳақдаги қуйидаги айтимлари бор.

Бу кунни худди у ҳаётингизнинг сўнгти кунидек яшанг. Шуни унутмангки, “эртага” сўзи фақат нодонлар тақвимида учрайди. Кечаги мағлубиятлар ҳақида унутинг ва эртаниги кун муаммоларига эътибор берманг. Сизнинг Қиёмат кўнингиз келган. Уни йилнинг энг яхши кунига айлантиринг. “Агар умримни қайтадан яшаш имкони бўлганда эди...”, деган сўзлардан ғамгинроқ сўзлар йўқ дунёда. Эстафета таёғини олинг-да, олға югуринг. Бугун сизнинг кунингиз!

Тест

## 7.5. КИМСИЗ: БОШҚАРУВЧИМИ Ё БОШҚАРИЛУВЧИ?

Инсон феъл-автори, хатти-харакатлари, одамлар билан муносабати, турли вазиятларда қандай қарорга келишида намоён бўлади. Ҳаётингизда сиз учун кимнинг роли ажратилган?

T/p		"Ха"	"Йўқ"
1.	Мен билан нимаики содир бўлмасин, доимо масъулият ҳис этиб яшайман.		
2.	Айрим одамлар менга бўлган муносабатни ўзгартирганда эди бу қадар қийинчиликларга дуч келмасдим.		
3.	Бахтсизлик сабабини излаб бош оғритгандан кўра, харакатда бўлишни маъқул кўраман.		
4.	Гоҳида “омадсиз бурж” остида туғилганикман деб ўйлаб қоламан.		
5.	Менимча, аччиқ қисматимда ичкиликбознинг фақат ўзи айбдор.		
6.	Баъзан ҳаётимдаги кўп нарса учун шу ҳолатга келишимга сабабчи бўлганлар масъул, деб ўйлаб қоламан.		
7.	Менга шамоллаганда шифокорга мурожаат этишдан кўра мустақил даволаниш маъқулроқ.		
8.	Аёлларнинг ғашини келтирувчи даражада чўрткесар ва уришқоқ бўлишига кўп жиҳатдан ўзгаларнинг айби бор.		
9.	Ҳар қандай муаммони ҳал этиб бўлади ва очиги, ҳаётда доимо қийинчиликка дуч келувчиларни тушуна олмайман.		
10.	Ўзгалар кўмагидан миннатдорчилик сифатида одамларга ёрдам бериш менга ёқади.		

11.	Бирор можаро юз берганда айбни аввал ўзимдан қидираман		
12.	Йўлимни қора мушук кесиб чиқса, кўчанинг нариги томонига ўтиб оламан.		
13.	Назаримда, ҳар қандай шароитда инсон сабрли ва мустақил бўлмоғи даркор		
14.	Бенуқсон эмаслигнин билсам ҳам, буни тўғри қабул қилишларини хоҳлайман		
15.	Кўпинча бирор нимани ўзгартиришига ожиз бўлган пайтда тақдирга тан бериб кўя қоламан		


4, 8, 12 рақамларига берилган “йўқ”, қолганларидағи “ҳа” жавобларини 2 баллдан баҳоланг.

#### НАТИЖАЛАР:

**0-10 балл.** Ҳаётда сизга қўпроқ йўловчи бўлишга тўғри келади. Барчасини тақдирга йўйиб ташқи таъсиirlарга тезда кўникасиз. Омадсизликда ўзингиздан бошқа ҳаммани айлаш сизга хос. Ҳақиқий эркинлик эса гўё қўл етмас саробдек. Шунга қарамай, бошқалар билан аҳил яшааш қўлингиздан келади.

**11-20 балл.** Ҳаёт кемасини мустакил бошқариш қўлингиздан келади. Аммо зарурат туғилганда штурвални ишончли қўлларга топширишингиз ҳам мумкин. Мавжуд муаммолар сабабларини излашда анчайин теран фикр юрита оласиз. Мушоҳада ва сезигирлик доимий ҳамроҳингиздир. Аслида мутлақо айбсиз вазиятларда ҳам масъулиятни зиммангизга олишдан толмайсиз. Руҳий мувозанатни бузмаган ҳолда атрофдагилар билан тотувликда яшай оласиз.

**21-30 балл.** Ҳаётингиз капитанисиз. Шу боис асосий масъулият бўйнингизда туради. Қийинчиликларни ҳар қандай бўрттиришсиз ҳамда турмуш муаммолари даражасига кўтармай бартараф этасиз Мақсадни кўзладингизми, дарҳол унга эришиш йўлини излашга тушасиз. Бунда ичингизда нималар кечётганилиги ўзгалар учун доимо жумбоқ бўлиб қолаверади.



Эй вакт! Сен мени эмас, балки мен сени бошқаришим керак!  
Айнан мен такомиллашган вактта әгалик қилишим шарт!

**8  
БОБ**

**ВАҚТДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ**

Вақтдан унумли фойдаланиш муаммосини ҳал этишга киришишдан олдин, уни тежашнинг олтин қоидалари хусусида тұхталиб ўтайлик. Зеро касалликнинг олдини олиш уни деярли тузатиш демақдир.

**Вақтни тежашнинг олтин қоидалари:**

- 1) Аниқ мақсад қўйиш
- 2) Вақтни режалаштириш
- 3) Бажариладиган ишларни қозозга тушириш
- 4) “Вақт ўғри” ларига “йўқ” дейиш
- 5) Оила аъзоларига вақтни бошқаришни ўргатиши
- 6) Якшанба кунини бўшатиш
- 7) Руҳиятни туширмаслик

Шундай мутлақ ҳақиқат мавжуд: агар сиз режалаштиришдаёқ мўлжалдан адашсангиз, демак ўз мағлубиятингизни режалаштирган бўласиз.

**8.1. АНИҚ МАҚСАДИНГИЗ БОРМИ?**

Ўз олдига мақсад қўйиш – бу ютуққа эришишдаги энг муҳим қадам. Сиз 20 йилдан кейин ким бўлмоқчисиз? Ўн, беш, икки йилдан кейин-чи? Бир йил ва ҳаттоқи олти ойдан кейин-чи? Ўз олдингизга бир ойлик, бир кунлик ва ҳаттоқи бир соатлик аниқ мақсад қўйинг. Шунда сиз бунинг қандай ҳайратланарли эканлигини кўрасиз: сиз қанчалик кўп нарсани хоҳлаёттанингизни яққол тасаввур этасиз.

Ҳаётингиздаги асосий мақсадларнинг рўйхатини тузинг. Орзуларингизга эрк беринг.

## ҲАММА НАРСА НИЯТТА ЯРАША БҮЛАДИ

**Мана, бир нечта ғоялар:**

- яхши ота ва ё она, эр ё хотин бўлиш;
- ишда ўз касбий мавқеини яхшилаш;
- ўз билим даражасини ошириш;
- кўпроқ ўкиш;
- яхши ўқитувчи, шифокор ва ё бошқа касб соҳиби бўлиш;
- корхонадаги Энг яхши мутахассис бўлиш;
- ўзингиз орзу килган ишга кириш;
- ўз шахсий фирмасини ташкил этиш ва шунга ўхшаш.

Энг муҳими мақсад аниқ бўлиши лозим. Модомики, сиз ҳақиқатан ҳам вақтингиздан унумли фойдаланишни истасангиз, бир фикрни тушунишингиз керак бўлади: “Агар мақсадларингиз бўлмаса, сиз вақтни бошқара олмайсиз, ўз вақтингизни хўжайнини бўлолмайсиз”.

Унумдорлик – аниқ белгиланган мақсаддарнинг маҳсули. Агар мақсадлар онгингизда аниқ ва яққол ифодаланган бўлмаса, вақтни тақсимлаш деярли фойда бермайди. Шунинг учун ҳам мақсадларни қофозга тушириш жуда катта аҳамиятта эга, қолаверса вақти-вақти билан белгиланган мақсадларингизни кўздан кечириб туришнинг ўзи катта самара беради.

### ҲИКОЯ

#### Мақсад аниқ бўлганда

1930 йилларда ёш бир сайёҳ Франциянинг Алп тоғларида тадқиқот ўтказарди. У кенг сайҳонликка дуч келди. Бу ер кимсасиз, файзсиз, хувуллаган эди. Келган одамнинг тезроқ кетгиси қеларди.

Ёш сайёҳ тўсатдан турган жойида қотиб қолди. Ўша сайҳонликнинг қоқ ўртасида бир қарияга кўзи тушди. Унинг елкасида арча кўчатлари солинган қопни ортмоқлаб олган

эди. Кўлида узунлиги икки метрлик темир таёқ. Таёқдан кўччатларни экиш учун тешик очишга фойдаланаарди. Сўнг қопидан арча кўччатларини олиб экарди. Қария сайёҳга қараб деди: “Мен юз мингдан ошиқ кўчат экдим. Балки уларнинг ўндан бири ўзини тутиб кетар”. Гап орасида қария хотини ва ўғли ўлганлигини айтиб: “Умримнинг охирини шу тариқа ўтказишга қарор қилдим. Бирон фойдали иш билан машғул бўлай”, дега қилаётган ишига изоҳ берди.

Йигирма беш йилдан сўнг энди ёши бир жойга борган ўша сайёҳ ўша сайхонликка борди. У кўрганларидан ҳайратга тушди. Кенглиги уч километр, узунлиги тўққиз километр бўлган майдон ям-яшил арчазор бўлиб яшнаб турарди. Қушлар хониш қилас, ҳайвонлар югуриб, гуллар ифорини таратарди. Сайёҳ жойида туриб бу ернинг аввалги ҳолини эслади ва бир нарсага икрор бўлди – МАҚСАД АНИҚ БЎЛГАНДА ҲАЁТ ЯШНАЙДИ! Қария олдига аниқ мақсад қўйди, уни амалга оширишга, вақт ажратди ва натижага эришди. Ўз олдига мақсад кўйишининг маъноси ҳам шунда.

### Биринчи ва иккинчи даражали нарсалар

Бирон ишни бошлашдан олдин у ҳақиқатан ҳам муҳим ишми ёки иккинчи даражалими, деб ўзингизга савол берсангиз ўз мақсадларингиз сари тез етиб боришингиз мумкин бўлади.

Кўпчилик олди-сотди ишлари билан шуғулланадиган одамлар “харидор билан ишлашга” қараганда, “харидорга етгунча йўлга” кўпроқ вақт сарфлашади, натижада даромадлари ҳам шунта лойиқ бўлади. Ишларни биринчи ва иккинчи даражаликка ажратса олмаган одам барча неъматларни чалкаштириб юбориши жуда осон. Ота-оналар уч соатлаб телевизор томоша қилишади, болалари билан ўйнашга эса ўн-ўн беш дақиқа ажратишади. Раҳбар бевосита одамлар билан ишлаш ўрнига куннинг ярмидан кўпини қоғозбозлик билан ўтказади.

Худи шу нарса пул масаласига ҳам таалуқли. Кўпчилик ҳолларда иккинчи даражали нарсаларга кўп пул сарфлаб,

мухим ишларга маблагимиз етмай қолади. Айрим одамлар бор-йўғини тан озуқаси учун сарфлаб, ақл учун озуқага бир тийин ҳам ажратишмайди. Мақсадлар сари интилиб яшайдиган одам бундай ҳолларга йўл қўймайди.

Энди тилга олинган мақсадларни муҳимлигига қараб тартибга келтиринг ва рўйхат бошига энг аввал эришишингиз лозим бўлган мақсадларни қўйинг. Реалист (ҳақиқатчи) бўлинг. Ўз олдингизга эришишингиз мумкин бўлган мақсадларнигина қўйинг. (Масалан, агар сизнинг талабга жавоб берадиган жисмоний имкониятларингиз бўлмаса, айниқса, бўйингиз паст бўлса, сиз маҳсус ишларга йўналтирилган команданинг жангчиси бўлолмайсиз!)

№	Мақсад 2	Сана
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
9		
10		
11		
12		

Энди, мақсадларниг рўйхатини тузиб бўлгандан сўнг, уларнинг ҳар бирини алоҳида варақчанинг юқори қисмида ёзинг. Ҳар бир мақсад учун алоҳида варақча ажратинг. Шундан сўнг ҳар бир варақчани уч қисмга ажратинг ва уларга қуидагича сарлавҳа қўйинг:

1-мақсад

Бажариладиган иш:

1

2

3

4

Мазкур мақсадга эришиш учун менга зарур бўладиган хислатлар:

1

2

3

4

Енгид ўтиш зарур бўладиган қийинчиликлар:

1

2

3

4

### 1. Бажариладиган иш

Бу ерда сиз ўз мақсадингизга эришиш учун нима ишлар қилишингиз зарурлигини ёзинг. Шуни билингки, заҳмат чекмасангиз, роҳат кўрмайсиз. Яъни, ҳаракатда баракат! Мазкур руқнда сиз ўз мақсадингизга эришиш учун бажаришингиз лозим бўладиган қўшимча ишларни ёзинг: масалан, янги хунар ё қасб-корни ўрганиш учун ўқиш, пулни тежаш ва шунга ўхшаш.

Мавжуд нарсалардан энг муҳимини фарқлай олинг. Кўпчилик одамларнинг йўл қўядиган омадсизлиги аҳамиятсиз нарсаларга берилиб кетишлари туфайлидир.

Бирор бошқа нарса билан банд бўлиб алданиш, асосий мақсаддан четлаб кетишга олиб келади. Бир кунни беху-

да сарфлар экансиз, омад келтирадиган асосий қунларнинг биридан айрилдим, деяверинг. Демак, ҳар бир кунни ақл билан ўтказишга урининг.

Баъзан ҳар жиҳатдан истакларга яқин келганингизни англайсиз. Бироқ унга эриша олмайсиз.

Вақт – фаолиятимизнинг энг қадрли нуқтаси бўлатуриб, биз уни майдалаб исроф қиласиз, бемақсад совурамиз.

Биз жиддий фаолиятга камроқ, майда нарсаларга кўпроқ вақт ажратишимизга йўл қўймаслигимиз лозим.

Вақт пулдан-да қадрлидир. Кўп пул топишни удалаш мумкин, лекин кўп вақт топишнинг имкони бўлмайди. Бир кундан тўлиқ фойдаланмай, бошқасига ўтиб кетиш мумкин эмас.

## 2. Мазкур мақсадга эришиш учун зарур бўладиган хислатлар

Навбатдаги қадам: мазкур мақсадга эришиш учун қайси хислатлар лозим эканлигини ёзинг. Ўзингизни ёқимли хулқи, ташқи кўриниши билан ўзига тортадиган, ақлли, самарали ишлайдиган янги қиёфадаги инсон сифатида тасаввур қилинг.

Одамлар ўртасида инсоний муносабатлар ва дўстона алоқаларни қарор топтириш учун кучингизни аяманг. Ўзингизга мос дўстларни танланг.

Дўст – хатоларингизни кўнглингизни қолдирмайдиган тарзда юзингизга айта оладиган инсон. Қадимги хитой мақоли бор: “Дўстингнинг пешонасидаги пашшани ҳайдаш учун ойболтани ишлатма”.

МЕНДАГИ ҲАММА ЯХШИ ЖИҲАТЛАРНИ,  
ЎЗЛАШТИРИБ ОЛАДИГАН ИНСОН –  
МЕНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДЎСТИМ.

Генри Форд  
(1863-1947, Америка автосаноатчиси)

Ҳозирги даврнинг улкан муаммоларидан бири ҳақиқий дўстларнинг озлигидир.

### 7 маслаҳат

Дўст орттиришда қуидаги еттита маслаҳатга риоя қилинса мақсадингизга эришган бўласиз.

1. Хушмуомала бўлинг. Атрофдагилар хуш кўрадиган инсон бўлишга ҳаракат қилинг.

2. Ўзгаларнинг оғирини енгил қилинг. Илк қадамни қўйишдан қўрқманг. Ишингиз билан ўзингизни танитишга ҳаракат қилинг.

3. Сұхбатдошингизнинг исм-шарифини тўғри ёдда сақланг ва у ҳам сизникини аниқ эслаб қолишига интилинг.

4. Ҳеч кимдан мукаммалликни кутманг. Ҳаммада ҳам ўзига яраша камчиликлар бор.

5. Ҳар бир одамда сизни тўлқинлантирадиган жиҳатлар борлигини англашга ҳаракат қилинг.

6. Сұхбатдош бўлинг. Бошқаларни ҳам сұхбатга рағбатлантиринг.

7. Ҳамиша хушмуомала бўлишга интилинг.

Британиялик диний арбоб ва ёзувчи Чарлз Кингсли (1819-1975) дўст ҳақида қуидагиларни билдирган:

“Кимнингдир дўсти бор бўлса, у, ҳақиқатан ҳам, Худонинг марҳаматига сазовор бўлган. Дўст – бутунлай ишонса бўладиган инсон. Ўша инсон энг яхши ва энг ёмон томонларимиз, камчиликларимизга қарамасдан бизни севади, у бизга адашган пайтларимизда чин ҳақиқатни айтади, қувончли кунларимизда, талтайиб кетган лаҳзаларимизда, бутун олам олдимизда таги пуч мактовлар билан бошимизни айлантираётган, ортимиздан эса майна қилиб турган бир пайтда бизни беозоргина койиб қўяди, лекин оғир ва қайғули дақиқаларда, бутун олам бизни ўз ташвишларимиз билан якка олишишга маҳкум этган лаҳзаларда руҳимизни кўтаради”.

### 3. Енгиб ўтиш зарур бўладиган қийинчиликлар

Ўз олдингизга аниқ мақсад қўйганингиз ва унга эришиш учун нима қилишни билганингиздан сўнг, бу йўлда нималар тўсиқ бўлиши ҳақида ўйланг. Ўзингизга нисбатан хаддан ортиқ қаттиқўл бўлманг, лекин олдингизга қўйган мақсадингизга эришиш учун тўсиқ бўлаётган нарсалар тўғрисида ўйлаётганда ҳалол бўлинг. Ютуқларга эришиш учун ҳаракатни бошлиганингизда сизда дангасалик, бехуда ишларга вақт сарфлаш, атрофдагиларнинг сизга нисбатан танқидий муносабатда бўлишлари, қийинчиликларга бардош беролмаслик каби ҳолатлар учраши мумкин. Сизда эса энди буларни енгиш учун тайёр режа бор.

Олдиндан режалаштирилган юқоридағи барча мақсадлар учун ҳам худди шундай йўл тутинг. Бу варақчалар ҳамиша кўл остингизда бўлсин: уларни кундаликларингизнинг ичидаги ҳар замонда кўзингиз тушадиган жойда сақланг ва уларнинг ижросини назорат қилиб туриш.

Турли хил ташқи тўсиқларга эътибор бермай, режаларингизни юзага чиқариш учун ўзингизда ички иродани шакллантириш. Бошқа одамлар нима дейиши, нима деб ўйлаши ва қандай йўл тутаётганингига парво қилманг. Сиз ўз ҳаётингиз учун чиндан ҳам зарур бўлган орзу-мақсадга эришиш йўлида қалбингизда сўнмас истакни уйғотинг.

Аниқ мақсадга эга бўлмай ишласак, умримиз мақсадсиз, натижасиз ишлар билан ўтиб кетади, аниқроғи, биз унинг қулига айланиб қоламиш. Ёдда тутинг: агар мағлубият хавфи бўлмаганда, ғалаба қувончи ҳам бўлмас эди.

ШУНЧАКИ КУТИБ ЎТИРГАН ОДАМГА ҲЕЧ  
ҚАЧОН ОМАД КУЛИБ БОҚМАЙДИ.  
КУРАШГА КИРИШИШГА ЖАСОРАТИ ЕТГАН  
ОДАМЛАРГА ГИНА У КУЛИБ БОҚАДИ

Истакларимизнинг амалга ошиши бошқа одамларга ҳам манфаат келтириши лозим. Агар бизнинг мақсадларимиз бошқаларни ранжитса ва ё уларга зиён келтирса истакларимиз замерида худбинлик ётади. Ҳаётдаги энг юксак мукофот меҳр-муҳаббат ва амалга оширган ишингдан түядиган лаззатдир. Қолган ҳаммаси бекор. Ҳаётда ҳамиша сахий бўлинг, асло баҳил бўлманг.

Мақсад муаммосини умумлаштириш маъносида,

Гап келди: Азизлар! Энг аввало ўз олдингизга юксак мақсадлар қўйишдан кўрқманг. Мақсадга эришиш қаттиқ меҳнат, жасорат ва берилиб ишлашни талаб қиласди. Лекин кўп одамлар бошқаларга кулги бўламан ёки барибир қўлимдан ҳеч нарса келмайди деган ўйда кўрқиб бунга ҳаракат ҳам қилмайди. Шундай кишилар ҳам учрайдики, улар ўз олдиларига қўйган мақсадларини унча аҳамиятта эга эмас, деб ийманадилар ёки бундан ҳам баттари, улар мени ман-ман, сурбет қилиб кўрсатади деган нотўғри ўйга боради.

Ўз олдингизга оқилона мақсадлар қўйинг. Ҳаракат қилингки, улар:

- аниқ;
- ўлчанадиган, ақлга сиғадиган;
- эришиб бўладиган;
- амалий;
- тушунилиши осон мақсадлар бўлсин.

Ақлга сиғмайдиган нарсага эришиш мумкин эмас. Агар сиз пухта ўйлаб, аниқ мақсадларга эришишга қарор қилсангиз, уни албатта ажойиб тарзда удалайсиз.

Ўз олдингизга қўйган мақсаддан келадиган эзгулик ва фойдани ўлчаб кўришнинг имкони йўқ; Аниқ мақсад бўлмаса, сизнинг келажак истак ва ниятларингиз эзгу орзудан бўлак ҳеч нарса эмас. Мақсад қўйиш улкан манфаат келтиради. У муаммоларни ҳал қилишни осонлаштиради, сизнинг жисмоний ва руҳий ҳолатингизни енгиллаштиради ҳаётга ижобий муносабатда бўлишингизни оширади. Мақсад

кўйиш туфайли сизнинг, кўркув ва ваҳимадан, тушунмовчиликлардан қутулишингиз осон кечади. Одамлар мақсади бор кишиларни хурмат қиласди. Мақсад қўйиш сизни кўзланган галабага, келажакка ишонч сари интилишга чорлайди. Ана шу келажакка ишонч ва қатъият голибни бошқалар орасидан ажратиб туради.

## ЭСЛАТМА

Ҳақиқий ҳаётий фожиа мақсадга эришиш мумкин эмаслигида эмас, мақсаднинг ўзининг йўқлигидадир. Вақтинг тез ўтаётганига куюнма. Бу сенинг меъёрида банд эканинг аломатидир. Вақт ўтмаётганидан нолиган одамга ачинмоқ керак. Бундай одам мақсади аник бўлмаганлар тоифасидандир.

Тест

### Кутилманга ҳолатларга тайёрмисиз?

Баъзи одамларнинг кун давомида тинмай қогоз қоралашига тўғри келса ҳам, ёнида ҳатто ручка топилмаслиги мумкин. Бошқалар эса кундалик фаолиятида асқотиши амримаҳол бўлган ҳар қандай майда-чўйдаларни ҳам олиб юришга одатланиб қолган. Бундайлар ноқулай вазиятга тушмаслик учун керак-кераксиз нарсалар эҳтиёт шарт, ёнингда бўлгани маъқул, деб хи-соблашади. Сиз-чи, кутилмаган вазиятларни муносиб қарши олишга қодирмисиз?

“Куйидаги саволларга “ҳа” ёки “йўқ” жавобларини бериб, “ҳа” деб белгиланган жавоблар сонини жамлаб чиқинг. Ҳар бир “ҳа” жавоби 1 баллга тенг.

№	Саволлар	Балл
1.	Ҳар доим ёнингизда ортиқча ручка ёки қалам бўладими?	
2.	Велосипедингизнинг эҳтиёт қисмлари бўлмаса ҳам саёҳатга чиқсан бўлар эдингизми?	
3.	Уйингизда мушук борми?	
4.	У Сизнинг ҳар доим ҳам ҳамроҳингизми?	
5.	Уйингизда аптечка борми?	
6.	Битта ихтисосликдан кўра иккита бўлгани маъқул эмасмикин?	
7.	Пулингизни бир неча чўнтағингизда сақлаб юрасизми?	
8.	Эҳтиёт бўлиш лозимми?	
9.	Яккаланиб қолмаслик учун кўп оғайнига эга бўлиш керакмикин?	
10.	Уйдаги музлаттичингиз ҳар доим маҳсулот билан тўлами?	
11.	Баҳтсиз ҳодисалардан сугурталанганимисиз?	
12.	Таваккалчилик ҳар доим ҳам катта бўлмаслиги керакми?	
13.	Сиз автомобилда катта бўлмаган тезлиқда юришни маъқул деб биласизми?	

Энди тасодифга қанчалик тайёр эканингиз билан танишининг:

### 9 баллдан кўп

Очигини айтганда Сиз ҳадиксировчи, масъулиятдан қочувчи кишисиз. Аммо, айрим ҳолларда ўйламай-нетмай қилидиган ҳаракатларингиз Сизнинг турмушингизни хушнуд қилиши мумкин.

### 3-9 балл

Ҳаддан ташқари бўлмаса ҳам ҳар қалай узоқни кўрадиган, эҳтиёткор, тадбиркор одамсиз. Бу ёмон эмас. Буни ижобий баҳоласа бўлади. Зоро, керакли вазиятларда ўзингизни йўқотмай, тўғри йўл тутишга қодирсиз.

### З баллгача

Сиз воқеликни олдиндан мутлақо күра билиш қобилятига эга эмассиз. Ўзингизга дамба-дам: "Маъқул иш қиляпманми?" – деб савол берасиз. Сиз бирор "тажрибалирок" кишилар маслаҳатига қулоқ тутиб, иш кўрганингиз маъқул.



Қийинчилик ва кутилмаган ҳолатларни енгиб чиқишининг бирдан-бир йўли – бу устувор ишларни бажариш вақтини аниқлаб ажратиб олишдир.

## 8.2. ВАҚТНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

Мақсадга эришишнинг биринчи калити ВАҚТНИ аниқ режалаштиришдир. Фақат мақсадга йўналтирилган аниқ режа (йўл харитаси)гина вақтингизни ўз измингизга солишга ёрдам бериши мумкин.

1. Режа тузишдан олдин:

Биринчидан. Келажакда тадбиркор, ишбилармон ёки оила бошлиғи сифатида тушиб қўйган қандай режаларингиз бор? Қўлингизга қалам-қогоз олинг ва қўйидаги саволларни ўзингизга бериб кўринг.

1. Мен ҳаётда ўз ўрнимни топиб, омадли инсонга айланана оламанми? Бадавлат бўлишни эплай оламанми?

2. Мен дўстларимнинг ва атрофимдаги кишиларнинг хурматини қозонаманми? Эл-юрга фойдам тегадиган инсон бўла оламанми?
3. Оилам дастурхонини тўкин эта оламанми, янги уй ва шахсий машинамга эга бўламанми?
4. Ўз мақсадимга эришиш учун ҳалол меҳнат қилиб жамият равнақига ҳисса қўшаоламанми?
5. Мен ўз табиатимнинг кучли ва ожиз томонларини биламанми? Мен комилликка эришиш учун барча қийинчиликларга қарамасдан меҳнат қилиб, бошланган ишимни чала ташлаб кетмайманми?
6. Хусусий тадбиркорликда муваффақиятга эришиш учун руҳий кайфиятим ва жисмимдаги қувватим етарлими?
7. Вақтдан унумли фойдаланаётганингизга аминмисиз? Тузган режаларингизни бажараоляпсизми?

**Иккинчидан. Ўзингизни англаш даражангизга баҳо беринг.**

1. Мен келажак ишларга безовта бўлганимдан бутунги ишларни четта суриб қўяманми, мен узоқ уфқда кўринаётган қандайдир бир “тулларга тўла сеҳрли боғ”ни орзу қиласманми?
2. Энди қайтиб келмайдиган, ўтган ишларга афсусланиб, гоҳида ҳозирги ҳаётимни огираштираманми?
3. Мен ҳар куни эрталаб “Пайтни бой бермайман” ва бутунги менга берилган йигирма тўрт соатдан оқилона фойдаланаман, деган қатъий қарор билан уйғонаманми?
4. Биринчи галда фақат бутунги кунни ўйлаб иш тутсам мен ҳаётда кўп нарсага эришишим мумкинми?
5. Қачон мен буларга амал қилишни бошлайман? Кейинга ҳафтаданми?... Эртагами?.... Бугунми?

**Учинчидан. Руҳшуносларнинг таклифларини эътиборга олинг.**

Руҳшунослар барча ишларни тўрт тоифага бўлишни таклиф этадилар:

- Шошилинч ва мухим
- Шошилинч эмас, лекин мухим
- Шошилинч, лекин мухим эмас
- Шошилинч ва мухим эмас

Охирги икки тоифага киритган ишларни бажаришингиз шарт эмас. Уларни қўл остингиздаги ходимларингизга беринг ёки маълум муддатга ортга қолдиринг. Асосий вақтингизни мухим бўлган ишларга бағишланг.

Таниқди психолог Бодо Шеффер вақтдан унумли фойдаланиш учун ўз усулини таклиф қилади. Унинг фикрича шошилинч қилинадиган ишларни биринчи ўринга қўйиб, вақтни бой бермасдан, тез қилишга ўрганиш керак экан. Бу борада Бодо Шеффер бир мисол келтиради. Бир чеҳакка катта тошлар, кичик тошлар, қум ва сув солиб тўлдириш керак. Агар сиз олдин сув солиб кейин тошларни солмоқчи бўлсангиз сув тошиб кетар экан. Шунинг учун унинг фикрича, олдин катта тошлар ундан кейин қолган жойларга кичик тошлар билан тўлдириш керак. Унинг устидан қолган жойга қум солиб, устидан сув солсангиз, ҳаммасини тўғри қилган бўласиз. Чунки катта тошлар – бу сиз қиласидиган катта, қийин ишларингиздир. Уларни биринчи ўринда бажаришингиз керак. Чунки уларга кўп энергия сарфлайсиз. Кичик тошлар иккими чи ўринда бажариш мумкин. Ундан кейин қум ва сув соласиз. Бу янада кичикроқ ишлар, лекин, албатта, қилиниши керак бўлган ишлардир.

Челак эса сизнинг вақтингиз. Албатта бундай режимда ишлаш учун ирова, интизом кучли бўлиши керак. Кераксиз ишларга чалғиб, асосий ишларни ташлаб қўйиш мумкин эмас. Чунки бизни катта ютуқларга асосий ишларимиз олиб келади.

Шу ўринда ҳаётда мухим ва асосий нарсаларга биринчи навбатда эътибор бериш лозимлиги ҳақида қўйидаги ривоят ёдимга тушди.

## РИВОЯТ

Фалсафа ўқитувчиси дарс пайтида уч литрлик банка олиб, унинг ичига тухумдек келадиган тошларни солди. Банка тўлгач, талабалардан “Тўлдими?” деб сўради. “Тўлди”, деб жавоб беришди талабалар. Шунда муаллим халтачадаги нўхотни банка ичига ағдарди. Нўхот бўш жойларни тўлдириди. “Тўлдими?” деб сўради муаллим. “Тўлди”, дейишди талабалар. Шунда муаллим бошқа халтачадаги қумни банка ичига ағдарди. Қум қолган бўш жойларни тўлдириди. “Тўлдими?” деб сўради яна муаллим. Талабалар кулиб: “Ҳа, тўлди”, дейишди. Энди устоз ҳам: “Мана энди ҳақиқатда тўлди”, деди. Талабалар муаллимдан бу тажрибанинг маъносини сўраши. “Мана бу банка сизнинг ҳаётингиз. Мана бу беш-олти дона тош сизнинг ота-онангиз, оиласигиз, фарзандларингиз, қариндош-уруг ва дўстларингиздир. Улар ҳаётингизда биринчи ўринда туришлари керак.

Мана бу нўхотлар эса сизнинг ишингиз, мартабангиз, обрў-эътиборингиз, машинангиз, дала ҳовлингиз ва бошқалар.

Мана бу қумлар эса бўш вақтингизни тўлдирадиган ўйинкулги, хурсандчилик. Агар банкани дастлаб қум билан тўлдирсангиз, унда тошлар ва нўхотларга жой қолмайди. Демак, ҳаёти ўйин-кулгидан иборат бўлган одамнинг на иши, на обрўси ва на оиласи бўлади. Ҳудди шунингдек, банкани дастлаб нўхот билан тўлдирсангиз, қумга жой топилади, лекин тошлар сифмайди. Демак, фақат пул, мартаба ва шунга ўхшаш нарсалар кетидан қувган одамнинг ҳам на дўстлари, на қариндошлари бўлади. Сиз биринчи ўринга тошларни, яъни ота-она, оила, дўст, қариндошларни қўйинг. Тошлар учун нўхотларни камайтиришингиз мумкин, лекин нўхотлар учун тошлардан воз кечман!”.

**ХУЛОСА:** Эй фарзанд, ҳаётда асосий нарсалар бармоқ билан санарли даражада оз бўлади. Сен уларни камайтирма. Шунда ҳеч адашмайсан.

**Тўртингидан. Руҳиятингизни инобатга олинг.**

Эрталаб тонг сахарда туришни одат қиласиганлар, яъни **холериклар** (қизил рангта хос инсонлар, жizzаки одамлар)

харакатчан кишилар куннинг биринчи ярмида яхшироқ ишлашадилар. Бироқ улар бир маромда ишлай олишмайди, тоҳ гайрат билан, тоҳ имиллаб ишлашади. Шунинг учун ҳам эҳтиёткорлик, сабр-тоқат ва чидам талаб қилинадиган вазиятларда холериклар қийин ахволга тушиб қоладилар ва вақтни бир қадар бой бериб қоладилар.

Кечроқ туродиганлар, яъни **меланхоликлар** (ғамгин, журъатсиз ва маъюс кишилар) эса, аксинча, кечга яқин меҳнатта лаёқатлари баланд бўлади-ю "Дунёни сув босса тўпигига чиқмайди"ган одамлар уларга нисбатан айтилган. Ичи сабр билан тўлган, кўп ухлайди, бир ишни бошлишда охирги навбатда туродиганлар ҳам улар. Кечикиш бобида ҳамиша биринчи ўринда туришади. **Вақтдан** унумли фойдаланиш бобида ҳар доим охирги ўринни ўзиники қилганидан хафа ҳам бўлишмайди.

Кейинги ўзига хос руҳият (темперамент) вакиллари – бу **сангвинниклардир**. Одатда уларни сариқ рангта хос инсонлар дейишади. Шўх, қувноқ, тиришқоқ ва таъсирчан кишилардир. Вақтида туришади. Ҳаммага илиқлик билан муомала қилишади. Уларга хос бўлган хусусият – ҳар бир ишни меъёрида бажарадилар. Уларнинг мақсадлари, режалари ҳам **вақтдан** унумли фойдаланишга бевосита қаратилган.

Ва ниҳоят, тўртинчи руҳият вакиллари, яъни **флегматиклар** (яшил рангта мослар) вазмин кишилардир. Улар учун шошилмаслик ва босиқлик ўта хос.

Бундай одамлар мураккаб ҳаётий вазиятларда кам ҳаркатчан бўлишса-да, қўйилган мақсадларга эришишда анча дадил бўлишади. Флегматиклар кечроқ уйғонадилар. Шундай бўлса ҳам секинлик билан бошланган иш куни самарали бўлади.

Уларнинг камчиликлари шунда-ки, мабодо бирор нарсага тез жавоб қилиш керак бўлса, **вақтни** бой бериб қўядилар. Шундай ҳолларда сангвиникнинг устунилиги сезилиб туради. Қатъийлик, ирова ва сабр-тоқат талаб қилинадиган ишларда эса флегматик устун келади.

Шундай қилиб, мұхим ёки шошилинч, мұхим ва шошилинч бўлмаган ишларни қайси бир темпераментта тегишли эканлигингизга қараб кетма-кетлиқда бажаринг.

**Бешинчидан.** Кун тартибингизга эътибор беринг. Шу пайтгача амал қиласидиган кун тартибингизни ёзиб, уни обдон муҳокама қилинг. Муҳокама жараёнида сиз ҳар бир бажариладиган ишни мұхим, мұхим эмас, долзарб, долзарб эмаслигини аниқлаб олишингиз керак бўлади.

Ҳар бир кишида вақтни бехуда сарфлашга мойиллик бўлади: Уларни аниқлашга ва мұхимлигидан келиб чиққан ҳолда тартиб билан ёзишга уриниб кўринг. Уларнинг қайси бири сизнинг ташаббусингиз билан юзага келганини, қай бири сизга боғлиқ бўлмаган ташқи шарт-шароитлардан келиб чиққанини таҳдил этиб қўринг. Сиз шунга амин бўласизки, вақтдан унумли фойдалана билмаслик сабаби сизнинг ўзингизда. Сиз нечоғлик ўзингизга нисбатан талабчан бўлсангиз, буни яна да аниқроқ ҳис этасиз. Мавжуд нарсаларнинг энг мұхими мини фарқлай олинг.

Биз жиддий фаолиятга камроқ, майда нарсаларга қўпроқ вақт ажратишимиизга йўл қўймаслигимиз лозим.

Филжумла ўрнида,

---

Гап келди:

Режа тузиш мураккаб жараён. Уни тузишга ҳаддан ташқари берилманг. Меъёрни билинг. Тағин мукаммал режа тузаман деб асосий ишларингиз қолиб кетмасин. Америкалиқ сиёсий арбоб, Нобель мукофотининг соҳиби Генри Киссинжерга қулоқ солинг.

“Ҳаётда энг аввало нимани кўпроқ хоҳлашингизни ва унга қандай қилиб эришмоқчи эканлигингизни аниқлаб олинг, шундан сўнг ушбу ниятингизга эришиш йўлида сизга бирон-бир нарса тўсиқ бўлишига йўл қўйманг.

---

### 8.3. РЕЖА (ЙҮЛ ХАРИТАСИ)НИ ТУЗИШ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БҮЛИШИ КЕРАК

Режа (йүл харитаси) – бу ВАҚТДАН унумли фойдаланиш сари бориш учун күприкдир. Етук ишбилармон ва ёзувчи, келиб чиқиши япон бўлган Роберт Киосаки “Ишдан ёш ва бой бўлиб кетиш” асарида шундай деб ёзади:

“Мен аҳолининг 90 фоизи бир хил режага амал килишини аниқладим. Аҳолининг 90 фоиздан кўпроғи нафақага чиққач, ўзига тўқ одамлар даражасидан пастга тушиб қолиши сабаби шунда экан”.

Режа турлари

Режа уч хил бўлади;

биринчиси – самарасиз режа: бир умр ўлиб-тирилиб ишлаш ва пул тўплаш, нафақага чиққанда камбағал одам булиб қолиш;

иккинчиси – сал самаралирок, аммо суст ва заиф: маоши катта ишда умр бўйи ўлиб-тирилиб ишлаш; даромадининг катта қисмини узоқ муддатли сармояга қўйиш, натижада ўрта синф даражасидан ўзига тўқ одам бўлиш – агар, албатта, бу вақтга келиб, бозор касодга учрамаса;

учинчиси – энг самарали, мустаҳкам ва тезкор режа – бизнес олиб бориш, корхоналар қуриш, қисқа муддатли сармоялар қилиш ва натижада нафақа вақти бошлангунига қадар бой ёки ўта бой одам даражасидаги ишлардан четланиш учун барқарор ишдан воз кечишига ўрганиш.

Қайси режага риоя қилишни ўзингизга эп биласиз – танланг.

Режанинг биринчи ё иккинчисини танлайдиган бўлсангиз, бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Аммо унда шу нарсани аниқ билиб қўйингки, сизни олдинда ҳавас қилмайдиган нарсалар кутади, бирданита бойиб кетишингизга имкон берувчи мўъжизани орзу қилмай қўя қолинг.

Муқаррар бойликни режанинг фақат учинчи тури келтиради, холос. Учинчи режага риоя қилишни ўйлаганингизда юрагингиз чопмаса ва дов бермаса, олдинги учинчи қадамга

қайтинг ва уни бошқатдан босиб ўтиңг (балки барча дастлаб-ки уч қадамни яна бир карра босиб ўтишингиз талаб этилар). Юрагингизга нимадир ғулгула солиб турган тақдирда ҳам бойиб кетиш ғоясидан воз кечишга шошилманг. Ишонаверинг, бу атиги онгни қайта қуриш, холос. Онгингизни режанинг учинчи вариантига риоя қилиш – сиз учун бойиб кетиш муқаррар деган фикрга ўргатиш учун яна бир оз вақтингизни аямант.

Онгингиз шу фикрга одатланганда сиз амал қилишга тай-ёр бўлинг. Шунда ҳаётингиз янгича рангларда товлана бошлайди ва мароқли саргузаштга айланади, Уйқу, ялқовлик, ҳафсаласизлик деган нарсаларга ортиқ ўрин қолмайди. Сиз ёрқин, тўлақонли, чинакамига яшай бошлайсиз. Қайтанга бойлик қўринишидаги мукофотга ҳам сазовор бўласиз.

Агар камбағал бўлсангиз, бу сиз эртага ҳам камбағал бўласиз дегани. эмас. Ҳамма гап шундаки, эски режангизни ташлаб юбориб, янгисини тузинг ва кунма-кун унга риоя қилинг.

#### 8.4. РЕЖАНИ ТУЗИШДА 5 МУҲИМ ҚОИДА

\* Биринчи муҳим қоида. Кунингизни тўла режалаштириб магунингизча бошламанг!

Ҳа, кунни бошлашдан олдин уни режалаштириб олинг. Кунлик режангизни бўлимларга бўлиб тузинг. Масалан, биринчи бўлимга иш юзасидан телефон орқали олиб борила-диган музокараларни киритсангиз, иккинчисига ходимларга иш тақсимлаш, учинчисига муаммоларни кўриб чиқишиларни киритишингиз мумкин. Буни ҳар куни қилинг. Тушуна-ман, бу ёзишлар чарчатиши ҳам мумкин. Бунинг қиймати уринишларингизнинг сермаҳсуллиги, қуруқ умидларнинг эмас. Сиз режалаштиришнинг бу санъатини эгаллаган бўлсангиз, ҳар кун янада юқорироқ ютуқларга ўтишга тайёrsиз.

Энг асосийси, ЯХШИ ФОЯЛАР СИЗНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ. Буюк ғоялар – сиз уларни тута билсангиз, ҳаётингизни ўзгартириши мумкин. Кундаликни, қаерда бўлманг, доим ёнингизда олиб юринг.

\* Иккинчи муҳим қоида: ҲАФТАНГИЗНИ РЕЖАЛАШТИРИБ ОЛМАГУНИНГИЗЧА БОШЛАМАНГ.

Буларни эгаллаб олсангиз, ҳар кунингиз бир-биридан са-маралироқ бўлади. Бу етти кундан иборат дастур бўлиб, уни қайта-қайта амалда қўллаш зарур. Бу режа жисмоний, ақлий ва маънавий вазифаларни ўз ичита олган. Етти кунлик жараёндан ёки улардан истаган кунингизни танлаб олиб, орзуингиздаги ҳаётни рӯёбга чиқариш учун фойдаланишингиз мумкин.

### ҲАФТАНИНГ ЭНГ ЯХШИ КУНИ ҚАЙСИ КУН?

Бугунги кунда вақт пул билан ўлчанади. Тўғрида, беҳуда кетган вақт учун ҳеч ким сизга пул тўламайди, балки ўзингиз ўша кетаётган вақтда пул ишлаб қолишингиз керак. Бу нафақат замон талаби, балки қадимда ҳам маҳсус ўқув даргоҳларида қонун-қоидага айланган усулдир. Япон адаби Ямагучи Тадаонинг “Савдо йўли” номли китобидан олинган қуйидаги ривоятда бу янада яққол акс этган.

### РИВОЯТ

Бир куни ўқувчи устозидан сўради:

- Устоз, айтинг-чи, харидорга таклиф билан мурожаат қилишнинг энг мақбул куни, вақти борми?
- Куни? – ҳайрон бўлди устоз.
- Балки, ҳафтанинг бир куни ёки ойнинг бир санаси бордир...
- Ҳа-а-а, ҳафта куними... – бош ирғади устоз. – Ҳа, албатта. Бу кун – чоршанба, – ва ўқувчиларга айёrona боқди. Улар дафтарларини шоша-пиша очиб, устознинг айтганларини ёза кетдилар.
- Сен-чи, – нега ёзиб олмаяпсан? – жиддий сўради у, устозга қараб жилмайиб турган ўқувчидан.
- Чунки кейин нима дейишингизни биламан, устоз.
- Хўш, нима деб айтар эканман? – Устоз қовоғини уйиб, қўлини кўтарди, ўқувчилар қотиб турадилар. Шунда ёзиб олмаган ўқувчи деди:

– Бундай кунларга сешанба, жума, шанба, душанба, пайшанба ва якшанба ҳам киради.

– Сен ҳақсан, – деди устоз. – **Лекин мен аввал жумани, кейин сешанбани айтмоқчи эдим.**

Үқувчилар шовқин күтариб юбордилар, улар ўртоқлари деярли барчасини түгри топганидан хурсанд эдилар. Кейин ўқувчилардан бири сўради:

– Устоз, нима учун айнан шундай кетма-кетлиқда бўлиши керак?

Устоз деярли түгри жавоб топган ўқувчига тикилиб туриб, унга ишора қилди:

– Жавоб бер!

– Фақат бир кун, – деди у. – Бу – бугунги кун.

Қиссадан ҳисса ўрнида,

---

Гап келди:      Вақтнинг тез ўтаётганини ҳис этинг: вақтни ғанимат билиб, ишни пухта ва шу бугуннинг ўзида бажаришга киришинг. Эртанги муваффақиятингиз айнан бугунги вақтдан унумли фойдаланганингизга бевосита боғлиқ. Мудраб қолманг.

---

• Режа тузишда учинчи муҳим қоида

Янги ойни режалаштириб олмагунингизча бошламанг.

Кейин эса уч ой, олти ой, йилни режалаштиришингиз мумкин.

Дастлаб бир варақни олинг-да, “Бир ойлик режа” деб сарлавҳа қўйинг. Бундан шу англашиладики, бир ойдан кейин қандайдир натижага келишингиз керак.

Яна бир варақ олиб, унга “Ярим йиллик режа”, деб ёзинг. Ярим йил ичида сиз тилга олганлардан қайси бирини ўзлаштироқчисиз?

Энди кейинги варақни олинг-да, унга “Бир йиллик режа”, деб ёзинг.

Анча олис режаларни тезроқ рўёбга чиқариш учун бир йилда сиз нималар қилишингиз керак деб ўйлайсиз?

Бир йилга лоақал уч ё түрт мақсадни ёзинг, аммо улар сизга аниқ бўлиб кўриниши керак. Масалан, молиявий жиҳатдан билимдон бўлиш ва сармоядан дастлабки даромадларни ола бошлаш, ўз бизнесингизни интернетда бошлаш ва ҳ.к.

Ёзганда ҳам ҳозирги замонда ёзинг – гўёки сиз бунга эришиб бўлгансиз. Масалан: “Менинг ўз бизнесим, шунча корхонам бор, шунча даромад оламан, пулларимнинг бир қисмини фойдали сармояга киритганман, у мени ва оиласми таъминлаб туради. Менинг ўз ҳовлим бор (شاҳар, мамлакат номини келтиринг), дентизда ҳам битта ҳовлим бор (қаердаги индустрияни ёзинг), мен ишламайман, аммо зерикиб қолмаслик учун бир иш билан шуғулланаман (айнан қандай иш?) Мен олам бўйлаб бемалол саёҳат қиласман...” ва ҳ.к. Буларнинг барини ҳозирча тўлиқ тасаввур этолмаётган бўлсангиз, бундан қўрқмаслик керак – миянгизга қандай ўй-орзуласар келаётган бўлса, ҳаммасини ёзинг.

#### • Ражани тузишда тўртинчи муҳим қоида

Мақсадга етиш калиги тартиб-интизомдир. Фақат тартибини хис-туйгуларни жиловлаб уларни ҳаётта татбиқ килишга ёрдам беради.

Фақат ўз вақтида йўлга қўйилган тартиб-интизом иштиёқни ва ҳаракатингизни оширади. Ички интизом тартибларга риоя қилиб, янги ҳаёт жараёнини бошлаб юборасиз.

Ўз қадрини билишлик ва шунга яраша обрў-эътиборда бўлиш – бу тартибга риоя қилишнинг муҳим мақсадидир. Бизнинг давримизда ўз қадр-қимматини билишни кўп ҳолларда интизом билан тўғри келмайди, деб ҳам. ўйладилар. Энг муҳимидан чалғиб кетишга ўзни бўш қўйиб беришлар сабаб бўлади. Катта имкониятлар турган пайтда кичик бир хато кўринмагандай бўлади. Сиз имкониятингиз бўла туриб кўпроқ иш бажариш ўрнига озроқ бажарсам нима бўлибди қабилида иш тутасиз. Кейин фаолиятингиз сўна бошлаганидан нолиб нима ҳам қила олардингиз. Муаммолар ички тадбирларингизни салгина мессимаслиқдан келиб чиқади. Йўл қўйилган биргина бепарволик хавфли инфекцияга ўхшайди.

Бундай ҳолат вақтида бартараф қилинмаса, дарди бедаво қасалликни келтириб чикаради. Пировардида, муайян тартибга амал қилмаган киши ўз кадрини йўқота бошлайди.

Агар шундай экан – энди қандай қилиб қадр-қимматни киши тиклаши мумкин. Сиздан биргина талаб қилинадиган нарса бу – кечиктирмасдан фаолиятни бошлаш. Энг осонидан бошланг, бу сизнинг ички фалсафангиз билан ҳамоҳанг бўлсин. Истиқболингизга доим амал қилиб юриш мумкин бўлган мажбурият олинг: **“Мақсадларимни амалга ошириш учун ва яқин келажакда муваффақиятларим тантана қилиши учун интизомли бўламан”**.

• Режа тузишдаги бешинчи муҳим қоида

Режа тузишда сўнгти пушаймонга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш ҳам ўта муҳимдир.

Биз ҳаммамиз қандайдир жиҳатдан икки “дард”нинг бири билан оғриймиз. Бирларимиз тартиб-интизомлилик дарди билан, бирларимиз эса афсус-надомат чекиш касали билан. Фарқи шундаки, тарозига тортсак, интизомлилик оғирлиги бир грамм турса, пушаймонлик азоби бир тонна келади. Барча тартиблар бир-бирига боғланган ва бир-бирига таъсир ўтказади. “Нима қилибди бир марта сусткашлик қилдим”, деса инсон адашади. Ҳар қандай имиллаш бутун фаолият жараёнига таъсир ўтказади.

Интизом – бир тартибда қурилаётган муваффақиятнинг пойдеворидир. Пойдевори бўлмаган иморатнинг умри қисқа. Тартибнинг куч-қудрати бўлажак мўъжизаларни яратади. Гоянинг “туғилиши” интизом ўрнатишнинг энг қулай лаҳзаси ҳисобланади. Интизом интизомга куч беради. Интизомдан бош тортиш кишини боши берк кўчага – ушалмас орзуласар маконига олиб келади. Ишларингиз олға силжиши учун кўп нарса қилиш шарт эмас. Фарқини кўриш учун интизомга риоя қилган кунингизнинг 90 кунини бошқа кунлар билан солиштириб кўринг. Бу ерда 12 ойдан ёки уч йилдан кейинги самараларни ўзингиз тасаввур қилиб кўринг.

Фаолият жараёнида йўл қўйилган кичик бир тартибсизлик бутун бир қадр-қимматимизнй емира бошлайди.

Филжумла ўрнида,

Гап келди: Азизлар! Энг муҳими:

Сиздан талаб қилинадиган нарса яхши ИНТИЗОМ. Сиз айтилганларни эгаллаб олсангиз, сизни вақтингизнинг уста хўжайини десак бўлади. Вақтни эгаллаш санъатига йўл “тезкор трасса”га ўхшайди, лекин сиз кейин ўзингизга ўхшаган компаниялар ва турли кўринишларнинг ширин таъми билан завқланасиз.

Тест

### 8.5. НЕЧОҒЛИК ТАРТИБЛИ ИНСОНСИЗ?

Барча тартибли одамлар ҳар доим жуда ишончли, пунктуал ва эътиборли бўлишади. Тартибли одам тартибсизга қараганда уч марта кўпроқ иш бажаради ва гуё учта умр кечиргандек бўлади. У вақтни ҳам, ишларни ҳам бошқара билади. Унинг ишлаш услуби, меҳнат натижалари, инсон қўлидаги ташкилотчилик – жуда катта кучлигини кўрсатади. Тақдим этилаётган тест нафақат шахсий ташкилотчиликни текшириш учун хизмат қиласи, балки ўзини тартибга солиш сирларига етишишга, тартиблилик малака ва одатларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Интизомсиз киши вақтнинг эгови. Унинг вақтини майда-чуйда жорий ишлар гумдан қиласи. Интизимли киши эса ҳам вақтини, ҳам ишларини басамар бошқара олади.

Келтирилган жавоблардан фақат биттасини танлаб, балларни жамлаб чиқинг. Сўнгра натижаларга биноан ўзингизнинг тартибли, уюшқоқлик даражангиз билан танишинг. Фақат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина Сиз ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда Сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз.

№	Саволлар ва жавоблар	Балл
1.	Амалга оширишга аҳд қилган бош ва асосий мақсадга эгамисиз?	
	а) менда шунақа мақсадлар бор;	4
	б) ажабо, шундай ҳам мақсад бўлиши мумкинми? Шундоқ ҳам ҳаёт шиддатли ўзгарувчан;	0
	в) шундай мақсадим бор ва уни амалга ошириш учун бутун ҳаётимни бағишилайман;	6
	г) мақсадларим бор, аммо, менинг фаолиятим уларни амалга оширишга кўмак бера олмайди.	2
2.	Ҳафталик режаларни тузасизми, шу мақсадда ҳафталик дафтарлари, маҳсус чўнтақ дафтарчалири ва бошқалардан фойдалана сизми?	
	а) ҳа;	6
	б) йўқ;	0
	в) ҳа ҳам, йўқ ҳам, дея олмайман, чунки бош мақсадларим миямга жойлашган, ҳафталик ёки бир кунлик жорий режалар эса бир варақ қофозда ёки хотирамда туради;	3
	г) ҳафталик дафтар юргизиб режа тузишга ҳарарат қилдим, аммо кейинчалик унинг ҳеч нарса бермаслигини тушундим;	0
	д) режа тузиш бу куруқ гап – катта одамларнинг ўзини уюштириш мақсадида қиласиган ўйини.	0
3.	Мўлжалланганнинг бажарилмаганлиги учун ўзингизни койибизми?	
	а) койииман, агар бажарилмаганлик сабаби айнан менинг совуққонлигим ёки тепса-тебранмаслигим туфайли бўлган бўлса;	4
	б) объектив ёки субъектив сабаблардан қатъи назар ўзимни койииман (тергайман);	6
	в) ўзимни койиб нима қиласман, шундоқ ҳам бугуниги кунда ҳамма бир-бири билан уришиш пайида;	0
	г) бугун нимани уддасидан чиқсан бўлсан – бу яхши, нимага улгурмаган бўлсан, уни кейин бажараман қабилида ўзимга тасалли бераман.	6

4.	Қариндошларингиз, дўстларингиз, ишбилармои кишиларнинг телефон номерлари ёзилган ён дафтарчани қандай тутасиз?	
	а) мен ўз ён дафтарчамнинг хўжайиниман: ундағи номлар, фамилияларнинг ёзувини хоҳлаганимча олиб бораман. Агар битта-яримта телефон номери зарур бўлса, уни албатта топаман;	0
	б) ён дафтарчамдан аёвсиз фойдаланишим сабабли уни тез-тез алмаштириб тураман, телефонарни ёзишни тартибли бўлишга ҳаракат қиласман, аммо кейинчалик фойдаланишимда барибир палапартиш ёзишга йўл қўяман;	0
	в) телефон номерлари, фамилия ва исмларни қўзга ташланадиган ёзув билан ёзаман, аммо менинг фикримча, энг асосийси уларнинг дафтарчага қайд қилиниши, қайси варакда, қандай ёзувда бўлиши шарт эканлиги муҳим эмас;	0
	г) умум қабул қилинган тизимдан фойдаланаман, яъни алфавитга биноан фамилияси, исми, отасининг исми, телефон номери, керак бўлса, унинг манзили, иш жойи, лавозими каби қўшимча маълумотларни ҳам ёзаман.	6
5.	Сизни турли-туман буюмлар қуршаб олган. Улардаи тез-тез фойдаланасиз. Уларни жой-жоийга қўйишда қандай принципга риоя қиласиз?	
	а) ҳар бир буюм, ким уни қаерга қўйган бўлса, ўша ерда туриши керак;	0
	б) ҳар бир буюм ўз жойида бўлиши керак, деган принципга амал қиласман;	6
	в) вақт-вақти билан у буюмлар турадиган жойни тартибга тушириб тураман. Ўзимга қулад бўлиши учун уларни хоҳлаган жойимга қўяман... маълум вақт ўтгандан сўнг уларни яна тартибга тушираман;	0
	г) бу масала ўз-ўзининг ишини ташкил қилишга дахлдор эмас.	0

6.	Иш қуниңгиз тугаши билаи кун давомида қанча вақтингиз, қандай сабаблар туғайли бефойда сарфланғанлыгини айта оласизми?	
	а) йүқолган вақт тұғрисида айта оламан;	2
	б) фақат бефойда йүқоттанған вақт жойини айта оламан;	1
	в) агар беҳуда йүқотилған вақт пулда ҳисобланған да әди, шундагина уни санағ әдим;	0
	г) қаерда, қанча ва нима учун бефойда вақт сарфланғанлыгини ҳамма вақт сезаман;	4
	д) нағақат қаерда, қанча ва нима учун бефойда вақт сарфланғанлыгини ҳисобға оламан, шунингдек, кейинчалик шундай ҳолларнинг олдини олишга ҳаракат қиласаман.	6
7.	Мажlis ёки кенгашларда қуруқ сағсатабозлик ҳукм сурса ўзингизни қандай тутасиз?	
	а) масаланинг мөхиятига эътиборни қаратышлағын таклиф қиласаман;	3
	б) ҳар қандай мажlis ёки кенгаш “тұла” ва “бүм-бүш”лик нисбатидан ташкил топади, “бүм-бүшлик” ҳукм сурғанда тұлаликни кутасан, “тұлалик” ҳукм сурғанда эса толиқасан ва “бүм-бүшлик”-ни күмсайсан. Шу тартибда мажlisлар ва кенгашлар үтаверади, уни ўзgartириш амри маҳол;	0
	в) азобланадиган даражада қийналаман;	0
	д) ўзимга таскин беріш учун ўзим билан олиб келген ишлар билан шуғулланаман.	6
8.	Айтайлық, Сиз маъруза билан чиқмоқчысыз. Маърузанинг мазмунни тұғрисида ўйлашдан ташқары унинг қанча вақтта мұлжалланғанлығы ҳам эътибор берасизми?	
	а) маърузамнинг мазмунига жиddий эътибор береман, унинг неча минутта мұлжалланишини таҳминан бұлса ҳам аниқлаш мүмкін бўлади, деб ўйлайман. Агар маъруза қизиқарли бўлса, у ҳолда уни тамомлаш учун қўшимча вақтни доимо беришади;	2

	б) маърузанинг мазмунига ҳам, давомлилигига ҳам бирдек эътибор бераман, шунингдек ажратилган вақтга қараб маъруза варианлари тўғрисида ўйлайман.	6
9.	Ўйлаган ишингизни амалга оширишда вақтингизнинг ҳар бир минутидан фойдаланишга ҳаракат қиласизми?	
	а) ҳаракат қиласман, аммо шахсий сабаблар (куватимнинг сустлашуви, кайфиятимнинг тушиши ва ҳ.к.) туфайли ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайман;	3
	б) майдалашиб кетаманми деб бунга ҳаракат ҳам қиласман;	0
	в) барибирик вақтни қувиб етиб бўлмайди, шу сабабли бунга ҳаракат қилишнинг ҳожати ҳам йўқ;	0
	г) қандай бўлса ҳам шунга куйиниб ҳаракат қиласман.	6
10.	Илтимос, топшириқ ва кўрсатмаларни қайд қилишнинг қандай тизимидан фойдаланасиз?	
	а) қайси муддатда бажариш лозимлигини ён дафтарчамга ёзиб қўяман;	6
	б) муҳим бўлган илтимос, топшириқ ва кўрсатмаларни ён дафтарчамга ёзаман. Уларнинг кўпчилигини эсда тутишга ҳаракат қиласман. Мабода айрим майда-чуйдаларни эсдан чиқарсан, буни камчилик деб хисобламайман;	3
	в) топшириқларни эслашга ҳаракат қиласман, чунки бу хотирани мустаҳкамлашга ёрдам беради. Аммо шуни бўйнимга олишим керакки, хотирам мени тез-тез уялтириб туради;	1
	г) “қайтма хотира” принципини қўллаймак, яъни, мен эмас, балки топшириқ берган кишининг ўзи эсда тутсин. Агар топшириқ зарур бўлса, бу ҳақда яна эслатишади.	0

11.	Мажлис, кенгаш ва амалий учрашувларга қанчалик аниқлик билан етиб келасиз?	
	а) 5–7 минут олдин келаман;	3
	б) 1–2 минут олдин ёки аниқ белгиланган вақтда етиб келаман;	6
	в) оадатдагидей кечикиб келаман;	0
	г) вақтида келишігі қанчалик ҳаракат қылсам ҳам барибир доимо кечикиб келаман;	0
	д) әхтимол, “қандай қылса кечикмаслик мүмкін” деган илмий-оммабоп құлланма чоп этилса, ундан кечикмаслик іүлларини ўрганармидим.	0
12.	Берилған топшириқ, күрсатмаларни ўз вақтида бажариш лозимлігінде қанчалик өзгілік берасиз?	
	а) топшириқни ўз вақтида бажаришни – мен ўз лавозим ва бурчимни аді этишимни тавсифловчи мухим жиҳат деб биламан. Аммо айрим юмушларни ўз, вақтида бажариш имконияти бўлмайди;	3
	б) ўз вақтида бажариш – бу амалпаратглик. Яхшиси бажариш муддатини бирмунча бўлса ҳам чўзиш маъқулроқдир;	0
	в) ўз вақтида бажариш лозимліги хақида камроқ гапириб, кўпроқ ўз муддатида бажаришга эришаман;	
	г) топшириқ ва күрсатмаларни ўз вақтида бажариш деган сўз – бу янги топшириқ олишнинг сўзсиз гаровидир. Бажарувчаник ҳар доим тезкорлик билан жазоланади.	
13.	Айтайлик, Сиз у ёки бу ишни қилишта ёки кимгадир у ёки бу иш бўйича ёрдам беришга вайда бердингиз. Аммо вазият шундай ўзгардики, берган ваъдангиз устидан чиқишингиз гумон бўлиб қолди. Сиз ўзингизни қандай тутасиз?	
	а) вазият ўзгаргани тўғрисида вайда берган кишимга хабар бераман;	2
	б) вазият ўзгарғанлиги туфайли вайдам устидан чиқа олмаслигимни айтишга ҳаракат қиласман;	0

	в) ваъдамни бажаришга ҳаракат қиласан, агар бажарсан – яхши, бажармасан – осмон узилиб ерга тушмайди. Чунки мени ўз ваъдам устидан чиқадиган кунларим камдан-кам бўлган;	0
	г) ваъда берган кишимга ҳеч нимани хабар бермайман. Ҳар қандай шароитда бўлса ҳам ваъдамнинг устидан чиқаман.	6

Танлаган жавобингизга мос балларни жамлаб чиқинг. Энди қанчалик тартибли, уюшқоқ эканлигинги билан танишинг:

### 72 балдан юқори

Агар шу принцип билан яшаёттан бўлсангиз, у ҳолда Сиз ўз ишини тартибли, уюшқоқликда олиб борувчи кишилар тоифасига мансубсиз.

Сизга ҳавас қиласа арзиди. Фақат Сизга бирдан-бир маслаҳат: ютуқларингиз билан чегараланманг, ўз-ўзини бошқариш сир-синоатларини ўзлаштиришда давом этинг.

### 63-71 балл

Сиз уюшқоқликни, тартиблиликни ўз фаолиятингизнинг муҳим бир бўлаги деб ҳисоблайсиз. Бу тартиблилик, уюшқоқлик тўғрисида ахён-ахёнда ўйлайдиганлар “олдида” мавқеингизнинг устунлиги намоён бўлади. Шундок бўлса ҳам ўз-ўзингизни бошқаришингиз ҳақида, уни яхшилаш хусусида хушёр бўлишингиз керак.

### 63 баллгача

Тартиблилик Сизнинг фаолиятингизда тоҳо пайдо бўлиб, тоҳо гумдон бўлади. Бу Сиздаги тартиблиликтининг муттасил тизимда эмаслигидан далолат беради. Ваҳоланки, уюшқоқликнинг объектив сабаблари ва принциплари мавжуд. Ўзингизнинг ишлаш услубингизни, хатти-ҳаракатингиз ва вақтни сарфлашингизни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг. Шунда Сиз бутуни кунда шубҳа ҳосил қилмайдиган нарсангизга гувоҳ бўласиз.

Тартибли одам бўлиш учун ирода ва қатъият ҳамда ўз яқовлигинги энгизиб ўтиш керак.

Тартибли одам бўлиш учун ирода ва қатъият ҳамда ўз ялқовлигингизни енгиб ўтиш керак.

## 8.6. РЕЖАНИ ТУЗИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИШНИНГ 7 ТА ТАМОЙИЛИ

Қатъиятилик муайян тамойилларга асосланади. Улар қуидагилар:

1. Мўлжалнинг аниқлиги. Сизнинг хоҳишингиз биринчи ва қатъият ривожидаги қийинчиликларни бартараф этишда кўзгалиб кетади. Мутафаккирларнинг мана бу сўзларига амал қилинг: “Қоронгуликда адашиб юрадиганлар қаторига кўшилиб қолманг, мўлжални аниқ олиб ишланг”.

2. Хоҳиш-истак. Сизни қандайдир қизғин ғайрат-шижоат нотинч қиласа, бу сифатни узоқ вақт йўқотмай, қатъиятили бўлишга интилоқ керак. Вақт ҳеч кимга шафқат қилмаган ва қилмайди ҳам. Шундай экан ғайрат-шижоат жунбушга келганда фурсатни бой бермасдан, доимо ўйлаб, пухта иш қилишга, ҳар хил хоҳиш истакларга, ҳою-ҳавасларга, кутқуларга учмасдан мақсад сари ҳаракат қилиш керак.

3. Ўзингизга нисбатан ишонч. Ишонч шундаки, сиз ўз ўйларингизни охиригача етказсангиз, бу режани зарурий қатъиятилик билан амалга оширишингизга ёрдам беради. Юрагингизга қулоқ тутинг. Орзуларингизга ишонинг. Ўзингизни атрофдагиларга нисбатан баҳтсиз деб ҳис этман! Сизнинг ҳаёт йўлингиз ва услубингиз баҳтли ҳодисаларга лиммо-лим эканлигига ишонинг.

Тест

### Ўзингизга ишонасизми?

Мазкур тест сизнинг ўзингизга нисбатан ишончингиз қай даражадалигини аниқлашга ёрдам беради. Келтирилган жавоблардан фақат биттасини танлаб, балларни жамлаб чиқинг. Сўнгра натижаларга биноан ўзингизга бўлган ишонч даражасини билиб олинг.

Фақат жавобларни танлашда тест охиридаги натижаларга қараб мүлжал олманг. Жавобни холисона танланг. Шундаги на сиз ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз.

Саволлар	Ҳа	Йўқ
1. Гарчи аслида чарчамаган бўлсангиз ҳам, ўзингизни тўсатдан ҳоргин аҳволда қолгандек сезасизми?	1	0
2. Гоҳида тўсатдан кўчага чиққач, эшикни қулфладиммикан, деган ишончсизликни ҳис этасизми?	1	0
3. Ҳеч бир сабабсиз тез-тез ранжиб қоладиган пайтларингиз бўлиб турадими?	1	0
4. Театрда чиптангиз қайси жойдалиги сизга фарқсизми?	1	0
5. Кутимаган меҳмонларни қабул қилишингиз қийинми?	1	0
6. Баъзан телефон жиринглаганида чўчиб тушасизми?	1	0
7. Тез-тез туш кўриб турасизми?	1	0
8. Бир қарорга тез келасизми?	1	0
9. Мабодо кўйлагингизда доғ борлигини кўриб қолсангиз ва шундай аҳволда бирон жойга боришишингизга тўгри келса, нохушлик сезасизми?	1	0
10. Янги танишлар орттиришни ёқтирасизми?	1	0
11. Таътилга жўнаб кетишдан аввал бирдан ундан воз кечиб қолишишингиз мумкини?	1	0
12. Тунда қорнингиз очқаб, уйгониб кетасизми?	1	0
13. Гоҳида ёлгиз қолгингиз келадими?	1	0
14. Мабодо ресторанга ёлгиз ўзингиз борсангиз, гарчи бўш столлар бор бўлса ҳам, мижозлар ўтирган столга ўтирасизми?	1	0
15. Ўз ҳаракатларингизни бошқалар сиздан кутаётгандек бошқарасизми?	1	0

## НАТИЖАЛАР

**0 балл.** Шу қадар ўзингизга ишонасизки, унчалар очиқчаси-  
га жавоб бермадингиз, деб таҳмин қилиш мумкин.

**1-4 балл.** Сиз асабий, жizzаки кишиларга хос бемулоҳаза  
ҳаракатлардан холисиз. Бироз ишончсизроқлигингиз камчилик  
эмас, балки руҳиятингизнинг кўнувчанлигини исботлайди.

**5-8 балл.** Сизда ўзингизни ишонч билан сезишга талаб  
ёрқин ифодаланган. Бошқа кишилар деярли ҳар доим сизга  
ишонсалар бўлади. Бироқ ҳисларингизни ҳар доим ҳам бевоси-  
та ифодалайвермайсиз.

**9-12 балл.** Ўзингизга нисбатан ишонч сезишга эҳтиёжингиз  
шу қадар кучлики, сизга нарсаларни аслида қандай бўлса, шун-  
дайлитика эмас, балки ўз тасаввурларингизга мувофиқ кўриш  
хавф солмоқда. Жилла қурса, баъзида номаълумликка сакраш-  
та жасурлик кўрсатмасангиз, ҳаётингизда баҳтиёр лаҳзалар  
жуда кам бўлади.

**13-15 балл.** Сизда аввалдан кўзда тутилмаган вазиятлар қар-  
шисида кўркув шу қадар кучлики, ҳатто, лото ўйинида ютаёт-  
танингизда ҳам ҳаммадан олдин қандайдир гумонлар ва ҳадик-  
сирапларни сезасиз. Барқарорликка эҳтиёжингиз тушунарли,  
бирор шарт-шароитлардаги энг кичик ўзгаришлар ҳам ўзин-  
гизга нисбатан ишонч хиссини бузиб юборади.

Агар ушбу фикр мантиқий ниҳоясига етказилса, гап шах-  
сий ўзликни ривожлантиришдан воз кечишига бориб тақалади.  
Башарти, буни енгиб ўтишни истасангиз, бироз ишончсизроқ-  
лигингизга кўнишингиз ёки “йул-йўриқларни ўзгартириш” дёя  
аталган машқлардан фойдаланишингиз мумкин.

**4. Режаларнинг аниқ белгилаб қўйилганлиги.** Ишлаб  
чиқилган режа у ноаниқ ва бажариб бўлмаса-да, барibir  
сиздаги қатъиятлилик ҳис-туйғусини қўллаб-куватлайди.  
Муаммони ҳал этишнинг аниқ режасини амалга оширишда  
шароитни ҳадеб рўкач қилишни бас қилинг. Шуни унту-  
манг-ки, ҳаракатга ундовчи, мажбур этувчи омилларисиз гай-  
рат-шижоатдан маҳрум бўласиз.

**5. Чуқур таҳлил.** Билим шундаки, сизнинг режангиз  
ишончли ва бажариб бўладиган, тажриба ва кузатувлар-

га асосланган бўлса, бу қатъиятни мустаҳкамлайди; аксинча таҳлил ўрнидаги фолбинлик қилинса, қатъиятдан асар ҳам қолмайди. Билим кишини орзу-мақсадлар сари етаклайди. Махсус фанларни эгаллашга нисбатан қизиқишингиз сублимация даражасида бўлсин.

**6. Ҳамкорлик.** Ёқтириш, тушуниш ва уйғун ҳамкорлик ҳамиша қатъиятлиликка ёрдам беради. Ҳамкорларингиз билан учрашиш олдидан, улардан нимани сўрашни ва уларни нимадан хабардор қилишни режалаштириб қўйинг.

**7. Ирода кучи.** Қатъият ҳам бамисоли одат каби барча фикр-ўйларни режани ишлаб чиқиш ва уни муваффақиятли тарзда аниқ мақсадларни амалга ошириш учун бир марказга йигишда аскотади.

Ҳар қандай ишда иккиланиш ва қатъиятсизлик, ўзининг масъулиятини бошқалар зиммасига юклаш одати, оғир аҳволдан ўзининг чиқ...

Қатъият худди одат натижаси каби феъл-автор белгисида акс этади. Онг доимо ўзида ҳар кунлик тажрибанинг айрим қисмини сингдиради. Ваҳимага малҳамнинг энг зўри мажбурий ва такрорий дадиллик ҳисобланади. Кимки фронтда олдинги ўринда бўлса, ўша билади. Баъзи ҳолларда бўладиган узилишлар, барча ишларга озгина омадсизлик рўй берса, дарров нуқта кўйишга тайёр туринг. Бироқ вақтга эътиборсизлик қилиб ҳаётдаги ўрнингиздан ҳам ажралиб қолманг!

#### Энг муҳими:

Режага одатланиш керак. Қайси соатларда нима қилиш лозимлигини режалаб, жадвал тузиб олган маъқул.

### 8.7. РЕЖАГА КИРИТИЛМАГАН ЙЎҚОТИЛГАН ВАҚТ

Кун давомида бажариладиган муҳим ишларнинг аниқ режасини тузганлигингизга қарамай ҳамма вақт ҳам унга риоя этолмайсиз. Айниқса, бунга бекорчи қўнгироқлар, учрашувлар, раҳбариятнинг кичик илтимослари, кутилмаган пайтда бузилиб қолган компьютер каби майда-чуйда нарслар халақит бериши алам қиласди. Нега доим шундай бўлар

экан? Кунлик режага кутилмаган вазиятлар туфайли йўқотилган вақтни инобатга олмаганингиз учун улар сизнинг диққатингизни кучингизни олишини ўзингиз ҳам сезмайсиз. Мутахассислар олиб борган тадқиқотлар “ёқимсиз” омиллар ҳаммаси бўлиб иш кунининг 20 фоизини банд этар экан. Ишга маълум вақтга болта урадиган омилларнинг олдини ололмайсиз, шунинг учун уларни инобатга олинг ва олам гулистон. “Шу иш бўлмаганда аниқ улгуардим”, деб сиқилгандан кўра кўл силтаб ишга киришинг.

### Ўқувчининг кун тартиби

Одатда, биз ҳар куни эрталаб ўрнимиздан туриб, ювишиб-тараниб, нонушта қилиб, ўқишга отланамиз. Кун бўйи ўқища бўлиб, кечқурун уйга қайтамиз. Кунлик ишларда ҳам маълум бир тартиб бўлиши керакми-йўқми?

Менинг назаримда, кунлик режа ўқувчига жуда ҳам керак. Нима учун дейсизми? Келинг, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ўқувчининг кунлик режаси шундай: эрталаб бадантарбия билан шугулланади, чунки жисмоний машқлар кишини чиниктириб, қон айланишни яхшилайди. Шу сабабли ўзингизни эрталабдан тетик сезасиз ва кун бўйи хушчақчақ, шижоатли бўлиб юрасиз. Бадантарбиядан сўнг ювиниб-тараниб нонуштага ўтирасиз. Сўнгра дарсга отланасиз.


Дарсда эрталабки бадантарбия қилганингиз, яхшилаб оқатланганингиз фойда беради. Негаки, қорин тўқ бўлса, дарс яхши ўзлашади. Ўқищдан келиб тушлик қилгач, озгина дам олиб, яна дарс тайёрлашга ўтирасиз. 2-3 соат дарс қилиб, кечки овқатни ейсиз. Сўнгра телевизор томоша қилишингиз, газета ўқишингиз мумкин. Ётиш олдидан яна дарс қилсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кун тартибига қатъий амал қиладиган ўқувчи вақтини керакли нарсага сарфлашни ўрганади. Кундалик турмушда тартибли бўлиб, мактабдаги дарсларни яхши ўзлаштиради. Баҳолари яхши бўлгач, устозларининг эътирофига сазовор бўлади. Бундай ўқувчи ота-онасига уй-рўзғор ишларида ҳам ёрдамлашади, жисмонан чиникиб, ўз соғлигини мустаҳкам-

лайди. Айни пайтда мактабда, маҳаллада тенгдошларига ибрат бўлади.

Мана кўрдингизми, муҳтарам ўқувчим, кун тартибига амал қилган ўқувчи нималарга эришади. Ўйлайманки, кун тартиби ҳар бир ўқувчининг кундалик турмушида ҳаётий заруратта айланиши керак.

Энг ёмон ўғри – вақт ўғриси. Ҳурматли талаба, қимматли вақтингизни бекорчи нарсаларга ўғирлатманг. Бугунги ҳар бир дақиқангиз эртага сизнинг фойдангизга хизмат қилиши учун ҳозир вақтнинг қадрига еting. Олтин давр – талабалик фақат ва фақат гуурланиб эслашга арзигулик ўтсин деймиз.



Мана кимлар ҳақиқий вақт ўғрилари. 4 соат вақт гумдон бўлди!

## ВАҚТНИ БОШҚАРСА БҮЛАДИМИ?

Аввал таъкидлаганимиздек, ВАҚТ ўтмишни келажак билан туташтирувчи “хозир” дир. Шунга кўра, кундалик ҳаётда қандай воқеа рўй бермасин, ё у ўтган замонга, ё келаси замонга, ёки шу бутунга, яъни ҳозирги кунга тегишли бўлиб чиқди. Вақтни тўхтатиб, ортга қайтариб бўлмайди. Инсон бу борада буткул ожиз.

Модомики шундай экан, вақтимизни бошқариш қандай кечади? Жадвалга эътиборимизни қаратайлик:

Т/р	Борлиқнинг уч шакли	Бошқариш даражалари
1.	Кеча (ўтмиш)	– ўтмишни режалаштириш ва бошқариб бўлмайди. Вақтни орқага қайтариш ҳақидаги фикр мантиққа зиддир.
2.	Бугун (ҳозир)	– бу ҳозирги дунё эмас, балки бугун бошқарилиши лозим бўлган вақт. Бугунги ихтиёризмидаги вақт.
3.	Эртага (келажак)	– бу эртага келадиган вақт. У келадими йўқми фақат Аллоҳга маълум. Шундай бўлса-да биз уни истиқболни белгилаш билан тахминан бошқаргандек бўламиз.

Шундай қилиб, ўтмишни режалаштиришнинг иложи йўқ. Шу сабабли уни бошқариб бўлмайди. Бугунги кунни режалаштириб вақтни ўз измимизга солсак бўлади. Эртаги кунни эса яхши ният билан орзу қилиб эҳтимолий даражада режалаштиришга ва бошқаришга бир қадар эришишимиз мумкин.

## 9.1. ВАҚТНИ БОШҚАРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Ҳеч қачон вақтта шунчаки беписанд муносабатда бўлманг. Сиз ҳаёт билан шартнома тузмагансиз. Агар “кеча” – бу пули тўланган чек бўлса, “эртага” – бу фақат қарз мажбурияти, холос. “Бугун” эса – қўлингиздаги бор нақдина. Агар ундан имкониятингиз даражасида фойдалана олмасангиз, бунга фақат ўзингиз айбдор бўласиз.

**Вақт бизнинг эркалигимизни қўтармайди.**

Токи биз ҳар бир қунга худди бутун умримизга қарагандек муносабатда бўлмас эканмиз, бирортамиз ҳам чинакам катта муваффақиятга эриша олмаймиз.

“Кунига бир марта” сўзларида қандай куч зоҳир эканлигини Аноним пиёнисталар жамияти қутқарган миллионлаб кишилар жуда яхши билишади. “Ҳар бир инсон ўз юкини, у нечоғли оғир бўлмасин, токи қоронги тушгунча ташиши мумкин. Ҳар бир киши ҳатто энг оғир ишни ҳам бир кун давомида бажариши мумкин. Ҳар бир инсон бошқа одамларга нисбатан токи қуёш бир кунлик йўлини босиб ўтгунча бағрикентлик, меҳрибонлик ва мухаббат билан муносабатда бўлиши мумкин. Ҳаётнинг асл маъноси ана шунда”, деб ёзган эди шотланд ёзувчиси ва шоири Роберт Стивенсон (1850–1894)

Нечоғлик қийин бўлмасин, сиз бугунги юкни елкангизда ушлаб қолишингиз, ҳар куни биттадан вазифани ҳал қилиб, қўйилган мақсадга секин-аста яқинлашиб боришингиз мумкин.

Мабодо, сиз ўтмишда йўл қўйган хатоларингиздан куйиниб ёки эртага рўй бериши мумкин бўлган даҳшатли ҳодисалар ҳақида ғам чекиб, соатлаб тош қотиб ўтирадиган бўлсангиз, ихтиёрингиздаги биттаю нарса – бу бебаҳо кун ҳам бармоқларингиз орасидан сирғалиб ўтиб кетади.

Бугун – сизнинг қунингиз, сиз ўз қобилиятларингизни дунёга қўрсатиб, умумий ишга ҳисса қўшишингиз мумкин бўлган ягона кун. Эҳтимол, сиз ҳаётимизни ташкил қилган буюк бирлиқдаги ўз улушингизнинг аҳамиятини ҳеч қачон

англамассиз, аммо сиз бари-бир ўз ролингизни ўйнашингиз шарт ва чиқиши навбати ҳозир сизники.

Канчалик банд бўлманг, сиз баридир аввал бир лаҳзани, сўнг – ундан кейинги лаҳзани боидан кечирасиз. Сиз ҳар қандай мушкул вазиятдан қутулиб чиқа оласиз, фақат бутун эътиборингизни шунга, ҳа, ёлиз шунга қаратсангиз, бас.

“Сусткашлик – ўлим билан, баробар”. Пётр биринчи (1672-1725) Прут юришидан олдин янги жорий қилинган сенатта 1711 йил 8 апрель куни ёзган хатида шу иборани ишлаттган. У сенатдан мамлакат ва армия учун зарур ва муҳим қарорларни сусткашлик қиласдан, тез қабул қилишни талаб қилган. “Бизга ажратилган вақт жудаям оз, шу боис сусткашлик қилиш ўлим билан баробар”, деб ёзган.

Бир лаҳза яқин кишимизга дил изҳор қилишга, узр сўрашга, кўнгил сўрашга, яхши кўрган қадрдонингизга меҳр улашиб қолишга етади.

Шуларнинг ўзи ҳам саодат эмасми?

Кунни тутаттагач, у билан армонсиз хайрлашинг. Кечаги юкни келгуси тонгга қолдирманг. Сиз қўлингиздан келган бор ишни қилдингиз. Агар сизга хато ёки муваффақиятсизликлар халақит берган бўлса, уларни ёдан чиқаринг.

Бу кунни ва ундан кейинги барча кунларни гўё умрингиз қўёш ботиши билан тугайдигандек яшанг. Бошингиз ниҳоят ёстиққа теккач, бу кун қўлингиздан келган бор ишни қилганингизни ўйлаб уйкуга кетинг.

## 9.2. СИЗГА КУЧ БАФИШЛОВЧИ 7 та ФОЯ

Вақтни бошқаришни билишни тушунишга мана калит: ё сиз ўз кунингизни бошқарасиз, ё кун сизни бошқаради. Ким голиб чиқади, буни аниқлаб олинг. Қуйидаги 7 та куч бафишловчи фояни эсада тутинг:

1. Агар сиз фикр-ўйингизни бошқара олмасангиз, унда, албаттага, ўз муҳитингизнинг қулига айланиб қоласиз.

2. Агар сиз ютуққа эришмоқчи бўлсангиз, ақл-идрокингизни имкониятингиз борича шунга йўлланг.
3. Ўзингизга ўилаш учун вақт ажратинг. Бу – куч манбаи.
4. Бутун худди ўша эртанги куни етиб келди. У эса кеча сизни безовта қилган эди.
5. Кимларнингдир сизнинг ўрнингизга хулоса чиқаришлирага йўл қўйманг!
6. Заҳарли фикрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг!
7. Инсон ўзини қандай деб тасаввур этса, у амалда ҳам худди шундай одам.
- Жалолиддин Румийнинг шундай сўzlари бор:  
Унутман!

Агар сиз фикр-ғоянгизни бошқара олмасангиз, унда албатта ўз муҳитингизнинг қулига айланиб қоласиз

#### ТЕСТ

#### 9.3. СИЗ ФОЯНГИЗНИ БОШҚАРА ОЛАСИЗ-МИ?

Маълумки. инсон феъли, унинг гояси бажараётган ишлари, одамларга нисбатан муносабати ҳар биримизнин у ёки бу вазиятда қандай йўл танлашимизда намоён бўлади. Агар ўзингизни яхшироқ билмоқчи бўлсангиз, тақдим этилаётган саволларнинг ҳар бирига ("ҳа", "йўқ", "билмайман") деб жавоб беринг. Бу имтиҳон эмас, албатта, бироқ жавоб бераётган чоғда ўзингизни алдамаганингиз маъқул.

T/p	Саволлар	"Ҳа"	"Йўқ"	"Бил-майман"
1.	Мен ҳаётимда содир бўлаётган ҳамма нарса учун масъулият сезаман.	10		5
2.	Айрим одамлар менга нисбатан муносабатини ўзгаришишганида эди, ҳаётимда шунчалик муаммолар бўлмаган бўларди.		10	5
3.	Мен омадсизликларим сабабини ўйлаб ўтиришдан кўра ҳаракат қилишни афзал биламан.	10		5

4.	Баъзида баҳтсиз юлдуз остида түгилғанимдек туолади менга.		10	5
5.	Ичкиликбозлар ўз касалликларига ўзлари айбдорлар, деб ҳисоблайман.	10		5
6.	Баъзида менинг ҳозирги аҳволга тушишинге таъсир қилган одамлар ҳаётимдаги кўп нарсаларга масъулдирлар, деб ўйлаб қоламан.		10	5
7.	Агар шамоллаб қолсан, шифокорга бормай, мустақил даволанишини афзал биламан.	10		5
8.	Инсонни шунчалар асабийлаштирадиган жанжалкашлик ва урушқоқлигига кўпроқ бошқа одамлар айбдорлар, деб ҳисоблайман.		10	5
9.	Ҳар қандай муаммони ҳал этса бўлади, деб ҳисоблайман ва қандайдир ҳаётий қийинчиликлар доимо туғилаверадиган кишиларни тушунмайман.	10		5
10.	Бошқа инсонларнинг менга қилган яхшиликларидан миннатдорлик, туйгусини ҳис этганим боис, одамларга ёрдам беришни ёқтираман.		10	5
11.	Мабодо низо чиққудек бўлса, унга ким айбдорлигини мулоҳаза қилиб, одатда ўзимдан бошлайман.	10		5
12.	Агар қаршимдан қора мушук чиқиб қолгудек бўлса, кўчанинг нариги тарафига ўтиб оламан.		10	5
13.	Ҳар бир инсон ҳар қандай вазиятда ҳам кучли ва мустақил бўлиши керак, деб ҳисоблайман.	10		5
14.	Мен ўз камчиликларимни биламан, бирор қатрофдагилар уларга муруватли муносабатда бўлишларини истайман.		10	5
15.	Одатда ўзим таъсир кўрсатолмайдиган вазиятта кўнаман.		10	5

Умумий балларни ҳисоблаб чиқинг ва натижалар билан танишинг.

### НАТИЖАЛАР

**100-150 балл.** Сиз гояларингизни ўзингиз бошқарасиз, ўзингиз билан содир бўлаётган барча воқеаларда масъулиятни ҳис қиласиз, ҳар қандай қийинчилекларни катталаштиrmай, ҳаётий муаммоларга айлантиrmай, енгib ўтасиз. Олдингизда турган масалани кўрасиз ва уни қандай хал этиш ҳақида ўйлайсиз. Бу вақтда нималарни ҳис этаёттанингиз, кўнглинидан нималар кечайтгани атрофдагилар учун жумбок.

**50-99 балл.** Жон деб етакчилик қиласиз, агар зарур бўлса, буни содик кўлларга ҳам топшира оласиз. Ўз қийинчилекларингизни баҳолаш борасида тўла реалистсиз. Мослашувчаник, мулоҳазакорлик ва хушёрлик доимо сизнинг иттифоқчиларингиздир. Сизга тааллукли бўлмаган, ҳеч қандай масъулият юкламайдиган вазиятлар ҳам рўй бериб қолганида, агар зарурат туғилса, жавобгарликни зиммангизга оласиз.

Одатда буни қачон бажариш кераклигини биласиз. Ўз ички кечинмаларингизни бузмай, бошқа одамлар билан аҳил яшани биласиз.

**50 баллдан камроқ.** Кўпинча ўз ҳаётингизда йўловчисиз, ташки кучларга осонгина бўйсуниб, шундай бўлиб қолди, тақдир экан-да, деб кўя қоласиз. Ўз қийинчилекларингизда ҳар кимни айбдор деб биласиз, фақат ўзингизнигина айбламайсиз. Ҳақиқий мустақиллик сизга етиб бўлмайдигандек ва имконсиздек туюлади. Шундай бўлса ҳам, бошқаларнинг қандай кишилар эканлиги ва улар ўзингизга қандай муносабатда бўлишларига аҳамият бермасдан тинчгина яшани биласиз.

Тест натижаларидан келиб чиқсан ҳолда,

**Гап келди:** Аслини олганда ҳақиқий гоя кишидан ўз вақтида бор қобилиятини намоён қилишни талаб қиласди. Ҳар қандай фаолият шошилмасликка унда-да, вақтни бесамар исроф қилиш ярамайди. Фаолият дебочаси бу етилган гоя ва ҳис-туйгулар таъсири сўнмасдан бошланган ҳаракатдир.

Мисол учун, Сиз ўз шахсий кутубхонангиз бўлишини хоҳлайсиз. Албатта, бу гоя бирданига амалга ошмайди. Агар истагингиз шу қадар юксак экан, бунинг учун биринчи китобни сотиб олиш зарур. Кейин жавонга иккинчи китобни олиб келасиз. Натижада аста-секинлик билан кутубхона орзуси ҳақиқатга айланади. Истак-ҳоҳишингиз сўнмасидан бурун харакатга киришмасангиз – СИЗ ЎША ФОЯЛАРИНГИЗНИНГ ҚУРБОНИГА АЙЛАНАСИЗ.

Баъзан “ял” этган фикрнинг таъсирида нималардир қилишга аҳд қиласиз. Аслида эса ишга киришилмаса, бу ҳолат юзакидир. Асосий ғояни амалга оширишни орқага суравериб мазмунини йўқотамиз. Бир ойдан кейин иштиёқ олови сўнади. Бир йилдан сўнг эса кулини ҳам топа олмаймиз.

Демак, харакат қилинг! Ҳамон бутун вужудингизда иштиёқ олови гуркираётган экан, ўзингизни тартибга солинг. Токи бу интизом мақсадингиз учун хизмат килар экан, таъсиirlарга бефарқ бўлманг. Агар кимнингдир тўғри овқатланиш ҳақидағи фикрлари сизга ёқиб тушса, албатта, бунга амал қилинг. Айнан тўғри овқатланиш ҳақида китоблар сотиб олинг, токи бу хаёл сизни тарк этмасидан бурун. Қўлингиз совимасидан бурун бирор жараённи бошланг! Бадантарбия ҳақида фикр келганда, дарров машқни бошланг! Ахир, полга эгилиб тортилиш машқини бошлашнинг ҳеч қийинчилиги йўқ-ку?! У қандай ғоя-фикр бўлмасин, уни амалга ошириш учун харакат қилишингизга тўғри келади. Туйгулар тез ўтиб кетувчандир. Агар вақтида ҳаракат қилинмаса мақсаддан айриласиз. Мақсадга етиш калити эса Вақтни самарали бошқаришдир.

## 9.4. ЎЗ ВАҚТИНГИЗНИ БОШҚАРА ОЛАСИЗМИ?

№	Саволлар	Деярли хеч қачон	Хар замонда	Тез- тез	Деярли хар доим
1.	Иш куни бошланғунча тайёр-гарлик ишлари учун вакт аж-ратаман, режалаштираман.	0	1	2	3
2.	Топшириш мүмкін бўлган барча ишларни бошқаларга топшираман.	0	1	2	3
3.	Мақсад ва вазифаларни бажа-рилиш муддатларини аниқ-лаштирган ҳолда ёзиб бераман.	0	1	2	3
4.	Ҳар бир расмий ҳужжатни бир кунда ва бир қарашда ишлаб чиқишга ҳаракат қиласман.	0	1	2	3
5.	Ҳар куни кутиладиган ишларни устуворлигига қараб уларнинг рўйхатини тузаман. Энг муҳимларини биринчи навбатда бажараман.	0	1	2	3
6.	Имконият борича иш кунимни бегона кўнгироқлардан, кутилмаган мажлис ёки режалаштирилмаган қабул қилишлардан холи қилишга ҳаракат қиласман.	0	1	2	3
7.	Кундалик иш билан бандли-гимни иш қобилиятимга қараб графикка туширишга ҳаракат қиласман.	0	1	2'	3

8.	Иш вақтим режасида "бўшлиқ" бор. Бу менга долзарб муаммоларга эътибор беришинга имкон беради.	0	1	2	3
9.	Бирозгина бўлса ҳеч биринчи навбатда ҳаётий муҳим муаммоларга ўз дикқат-эътиборим ва фаоллигимни қартишга интиlamан.	0	1	2	3
10.	Мен муҳим ишни бажаришм лозим бўлса-да, бошқалар вақтимни "ўтиглаш" пайида бўлсалар, бундай ҳолларда уларга "йўқ" дея оласан.	0	1	2	3

Иш услубингизни текширишингиз асосида танлаб олган жавобларингизга мос тушувчи балларни жамлаб чиқсангиз ўз вақтингизни қандай бошқараётганингизни билиб оласиз.

### НАТИЖАЛАР

#### 15 баллгача

Сиз вақтингизни режалаштирмайсиз ва ташки таъсир ис-канжасида юрасиз. Устувор юмушларингиз рўйхатини тузиб ўша асосда иш тутган ҳолларингизда Сиз айрим мақсадларингизга эришишингиз мумкин.

#### 16-20 балл

Сиз ўз вақтингизни қўл остингизга олишга ҳаракат қиласиз, аммо ютуққа эга бўлиш даражасигача жиддий ҳаракат қилмайсиз. Шу боис ҳам аксарият ҳолларда омадни қўлдан бой берасиз.

#### 21-25 балл

Сиз ўз вақтингизни яхши бошқарасиз ва ундан унумли фойдаланасиз. Сизнинг менежерлик қобилиятингиз таҳсинга сазовор ва у етарли даражада юқори.

#### 26 ва ундан юқори балл

Сиз ўз вақтидан унумли фойдалашни ўрганмоқчи бўлган ҳар бир кишига ўрнак бўла оласиз. Сизнинг тажрибангизни оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

**9.5. СИЗ ҚАНЧАЛИК ЎЗИНГИЗНИ  
БОШҚАРА ОЛАСИЗ?**

№	Саволлар	Жавоблар			
		дёярли хеч қаочон	баъзан	кўпинча	деярли ҳар доим
1.	Тайёргарлик ишлари учун иш кунининг бошида мен захирага вақт ажратаман.	0	1	2	3
2.	Ниманики бирорга топшириш мумкин бўлса, мен барчасини бошқаларга топшираман.	0	1	2	.3
3.	Ҳар қандай расмий хужжатни бир ўтиришда тайёрлайман.	0	1	2	3
4.	Вазифа ва мақсадларни мен ёзма равишда қайд этаман.	0	1	2	3
5.	Ҳар куни олдимда турган ишларнинг асосийларини кўрсатган ҳолда рўйхат тузаман.	0	1	2	3
6.	Иш кунини бегона қўнгироқлар, кутилмаган учрашувлардан озод этишга ҳаракат қиласман.	0	1	2	3
7.	Кундузги иш ҳажмини ўз ишим, қобилиятилигим жадвалини ҳисобга олган ҳолда тақсимлашга ҳаракат қиласман.	0	1	2	3
8.	Менинг режамда далзарб муаммоларни ечиш учун, "бўш жой" қолдирилган.	0	1	2	3

9.	Мен унча күп бўлмаган “ҳаётий мухим” муаммоларни ешишга диққатимни жамлайман.	0	1	2	3
10.	Менинг вақтимга бошқалар даъво қилиша бошлаган тақдир “йўқ” деб айта оламан, мен бошқа мухим ишларни бажаришим зарур.	0	1	2	3

**Тўпланган баллар қуийдаги ҳолатни кўрсатади.**

0-15 балл

Сиз ташқи ҳолатлар ҳукмронлигидасиз.

16-20 балл

Сиз етарлича изчил эмассиз.

21-25 балл

Ўз-ўзини бошқара олиш қобилияти мавжуд

26-30 балл

Сиз ўз-ўзини бошқариш юзасидан намунасиз.

10  
БОБ

## ВАҚТНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ 7 ТА АСОСИЙ ҚОИДАСИ

### 10.1. БИРИНЧИ ҚОИДА

Вақтингизни пухта режалаштиринг. Бунда энг аввало ташқи омил (вазият)ларга қанчалик ён беришингизни аниқлаб олинг. Қуйидаги тест ечими сизга ёрдам бериши мумкин.

#### Ташқи таъсирга ён берасизми?

Фақат, жавобларни танлашда балларга – тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина Сиз ўзингизга обьектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда Сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз. Ҳар бир “ҳа” жавоби 1 баллга, “йўқ” жавоби эса 0 баллга teng.

№	Саволлар	Жавоблар	
		ҳа	йўқ
1.	Сизни йоглар ўзига жалб қиласими?		
2.	Бўшшишга қобилиятлимисиз?		
3.	Уйқудан уйғониш Сизга қийин эмасми?		
4.	Ухлаб қолганингизда ҳузур ҳис этасизми?		
5.	Моҳиятиги етмасдан, кимнидир эшита оласизми?		
6.	Бир маромдаги маъруза шароитида ухлашга мойилмисиз?		
7.	Фильмни кўришда “кўздан ёш тўкиш” ҳолати Сизда мавжуд бўлганми?		
8.	Хаёлчамисиз?		

9.	Агарда кутишга түгри келиб қолса, сабр-сизликни намоён этасизми?		
10.	Романлар ўқишиңи яхши күрасизми?		
11.	Ғазабингизни боса олишга муваффақ бўла-сизми?		
12.	Сизга уятчанлик ва тортинчоқлик хосми?		
13.	Сизнинг ўта хурмат қилувчиларингиз борми?		
14.	Унутувчанликка мубтало эмасмисиз?		
15.	Гипнозга осонгина бериласизми?		
16.	Кимнингдир илтимосини рад эта оласизми?		
17.	Шошма-шошарликка йўл қўйиб, уяласизми?		
18.	Кимдир Сизнинг мутлақ ишончингиздан фойдаланадими?		
19.	Сиз ўз фикрингизга зид ишни қиласизми?		
20.	“Компания учун” иштирок этишни кабул қиласизми, агар у Сизнинг режаларингизни бузаётган бўлса?		

Тўплаган балларни йиғиш натижасида қуйидаги хulosага келиш мумкин.

\* “Ҳа”лар сони 12 дан ошса – Сиз таъсирга тез бериласиз.

\* 6-11 – муайян шароитларда Сиз таъсирга берилишингиз мумкин.

\* 3-5 – Сиз таъсирга қарши тура оласиз.

\* 1-2 – Сизга таъсир этиш жуда қийин.

**Энди стрессга қанчалик мойиллигингизни билиб ола-миз.**

Стресс – инглизча (stress) сўзидан олинган бўлиб, асабийлик, кескинлик деган маъноларни англатади.

Асабийлик турли жисмоний ва ақлий ишлар ҳаддан ошиб кетиши, хавфли вазият туғилган пайтларда, зарур чораларни зудлик билан топишга мажбур бўлганда вужудга келадиган

рухий ҳолатдир. Бундай ҳолатта тушган кишиларга нисбатан: "у асабийлашди" деб айтишади. Шу маънода асабий тушун-часи:

- салга асабийлашаверадиган, бўлар-бўлмасга қизишиб, тутокиб кетадиган, зардаси тез, жizzаки киши;
- асабларнинг касаллиги туфайли юз берган;
- асаблар фаолиятининг бузилганлиги натижасида юзага келган хасталик;
- асабларнинг қўзғалиши билан боғлиқ бўлган ҳолат (жанжал, бақириқ-чакириқ) кабилар маъносида талқин қилинади.

Стресс – бу одий ва кўп учровчи ҳолат. Қаттиқ безовта бўлиш, ҳаяжон ва уйқусизликдан биз ҳаммамиз уни сезамиз. Озгина стрессларнинг зиёни бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир раҳбар ёки ходим:

- йўл қўйилиши мумкин бўлган ва ҳаддан ташқари асабийлашганлик даражасини билмоғи лозим. Ноль ҳолатдаги асабийлашиш бўлиши мумкин эмас. Яъни асабийлашмайдиган киши мутлақо йўқ. Танида жони бор ҳар қандай киши у ёки бу даражадаги асабийлик ҳолатига тушади. Аммо:

Ҳаддан ташқари асабийлашишдан қочиш керак. Унинг оқибати кугилмаган нохушликка олиб келади.

Ҳаддан ташқари асабийлашишдан қочиш керак.  
Унинг оқибати кугилмаган нохушликка олиб келади.

Стрессга дучор бўлмаслик учун хайрли ишларни, масалан, маҳалла, қариндоли-уруг, ишда – ижодий ишларни кўпроқ килиш керак. Сабр-қаноатли бўлиш, ҳар қандай мушкул вазиятта тайёр бўлиш, ўзини чалгитиш лозим. Машақкатли меҳнатни яхши дам билан бирга олиб бориш, ҳеч бўлмаса бир оз ором олиш, тинчланиш керак. Ишда хушфөъл, тавозелик бўлиш, ўзаро ҳурмат ва хушмуомалали инсон бўлиш, керак.

Стресснинг содир бўлишига асосан икки йўналишдаги омиллар сабаб бўлади (чизмага қаранг).

## Стресс сабаблари

### Ташкилий сабаблар

### Шахсий, ички сабаблар

- иш фаолиятидаги ноанықлик;
- ҳаддан ташқари кўп иш ёки кам иш билан банд бўлиш;
- қизиқмаган иш билан банд бўлиш;
- иш шароитининг ёмонлиги;

- физиологик сабаблар;
- руҳий сабаблар;
- оиласидаги нохушликлар;
- мансабга интилишдаги омадсизликлар;
- таҳлика тутдирувчи сабаблар ва ҳоказо.

Иш фаолиятидан қониқмаслик стрессга сабаб бўлувчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ҳодим ундан нима кутилаётганлигини, бу ишни қандай қилиш кераклиги ва бу иш қандай баҳоланишини билсагина хотиржам ишлайди.

Иш қобилияти ва омадсизлик инсон саломатлигига қаттиқ таъсир кўрсатади. Ҳаддан ташқари кўп иш ёки, аксинча, беишлик ҳам стрессга олиб келади. Бундай сабаблар туфайли содир бўлган асабийлашиш энг кўп тарқалгандир. Иш ҳаддан ташқари кўпайиб кетганда безовталаниш, моддий бойликларга нисбатан бефарқ бўлиш ҳиссиёти кучаяди. Ҳудди шунингдек, иш билан кам таъминланганда юқоридаги ҳолатлар тақрорланади.

Қизиқмаган иш билан банд бўлиш ҳам стрессни юзага келтирувчи сабаблардан ҳисобланади. Текширишлар шуни кўрсатадики, иш қанча қизиқарли бўлса, ҳодим шунча кам безовталанади, кам бетоб бўлади.

Яна бу сабабларга қўшимча: ёмон иш шароитлари, иш жараёнида одамларнинг бир-бирига асоссиз талабларни қўйиши, уқувсиз раҳбарнинг уқувсиз муомаласи, демотиваштиришнинг устувор эканлиги ва бошқалар ҳам стрессни вужудга келтиради.

Стресснинг физиологак сабабларига қуидагилар киради:

- мигрень (бошни қаттик оғритадиган ва күнгилни айнитадиган асабий касаллик) яра;
- қон босимининг ошиши;
- қон касаллиги;
- бел оғриғи;
- артрит;
- астма;
- юрак оғриғи;
- ошқозон оғриғи каби касалликлар.

**Рухий сабабларга** – қаттиқ күзгалиш, иштаҳани йўқотиш, воқеаларга, одамларга нисбатан эътиборсизлик кабилар киради. Ҳаётда рухий сабаблар туфайли вужудга келган стресслар жуда тез-тез учраб туради. Масалан, одам ўзининг (худбинона) эҳтиёжини худбинарча қондирса, яъни шуҳрат-парастлик, ҳасадгўйлик, фаровонликка эришув йўлидаги кўркув, ҳокимиятта интилиш туфайли нопок фаолият кўрсатса ва унинг бу ҳолати ўзини мард ва олиjanоб деб билган тушунчаларга мос келмаса – шу ҳолатда у ўз-ўзи билан зиддиятга, жазавага тушган ҳолатда бўлади.

Ёки бошқа бир рухий сабаб – бу ҳиссий зўриқиши, яъни эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилувчи омиллар ёки тақдир зарбалари:

- энг яқин кишисининг ўлими;
- уруш, жанжал, низо ва ҳоказолар; қандай сабаблар бўлишидан қатъи назар – ички ёки ташқи таъсирданми барibir одамда асабий ҳолатни юзага келтиради.

Организм учун салбий туйғулар бўлган қуидагилар ҳам асабийлашиш учун рухий сабаблар ролини ўйнаши мумкин.

- |               |                 |                |
|---------------|-----------------|----------------|
| • баҳиллик    | • норозилик     | • иккиланиш    |
| • даҳшат      | • ноумидлик     | • саросималик  |
| • уят         | • озор          | • қониқмаслик  |
| • нафрат      | • ҳақорат       | • виждан азоби |
| • тоқатсизлик | • қаҳр-хуноблик | • хафагарчилик |

- |              |          |          |
|--------------|----------|----------|
| • ранжиш     | • шубча  | • ғам    |
| • кўркиш     | • жаҳл   | • ташвиш |
| • ёмон кўриш | • ачиниш | • хўрлик |
| • рашк       | • макр   | • адоват |

Асабий ҳолатнинг вужудга келиши ва унинг ўтиб кетиши, руҳий ҳаловатсизликни билиш, уни бартараф этиш кабилар раҳбарлик фаолиятининг диққат марказида туриши керак. Асабийлашган ҳолатда:

- онгли фаолиятдаги айрим томонлар тўхташдан қолади;
- идроқда, хотирада англашилмовчиликлар пайдо бўлади;
- кутилмаган қўзғалишларга нисбатан айни бир хил бўлмаган таъсиrlар юзага чиқади;
- диққат ва идрок кўлами торайиб, ҳаловатсизлик кучайди ва бошқалар.

Куйидаги тест ёрдамида стрессга қанчалик мойиллигинизни ва уни бошқаришдаги қобилияtingизни аниқлаб олишиниз мумкин.

#### ТЕСТ

#### Стрессга мойилмисиз?

Куйидаги саволларга “ҳа” (5 балл) ёки “йўқ” (0 балл) жавобларини бериб “ҳа” деб белгиланган жавоблардаги балларни жамлаб чиқинг. Фақат жавобларни танлашда балларга тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина Сиз ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда Сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз.

№	Саволлар	Балл
1.	Ноҳушлик сабабли Сиз узоқ вақт қайғурасизми?	
2.	Кечки дамларда ўзингизга кўп вақт ажратасизми?	
3.	Ортиқча батафсиллик билан гапириб бераётган сухбатдошингиз гапини бўласизми?	

4.	Доимо Сиз шошилиб юрасизми?
5.	Бирордан ёрдам сўраш Сиз учун оғир кечадими?
6.	Бўш вақтларингизда ўз муаммоларингиз тўғрисида ўйлайсизми?
7.	Агар қасбдошингиз у ёки бу нарсанинг уддасидан чиқа олмаётган бўлса, бу ишни у учун бажарар Эдинизми?
8.	Мазали овқатдан Сиз ўзингизни тия оласизми?
9.	Сиз бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажарасизми?
10.	Суҳбат чогида Сизнинг фикрингиз “қаердадир” узоқда яширингандек туюладими?
11.	Одамларнинг зерикарли нарсалар тўғрисида гапиришлари хусусидаги фикр хаёлингизга тез-тез келиб турадими?
12.	Навбатда туриб асабийлашасизми?
13.	Бошқаларга маслаҳат беришни ёқтирасизми?
14.	Қарор қабул қилишдан олдин тез-тез иккиланасизми?
15.	Тез гапирасизми?

### НАТИЖАЛАР:

#### 50 баллдан юқори

Сизда асабийлик жуда ҳам юқори. Стресснинг бўлиши муқаррар. Арзимаган нарсалардан ҳам жаҳлингиз чиқади. Сиркангиз сув кўтармайди. Юракни кенгроқ қилинг. Акс ҳолда асабингиз тезда ишдан чиқади.

#### 20 дан 50 баллгача

Стресс бўлиш эҳтимоли бор. Ўзингизни назоратга олишиниз зарур. Пашибадан фил ясаманг.

#### 20 баллгача

Тинч ва вазминисиз. Стресснинг бўлиш эҳтимолиги жуда кам. Жаҳлингизни чиқариш осон эмас.

Ализлар! Стресс ҳолатларидан холи бўлинг.

Ўзингизни асранг.

ВАҚТНИ ЎЗ ИЗМИНГИЗГА СОЛИНГ!

Режанинг пухталиги кайфиятни бошқара олиш даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Бу омилини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Хўш, кайфиятни бошқара оласизми?

Одатда, шаштимиз суст, уйқусираб қолсак, аксинча, куч-куваттага тўлиб, кайфиятимиз аъло бўлса ҳам, об-ҳавони бунга сабабчи деб биламиз.

Аслида-чи, инсон кайфияти нималар таъсирида ўзгаради?

😊 Мутахассисларнинг таъкидлашича, қон таркибида қанднинг меъёридан оз бўлиши асабийликка олиб келиши мумкин экан. Ҳақиқатда, доимий югур-югурлар орасида вақтида тўғри овқатланмаймиз. Кимки вазият тақозоси билан кунда бир марта бўлса ҳам бамайлихотир ўтириб овқатланишга имкон тополмаса, ўзи билан қанд олиб юрсин. Бир дона конфетни сўриб, кайфиятингиз кўтарилишига ишонмсангиз, синааб кўринг.

😊 Ёмон об-ҳаво, ростдан ҳам инсон кайфиятини тубдан ўзгартириши мумкин. Аниқроги, қуёш нурининг етишмаслиги қондаги мелатонин – тушкунлик гармони миқдорини ошириб юборади. Кўриб турганингиздек, изғирин шамол, ёмғир эмас ёруғликнинг камлиги тушкунлик ҳолатига олиб келади. Бу кечқурун ҳам чироқ ёқиб ўтириш зарур дегани эмас. Яхшиси, ичингиздаги чироқ асабни асранг.

😊 Ҳадеб жаҳли чўқиб, доим қовоғини солиб юрадиганларнинг кайфиятни кўтармоқчи бўлсангиз, уларга эндоクリнолог кўригидан ўтишни маслаҳат беринг. Чунки қалқонсимон безнинг меъёридан ортиқ фаол ишлаши ҳам кайфиятга салбий таъсир кўрсатади.

😊 Қарангки, кайфиятимиз яна бир жиҳатдаи ҳавога боғлиқ экан. Олимларнинг аниқлашича, иқлим қуруқ бўлган ерда истиқомат қилувчиларнинг асаби тез-тез бузилар экан. Демак, яхши кайфият учун сув ҳам керақ. Бутун диққатин-

гизни жамлаб, оқар сувга – анҳор ёки дарёга бирпас тикилиб туриング. Ёмон кайфият ва муаммоларингизни сув “оқизиб” кетади. Ўзингизни анча енгил ҳис этасиз.

Динимиизда ҳам жаҳл чиққанида дарҳол таҳорат олиш бу-юрилган...

(;) Кайфиятни бузувчи салбий омиллардан яна бири – ми-ядаги қон айланишининг бузилиши. Кислород танқислиги туфайли ланжлик ёки, аксинча, ҳаддан ортиқ фаоллик юзага келади. Шифокор қабулига бориб, масалага ойдинлик кири-тишни эринманг. Чунки бунга қон босимининг баландлиги, томирларнинг етарлича ишламаслиги, юрак мушакларининг заифлиги ва ҳоказолар сабаб бўлиши мумкин.

(;) Дорилар ҳам руҳий ҳолатингизга таъсир ўтказиши мумкинлигини биласизми? Дори воситасининг салбий таъсири худди шундай оқибатта олиб келади. Бунга қон босими-ни туширадиган, юрак ритмини меъёrlаштирадиган дори воситаларини мисол қиласа бўлади.

Филжумла ўринда,

---

Гап келди: Азизлар!

Ҳар биримиз ўз руҳиятимиз ва кайфиятимиз учун масъулмиз. Танамиз миямизга керакли эндор-фин деб аталадиган кимёвий моддани етказиб бера-ди. Бу бирикмалар бизнинг дардимизни камайтира-ди ва кайфиятимизни бир маромда сақлайди. Олим-ларнинг аниқлашича, одамдаги келажакка бўлган ишонч ва ҳаётга ижобий муносабат эндорфинларни ишилаб чиқаришда фойда берар экан.

Ўз фикрингизнинг эгаси бўлинг ва асло унинг кулига айланиб қолманг. Ким бўлишни тасаввур қи-линг ва худди шундай одам бўлишга ҳаракат қилинг. Агар сиз ўзингизни бечораман деб тасаввур қилсан-гиз, бечора одам бўлиб қоласиз. Агар сиз ўзингизни ҳаётда аниқ мақсад сари интиладиган дадил одам деб ҳис этсангиз, амалда ҳам, худди шундай одам бўла-сиз?

ИНСОН ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ДЕБ  
ТАСАВВУР ЭТСА, АМАЛДА ҲАМ  
ХУДДИ ШУНДАЙ ОДАМ

Ўз орзулатингизни ҳеч қачон салбий ва нафратли туйгулар билан чалғитманг.

### 10.2. ИККИНЧИ ҚОИДА

• Кундалик рўйхатингизга **10 тадан ортиқ юмушни киритманг**. Иш бажаришнинг сифати ва тезлиги ишларнинг миқдорига teng.

Кундалик юмушларнинг рўйхатини тузинг. Улар иш жойингизга тегишли ишлар ва уй юмушлари бўлиши мумкин. Моҳияти битта – сиз биринчи навбатда бажарилиши зарур бўлган энг долзарб вазифалар рўйхатини тузишингиз керак. Бу рўйхат оддий эслатма бўлиши билан бирга, мотивация ҳам бўлиши мумкин. Бальзи бир юмушларни ёдда тутиш шарт эмас ёки эриниб, уларни адо этишдан бош тортиш мумкин. Бундай рўйхатни тузиб, унинг бошқа ишлардан устун эканлигидан ўзингизга мажбурият юклайсиз.

Олдиндан бу ишларни бажариб бўлмаслигини била турб, узундан узоқ рўйхат тузманг. Шу билан бирга, қисқача тузилган рўйхат ишларнинг уюшқоқлигини камайтиради.

Кундалик рўйхатингизни ўзингиз билан олиб юринг ва мунтазам равишда унга мурожаат этишни одат қилинг. Акс ҳолда, битта-яримта ишингиз ёдингиздан чиқиб кетиши мумкин.

Эҳтимол, сиз ҳаддан ташқари кўп ишлайдиганлар тоифасидаги кишилардансанлиз? Куйидаги тест ёрдамида ўзингизни билиб олинг.

### Сиз ҳаддан ташқари кўп ишламаяпсизми?

Шиддатли ҳаёт кишини ҳордиқсиз меҳнат қилишга мажбур этади. Натижада чарчоқлик, мувозанатдан чиқиб кетиш ҳоллари гўё цивилизация белгилари бўлмиш қўйидаги қасалликларга кишини гирифтор қилиши мумкин:

- юқори қон босими;
- асабийлашиш;
- доимий бош оғрифи;
- ошқозон яраси ва ҳ.к.

Америкалик руҳшунос Брайан Робинсоннинг қўйидаги саволларига жавоб бериб Сиз ҳақиқатан ҳам ўзингизни ҳаддан ташқари иш билан юклаб қўяётганингизни ёки қўймаётганингизни аниқлаб оласиз. Саволларга жавобни қўйидаги тартибда беринг:

Жавобларнинг объектив бўлишига ҳаракат қилинг. Шундагина Сиз ўзингизга тўгри баҳо берган бўласиз. Фақат, жавобларни танилашда балларга тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина Сиз ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда Сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз.

№	Саволлар	Ҳеч қачон	Камдан кам	Тез-тез	Доимо
1.	Сиз бошқаларга топширишдан кўра ҳамма нарсанни ўзингиз уюштиришни яхши кўрасиз	1	2	3	4
2.	Бирорни кутишга тоқатингиз йўқ	1	2	3	4
3.	Сизга вақт етадими	1	2	3	4
4.	Сизнинг гапингизни бўлишса, бу Сиз учун даҳшат	1	2	3	4

5.	Сиз хар доим икки қүён кетидан құвлайсиз	1	2	3	4
6.	Сиз бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажаrasиз	1	2	3	4
7.	Сиз ҳаддан ташқари юқори масъулиятни ўз зиммангизга оласиз	1	2	3	4
8.	Агар ишламасанғиз, Сиз ўзингизни қаерға қўйишингизни билмайсиз	1	2	3	4
9.	Мехнатингиз натижаларини кўриш Сиз учун жуда ҳам муҳимми	1	2	3	4
10.	Фаолиятдан кўра натижа Сизни кўпроқ қизиқтиради	1	2	3	4
11.	У ёки бу нарсага эриша олмасанғиз бу ҳол Сизни мувозанатдан чиқаради	1	2	3	4
12.	Бугунги ишни тутгатмасдан туриб бўлажак иш режасини тузасиз	1	2	3	4
13.	Ҳамкасларингиз кетганларидан сўнг ҳам ишда қоласизми?	1	2	3	4
14.	Ҳар қандай шароитда ҳам такомилликка эришишга ҳаракат қиласиз	1	2	3	4
15.	Ўзингизга турили-туман муддатларни белгилашга одатланганимисиз	1	2	3	4
16.	Оиланғиз ва ўртоқларингиз доирасида бўлишдан кўра ишда кўпроқ вақтингизни ўтказасиз	1	2	3	4

17.	Оиласиј тантана (байрам) нинт бирортасини унугтан вақтларингиз бўлганми	1	2	3	4
18.	Бирор-бир хатога йўл кўйсангиз, ўзингиздан нафратланасиз	1	2	3	4

### НАТИЖАЛАР:

#### 42 баллгача

Сиз музозанатли ва чуқур мулоҳазали кишисиз. Ишда ҳам омадингиз зелган инсонсиз. Кундалик рўйхатингизга 10 тадан ортиқ юмушни киритмайдиганлардансиз.

#### 43-61 балл

Ўзингизни кўп иш билан юклашга мойилсиз. Бунга жиддий эътибор беринг. Акс ҳолда аҳволингизвой бўлиши ҳеч гап эмас.

#### 62 ва ундан юкори балл

Сиз ўтуудек ишлайдиган инсонни гавдалантирувчи типик шакисиз. Мана энди доктор Робинсоннинг Сиз ва Сизга ўхшаган “ўтуудек меҳнат қилувчиларга” берган айрим маслаҳатлари билан танишинг.

- Сизга қўшимча топшириқ беришмоқчи бўлишса, ҳар замонда рад жавобини беринг, яъни бажармайман деб айтинг.
- Ҳамма нарсани ўзингиз бажаришга ҳаракат қилиман.
- Яқинларингизга кўпроқ вақт ажратинг. Бундан Сиз кувват оласиз.
- Бу Сиз учун зарурдир.
- Ўзингизни холи тутинг. Вақт-вақти билан театр ва киноларга боринг, саёҳат қилинг.
- Кўпроқ ухланг ва спорт билан шуғулланинг.

### 10.3. УЧИНЧИ ҚОИДА

#### Паретто тамойилидан фойдаланинг

Вақтни бошқариш ҳақида кўплаб олимлар бош қотиришган. Уларнинг бири италия иқтисодчиси Вильфредо Паретто (1848-1923) хисобланади. Вильфредо Паретто ўз изланишлари натижасида дунёдаги кўплаб муаммоларни 80/20 қонуналари орқали изоҳлаб берган. Унинг фикрига кўра, инсонга берилган вақтни 100 фоиз деб олсак, у шундан “атиги” 80 фоизинигина бехуда ишларга сарфлаб, қолган 20 фоизини энг керакли ишлар учун ажратар экан.

Бошқача қилиб айтганда бажарилган юмушнинг 20 фоизи сиз кутаётган 100 фоизлик натижанинг 80 фоизини беради. Барча вазифаларни бажаришга киришишдан оддин шу 20% қилинадиган юмушни аниқлаб олинг.

Кичик бизнес соҳасида 100 фоиз юмушнинг тақсимоти 60-30-10 қоидасига амал қиласди. Фаолиятнинг турли соҳаларига мувофиқ ҳолда ВАҚТни тақсимлаш қуидагича намоён бўлади.

**1. Бизнесни бошқариш.** 60 фоиз вақтингизни маркетинг ва савдога; 30 фоизини – товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга; 10 фоизини – бошқарув ва маъмурий ишларга бағишлианд. Шу тарзда устунликлар тартиби қуидагича – сотиш, ишлаб чиқариш ва бошқариш!

**2. Савдо.** Савдога ажратадиган 60 фоиз вақтингизни мавжуд харидорларни сақлаб қолишишга; 30 фоизини – яқин истиқбол ва 10 фоизини узоқ муддатли истиқбол учун салоҳиятли истеъмолчиларни жалб этишга бағишиланг. Бундай тарзда, агар сиз 60 фоиз вақтингизни маркетинг ва савдога, 60 фоиз вақтни савдо, мавжуд истеъмолчиларни сақлаб қолишишга ажратсангиз, касса аппаратингиз “жиринглаб туриши” ҳисобига 36 фоиз вақтни (60 фоиздан 60 фоизини) учрашувлар, ёзишмалар (электрон ва оддий почта бўйича) ва мижозлар билан сұхбатларга ажратасиз. Модомики, кичик бизнес эгасининг ҳафтаси камида 60 соатни ташкил этар экан, бу мав-

жуд иетеммолчилар билан ҳафтада 22 соат шуғулланишин-  
гизин билдиради.

3. **Таълим.** Таълим учун ажратилган 60 фоиз вақтда ўзин-  
ги ўз компаниянгизнинг кучли томонларини такомил-  
лантирасиз. Вактнинг 30 фоизини янги гояларни ўрганишга  
иёл 10 фоиз вақтда кучсиз томонларингиз ва камчиликлар би-  
лан шуғулланинг. Бошқа ходим (ходимлар) билан биргалик-  
дан ўзказадиган ўша кунларда 15 дақиқа вақтингизни у (улар)  
такомиллимига ажратинг. Агар компаниянинг ягона ходими  
жонназ бўлсангиз, ҳар куни 15 дақиқа ўз малакангизни оши-  
риши ғолиб шуғулланинг. Ҳар куни ўн беш дақиқа – бу йилига  
такомилман 400 соат. Агар бу вақтнинг 60 фоизини ёки 240 со-  
атини ўз макоратингизни чархлашга йўналтирангиз, демак,  
бонгари ўз ўстулигингизни ошириб, таълим йўналтирилган  
тартиба из марта ортиги билан қопланишини кўрасиз.

4. **Онларни ўқитиши.** Ишдаги биринчи катталикдаги  
жонназ, онларга вақтнинг 60 фоизини сафарбар этинг.  
Такомилман 30 фоизини – юқори салоҳиятни ходимларга ва 10  
фоизини юқори салоҳиятни излайтиксиз ишлайдиганларга ажратинг. Демократ-  
икларни ва вақтни тенг тақсимламант. Биринчи навбатда, го-  
бои жонназни ишланг.

Туған жойлантирганингиз каби қақтни хам йўналтиринг.  
Сардори скрипчининг асосий коидаси – “йўқотмаслик”. Агар  
жонназни ишкони бўлса, сиз аранг тирикчилик қилаётган  
жонназни элас, муваффақиятта эриштаётган компанияга  
такомиллантири тикиасиз. Шунинг учун биринчи катталикда-  
ни жонназни истиқболи нормоҳ бўлган ходимларга вақт  
жонназни кули томонлари устидаги ишланг. Такомиллашти-  
рингизга азмий кириши.

Муваффакиятлашнинг турли кўриниш-  
лари ўзасига маъбаларни самарали тақсимлаш тизими.  
Ноёнган бўйдаланинг.

Лебинин нутка роҳи билан чин кўриниши

#### 10.4. ТҮРТИНЧИ ҚОИДА

• Вазифаларни ўз ўрнига кўра тадрижий тартиблаб чиқинг, яъни муҳим ва номуҳимлигига кўра жойлаштиринг – бу ҳар бир ишда самараға эришишнинг гарови бўлади. Барча ишларингизни тўртта даражага ажратинг: А (шошилинч ва муҳим), В (шошилинч ва муҳим эмас), С (шошилинч эмас ва муҳим), D (шошилинч ҳам эмас, муҳим ҳам эмас).

Дастлаб – озроқ “ҳаётий муҳим”  
муаммолар, сўнг эса – кўп сонли  
“иккинчи даражали” ишларни бажаринг

Устуворликни аниқлашда ўз организмингиз биосоатлари ни хисобга олинг.

Агар ишингизни эрталаб бажаришга мойил бўлсангиз (тўргай) ёки аксинча, кеч соатларда (бойкӯш) ишлаб, кундузи чарчаган ҳолатда бўлсангиз, рўйхатингизни шу омиллардан келиб чиқсан ҳолда тузинг. Диққат ва 100% унумдорликни талааб этувчи ишлар ёки бажаришга қийналаётган юмушларингизни унумли иш вақтингизга, ёқимли ва муҳим бўлмаган ишларни қилишни хоҳламаган вақтингизга ўтказинг.

Тажриба ва таълим натижаларидан фойдаланинг.

Масалан, 8 та шартнома тузиб, 12 та мижозга қўнғироқ қилишингиз керак бўлса, 3 таси билан гаплашиб, 2 та шартномани тўлдиргандан кейин худди шу аснода такрорламасдан ҳаммасини навбатма-навбат бажаришингиз муҳимдир. Фаолият турини кескин ўзгартиришда иш сифати камаяди.

Шу ўринда,

---

**Гап келди:** Энг аввало шошилинг ва муҳим ишларни ажратиб олинг. Ҳеч қачон кун ва тунларингизни иккинчи даражали ва кераксиз нарсаларга тўлдириб юборманг, акс ҳолда ҳаётнинг чинакам чақиригига жавоб беришга вақтингиз қолмайди. Бу ишга ҳам, дам олишга ҳам бирдек таалуқли. Шунчаки

“хўжакўрсин”га ўтказилган кун байрам учун сабаб бўла олмайди. Модомики, сиз доимий кун тартибингизга озгина ўзгартириш киритиб кўп нарсага эришишга қодир экансиз, қимматли вақтингизни беҳуда сарфламанг! Майда-чуйдаларга берилишни, омаддан беркинишни бас қилинг. Ўсиб-ривожланишингиз учун ҳам вақт ва жой қолдиринг! Ҳозироқ! Эртага эмас, шу бутун!

## 10.5. БЕШИНЧИ ҚОИДА

• **Ўзингизни ишонтиринг.** Ҳеч қандай “Буни қилиш зарур! Мен мажбурман! Бу менга керак!” деган жумлалар бўлмасин. Омадли, муваффақиятта эришмоқчи бўлган одам “Истайман! Қила оламан! Хоҳдайман!” дей фикрлайди.

Омадсиз одамларнинг кўпчилиги ўзларини худди захирасида минг йил умрлари бордек тутадилар. Нима учун? Шунинг учунки, улар ўз кучларига ишонмайдилар ва масъулиятдан қочишни афзал кўрадилар.

Хўш, улар қобилияtlарини синаб кўришдан ўзларини қандай олиб қочадилар? Бунинг йўллари жуда кўп. Кимdir ичкиликка ёки айш-ишратга муккасидан берилади. Кимdir керагидан икки-уч соат ортиқ ухрайди. Тағин кимdir умрини кроссворлар ечиб, бошқотирма суратларни ҳал қилиб ёки телевизор кўриб ўтказади. “Ташвиш чекманг, – дейишади улар. – Ҳамма ишни... эртага қилиш мумкин”. Эртага? Сўзини кўп ишлатадиган одамлар одатда, ночор, омадсиз, баҳтсиз ва хаста бўлишади. Undайлар учун қиши билан ёзнинг, кун билан туннинг фарқи сезилмайди. Улар на соч-соқолидаги “қиров”ни, на қадли-басти эгилганлигини, на фарзандлар ортидан набиралар дунёга келиб, бобосидан меҳру мурувват, ҳеч йўқ насиҳат кутаётганиларини хаёлига келтирмайдилар.

“Йўл йўриқларни ўзгартириш” машқи

1. Аслида нимани истаётганингизни аниқ билиб олинг. Бу сизнинг назоратингизда турган нимадир бўлиши керак. Ўзингиз учун мақсадга эришганингизни қандай билишингизни аниқлаб олинг. Нимани кўрасиз, эшитасиз ёки ҳис қи-

ласиз – сизга нима тасдиқлашни таъминлайди. Мақсадингизга етишишнинг ижобий натижалари ва салбий оқибатлари қандай бўлишини тарозига солиб кўринг. Ҳар қандай ички ва ташки салбий оқибатлардан сақланиш учун уни янгилашга урининг. Мақсадга етишиш учун сизга зарурий барча ресурслардан фойдаланинг. Бунга етиша олмаслигингиз сабабларини ёзинг, бу борада сизда бўлиши мумкин ҳар қандай салбий хиссиётларни тўлиқ, бошдан кечириш имконини беринг ва дуч келишингиз мумкин бўлган тўсиқлардан халос бўлиш учун тасдиқларни (ўзингиз ҳақингиздаги ижобий гапларни) шакллантиринг.

2. Ўзингизни бўш қўйинг ва муаммоларингиздан халос бўлишга урининг.

### МУАММОЛАР ҚАНДАЙ ЕЧИЛАДИ?

Қўйидаги олти қадамга амал қилинг:

- Муаммолардан қўрқманг.

Оғир, босиқ бўлинг. Салбий фикрлар муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермайди. Босиқ, ақл билан ишлайдиган одам қайгуга ботган кишидан кўра яхшироқ самарага эришади.

- Муаммоларни пухта ўрганинг.

Маслаҳатларга қулоқ солинг. Далилларни ўрганинг. Вазият билан ҳар томонлама танишинг. Бехуда ўйлар билан банд бўлманг.

• Диққатингизни ҳал қилинмаган муаммоларга жамланг.

Жуда кўп одамлар нуқул муаммолари ҳақида ўйлашибди-ю, бироқ уларни қандай ҳал қилиш ҳақида бош қотиришмайди. Ўзингизни, бошқаларни ва шароитни айбламанг. Кўпгина жиддий муаммоларни жуда осон йўллар билан ҳал қилиш мумкин.

• Ўзингиз биладиган ишдан бошланг, кейин номаълум нарсаларга ўтинг.

Олдинги муаммоларни ҳал қилиш чоғида орттирилган билим ва тажрибалардан фойдаланинг.

• Ўзингиз ва бошқа кишилар учун маъқул бўлган усуларни танланг.

Бу сизнинг бошқалар билан муносабатингизни яхшилайди ва ҳаммангизга фойда келтиради.

• Аник ҳаракатларга киришинг.

Сиз қанчалик тез ҳаракатга киришсангиз, юзага келган муаммони шунча тез ечасиз. Мабодо у муайян даражада хавф туғдирган тақдирда ҳам, таваккал қилиб, ҳаракатга киришинг.

Эҳтимол, қаршингизда сизни ўй-ташвишга ботирган шахсий ё қасбий муаммолар пайдо бўлди. Касалхонадаги ёки сизнинг муаммоигиздан оғирроқ муаммога дуч келган бирон танишингизни кўргани бориш учун озгина вақт ажратинг. Шунда уларнинг муаммоси олдида сизнинг ташвишингиз унча катта эмаслигини ҳис этасиз.

Муаммоларни ҳал этиш ҳатто ҳузур бағишлийди. Кўнгилни хира қилиб турган тўсиқларни енгиш одамга шундай лаззат бағишлийдики, уларсиз ҳаёт бемаънидай туюлади. Муаммо туғдирманг. Уларни ҳал қилинг.

### ТЎСИҚЛАРНИ ҲАРАКАТЛАНТИРИУВЧИ КУЧГА АЙЛАНТИРИНГ

#### 10.6. ОЛТИНЧИ ҚОИДА

• Ишларни бошқаларга топширинг. Катта ҳажмли вазифаларни бошқаларнинг зиммасига юклашни ўрганинг. Шунда оз вақт ичида кўпроқ иш бажаришга улгурасиз.

Бошқарув тизимида раҳбарлар томонидан ўз кўли остидаги ходимларга ўзи жавобгар бўлган вазифаларни ҳал этиш ёки ишларни амалга ошириш ҳуқуқини бериб қўйиши бошқарув ваколатлари деб юритилади. Ваколатларни топшириб қўйиш туфайли раҳбар бошқа ишларнинг талайгинасини бажариши, истиқболли ва энг асосий масалаларга диққат-эътиборини кўпроқ жалб этиш имкониятига эта бўлади.

Айни чоғда у умумий раҳбарлик ва умумий назоратни ўз кўлида сақлаб қолади. Ваколат – бу корхона ресурсларидан фойдаланиш ва кишиларни бошқариш бўйича у ёки бу лавозимдаги шахсга чекланган шарт билан берилган хуқуқдир. Чунки ваколат шахсга эмас, балки лавозимга берилади. Бундай ёндашув ҳарбийча, яъни “зобит честни командирга эмас, балки унинг унвони (мундири)га беради” деган “матал”га ўхшаб кетади. Шахснинг лавозими ўзгариши билан унга берилган ваколат ҳам ўз кучини йўқотади

## ТЕСТ

### Ваколатни жон дилингиз билан топширасизми?

“Ҳа” жавобларни З-устунга ёзиб чиқинг. Фақат, жавобларни танлашда балларга – тест охиридаги натижаларга қараб мўлжал олманг. Шундагина Сиз ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда Сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз.

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Иш куни тугагандан кейин ишингизни давом эттирасизми?	
2.	Ходимларингизга қараганда кўпроқ меҳнат қиласизми?	
3.	Ўз хизматини бемалол уддасидан чиқадиганларнинг ишини тез-тез бажариб турасизми?	
4.	Зарурият туғилганда, яъни ёрдамга муҳтоҷ бўлганингизда бўйсунувчи ёки ҳамкасабангизни топа оласизми?	
5.	Сиз ишни топширмоқчи бўлсангиз – уни бошка бирорга топширмоқчи бўлишса, ҳамкасларингиз, (ёки раҳбарингиз) Сизнинг вазифаларингизни яхши билармиidlар?	
6.	Вазифаларингиз ва фаолиятингизни режалаштиришга вақтингиз етадими?	
7.	Хизмат сафаридан қайтганингизда иш столингизда қоғозлар уюлиб қоладими?	

8.	Охирги хизмат лавозимигача бўлган лавозим доирасидаги масъул ишлар ва муаммолар билан ҳам шугулланасизми?	
9.	Бошқа юмушни бажариш учун муҳим ишларингизни кейинга қолдириш ҳоллари тез-тез бўладими?	
10.	Муддатида бажариш учун тез-тез “шошилинч” да бўласизми?	
11.	Бошқалар бажариши мумкин бўлган эскирган ишларга кўп вақт сарфлайсизми?	
12.	Ҳисобот, ёзишмалар, хатларнинг аксарият қисмини ўзингиз диктовка қиласизми?	
13.	Бўйсунувчиларингиз томонидан бажарилмаган вазифалар юзасидан Сизга тез-тез мурожаат қиласиларми?	
14.	Ижтимоий ва вакилликка оид фаолиятларни бажаришда вақтингиз етадими?	
15.	Барча жойда бўлайтган барча воқеаларни билишга ҳаракат қиласизми?	
16.	Устувор ишлар рўйхатига қатъий риоя қилиш сиздан кўп куч талаб қиласидими?	

Энди неча марта “Ҳа” деб жавоб берганингизни ҳисобланг:

### 3 та “Ҳа” жавоби бўлса

Сиз ваколатни жон далингиз билан топширасиз. Бу жиҳатдан баҳоингиз “аъло”.

### 4-7 та “Ҳа” жавоби бўлса

Сизда ваколат топшириш маҳоратини такомиллаштириш имконияти катта. Қўл остингизлагиларнинг ҳар бирига вазифа бериб, масъулият юклашга кўпроқ тайёр туришингиз лозим.

### 7 ва ундан кўп “Ҳа” жавоби бўлса

Ваколат беришда Сизда муаммо борга ўхшайди. Унинг ечи-мига биринчи навбатдаги эътиборни қаратмогингиз лозим.

Эслатма маъносида,

Гап келди: Азиз ваколат соҳиблари!

Ваколатнинг ҳам чегараси бўлади. Акс ҳолда ваколат ҳуқуқини олган лавозим эгаси масъулиятсиз бўлса, мансабига хос бўлмаган қарорларни қабул килиши мумкин. Уларга ваколат берилса “Дўпписини деса бошини олиб” келади. Шу сабабли, бу борада эҳтиёткорлик жуда ҳам зарур.

### 10.7. ЕТТИНЧИ ҚОИДА

◦ Вақт қадрига етадиган ҳамкор ва дўст танлашда адашманг.

Ким бўлишни хоҳласангиз, бу йўлда сизни шахс сифатида шакллантиришда асосий ўрин тутадиганлардан бири ҳаётингизга кирган бошқа кишилар билан мулоқот қилишидир. Сиз бошқа кишилар сизни шакллантиришда салмоқли ўрин тутишлари тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз? Бизни ўраб турган кишиларнинг таъсири шунчалик қучлики, шунчалик нозикки, шунчалик доимиёйки, қанчалик бизга таъсир этаётганидан шубҳаланмаймиз ҳам.

Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Агар сизнинг атрофингизни топганини ўнгу сўлга қарамай сарфлайдиганлар ўраган бўлса, сиз ҳам шундай бўлишингиз исбот талаб қилмайди. Атрофдагиларнинг таъсири шунақа.

Агар улар батьзида алдаб иш юритса ҳам бўлади, дейдиганлар бўлса, сиз ҳам шундай бўласиз. Фақаттина ўн йиллардан кейин “Мен нега шундай ҳолга тушиб қолдим?” деб аттанг қиласиз, лекин энди кеч бўлади.

Сизга мос келмайдиган кишилар орасида вақтни бекор ўтказмаслик учун ўзингизга учта фундаментал саволни беринг:

1. Қандай кишилар билан вақтимни ўтказяпман?
2. Улар менга нисбатан қандай муносабатдалар?
3. Улар билан мулоқотим мен учун фойдалими?

Ҳар бир киши билан ўтказаётган вақтингизни баҳоланг. Улар, сиз учун ижобийми ёки салбий? У ҳолда қуидаги саволлар устида ўйлаб кўринг:

- Сизни нима қилишга мажбур қилишди?
- Сизга улар нимани эшлиши мажбур қилишди?
- Сизни нимани ўқишга мажбур қилишди?
- Сизни қаерларда бўлишга мажбур қилишди?
- Сизни нималар устида ўйлашга мажбур қилишди?
- Сизнинг суҳбатларингизга уларнинг таъсири қандай бўлган?
- Сизнинг ҳиссиётларингизга қандай таъсир ўтказиши?
- Сизнинг сўзларингизга қандай таъсир ўтказиши?

#### ТЕСТ

##### Ўзингиз ҳақингизда ўйлаб кўрганмисиз?

Сизнинг хулқ-атворингиз, ташки қиёфангиз, гапириш маромингиз атрофингиздаги кишиларда турлича таассурот қолдиди ради ва уларнинг муносабатлари ҳам шунга яраша бўлада. Қуидаги саволларга жавоб бера туриб, одамларнинг Сизга бўлган муносабатларини билишингиз мумкин. Фақат, жавобларни танлашда балларга – тест охиридаги натижаларга қараб мўжалал олманг. Шундагина Сиз ўзингизга объектив баҳо берган бўласиз. Акс ҳолда Сиз ўзингизни ўзингиз алдаган бўласиз.

№	Саволлар ва жавоблар	Балл
1.	Мен билан учрашган кишилар исмимни эслай олмайдилар. Ва ҳоланки, ўшанда менинг атрофимда бўлганларнинг исмларини айтиб беришди: а) бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради; б) баъзан; в) ҳеч қачон.	1 2 3
2.	Одамлар менинг нима деганимни эшлишишмайди ва қайтадан такрорлашимни сўрашади: а) ҳеч қачон; б) баъзан; в) тез-тез.	3 2 1

3.	Мени кийинишим, гапларим ва хулқ-авторим учун очиқдан очиқ танқид қилишади	
	а) баъзан;	3
	б) тез-тез;	0
	в) ҳеч қачон.	1
4.	Умумий гурунгларда менинг фикр-мулоҳазаларимга қизиқищмайди, улар учун гүё мен йўқдай:	
	а) бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради;	1
	б) ҳеч қачон;	3
	в) баъзан.	2
5.	Тасодифий танишлар менинг исмимни, тураржойим, қаерда ишилашим ва ҳоказоларни тезда унугиб юборишади:	
	а) ҳеч қачон;	3
	б) баъзан;	2
	в) тез-тез.	1
6.	Сотувчилар, официантлар мени пайқашмайди ёки энг охирида хизмат кўрсатишади	
	а) баъзан;	2
	б) ҳеч қачон;	3
	в) тез-тез.	2
7.	Жамоат жойларида танишлар мендан хулқ-авторимни (паст овоз билан маданиятли гапириш, еб-ичиш, салфетқадан фойдаланиш ва ҳ.к.) ўзгартиришимни илтимос қилишади?	
	а) бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради;	1
	б) баъзан;	2
	в) ҳеч қачон	3
8.	Янги одамлар билан учрашганда, ҳамроҳларим мени уларга таништиришини унугиб қўяди:	
	а) ҳеч қачон;	3
	б) тез-тез;	1
	в) баъзан.	2

## НАТИЖАЛАР:

### 14 баллгача

Сиз қандай хатоларга күл қўйганингиз ва ўзингизга нисбатан ишонч, дадиллик уйғотиш ҳақида ўйлаб кўринг. Балки ўз услугабингизни алмаштиришингиз керакдир. Вақт топиб ўз услугабингизни таҳлил қилиб чиқинг.

### 14-17 балл

Афтидан, сиз ўзингизга эътибор бериш лозимлигини сезган бўлсангиз керак. Кўнгилсиз ҳодиса ва воқеалардан хуроса чиқаринг. Нотўғри ечимлар учун йўқотилган вақтни тиклаб бўлмаслигини унутманг.

### 18 ва ундан юқори балл

Сиз хеч нарсадан ташвишланманг. Атрофингиздагилар сизни жуда яхши қабул қилишган.

**Хўш вақтни ва қадрлайдиган дўстни танлашда нималарга эътибор бериш керак?**

Бир хавф борки, биз ҳаёт қиссамизни ўйлаганимиздан бошқачароқ одамлар олдида баён этиб қўямиз. Ҳамма одамлар билан дўстлашса бўлаверади, деган хаёл тўғри эмас.

#### 1. Ўзингизга мос жамоа билан бўлишни ўрганинг.

Кўпинча ўзи билан ўзи танҳо бўла оладиган одамлар билан дўст тутиниш осон бўлади. Инсон ўзининг хатти-ҳаракатини, жамоа ўртасидаги обрў-эътиборига қандай таъсир қилишидан қатъи назар, қаттиқ ҳимоя қила олиши керак.

#### 2. "Йўқ" дейишни ўрганинг.

Одамлар ахлоқий жиҳатдан бетараф бўлолмайдилар. Улар бизнинг ҳаётимизга ё яхши, ё ёмон томони билан таъсир ўтказади.

Назоратни, бошқаришни йўқотиш, вақтни бошқаришни кўлдан чиқариш осон иш. Вақтингиз устидан назорат ва уни бошқариш учун бир сўзни ўрганиб олингки, бу сўз "ЙЎҚ".

Ҳа, "ЙЎҚ" дейишни ўрганинг.

Кўпчилигимиз бу борада қийналамиз. Ҳаммага яхши кўриниш учун "ҲА" дейиш осонроқ. Биз "Ҳа", деб қўйиб, аввалдан рози бўлмаслигимиз керак. Бўлган ишга икки бор

вақт сарф қиласизми? Бу вақтни бекор сарф этишнинг асосий сабабларидан.

Яхшиси “йўқ”ни хурмат билан айтиш маъқул. Қандай қилиб, дейсизми? Мен: “Йўқ, менимча, бу қўлимдан келишига ишонмайман. Фикрим ўзгарса, қўнғироқ қиласарман”, дейман. Халқимизда шундай гап бор

“Тилим менинг – душманим менинг”.

**3. Ўзингизни олиб қочишни ўрганинг:**

а) гибатчилардан.

Гибат қилманг. Агар сиз дўстларингизга содик бўлмасангиз, улар ҳам сизга содиқлик қилишмайди;

б) жаҳлдор кишилардан.

Эски китобларда ёзилган: “Кеккайдиганлардан узок юр, қизиққонлар билан сухбат қилма, чунки ўзинг ҳам уларга ўхшаб қоласан ва ўз йўлингта ўзинг ғов қўясан”.

в) холис бўлмаган кишилардан.

Холислик дўстликнинг энг устун жиҳатларидан бириди. Холис бўлинг;

г) ҳамиша норози ва нолиб юрадиганлардан.

Нолиб, шикоят қилиб юрадиганлардан, шунингдек, ҳамиша эътиборни шубҳа остига қолдирадиган ва изга тушаётган муҳитни ёмонлайдиганлардан эҳтиёт бўлинг;

д) фақат ўзини ўйладиган худбинлардан.

Фақат ўзларининг хоҳиш ва интилишлари билан ишлайдиган худбинлардан узокда туринг;

е) хаёсизлардан.

Бунаقا дўстлар сизга баҳтсизлик келтиради. Улар сизни арзимайдиган китобни ўқишга, бемаъни фильмларни кўришга, ифлос сўзларни эшитишга мажбур қиласади. Бу эса сизга жуда ёмон таъсир кўрсатади.

**ЎЗ ТАНИШЛАРИНГИЗ БИЛАН МУНОСАБАТИНГИЗГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ, ЧУНКИ СИЗНИНГ ЙЎЛИНГИЗ КЎП ЖИҲАТДАН УЛАРНИНГ ЙЎЛИ БИЛАН БИР БЎЛАДИ**

## МЕДАЛНИНГ ОРҚА ТОМОНИ

Дўстларингиз сизнинг орзу ва ниятларингизни кенгайтиради, ёки тарқатиб юборади.

“Яхши билан юрсанг – етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятта”.

**НИМАНИ ТАНЛАШ ИХТИЁРИНГИЗДА!**

Учиб кетган вақт



Эй, жўра! Бой берилган вақтни қайтаришнинг иложи йўқ!  
Яшин тезлигида югирсанг ҳам унга ета олмайсан! Хомтаъма  
бўлма! Уларни қалдирғочлар ўз қанотларида олиб кетди.

“Халқ сўзи” газетасиниг хабари:  
Шундай хадис бор:  
Вақтнинг нималигини вақт кўрсатади  
*Муаллиф*

### III ҚИСМ

## РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

11  
БОБ

## ВАҚТ ВА ОСУДАЛИК ХАҚИДА СОЦИОЛОГИК СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ

### 11.1. ВАҚТ ВА ОСУДАЛИК ТҮФРИСИДА СОЦИОЛОГИК СҮРОВ

Вақт қадри (сабаб) ва осудалик (натижа) ўртасидаги боғланиш кучи ҳақида статистикада ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шу сабабли, бу иккала қадрият ўртасидаги боғланиш кучини аниқлаш мақсадида социологик сүров ўтказиш учун маҳсус анкета ишлаб чиқилиди ва мамлакатнинг турли ҳудудларига 1100 та анкета тарқатилди. Улардан 999 тасига жавоб олиниди.

Анкетага “Вақтни қадрлаш қанчалик осудалигингизни таъминлайди?” деган саволга респондентларнинг фикрини билиш мақсадида куйидаги жадвал тузилди ва тегишли маълумотлар йигилди (1-жадвал).

1-жадвал

Вақт қадри ва осудалик ўртасидаги боғланиш ҳақида  
респондентлар фикри

Респондентлар	Вақтни қадрлаш қанчалик даражада осудалигингизни таъминлайди?				
	жуда паст (20% гача)	паст (20-40%)	ўртacha (40-60%)	юқори (60-80%)	жуда юқори (80-100%)
1	+				
2			+		
...					
999					+

Фақат битта, яъни айнан қайси бир устундаги жавоб маъқул бўлса, ўша устун катакласига “+” ишорасини қўйиш йўли билан респондентлар ўз муносабатларини билдиридилар.

Асосий савол билан бир қаторда анкетага киритилган қуидаги 12 савол бүйича ҳам ашёвий далиллар түпланди:

1. Ёшингиз \_\_\_\_\_
2. Жинсингиз: эркак, аёл,
3. Касбингиз \_\_\_\_\_
4. Лавозимингиз: йўқ, оддий ходим, раҳбар,
5. Маълумотингиз: ўрта, ўрта маҳсус, олий,
6. Илмий даражангиз: йўқ, фан номзоди, фан доктори,
7. Яшаш жойингиз: шаҳарда, қишлоқда,
8. Энг яхши кўрган рақамингиз: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, (доирага олинг)
9. Қон гуруҳингиз \_\_\_\_\_
10. Мучалингиз \_\_\_\_\_
11. Буржингиз \_\_\_\_\_
12. Имзо \_\_\_\_\_

Сўровнома мамлакатимизнинг барча худудларидан та-  
садифан танлаб олинган қишлоқ, туман, шаҳарда, ишлаб  
чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган оддий  
ишлидан тортиб то академикларгача турли касб эгалари ўр-  
тасида ўтказилди.

Белгиланган меъёрлар асосида ўтказилган сўров натижалари умумлаштирилиб хulosалар чиқарилди. Бунда аҳолининг ҳар бир қатлами – ёшлар, аёллар, қариялар тўлдирган сўровномаларга алоҳида эътибор берилди.

Шу тарзда ашёвий далиллар түпланди, фикрлар жамланди. Аммо дунёдаги мавжуд ашёвий далил тўпланганда ҳам, агар уни таҳлил ва талқин қилинмаса, бунинг тирноқчалик ҳам нафи бўлмайди. Бундай таҳлил респондентларнинг ёши, жинси, касби, лавозими, маълумоти, яшаш жойи каби белгилар билан вақтни қадрлаш ўртасидаги боғланиш кучини аниқлаш билан ниҳояланди.

Асосий саволдан ташқари савол ости саволларга ҳам қуидаги жавоблар олинди:

1. Вақтни қадрлаш қанчалик осудалигинги таъминлайди?

2. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?
3. Кимлар кўпроқ вақт ўғриси ҳисобланади?
4. Сиз вақтингизни ҳар доим режалаштирасизми?
5. Йилнинг қайси вақтида меҳнат таътилини олишни маъқул кўрасиз?
6. Кимсиз: бошқарилувчими ёки бошқарувчими?
7. Вақтни тежашнинг қайси қоидаларини устувор деб биласиз?
8. Вақтни режалаштиришда нималарга кўпроқ устуворлик берасиз?
9. Сиз учун қайси қун муҳим: кечами, бугунми ёки эртами?
10. Сиз кимсиз: “Тўргай”ми ёки “Бойўғли”? Ёки “Кабутарми”?

## 11.2. РАҚАМЛАР ЗАМИРИДАГИ ҲАҚИҚАТ

999 та анкеталарнинг қайдлар қисмида респондентларнинг “Вақтни қадрлаш қанчалик осудалигинизни таъминлайди?” деган саволга билдиришган фикрларини умумлаштириб гурухларга бўлганда қуйидаги статистик тақсимотлар ва хуносаларга эга бўлдик (2-жадвал).

Сўровномада иштирок этган 999 респондентларнинг 62,9 фоизи, яъни 629 нафар киши вақтни қадрлаш осудаликни жуда юқори, яъни 80-100 фоиз таъминлайди деб жавоб беришган. Уларнинг таркибида диншунослар ўта юқори, яъни 78,9%, сўнг талабалар – 74,5%, сўнг эса мухандислар – 70% га яқини вақтни қадрлаш билан банд бўлган, қалбда айш-ишрат талаби, дунё орзу-ҳаваси, қувончи меърида бўлади.

Уларда тавфик бор, бунинг аломати шуки вақт доимо уларнинг қўз олдида гавдаланиб туради. Беш маҳал фарз намози уларни сергак тутади. Белгиланган вақтидан бир лаҳза ҳам кечикмай намозга улар ҳамиша тайёр турадилар. Бу вақт улар учун олий ҳакам.

135 рақамли анкета соҳиби 66 ёшли диншунос эркақ, маълумоти олий, нафақада, мучали от, шаҳарда яшовчи, респондент юқоридаги саволга қуйидагича жавоб ёзиб юборган:

Касб әгалари нұктай наздарі бүйінча жағоблар

T/p	Касблар	Респондентлар сони	Вактни кадрлаш көнчалик осууда липпизни тағмилдей? (%)			
			үтә паст	паст	үргача	юкори
1	Иктисолдичилар	113	1,4	1,5	8,4	20
2	Мұхандислар	70	—	1,9	9,4	18,9
3	Хукукшunosлар	81	4,9	1,6	9,8	16,4
4	Шифокорлар	44	—	—	12,2	24,2
5	Журналистлар	54	—	—	17,1	22
6	Табибиркорлар	48	—	5,6	30,6	11
7	Диншunoслар	25	—	15	6,6	10,5
8	Давлат хизметчилари	57	8,8	—	17,6	26,5
9	Педагоглар	294	1,4	4,7	12,3	23,6
10	Талабалар	182	2,2	2,2	8	13,1
11	Нафакахүрлар	31	4,3	8,7	21,7	26,2
	Жами	999	2,1	3,3	12	19,7
						62,9

“Исломий ақидаларга кўра, бир кунда адо этиладиган 5 маҳал намоз вақти икки дунё саодатининг қалити саналади”.

355 рақамли анкета соҳиби 39 ёшли эркак, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олаётан сиртқи бўлим талабаси, мучали балиқ, буржи эгизаклар, қишлоқда яшовчи респондент вақтни қадрлаш қанчалик осудалигинги зиң таъминлайди деган саволга қўйидаги жавобни ёзиб юборган:

“Талабалик даврини эслашга уччалик қийналмайман. Негаки биринчи мутахассисликни битирганимга атиги ўн йил бўлибди. У шундай ҳикоя қиласди. Бизда интернет, компьютер, мобиль телефон ва, ўз-ўзидан аёнки, улар орқали кўлга киритилажак имкониятлар йўқ эди, – дейди у. Барча зарурий ахборотни кутубхонадан олардик. Дарсдан чиққач гуруҳ бўлиб қиз-ўғил кутубхонага жўнардик. Ўша ерда фикрлашиб дарс тайёрлардик. Янгиликлар билан танишиш учун газета, журнал, радио, телевидениедан унумли фойдаланарадик. Ишлайдиган талабалар ҳам талайгина бўлиб, бундай талабалик турмуш тарзи кўпчиликка янгилик ёки ҳайратланарли ҳодиса бўлиб туолмасди. Ўзим ҳам учинчи курсдан бошлаб ишлай бошлаганман. Бу менга назарий билимларимни амалий такомиллаштириб борища қўл келган. Ўқиш билан ишни бақамти олиб борган талаба олий ўқув юртини битириб, иш бошлагач, довдираф қолмаслиги тайин. Талаба ҳаммасига имкон топарди. Биз ҳам шундай қилишга баҳоли қудрат интилардик. Ўша пайтлари ётоқхонамиз бўйича икки кишидагина магнитофон бор эди. Аксарият курсдошлар уларнинг хонасига серқатнов бўлишарди ёки илтимос қилиб, хоналарига келтириб қўшиқ тинглашарди. Бундай маданий хордиқнинг эса гашти ўзгача эди. Мусиқанинг, куйнинг қадрини ҳис қиласдик... ва яна дарсга шўнғирдик. Чунки вақтимизни ўғирлайдиган нарсалар кам эди. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бугунги кунда ижтимоий тармоқлардан шунчаки танишлари сонини кўпайтириш учун фойдаланувчилар ҳам оз эмас. Интернетга фақат клип, кино юклаб олиш, ҳар хил олди-қочди сайtlардан bemaza “нар-

са"ларни кўриш учунгина кираётганлар ҳам борки, бу жуда ачинарли ҳол.

Ота-онаси яхши ният билан ноутбук олиб берган талаба уни турли ўйинлар ўйнаш воситасига айлантириб қўйгани ҳам бор гап".

Вақтни қадрлаш ва осудалик ўртасидаги боғланишни жуда юқори баҳолаган (80-100 фоиз). 439 рақамдаги 37 ёшли муҳандис, эркак, маълумоти олий, мучали товуқ, буржи арслон, қон гурухи II, шаҳарда яшовчи респондент ўз фикрларини қуидагича баён қилибди:

"Агарда вақт тушунчасига кенг маънода қаралса, уйқу соатларидан қолган соатлар иш билан ўтади. Ўрта ҳисобда, бир суткада олти соат ухлайман. Демак, асосан "иш куни" 18 соатдан иборат. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, "иш" тушунчасига утилитар нуқтаи назардан қараб бўлмайди, чунки ҳаётнинг турли муаммолари устида тафаккурда бўлиш менинг учун катта ва муҳим иш.

Мен эрталаб, хамма вақт муайян соатда уйғонаман. Шундан кейин бир неча минут ўрнимда ётиб: "буғун нима қилиш керак?" деган саволни олдимга қўйиб, қилиниши лозим бўлган ишларни мияда ўйлаб чиқаман ёки, баъзан, қоғозга ёзиб қўяман. Кечаси эса, бошни ёстиққа қўйганда: "хўш буғун нималар қилинди?" деган саволни қўйиб, мабода мўлжалланган режа бажарилмай қолган бўлса, эртасига албатта бажаришга уринаман, чунки акс ҳолда ишлар тўпланиб қолади."

398 рақамдаги 30 ёшли эркак, маълумоти олий, мучали қуён, буржи тарози, қон гурухи III, шаҳарда яшовчи респондент талабалик билан хайр маъзур қилганига роппа-роса йигирма йил бўлибди. У кишининг ҳам айтимлари юқоридаги 355 рақамдаги талабанинг хотиралари билан қорайиб ўйқаш. У шундай хотирлайди: "Ажаб, ўша пайтлари ривожланиш анчайин суст бўлганини шундай ҳам билса бўларкан. Талаба қорин қайғусини ҳал қилдими, демак, қолган вақтини батамом дарс тайёрлашга сарфлайди. Аммо бунинг учун ҳам йўл юриб кутубхонага бориш керак, зарур китобларни излаб

топиш лозим ва ҳоказо ва ҳоказо... Бироқ бугунги талабани бундай муаммо ташвишга солмайди."

Вақтни қадрлаш қанчалик осудалигингизни таъминлайди, деган саволга умумий 999 нафар респондентларнинг таркибида ўта паст деб жавоб берганларнинг салмоғи 2,1 фоизни, паст – 3,3 ва ўратча – 12 фоизни ташкил этган. Касблар кесимида боғлиқлик энг паст, яъни, тегишли равишида 8,8 ва 17,6 (ўртача) фоиз деб белгилаганилар салмоғи давлат хизматчилирига тўғри келади, жуда юқори деган жавоблар эса барча касблар таркибида энг паст салмоқни (47,1 фоизни) ташкил қиласди.

Қайсиdir бир маънода бу рақамлар реал ҳаётга тўғри келади. Сабаби файри қонуний ва жиноий ишларни узокроқ суриншириш, у билан алоқадор томонларни аниқлаш қўп вақтни талаб қиласди. Ва бу ҳол уларнинг осудалигини таъминлашга эмас, балки хотиржамлигига акс таъсир қиласди: шу туфайли уларнинг жавобларидағи юқори даражадаги боғлиқлик кўрсаткичи ҳам жуда паст (47,1%).

Жуда юқори (86-100%) даражадаги боғланишнинг пастлиги нафақаҳўларда ҳам кузатилди (39,1%). Албатта, уларга кўпроқ ором керак. Уларнинг сиҳат-саломатликларини сақлаш, тиклаш ва мустаҳкамлаш учун вақт бемалол, сув тикин бўлиши лозим, вақтнинг зиқлиги, bemalol bўlmasligi уларнинг хотиржамлигига акс таъсир қиласди.

Шу ўринда,

---

**Гап келди:**      Вақт ўзи ноёб нарса, бунинг устига ундан унумли фойдаланмасангиз, ҳеч нарсанинг уддасидан чиқаолмайсиз. Кузатувлар натижаси шуни кўрсатади, диндорлар ва диншунослар, талабалар ва муҳандислар учун ҳар бир лаҳзадан ўз вақтида ва ўша микдорда фойдаланиш уларнинг осудалигини жуда юқори даражада таъминласа, давлат хизматлари учун суринширувнинг мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида вақтнинг bemalol bўlmasligi осудалигини юқори даражада бўлишини таъминлар экан.

---

Муқояса маңносида айтадиган бұлсақ, бириңчи тоифадаги касб әгалари, яғни диндорлар, талабалар ва мұхандислар ҳар бир лақзанинг ўз вақтида бўлишини олий ҳакам деб тушуниб “Бугунги ишни эртага қўйма” нақлини шиор қилиб олишган бўлса, иккинчি тоифадаги касб әгалари, масалан, давлат хизматчилари ва хукуқшунослар: “Бугунги жаҳлни эртага қўй” кабилида иш тутадилар.

281 рақамли анкета соҳиби 58 ёшли эркак, хукуқшунос олим, фан доктори, мучали түнгиз, буржи қўй, қон гурухи I, шаҳарда яшовчи респондент жаҳл ва вақт хусусида шундай ёзди:

“Жаҳл – ақл душмани. Жаҳл келганда ақл кетар, деб бејиз айтмайди халқимиз. Ақл бор жойдан эса жаҳл чекинади. Шундай экан, сиз доимо ақлга ёр бўлинг, жаҳлдан қочинг. Шунда ҳаётингиз осойишта кечади. Аксинча жаҳл отига минсангиз, беихтиёр хато, ва гуноҳ ишларни қилиб қўясиз. Жаҳлдан тушганингиздан кейин эса қилимишингизга пушаймон бўласиз. Лекин, афсуски, унда кеч бўлади. Жаҳл устида қилиб қўйган хатойингизни тузатиб бўлмайди. Шунинг учун жаҳлингиз чиқса уни босишга ҳарақат қилинг, жаҳл устида қиласидан ишларингиздан тийилинг. Ҳоврингиздан тушиб, ўзингизни босиб олгач, аминманки, ўша ишни кейинга қолдирганингиздан хурсанд бўласиз”.

Шу ўринда жаҳл устида ўзининг яккаю ягона ўғлини ўлдирмоқчи бўлган савдогар ҳақидаги ривоят хамма учун фойдали деб биламан.

*Ривоят*

### БУГУНГИ ЖАҲЛНИ ЭРТАГА ҚЎЙ!

Бир киши ҳомиладор хотинини ота-онасига қолдириб, узоқ мамлакатта савдогарчиликка кетибди. У ерда иши юришиб кетибди. Тўплаётган бойлигига қизиқиб, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга йўл олибди. Кейин яна бошқасига. Бойлик топишга маҳлиё бўлиб орадан йигирма йил ўтиб кетганини билмай қолибди.

Топган мол-мулки бир умр ишламай еб ётса ҳам етиб ортадиган бўлгачгина уйига қайтишга қарор қилибди.

Бойликларини каттакон карвонга ортиб келаётганида йўл ёқасидаги бозорга кириб қолибди. Қараса бир киши тумонат одамни йигиб олиб:

– Эй одамлар! Ким менга юз тилла берса бир ҳикмат айтаман, – деяётганимиш. Одамлар эса унинг устидан кулиб:

– Эй нодон, юз тилла топган одам ақл ҳам топади. Ким сенга бир ҳикматинг учун юз тилла беради? – дермиш.

Ҳаддан зиёд бойликка эга бўлган савдогарга бу ҳолат қизиқ туюлибди. “Кел, – дебди ўзига-ўзи, – юз тилла билан бойлигим камайиб қолармиди. Шундай бўлгач, бу одамга юз тиллани бериб кўрай-чи, қани, у қандай ҳикмат айтаркан?”

Савдогар у одамга юз тиллани бериб:

– Қани, айт, ўша ҳикматингни, – дебди.

У одам:

– Бугунги жаҳлни эртага қўй, – дебди.

– Шу холосми ҳикматинг? – сўрабди савдогар.

– Ҳа, шу.

“Бугунги жаҳлни эртага қўй”, деган гапни юз тиллага сотиб олган савдогар лом-мим демай, дарди ичида кетибди.

У йўл юрибди, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Нихоят қоқ ярим тунда уйига етиб келибди. Қараса кўча дарвозаси ичкарисидан кулфланган экан. Ўйлаб-ўйлаб хотинини безовта қилмай девордап ошиб тушишга қарор қилибди. Ҳовлига кириб уй деразасидан қараса ўриндиқда бир йигит донг қотиб ухлаб ётибди.

Савдогарнинг жони ҳиқиқидогига келибди. Кўзига дунё қоронги бўлиб кетибди.

– Мен шу хотинимни деб ёт ўлкаларда сарсон-саргардон бўлиб, пул топиб келсаму у бу ерда бегона эркак билан...

– деб тутакиб, жаҳл отига минибди. Ёнидан шартта ханжарини суғуриб, бегона эркакнинг тепасига келибди. Кўксини нишонга олиб ханжарини санчаман, деб турганида йўлда юз тиллага сотиб олган ҳикмати эсига тушибди-да, жаҳл отидан тушиб, ўзга хонада ётган хотинини уйғотибди:

- Бу ётган эркак ким? – деб сүрабди жаҳлини аранг босиб.  
– Вой, дадаси, яхши, сог-саломат келдингизми? Бу ўглингиз-ку! Сиз сафарга кетаётганингизда бошқоронги эдим-ку. Ўша-да. Кўрдингизми, каттакон йигит бўлиб қолди. Худди ўзингизга ўхшайди-я, каранг.

Аёл шоша-пиша ўғлини уйғотибди. Ота-бала қучоқлашиб кўришишибди. Кувончларидан ҳаммалари ўзларини тутолмай йиғлаб юборишибди.

Савдогар жаҳл устида ўз ўғлини ўлдириб қўймаганига шукроналар айтиб ҳикматгўй кишига берган юз тилласига минг бор рози бўлиб, уни дуо қилибди.

Қиссадан ҳисса ўрнида,

---

Гап келди: Азизлар!

Ҳар қандай ғайри қонуний иш, ҳар қандай иймонли кишини ғазабини қўзғайди. Нима учун у била туриб шу қалтис ишга кўл урди, деб ўзига-ўзи савол беради. Бир томондан ғазаби тутса, иккинчи томондан инсон сифатида раҳми ҳам келади. Бу ерда вақтни тежаш эмас, балки суриштирув ишларининг пухта ва шаффоф бўлиши, ҳамда, қабул қилинадиган қарорларнинг адолатли бўлиши учун давлат хизматчилари, яъни, терговчилар, прокурорлар, адвокатлар, бир сўз билан айтганда хуқуқшунослар шошқалоқликка йўл қўймайдилар.

Бугунги жаҳлни, ғазабни эртага сурадилар. Шошқалоликка йўл қўймайдилар. Суриштирув ишига қанча вақт талаб қилинса, шунча вақтни сарфлайдилар. Жаҳл – ақл душмани, деб шунга айтадилар-да. Жаҳл отига минманг, доимо ўзингизни қўлга олинг. Оғир-босик бўлинг, кейин пушаймон бўлмайсиз. Кейинги пушаймон – ўзингита душман, дейдилар!

---

### 11.3. БҮШ ВАҚТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

Хаётда шундай дақиқалар бўладики, афсуски уларни қайтаришнинг иложи йўқ ва уларнинг асосини вақт ташкил этади. Вақting кетди – нақдинг кетди – деб шунга айтадилар. Бекор ўтказилган вақтни қайтариш учун ҳатто сизнинг дарё-дарё кўз ёшингиз ҳам ёрдам бермайди. Вақт ростан ҳам бекорга ўтадими ёки биз уни шундай ўтказамизми? Вақт бизнинг қўлимиизда экан, унинг бекор ўтказилганлигига биз фақат ўзимизнигина айблашимиз мумкин. Гарчи одамлар ҳаётининг давомийлиги ҳар хил бўлсада, аммо бизларнинг барчамиз учун бир сутка 24 соатдан иборат. Ва бу соатлардан қандай фойдаланиш ўзимизнинг қўлимиизда.

999 нафар респондентлар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари бир суткада 24 соатнинг қандай сарфланганлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

24 соатнинг сарфланишдаги улушлар

T/p	Сарфланадиган вақт	Соат	%
1	Уйқуга	8,1	33,7
2	Ишга	8	33,3
3	Овқатланишга (эрталаб нонушта, тушлик ва кечкурунги овқатланиш)	2,5	10,4
4	Транспортда юриш	1,7	7,1
5	Бўш вақт	3,7	15,5
	Жами	24	100

Уйғонамиз. Нонушта қиласиз-у, ишга жўнаймиз. Шом қорайгач, уйга қайтамиз. Соат миллари ўн иккига бонг урганда деворда осиғлиқ турган тақвим “эскиради” ва ўзида саксон олти минг тўрт юз сонияни жамлаган умрнинг яна бир куни тамомланади. Милион-миллион лаҳзалардан иборат ҳаётимиз шу зайлда ўтаверади-ўтаверади...

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 114-116-моддаларига мувофиқ:

Ходим учун иш вақтининг меъёридаги муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Социологик сўров маълумотларидан кўриниб турибдики, инсон умрининг энг катта қисми уйқуга кетар экан. Шифокорлар бу физиологик жараённинг саккиз соати инсон учун меъёр эканлигини аниқлашган. Бу бир ойда 240 соат (10 кун), бир йилда 2920 соат (121 кун), ўттиз йилда 3652 кун (10 йил) бўлади. Бу ўртacha ҳисобда 60 йил яшайдиган одам ҳаёти давомида 20 йил ухлайди дегани. Қолгани эса – ўқиш, ишлаш, овқатланиш, маданий ҳордик, чиқариш, транспортда юриш, телефонда гаплашиш, инсонлар билан мулоқотга киришиш на бошқа мақсадларга сарфланади.

Мазкур тақсимотда сутканинг яна бир катта қисмини ўқиш ва иш ташкил қиласи, яъни унинг салмоғи 33,3 фоизни ёки 8 соатини, сўнг вақт 15,5 фоизни ёки 3,7 соатни ташкил қиласи. Ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра ўзбек аёллари фарзандлари билан шуғулланишга бўш вақтларининг 9,1 фоизини сарфлаши маълум бўлди. Эркаклар эса бу вақтнинг 5,6 фоизини шу иш учун ажратар экан.

“Бўш вақт” деб ижтимоий гурӯҳ ва умуман жамиятда зарурий равишда сарфланадиган унумли вақтдан ортиб қоладиган, яъни ишдан ташқаридаги вақт қисмига айтилади. Инсон жамиятда элга зарар билан эмас, фойдаси билан азиз. Ақлли ёшлар вақтларини бекорга ўтказмайдилар. Файрат билан ўқиш, ишлаш, дарсдан кейин қўшимча таълим хизматидан фойдаланиш, ҳунар ўрганиш, спорт билан шуғулланиш, компьютер сабоқларини эгаллаш уларнинг турмуш тарзига айланган. Аммо айрим дунёқарashi паст, дискотекаларда, мазмунсиз оҳанглар остида жазавага тушиб, ўзини кўз-кўз қиласидиган, гиёхванд моддалар истеъмол қилиб, умр отлик неъматни бой бериб қўяётган ёшлар озми?

Хүш, респондентларнинг бўш вақтдан фойдаланиш хақи-  
даги фикрлари қандай экан? Қўйида ана шулар тўғрисида:

**37 рақамли анкета соҳибаси**, 36 ёшли педагог, боғча тар-  
биячиси, мучали қуён, буржи бошоқ, қон гурухи 1, шаҳарда  
яшовчи, олий маълумотли респондент сўров анкетасининг  
қайдлар қисмида қўйидагиларни ёзиб юборган:

“Иш вақтим эрталабки саккиздан кечки бешгача. Уйга кел-  
гунимга қадар соат олти атрофида бўлади. Табиийки, келгач,  
аввало овқат тайёрлаш, уйни озроқ бўлса-да тартибга келти-  
риш каби юмушлар билан шуғулланаман. Кейин овқатлана-  
миз. Шундан сўнг фарзандларимнинг тайёрлаган дарслари-  
ни текшираман. Бунга ярим соат ёки 45 дақиқа ажратилади.  
Албатта, мактабдаги янгиликлар, олган баҳолари ҳақида  
сўрайман.

Овқатланиш 45 сониядан ошмайди. Чунки 46 сониядан  
бошлаб ўтган дилхираликлар, нохушликлар эсланади, таби-  
ат хиралашиб кайфиятнинг бузилишига сабаб бўлади”.

**52 рақамли анкета соҳиби**, 52 ёшли эркак, педагог, та-  
рихчи олим, фан доктори, мучали қуён, буржи бошоқ, қон  
гурухи 1, қишлоқда яшовчи респондент қўйидагиларни баён  
қилган:

“Вакт қизиқ нарса: у оқар сув, таралган нур каби тез  
ўтади. Араб шоири Абул Фаррож умр ҳақида шундай деган  
екан: “Одам табиатан қизиқ яратилган – бойлигини йўқотса  
хафа бўлади-ю, умр зое кетаётганига эса парво қилмайди”.  
Тўғри, баъзан вақтимизни ўғирлатиб қўйсак, парво қилмай-  
миз. Бу нотўғри. Вакт – олтиндан қиммат. Мен бўш вақтла-  
римда отамнинг соҳалари бўйича Ўрта Осиё фалсафаси тари-  
хи билан қизиқиб шуғулланаман, бадиий адабиётлар ўқий-  
ман.

Гулни жуда яхши кўраман. Бўш вақтларимда уларни суго-  
раман, чопиқ қиласман, парваришлайман. Дам олиш кунлари  
вақт бўлса фарзандларимни олиб Арнасойга, Чордарага ба-  
лик овига чиқаман.

Хуллас, вақтни қадрлаган одам умр лаззатини, ҳаёт маъно-  
сини тушунган бўлади”.

88 рақамли анкета соҳиби, 61 ёшли педагог, кибернетика соҳаси бўйича фан доктори, академик, мучали маймун, буржи эгизаклар, қон гуруҳи II, шаҳарда яшовчи респондент сўров анкетасининг қайд учун ажратилган қисмида қўйида гиларни ёзib юборган:

Менинг ёшим олтмишдан ошиди. Ҳозир иш шунчалик кўпки, бўш деган нарса эсдан чиқиб кетган. Бизнинг хунаримиз – илм. Бу шундай нарсаки, у иш куни, иш соати нима эканлигини билмайди. Илм билан ҳаммавакт, кечасию-кундузи, дам олиш кунлари, ҳатто-ки, отпускадалик пайтлари ҳам машғул бўлишга тўғри келади. Шундай бўлса-да, одам барибир дам олиши керак-ку. Бундай пайтлари дилга яқин, ҳамфир дўстлар ва шогирдлар билан сўлим тоғларга чиқиб, тоза ҳавода дам оламан. Табиат қўйнида қўлимга қалам-қоғоз олиб ишлашни ёқтираман. Оний фикрлар қоғозга тушгунча руҳий тинчлик бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Ана шундай ўй-фикрлар ёзив бўлингандагина, роҳат бағишловчи ҳислар пайдо бўлади. Мабодо яна ўша бўш: вақт топилтудек бўлса, янги-янги нарсаларни ўқишига ва ёзишига интиламан. Бундан ташқари, битилмаган китоблар, мақолалар, ултурмаган ишлар ҳакида ўйлайман. Борган сари бундай ишлар миқдори кўпайиб кетаётгандай қўринади.

Шу ўринда,

---

Гап келди: Эҳтимол, сиз ўзингиз бўш вақтингизда нима билан шугулланасиз, деб сўрарсиз?

Мен бўш вақтимда, банд бўлган вақтимдан ҳам қўпроқ банд бўламан. Пир – устозларнинг мақаддас китоблари ҳамда мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини мutoала қиласман.

Мумтоз куй ва қўшиқларни мириқиб тинглайман. Гоҳо-гоҳо ёлғизлиқда, танҳоликда осуда, хотиржам, тинч жойда бўш вақтимни ўтказаман.

---

252 рақамли анкета соҳиби, 73 ёшли эркақ, ҳуқуқшунос олим, фан доктори, мучали маймун, буржи ёй (камон), қон

турухи III, шаҳарда яшовчи респондент, бўш вақт тўғрисида-  
ги фикрларини қўйидагича баён қилган:

“Бошқа олимлар сингари мен ҳам бўш вақтимнинг кам-  
лигидан, аниқроғи йўқлигидан азият чекаман. Лекин оз бўл-  
са-да, уни қидириб топаман. Мен бўш вақтимда бадиий ада-  
биёт муроала қилишни жуда севаман. Чунки киши руҳи учун  
энг яхши маънавий озуқа – бу муроаладир.”

**17 рақамли анкета соҳиби**, 71 ёшли эркак, педагог, раҳ-  
бар ходим, фан доктори, мучали тўнгиз, буржи балиқ, шаҳар-  
да яшовчи респондентнинг жавоби жуда қисқа бўлган:

“Бўш вақтларимда ёру-дўстлар билан бўлиб ширин сух-  
бат қуришни яхши кўраман, пиёда юришни, тоғ ва далалар-  
ни кезиб, томоша қилишни ёқтираман”.

**170 рақамли анкета соҳиби**, 71 ёшли эркак, тарихчи  
олим, фан доктори, академик, мучали ит, буржи тоғ эчкиси,  
шаҳарда яшовчи респондент бўш вақт тўғрисида ўз фикрла-  
рини қўйидагича баён этган:

“Илм билан машғул бўлган одамнинг бўш вақти бўлма-  
са керак, чунки ҳар доим мияда илмга алоқадор масалалар  
айланиб юради. Хизматдан ташқари вақт ҳақида гап борган-  
да, бундай вақтларда оилас билан, дўстларим билан бир-  
га бўлишни, газета-журналлар кўришни, кино, театрларга  
бориб туришни маъқул кўраман”.

**502 рақамли анкета соҳиби**, 57 ёшли эркак, муҳандис, фан  
доктори, раҳбар, мучали сичқон, буржи арслон, қон турархи I,  
шаҳарда яшовчи респондентнинг, “бўш вақтингизни қандай  
ўтказасиз?” деган саволга қўйидаги жавобларни берган:

“Бўш қолган вақтларимда мусиқа тинглашни, ўзим ёқтирган  
хушвоноз хонандалар ижросида қўшиқлар эшитишни  
яхши кўраман. Дилимга маъқул тушган кўйларни скрипка-  
да, рубобда, доирада баъзан ўзим ижро этаман. Шанба ва як-  
шанба кунлари қадрдан дўстларим билан улфатчилик қилиб  
турман.

**402 рақамли анкета соҳиби**, 28 ёшли, 2-босқичли магис-  
трант, эркак, мучали илон, буржи сигир, қишлоқда яшовчи  
респондент ўз жавобини батағсилроқ қилиб ёзиб юборди:

– Ҳар бир вазифа, белгиланган топшириқ ёки олдинга қўйилган мақсад ўз вақтида адо этилмоғи лозим. Бунинг вақтида бажарилмаслиги ёки эртанги кунга қолиши қолган ишга қор ёғиши билан баробар. Бу кимгадир қилинган ваъданинг бажарилмай қолиши ёки мўлжаллаган ишингизнинг орқага суримиши дегани эмасми? Унутмаслик керакки, қилиниши лозим бўлган ишни бажариш учун юзага келган вазият ҳам такрорланмаслиги мумкин.

“Эрта турсанг Аллоҳ ризқингни зиёда қиласди” деган нақл бор. Ҳар бир киши ўз ҳаракати билан мана шу ризққа замин яратади, яъни эрта турган инсоннинг иш куни эртароқ бошланади. У талаба бўлса, ўқишга шошмасдан тайёрланади ва айрим ёдидан кўтарилган ишларини ҳам қилишга улгуради. Уй-рўзгор юмушларини ўқишга кетгунга қадар бажариб олганга нима етсин?

Эрта турсангиз, дарсга кечикмасдан етиб борасиз. Институтимизда машғулотлар қатъий тартибда белгилангани вақтга нисбатан тўғри тақсимотни йўлга қўйишимизни талаб қиласди. Ҳар куни икки ёки уч жуфтлиқдаги машғулотда профессор-ўқитувчилардан маъруза тинглаймиз, баъзан баҳс-мунозараларга йўл очилади. Илмий раҳбарим, устозим билан биргаликда қуий босқич талabalарига дарс ўтиш маҳоратини эталляяпман. Ҳафтасига у киши билан 8 соатлик дарс ўтиш жараёнида талabalар аудиториясини қандай жалб қилиш бўйича билим ва тажриба тўплаяпман.

Биз талabalарнинг дарсдан кейинги бўш вақтимиз ўз ихтиёримизда. Бошқа тенгқурларимни билмадиму, мен институтимиз “Ахборот-ресурс маркази”да кўпроқ бўламан. Бу масканда фақат китоб ёки турли нашрлардан эмас, балки уларнинг электрон шаклларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Хорижий олимларнинг юриспруденция йўналишидаги диссертациялари билан танишишга ҳаракат қилияпман.

Вақтини тежаган, уни бўлар-бўлмас ишларга сарфламайдиган тенгқурларимга ҳурматим баланд. Уларнинг ўз кун тартибини бузгилари келмайди ва тўғри қиласдилар. Ҳеч

қачон вақт инсон хукмига бўйсунган эмас, аксинча унга биз тобемиз...

Бўш вақтнинг қадрини ўлдирадиган, куни бўйи интернет, турли хил сайtlар ва мобил телефонлардан бўшамайдиган тенгқурларимга ачингим келади. Ахир, бехуда ўтказилган вақт тўғрисида армон қиласидаги кишиларга қолган вақтдан ҳам оқилона фойдаланиш насиб этмайди-ку!"

Киёс

## ХОРИЖЛИК ТАЛАБАНИНГ БИР КУНИ

Европанинг шимолий гарбий-қисмида жойлашган миттигина Дания мамлакатида, Копенгагендаги Талабалар шаҳарчаси 13-ётоқхонанинг 35-хонасида мириқиб ухлаётган Даниэл қулоги остида соат бирдан жиринглаб қолди. У бу ҳолатдан сесканиб, уйқу аралаш дарҳол соатга қаради. Соат 7<sup>00</sup>. Дарс бошланишига ҳали 2 соат вақт бор. "Яна озроқ ухласамми? Дарсга ҳали эрта экан. Ёки ҳозир туриб, дарсларимни яна бир маротаба такрорласам қандай бўлади?", дея бир оз иккиланиб турди. Қуёш нурларидан хонанинг ичи ёришиб кетгани учун Даниэл бошқа ухломади. Секин, аста жойини йиғиштириб, сочиқ, совун, тиш ювгични олди-да ювиниш хонасига кетди. Даниэл ювиниш хонасида бир ўзи ювинар экан, кеча информатикадан бўлиб ўтган имтиҳонни муваффақият билан топширгани ёдига тушди. Ва беихтиёр "бу менинг университетдаги илк муваффақиятим" дея кулиб қўйди. Даниэл ҳар кунги одатига кўра нонуштадан олдин кийиниб, бугунги дарсларни бир йўла такрорлаб чиқди. Соат 8<sup>00</sup> ни кўрсатган вақтда Даниэл нонушта қилиш учун қават ошхонасига бориб, курсдош ўртоқлари билан биргаликда овқатланди. Улар билан анча вақтгача ошхонада сухбатлашиб ўтирди Чет давлатлардаги ётоқхона шароитлари бизнинг ётоқхона шароитларидан мутлақо бошқача. Яъни ошхоналар ҳар қаватда дам олиш хонаси билан бирга бўлиб, 100-120 нафар талаба учун мўлжалланган. Улар бу ерда овқат пиширишади, туғилган кун ёки турли хилдаги тадбирларни ўтказишади. Бундан

ташқари, ҳар бир ошхонада икки нафар ошпаз ва навбатчи аёллар талабалар хизматида бўлиб ошхонага, қават тозалигига эътибор бериш, талаба буортма берган овқатларни ўз вақтида муҳайё қилиш билан банд. Даниэл нонушта қилиб бўлгач, ётоқхона ёнидаги белгиланган майдончадан "Теймис" ("Teymis") номли тезюарар велосипедини олиб, "Копенгаген" Университети томон йўлга чиқди. Бугун ҳам доимий вақтда чиққани учун кўчада талабалар оқимига қўшилиб кетаётib курсдош-ўртоқларини кўрди. Унинг дўстларида ҳам шундай тезюарар велосипедлар бўлиб, ўқишга қатнашлари, турли жойларни айланиб, саёҳат қилишлари учун Университет томонидан "талабаликка мукофот" сифатида берилган. (Айни пайтда хорижий давлатларда метролар, поездлар, автобус, машиналар энг асосий транспорт воситаси ҳисобланса-да, аҳолининг кўпчилик қисми велосипед ҳайдашни хуш кўради. Ҳатто, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳисобланмиш Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида, Европанинг аксарият қисмida, шунингдек, Хитой, Япония, Сингапур, Корея, Индонезия, Малайзия ва бошқа кўплаб давлатларда велосипед ҳайдаш, ундан унумли фойдаланиш (бизга нисбатан) жуда кенг тарқалган. Хориждан меҳмон сифатида ташриф буориб, айланиб саёҳат қиласидиган бўлса, унга давлат томонидан (агарда хужжатлар расмийлаштирилган бўлса) бепул тезюарар велосипедлар берилади ва у қандай берилган бўлса худди шундай қайтарилиши лозим. Ётоқхона билан Университет орасида 4 километрлик масофа бўлиб, Даниэл бу йўлни 15-20 дақиқа ичидá босиб ўтди. Университетга етиб келгач, "Теймис"ни белгиланган майдончага кўйиб, дўстлари билан бирга факультет томон кетди. Биринчи дарс "Халқаро иқтисодий муносабатлар". Дарс бошланишига ҳали 15-20 дақиқа вақт бор. Деярли аксарият талабалар ўз жойларида. Улар қатори Даниэл ҳам аудиторияга кириб ўтирди. Орадан озгина вақт ўтгач, домла ҳам эшик ёнида пайдо бўлиб, талабаларни бир қатор кўздан кечирди. Домла дарсни бошлашдан аввал дастлаб компьютерда терилган материалларни талабаларга адабиёт сифатида тарқатиб чиқди.

Бугунги дарс асосан маърузадан иборат бўлгани учун домла ўзи тарқатган материаллардан фойдаланиб, 90 дақиқалик дарсни бошлади. Маърузада асосан давлатларда рўй берадиган иқтисодий инқирозлар, халқаро савдонинг ички ва ташки амаллари, банк-молия тизимлари, маркетинг бозорларидағи аҳвол, валюталарнинг эркинлиги, завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўсиши, турии хилдаги хомашё материаллар, шунингдек, табиий ресурсларга, темир, мис, газ, олтин, нефтиларга бўлган эҳтиёжлар, жаҳон бозорида экспорт ва импорт савдо операцияларининг бориши, умуман олганда, XXI аср бўсағасида турган давлатларда энг муҳим ўзгаришлар хақида талабаларга маълумот берди. Дарс давомида талабаларни қизиқтирган баъзи саволлар, мулоҳазалар, эътирозлар биргаликда атрофлича муҳокама қилинди. Шундай қилиб, 1-дарс ҳам баҳс-мунозара билан поёнига етди. Талабалар икки ярим соатлик катта танаффусга чиқиб кетишиди. Даниэл ҳам вақтини беҳуда ўтказмаслик учун университет қошидаги “Талабалар кутубхонаси”га чиқди.

Навбатдаги дарс инглиз тили. Дарс ҳам бошланди. Домла 5 усуллик дарсини талабалар билан оғзаки ва ёзма тарзда ўзаро савол-жавобда ўтказиб, берилган топшириқларни бирма-бир сўраб чиқди. Шу тариқа дарс ҳам тугади.

Талабалар домла билан хайрлашиб, ҳар томонга тарқалишиди. Кимdir ишига кимdir ётоқхонага, яна кимлардир курсдошлари билан айланишга. Даниэл ҳам белгиланган майдончадан тезюорар велосипедини олиб, Алекс исмли англиялик дўсти билан шаҳарни айланишга чиқди. Бир-бидан гўзал музейлар, қизиқарли театр томошалари, хилма-хил паркларни айланиб катта таассурот олишиди. Бугун ҳафтанинг охирги куни бўлгани учун анъанавий кеча ўтказиш навбати Даниэлга етганди. Даниэл ётоқхона ёнидаги “Талабалар бозорига бориб, дастурхонни безаш учун зарур бўладиган барча нарсаларни ҳарид қилди. Гарчи бозор расталаридаги маҳсулотлар бирмунча қиммат бўлса-да, талабаларга умуман қийинчилик туғдирмасди. Чунки университет томонидан

бериладиган 700-800 долларлик стипендия талабаларнинг еб-ичишлари, кийинишлари, айланишларга бемалол етарди.

Соат 20<sup>00</sup>. Теварак-атроф қоронгулашиб, кеч тушганда 13-ётоқхона ҳар кунгидек талабалар билан гавжум эди. Деярли ҳамма хоналарда электр чироқлари ёқилган бўлиб, кимдир ошхонада овқатланаяпти, кимдир телевизор кўраяпти, яна бирор дам олиш хонасида дарс қиласяпти. Даниэл ҳам дўсти Алекс ёрдамида дастурхонга турли ноз-неъматлар, ширинликлар, ичимликларни чиройли қилиб қўйиш билан овора эди.

Орадан деярли ярим соат вақт ўтди. Турли мамлакатлардан қарийб 25 нафар талаба-ёшлилар меҳмон сифатида ташриф буюришди. Даниэл уларни самимият ва очиқ кунгиллик билан кутиб олди. Ўртага эса меҳмонларга атаб барча нарса, немис пивоси, гамбургер, пицца тортилди.

Шу тариқа 13-ётоқхонанинг 35-хонасида то ярим тунгача электр чироги ўчмади.

Қиссадан ҳисса ўрнида,

Гап келди: Азиз болалар ва қизлар! Агар шу хориждаги талабага ўхшаб ҳар бир талабанинг кунлик сабоқдан сўнг қиласиган одатий юмушларидан ортган вақтини ҳисобласа, дарс тайёрлаш, ўз устида ишиш, билим доирасини кенгайтириш, дунёқарашини ўстириш, ўз соҳасига оид янгиликлар билан танишиш учун қанча фурсат ёнга қолаётганини сезяпсизми? Агар у вақтдан унумли фойдаланаётган бўлса, аллақачон ўзига “кўёл билан тиклаб бўлмас ҳайкал” (Пушкин, “Exedi monumentum!”) қўйган боболаримиз сингари даҳо бўлиб кетмасмиди?

### Яна бир гап

Умуман вақт, хусусан, бўш вақтнинг қадрини ўлдираётган кашандалар, ароқхўрлар ва гиёҳвандлар ҳақида бир икки оғиз сўз айтмоқни жоиз деб билдим.

Масалан, вақтни бесамар ўтказадиганлардан – чекувчилар бир кунда ўртача ҳисобда 10-12 дона сигарета чекади. Битта тамаки чекиш учун 5-6 дақиқа сарф бўлади. Улар йиғилиб бир кунда 1 соат, ойда 30 соат, йилда 365 соатни жамлайди. Олтмиш йил яшаган чекувчи 20 ёшидан чекишни бошлаган бўлса, умрининг 40 йилида 14610 соат (кабиса йили билан қўшиб ҳисоблаганда)ни, яъни 608 кунни тамаки тутатишга соvuради. Демак, уларнинг 1,5 йилдан кўпроқ умри ҳавога учар экан. Эҳ-хе, бу вақт мобайнида қанчадан-қанча ишларни бажариш мумкин. Мисол учун, учта чет тилини пухта ўрганиш ёки мингдан ортиқ газета ё булмаса, юзга яқин бадиий китобни бемалол ўқиб чиқса бўлади.

Биз тамакининг фақат инсонлар вақтини ўғирлашинигина ҳисобладик. Чекувчининг ўзи ва атрофидагиларнинг соғлиғига, экология ҳамда чўнтакка етказадиган заари, бизнингча, электрон ҳисоблагич хоналарига сигмаса керак. Агар чекувчилар ўша бир ярим йил ичидаги миллион-миллион лаҳзаларни ҳеч бўлмаганда ухлашга сарфлаганидами, ер юзида ҳар йили 5 миллиондан зиёд инсон чекиш туфайли ҳаётдан кўз юммаган бўлармиди?..

Айни лаҳзаларда дунёда 7 миллиарддан зиёд юрак уриб туриди. Шу лаҳзаларда жажжи юракчалар туғилаётir. Яна қайсиdir юраклар депсинишдан тўхтамоқда. Бироқ, ҳаёт давом этаверади, лаҳзалар ўтаверади. Шундай экан, ҳозирданоқ вақтнинг ғанимат эканини ҳис қилиб, ҳаётингизнинг кўз илғамас митти-митти бўлакчалари саналган қимматли сониялар давомида асрларга татигулик юмушларни бажариб, умрингизни мазмунли ўтказинг!

Филжумла ўрнида,

**Гап келди:** Азизлар! Биз кўпинча соғлиғимиз учун заарли бўлган одатларни билиб туриб, уларни тақрорлашни қанда қилмаймиз. Жумладан, сигарет қутисидаги “чекиш ўпка ракига олиб келади”, деган ёзувни тамаки тутатиб, ўқиб қўяверамиз. Ёхуд, “алкоголни меъ-

ёридан ортиқ истеъмол қилиш ўлимга сабаб бўлади”, деган сўзлар ёзилган шишага пиёла чўқишишибириб отаверамиз. Гиёҳвандлик ёхуд наркомания-чи?

Бу – бангилик, кархатлиқдир. Ушбу ўта қалтис ийўлга қадам қўйган шахс ўзининг одамлик қиёфасини мутлақо йўқотади. Инсонийлик обрў-эътиборидан маҳрум бўлади. Рухан ва жисмонан носоғлом бўлиб қолади. Касбидан айрилади. Нима иш қилишига ҳатто ақли ҳам етмай қолади ва охир оқибат ишсизликка дучор бўлиб жиноий ишларга қўл уради. Вақт улаар учун бир пул.

Энг ачинарлиси ўзидан қатор-қатор наслларни колдиради.

#### 11.4. КИМЛАР КЎПРОҚ ВАҚТ ЎҒРИСИ ҲИСОБЛАНАДИ?

Ўзбекистон ҳалқ шоири Омон Матчоннинг қаламига ва Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ҳалқ артисти Ортиқ Отажонов маҳоратли ижросига мансуб ўша машҳур “Умр ўтар, вақт ўтар...” кўшиғидаги бу дил ноласини тинглаб, аксариятимиз маҳзун ўй-хаёлларга ботишимиз рост. Умрни ўткинчи, вақтни эса энг олий ҳакам деймиз ўзимизча.

Лекин афсуски, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганларидек: “Икки нарса борки, кўпчилик уларни қадрига етмайди: бири – соғлиқ, иккинчиси – бўш вақт”. Киши умрининг ҳамма соатларини, ҳатто дақиқаларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдириши керак, токи қайғу-алам бош суқадиган бўш жой қолмасин.

999 нафар респондентлар ўтасида ўтказилган социологик сўров натижаларии, ВАҚТ аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрини ўлдиришга мойил бўлган кишиларнинг анчагина борлигини кўрсатди (4-жадвал).

## Яроқсиз дақиқалар, соатлар...

Т/р	Вақтни гүмдөн қиладиган омиллар	Ким күпроқ вақт ўғриси хисобланади (%)		
		жами	ш.ж.	
			эркаклар	аёллар
1	Телефон титкилаш, ғийбат қилиш, бекорчи олди-қочди гаплар	100	29	71
2	"Гап", "Гаштак", чойхона ўтиришлар	100	57	43
3	Хорижий сериаллар	100	15	85
4	Интернетдаги бекорчи ўйинлар ва сайларга кириш	100	53	47

Қимматли вақтини телефон титкилаш, ғийбат, ҳасад қилишга аёлларнинг 71, эркакларнинг 29 фоизи сарфлар экан. Хорижий сериаллар аёлларнинг 85 фоиз ва эркакларнинг 15 фоиз вақтини гүмдөн қиласар экан. Буни қаранг-ки, "Гап", "гаштак" ва "чойхона" ўтиришлар, деярли бир хилда эркакларнинг ва аёлларнинг вақтини ўғирлар экан.

Худди шу нисбат интернет сайларига кириш, турли бемаза ўйинларни тамошо қилишга сарфлашлари кузатилди, яни, ушбу омил эркакларнинг 53 фоизини, аёлларнинг эса 47 фоизини ташкил қиласар экан.

Боз устига, аксарият катта ёшдаги кишилар ижтимоий тармоқлар таъсирига шу даражада берилиб кетишганини, ҳатто шу тармоқлардаги ёзишувлар сабаб айримларнинг оиласлари бузилиб кетиш ҳоллари юз берәётанини таъкидлаш зарур.

Бундайларнинг фарзандлари мактабда "Ким бўлсан экан?" мавзусидаги иншосида: "...қани эди ота-онам қўлидаги каби сўнгги русумдаги мобил телефонига айланиб қолсан, ўшанда дунёдаги энг баҳти бола бўлар эдим. Сабаби, улар кун бўйи мени қўлидан қўймай кўтариб юришар, фақат мен билан гаплашар, мени яхши кўришган бўлар эди", деган орзусини ёзмаган бўлармиди? Ота-онасидан меҳр кўрма-

ган бундай болаларнинг меҳр-муҳаббатли бўлиб улғайишига ким кафолат бера олади? Айрим респондентларнинг бу масала бўйича қандай фикрлари бор. Қуйида ана шулар хақида.

**564 рақамли анкета соҳибаси**, 43 ёшли аёл-иктисодчи, маълумоти олий, мучали балиқ, буржи арслон (шер), қон гурухи III, шаҳарда яшовчи респондент анкетасининг қайдлар қисмида шундай ёзиб юборган:

“Нонушта қилиб, чиқиб кетувди эrim. Шом тушяпти, ҳалиям қайтмади “Чойхонада гапимиз бор” деганди. Кунора шу ахвол. Билмайман, нима қилишади бу эркаклар? Ҳаммасининг уйида рўзгори, бола чақаси бор. Улфатларининг биттасиям ёлчитиб ишламайди...”

**321 рақамли анкета соҳиби**, 58 ёшли эркак, тадбиркор, маълумоти олий, мучали ит, буржи тоғ эчкиси, қон гурухи I, шаҳарда яшовчи респондентнинг оху воҳига қулоқ солинг-чи:

“Элакка чиқсан хотиннинг эллик оғиз гапи бор” деган гап тўгри-да. Бўлмаса, “дом”даям иш кўп, зўрга шоша-пиша болаларга овқат тайёрлаб берадио, пастга чопади бизнинг хотин. Ҳар куни тўрт-бештаси ўтирволиб, нимани гаплашибади, ҳайронман...”

**425 рақамли анкета соҳибаси**, 28 ёшли аёл, сиртқи бўлим талабаси, мучали илон, буржи тоғ эчкиси, қон гурухи III, қишлоқда яшовчи респондентнинг фифонини бир эшитиб кўрайлик-чи:

“Кеча ўқишига бораётиб, беш юз долларлик зирагимни йўқотиб қўйдим. Ҳеч ўзимга келолмаяпман. Онамга айтсам, тамом бўлади... Билмайман, қаерда тушиб қолди, уйдан чиқаётганимда тақувдим, таксида келдим. Инсофлироқ одам бўлса олиб келар деб, кечқурунгача дарсгаям кирмай кутдим. Энди нима қиласман?...”

**242 рақамли анкета соҳибаси**, 52 ёшли аёл, хуқуқшунос, маълумоти олий, мучали илон, буржи балиқ, қон гурухи I, шаҳарда яшовчи респондент 6 ёшарли ўғлидан норози:

“Ишонасизми, менинг олти яшар ўғлим компьютерда 3-4 соатлаб ўйин ўйнаб ўтиради. Ўртоқларигаям қўшилмайди, биз билан ҳам очилиб гаплашмайди. Нима қилсан экан-а?”

Энди юқоридаги гап-сўзларнинг моҳиятига эътибор беринг: Кун бўйи чойхонадан бўшамаётган такасалтанг эридан нолиётган аёл ёки бўлмаса “гап сотиш”, сериал қўришга вақт топиб, эри билан бирга болалари кўнглига йўл топа олмаётган хотинидан ёзгираётган эркак ноҳақми? Мурғак боласининг беғубор болалигидан айрилиб, бу дунёning хузур-ҳаловати компьютерда экан, деган тасаввурга эга бўлишига сабабчи ота-онага нима деймиз? Ва ниҳоят, йўқолган зирағи учун “дод” деб азоб чекаётган талаба ўзининг ҳатто соғлиғи билан баб-баравар қимматга эга бўлган вақтига ҳам қайғурмаётгани. Сизни уйга толдирмайдими? Шу ўринда,

Гап келди: Азизлар!

Бу ҳаётий ҳантомаларни эшитиб, ўқиб, энди ўзимизга ҳам бир савол бериб кўрайлик-чи: Хўш, қай биримиз ВАҚТ аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига қай даражада етаяпмиз? Аслида унинг ҳар қандай моддий бойликлардан ҳам азизроқ эканлитини ёшимиз бир жойга бориб қолганидан сўнгтина англаймиз.

Бу пайтда минг афсуски, умр карвони ярим манзилга етган бўлади. Бундай мисолларни яна истаганча келтиришимиз мумкин. Лекин бир оддий ҳақиқатни унутмайлик: Умр ўткинчи эмас, аксинча вақтимиз ҳисобли. Яратганинг инояти илиа олаётган бир лаҳзалик нафасимиз ҳам аслида фанимат. Унинг ҳар бир дақиқасини қадрлайлик. Акс ҳолда, эртага армонда қоламиз.

Юқорида қайд этилган респондентлар каби вақт ўғрилари, вақтларини каламушдай кемирувчи телевизор ва интернетга боғланиб қолишдан ўзларини кутқуришлари керак.

Айниқса, интернет фалокати оиласаларни қаҳшатмоқда. Вақт ўғриларига телевизордаги сериалларга

ҳам, интернетдаги беъмани хабарларга ҳам жой йўқ. Қатъий билишимиз керакки, экранларни қорайтирамай, кўнгиллар ойдинлашмайди, вақтни ўлдириш тўхтамайди.

Америкаликларнинг телевизорни “тентак қути” дейишлари бежиз эмас. Телевизорга сарфланган ҳар бир сония ҳақиқий ҳаётдан узилиб, экран дунёсига бериламиз. Телефон жиннилари эса оқибатда телефонга айланиб қоладилар.

Телевизорга сарфланган ҳар соатимиз бизнинг ўртача ўттиз саҳифа китоб ўқишимизга монеълик қиласди.

Телевизорга сарфланган ҳар кунда ўртача етмиш иккита жиноят, тажовуз, яралаш ва номусга тегиши ҳодисаси рўй берар экан.

Бу ифлосликдан зеҳн ва қалбимизни асраш йўли, мобиъл телефон ва телевизор деган бош оғриғидан иложи борича узоқроқ бўлишдир.

### 11.5. ЙИЛНИНГ ҚАЙСИ БИР ФАСЛИДА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ЎТКАЗИШНИ МАЪҚУЛ ДЕБ БИЛАСИЗ?

Инсон умри қанчалик қисқа ва ўлчовли бўлмасин, уни тўғри тақсимлай олган, режалаштира олган тақдирдагина ўз мақсад вазифаларига эриша олиши мумкин. Ҳамма иш ўз вақтида бўлгани даркор. Кўпроқ ва астойдил ишлаш билан бир қаторда дам олишни ҳам қойиллатиб қўйиш лозим. “яхши дам меҳнатга ҳамдам”, дейишади халқимиз.

Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. Акс ҳолда, мутаносиблик бузилади. Ўша машхур Жек Лондон (1876-1916) америкалик ёзувчи йиллар давомида жуда кам дам олган ва уйқусиз тунларни ёзув столи олдида ўтказган. 40 ёшида ўзининг ҳаётдаги биринчи ва сўнгти таътили пайтида ҳаётдан кўз йюмган.

Демак, ҳаётингизда ҳаммаси маромида бўлиши учун вақт-вақти билан “дангасалик” қилиб туриш керак экан. Тиббиётчиларнинг қарашларига қўра, инсон организмида ҳаракатсизлик ва ҳаракатда бўлиш доимо ўрин алмашиб туриши керак.

Баъзида деярли барчамиз ишлар кўплиги туфайли эрталабдан кечгача тиним билмай ҳаракат қиласмиш. Сизнинг организмингизда бўлаётган хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий меҳнат, яъни ҳаракат ҳар икки соатда ўзининг жуфти ҳисобланган ҳаракатсизликка ўрнини бўшатиб беришга тайёрланади, биз эса бунга имкон бермаймиз.

“Умуман дам олмагандан кўра бекорчилик қилиб, бирор нарсада ютқазган яхши”, дейди инглиз ёзувчиси Жерри Жиллис (1859-1910).

Таътилга чиқиш, дам олиш инсонга тинчланиш ва тин олиш, тизгинни бўш қўйиш, мияга танаффус бериш имконини тақдим қиласди. Бу жуда муҳим, чунки ақл бўшашган, рақамлар, суммалар ва муддатлардан нари бўлганда, ижодий ғоялар юзага чиқади, ўзи ҳақида хабар беради.

999 нафар респондентлар ўртасида ўтказилган сўровлар юқоридаги саволларга ўз муносабатларини қўйидагича билдирилар (5-жадвал).

5-жадвал

#### Меҳнат таътилига чиқиш учун қайси вақтни танлайсиз?

T/p	Фасл вақти	Респондентлар	
		сони	%
1	Ёзда	509	51
2	Мен учун фаслнинг фарқи йўқ	180	18
3	Кузда	161	16
4	Менда меҳнат таътили бўлмайди	99	10
5	Қишда	30	3
6	Баҳорда	20	2
	Жами	999	100



Жадвалдан кўриниб турибдики, жами сўралганларнинг 51 фоизи (509 киши) меҳнат таътилини ёз фаслида, 16 фоизи (161 киши) – кузда, 3 фоизи қишда (30 киши) ва атиги 2 фоизи (20 киши) – баҳода ўтказишни маъқул кўришар экан.

10 фоиз (99 киши) респондентлар “менда меҳнат таътили бўлмайди”, деб жавоб беришган. Бироқ сабаблари кўрсатилмаган, фикримизча бундай жавоб кўпроқ вақтини ишга кўмилиб ўтказадиганларга тааллуқли. Ўзи-ку инсонга берилган умр қисқа, уни бутунлигicha ишга багишлиш эса нотўғри. Дам олишни, шунингдек, сизни дилдан яхши кўрувчи оила аъзоларингизга ҳам вақт ажратиб туришни унутманг, дегим келади уларга.

Мен учун “Фаслинг фарқи йўқ”, деб жавоб берган 18 фоиз (180 киши) респондентлар ВАҚТ деган олий неъматга бироз бефарқлик билан муносабатда бўладиган кишилардир. Уларда қатъий белгиланган режалари йўқ. “Бўлса булар бўлмаса кетин бўлар” қабилида иш тутадиганлардир. Улар кечиккан нарсанинг ҳеч кимга кераги йўқдигини тушунишмайди. Вақт эса индамай, ҳеч кимдан ҳеч нарсани сўрамай ўтаверади.

Шу ўринда,

Гап келди:

Шукр, вақтимни бекорга ўтказмадим. Ҳаётим буткул меҳнат билан ўтди. 80 ёшдан ўтиб, фақатгина бир мартагина йўлланма олиб курортта борибман. Очигини айтсам, шу туғилган кунимда ўзимни ўзим: “Ҳаётинг давомида ҳеч бўлмаса ҳар беш йилда бир марта дам олиш имкониятинг бор эди-ку” дея уришиб қўйдим.

Албатта, бу афсусланганимдан эмас. Қилган меҳнатларимнинг, эзгу ишларимнинг ширин мевасини топиб юрганимдан хурсандман, рости.

Айрим респондентларнинг жавобларига эътиборимизни қаратамиз.

**346 рақамли анкета соҳиби**, 52 ёшли эркак, тадбиркор, маълумоти олий, фан номзоди, раҳбар, мучали илон, буржи қовға, қон гурухи ІІ, шаҳарда яшовчи респондент сўров варақасининг қайд учун ажратилган қисмига қўйидағиларни ёзиб юборган:

“Муваффақият қозониш учун дам олиш меҳнат қилиш билан баробар аҳамиятга эга. Айнан икки таркибий қисмни тўғри мувозанатда ушлаш бизга самарали ва изчил ҳаракат қилиш имконини беради. Буни асло унутманг”.

**270 рақамли анкета соҳибаси**, 60 ёшли аёл, ҳуқуқшунос, маълумоти олий, раҳбар, мучали товуқ, буржи қисқичбақа, қон гурухи І, шаҳарда яшовчи респондент шундай ёзилган:

“Бугунги кун учун одатий бўлган меҳнат кўникмаларидағи энг кўп учрайдиган хато, менинг наздимда, етарлича тиришиб ишлашда эмас (аксинча, бу борада ҳаммаси жойида), балки одамлар ўзларига сифатли дам олиш учун етарли вақт қолдирмаётгандаридир. Натижада эса, улар ўзлари ҳам, меҳнатлари ҳам бундан зарар кўради.”

Дарҳақиқат, ҳуқуқшунос ҳақ гапни айтди.

Бизни тиришиб меҳнат қилиш – муваффақият калити деб хато ўргатишган. Мувозанатловчи дам олишсиз, тиришиб меҳнат қилиш деярли доим муваффақиятсизликка олиб бо-

ради. Айнан дам олиш ва меҳнат вақтининг галма-гал келиши сизга ўз ишингизга яна ва яна, ҳар гал янада бардам, янада кучлироқ тайрат ҳамда иштиёқ билан киришишга имкон беради.

**467 рақамли анкета соҳиби**, 65 ёшли эркак, муҳандис, фан доктори, мучали балиқ, буржи кўй, қон гуруҳи I, шаҳарда яшовчи респондент қўйидаги жиҳатта эътибор берган:

“Хаётда муваффакиятга эришган кўпгина машхур инсонлар энг йирик ўзгаришларга, буюк кашфиётларга фикр юритиш ва дунёқарашларини қайта кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратганиларидан сўнг эришганликларини айтадилар. Буни тушуниш қийин эмас, чунки бекор қолганингизда шурингиз (ижодий онгингиз) тинимсиз ишлайди. Кўп ҳолларда айнан бекор ва беташвиш лаҳзаларда мияга ажойиб ғоялар келади.”

Муҳандиснинг ушбу фикри ҳақиқатта яқинлигига ишониш учун 1997 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган Пол Байернинг қўйидаги фикрларини бир эшитайлик:

“Янгиликларнинг туғилишида лойиҳа устидан тинимсиз ишлагандан кўра, бор ташвишлардан нари бўлиш, тинчланиш ва тизгинни бўш қўйиш кўпроқ кўмак беради”.

Дарҳақиқат, Агар чиндан ҳам кундан-кунга сифатли ишлашни истасангиз, ўзингизга сифатли дам олишни тақдим этишингиз керак. Қолган таплар ўзингизни алдашdir. Натижада эса ўз меҳнатингиз зарар кўради.

Шу ўринда,

---

**Гап келди:** Азизлар!

Инсон ортиқча меҳнат билан ўзини “еб қўйганида” жисмонан ва маънан қандай заифлашиб қолишини бошимиздан ўтказганмиз. Шарқ донолари айтганлариdek, “Доим таранг тутилган камон синади”. Бу – факт, уни инкор қилишимиз ўзимизга зарар келтиради, хавфли оқибатларга олиб келади. Ўзингиз учун яхшилаб дам олишга вақт ажратинг, тинчланинг ва вақтичолик қилинг, кўнглингизга ёқсан машгулотлар билан шутулланинг. Буни данга-

салиқдан эмас, муваффақиятта эришиш учун қила-  
ётганингизни билинг.

Ёдда тутинг, айнан иш ва дам олишнинг мувоза-  
натлашгани – сизни муваффақият сари әлтувчи энг  
түғри йўл. Бугун оқшомдаёқ вақт ажратинг ва ўз ҳаф-  
тангизни вақтичоғликка тўлдиришнинг ўнта йўлини  
ўйлаб кўйинг. Нима қилиш сизга ёқади? Нимадан  
завқ оласиз? Бу ҳаракатларни одатий кун тартибин-  
гизга киритиб, унта қатъий риоя этинг.

### Яна бир гап:

Вақтни устидан назоратни тиклаш ва бошқаришни ўрга-  
нишнинг усуllibаридан яна бири шуки, ишлаётган бўлсангиз,  
ишлайверинг, дам олаётган бўлсангиз, дам олаверинг. Ҳам  
уни, ҳам буни бирдан қилиб ўзингизни алдаманг. Чунки бир  
вақтнинг ўзида ҳам дам олиб, ҳам ишлаб ишдан қониқиши  
шодлигини хис эта олмайсиз ёки барча ишлардан озод бў-  
либ, тўла ҳордиқ шодлигидан ҳам маҳрум бўласиз. Бу ҳамма-  
га таниш.

Азиз биродар, Сиз эринманг. Юқорида айтилганларни  
бир синаб кўринг, умрингиздан барака топасиз! Агар бизнинг  
ваколатимиз бўлганида, бунга кафолат ҳам берган бўлардик  
балки.

Лекин, ҳар не бўлганида ҳам, ўзингиз учун фойдадан холи  
эрмас...

“Эртага” сўзи фақат нодонлар тақвимида учрайди.

### 11.6. СИЗ УЧУН ҚАЙСИ КУН МУХИМ?

Вақт – оқар дарё, ўтади-кетади. Кечаги кунни бугун, бу-  
гунни эса эртага келадиган кун эгаллайди. Кечаги вақт ҳамма  
нарсани ўзи билан олиб кетади. Ундан асар ҳам қолмайди.  
Уни энди орқага қайтариб бўлмайди. Ундан энди фақат энди  
аччиқ ёки ибратли сабоқ олиш мумкин, халос.

Айрим кишилар менинг вақтим ҳали келгани йўқ, деб  
юришади. Афуски, улар вақтларини ўтиб кетаётганилигини

билмай қолганлар ва сүнгти пушаймонда эзилиб яшаётганлардир.

Ўтиб кетган йўлингдан топ-чи бир кун,  
Бугун қайтиб келурми кечаги кун?!

Хусрав Дехлавий  
(1253-1325, ҳинд шоури ва мутаффаккири)

Бугун – бу айни дамда яшаётган вақтимиз. Ҳозирги, яъни шу дамда на ўтмиш ва на келажак мавжуд. Чунки ўтмиш ўтиб кетди, эндиликда у йўқ, келажак эса ҳали етиб келмаган, демак, у ҳам йўқ. Бугун содир бўлган ҳар қандай воқеа айнан шу бугунга, шу лаҳзага тааллуқли.

Эрта – ҳали туғилмаган, келажак. Биз уни кутамиз. Охир-оқибат у кириб келади ва уни бугун деб айтамиз. Бугун – бу кечаги эрта.

Ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг таърифлари бўйича:

“Дунё уч кундир.

Кеча ўтди, қўлингда ундан ҳеч нарса қолмади.

Бугун айни вақтда яшаётган онинг. Буни ғанимат бил, фойдалан.

Эрта келажакдир, фақат унга етасанми, йўқми, билмайсан.”

Ҳаётда қандай воқеа юз бермасин, у ё ўтган замонга, ёки бугунга тегишли бўлиб чиқади. Кечаги ёки бугунги кунимиз энди асло қайтиб келмайди.

Вақтни сира тўхтатиб бўлмайди, соат милларини бир неча киши ҳаракат қилиб ҳам юргизмай қола олмайди. Ҳар бир сония ўз заволини топади, ҳар бир лаҳза барибир йўқлик қаърига кетади. Вақтини совурғанлар икки дунё ноз-неъматларидан маҳрум бўлишади. Фақат уни фойдага алиштирганлар, ҳар лаҳзадан унумли фойдаланиб қолганларгина ютади. Ана шуларгина вақтнинг ҳисоб-китобида уялиб қолишмайди. Ҳасан Басрий айтадилар: “Ҳар бир тонги ёришадиган кун борки, инсон боласига бундай нидо қиласи: “Мен янги яратилдим (имкониятингман), ишларингта шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Агар кетсам, қиёматтага қадар келмайман”.

Келгусида биз истаган келажакни яратишга фақат ҳозирги лаҳзадаги ҳаётимиз имкон беради. Ҳар бир лаҳза тақдиризини белгиловчи танлов эканлигини билдиради.

Хўш, социологик сўровимиизда қатнашган 999 нафар респондентларнинг қайси, кунга кўпроқ устуворлик беришган экан? Қуйида шулар ҳақида (б-жадвал).

6-жадвал  
Сиз учун қайси кун мұхим?

T/p	Жавоблар	Респондентларнинг	
		сони	%
	Сиз қайси кунга кўпроқ устуворлик берасиз		
1	Кечага	58	5,8
2	Бугунга	806	80,6
3	Эртага	96	9,7
4	Айтишга қийналаман	39	3,9
	Жами	999	100,0

Жами 999 нафар респондентларнинг 81 фоизга яқини (806 киши) бугунги кунга кўпроқ устуворлик беришларини қайд қилишган. 5,8 фоиз, яъни 58 киши "Сиз учун қайси кун мұхим?" деган саволга "Кечаги" кун деб жавоб беришган.

Улар бугунлари ёки умидли эрталарига бепарво бўлишади, буларни сезишмайди, эътибор қилишмайди. Бу ўтмиш уларнинг шахсий ўтмишими, оиласлари, аждодлари, миллат ёки қавмларининг ўтмишими, уларга фарқи бўлмайди. Улар ҳамиша: "Биз аввалида бундай эдик, аждодларимиз мана бундай ишларни қилиб кетишган, биздан мана бундай олийнасаб кишилар етишиб чиққан, ота-боболаримиз бундай зотлар эди" қабилида ўз ўтмишлари билан фахрланиб, аждодлари орқасидан ғуурланиб юришаверади. Үзлари эса бугунги кунларида ҳеч қандай манфаатли иш қилишмайди инсонларга, жамиятга фойдалари тегмайди.

Албатта, ўтмишдаги улуғ инсонлар, номдор аждодлар билан, уларнинг эзгу ишлари билан фахрланиш, уларни эслаш ҳар қанча мақтовга сазовор иш. Аммо улардан ибрат олинмаса, уларнинг хайрли ишлари, йўллари давом эттирилмаса, уларга муносиб ворислар бўлишмаса, бунинг кимга кераги бор?

Ўтмишнинг ботилидан ҳақиқатини, залолатидан ҳидоятини ажратиб олмай, ота-боболари яшаб ўтган ҳаётнинг ўзигагина ёпишиб олиб, унга тақлид қилиб яшайдиганлар ҳам бор. Буларнинг ҳам тўғри йўлни топишлари шубҳали. Фақат ўтмиш билан яшаб, ўтмишда бой берилган нарсаларига ҳасрат чекиб, пушаймон бўлиб юрадиганлар ҳам бўлади. Уларнинг ҳасрат-надоматлари бир хил: “Эҳ, ўшанда буни қилмасам бўлар экан, эсизгина буни эртароқ қилганимда зўр бўларди, афсуски, бу нарсанинг моҳиятини илгарироқ билмаган эканман-а” ва ҳоказо. Бундай таассуфлар, нотўғри фикрлаш кишини руҳий тушқунлик либосига ўрайди, қалбида фойдализ, асло оқлаб бўлмайдиган губор ва безовталиклар туғдидари, ҳаётини заҳарлайди, асабларини пармалайди, хулласи тинчгина турмушини издан чиқаради. Бежизга: “Йўқотилган ўтган вақт билан машғул бўлиш иккинчи бир вақтни бой бериш демақдир”, дейилмаган.

Ўтмишининг тушовига илиниб қолиб, ундан бошқасини тан олмайдиганлар ҳамда фақат бугуни, ҳозири билан яшаётганларга қарама-қарши ўлароқ ўзининг, халқининг, инсониятнинг тарихидан батамом юз ўтириб, ўтмишдан ибратланмай, фақат келажаккагина ёпишиб олган кимсалар бор. Уларнинг бу ҳолати ғулувга кетишдан, ҳақиқатни тан олмасликдан бошқа нарса эмас.

Бугунги кунга устуворлик берган 81 фоизга яқин респондентлар эса фақат бугунги кун билан яшайдилар. Улар ўтмишни, ундаги зафарларни, тарих сахифаларида чуқур из қолдирган аждодларининг салоҳиятига эътибор бермайдилар.

Ёки бундайлар эртанги кундан умид қилишмайди, келажак ҳақида бутунлай бош қотиришмайди. Бу ҳам дуруст

Эмас. Бу инсоннинг идрокини, дунёқарашини, иқтидорини жиловладиган, қобиқقا ўраб қўядиган заарли хислатларданdir.

Шу ўринда,

**Гап келди:** Демак, вақт ва замон тушунчасида ўтмиши миздаги фойдали нарсалардан ибрат олиш, салоҳиятли аждодларнинг манфаатли ишларини давом эттириш, бутуннинг ҳаққига риоя қилиб, кундалик вазифаларга камарбаста бўлиш ва жамиятта, ҳалққа фойда келтириш, келажакка тушкун назар билан қараб шумланмасдан, яхши кунлар, улкан ўзгаришлар умиди билан яшамоқ йўлларнинг энг тўғриси ва яхшисиdir. Шундагина сиз билан биз чин инсонийлик бурчини чинакамига адо этган бўламиз.

Қадимги римликларда шундай сўз бор. “Бугунги қундан фойдалан”. Ёки: “Фурсатни бой берма”. Ҳа, пайтни бой берманг ва ундан мамнун бўлишга интилинг.

305 рақамли анкета соҳибаси, 39 ёшли шифокор аёл, маълумоти олий, мучали от, буржи қўй, қон гурухи I, қишлоқда яшовчи респондент юқоридаги саволга қўйидагича жавоб берган:

“Бугун тириксиз, жонингиз соғ-омон, оламни кўрятпсиз – демак бу кун хаётингиздаги энг зўр кун эканлигини унуманг!”

Шифокоримиз қисқа, бироқ ҳақ гапни айтди. Исо пайтамбардан инсон қандай ибодат қилиш зарурлигини сўрашганда, у Худога ибодат қилаётib қўйидаги сўзларни айтган: “Ризқ-рўзимиз бўлган нонни бугунги кун учун бер”. Эрта учун эмас, кейинги ҳафтага ёки кейинги йил учун эмас – фақат бугунга. Одамлар шахсий кулфатларни енгиб ўтишга ёрдамлашувчи воситалардан бири ҳам уларнинг фақат бир кун ташвиши билан яшашида мужассам”.

Ҳинд шоири қаламига мансуб “Тонгта салом” деган қуийдаги насрый шеър ҳам айнан “Бугун”га бағишилланган:

Ушбу кунга назар сол!

Ахир бу умр, умрнинг ўз умри.

Унинг қисқа оқимида

Мавжудликнинг барча ҳақиқатлари

ва борлиги унда яширин:

Фароғатликнинг ўсиши,

Фаолиятнинг шуҳрати,

Гўзалликнинг созлиги.

Ахир кеча – фақат туш,

Эрта эса – бор-йўги хаёл,

Лекин энг ажойиб умр бугун

Ҳар қандай кечагини баҳт тушига айлантиради.

Ва ҳар бир эртанги кун – умид тасаввuri.

Бугунги кунга яхшилаб назар сол!

Бу тонгта саломдир.

*Калидаса*

Шоир: Тонгта салом мана шу. Сизларни бугунги кун билан яшашга даъват этаман”, деяпти.

Шундай қилиб, сиз безовталик тўғрисида билишингиз шарт бўлган биринчи нарса қуийдагидан иборат: агар сиз ўз ҳаётингиздан саросимани чиқариб ташламоқчи бўлсангиз, Д. Карнеги айтганидек иш тутинг, – “Ўтмишни ҳам, келажакни ҳам темир эшиклар билан ўзингиздан ажратиб ташланг. Ҳаммаёги беркитилган бугунги кун билан яшанг”.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 5,8 фоиз, яъни 58 нафар ва 9,7 фоиз (96 нафар) респондентлар тегишли равишда “кеча”-га ва “эрта”га устуворликни беришган.

“Биз ўтмиш ҳақида қайта-қайта ўйлаймиз, келажак тўғрисида ташвишланамиз ва турган гапки, ҳозирда бўлаётганларга етарлича эътибор ажратмаймиз. Бу эса бўлиб ўтганиларга ачиниш ва ҳали содир бўлмаган воқеалардан ташвишланиш ҳиссини келтириб чиқаради. Агар инсон кечётган лаҳзада ҳаётдан баҳра олмаса, у умр ўйинида ғалаба қозонишга лаёқат-

сиздир.”, дейди 729 рақамли анкета соҳибаси, 47 ёшли журналист аёл, маълумоти олий, фан номзоди, мучали ит, буржи тоб эчкиси, қон гурухи I, қишлоқда яшовчи респондент. Жуда тўғри фикрни айтган журналист опамиз ҳақ. Вақтдан унумли ва ўз фурсатида фойдаланишни истаган киши “Шу ерда ва ҳозир” бўлган бор нарсаларни қадрлашни ўрганиши зарур.

Бугун қабул қилинган қарорлар эртага рўёбга чиқади. Муаммолар вужудга келиши маромида уларни ечиш ва бартараф этилгандан сўнг уларни унтишга ўрганишимиз даркор. Томас Карлейль ёзганидек, “энг асосий вазифамиз – иироқ масофада яширинганларга тикилавермай, аниқ кўриниб тургани билан ишни битиришдир”. Агар инсон иироқдаги келажакка эътиборини жамласа, ўзини маъюс сезади ва руҳий тушкунликка тушади. Кўпчилик ҳали рўй бермаган ва эҳтимол ҳеч қачон бўлиши ҳам мумкин бўлмаган воқеалар тўғрисида ташвишланишга вақт сарфлайдилар. Фаранг файласуфи Монтен ёзган: “Умримнинг каттагина қисми ҳеч қачон рўёбга ошмаган даҳшатли баҳтсизликлар билан лиммо-лимдир”. Айнан шу сабабдан ҳам кўпчилик беҳаловатлик ва стресслар гирдобидадир – уларнинг “бутуни” кеча ташвишлантирган эртаси намоён бўлади! Уларнинг кечаётган лаҳзасида ўтмишдан афсусланиш ҳамда келажақдан хавотирланишга ўрин йўқ. Орта қолган ва оддинда кутаётганиларга мурожаат этишнинг ўrniga қаршимиздагига эътиборни жамлаш зарур.

Мана шунинг учун ҳам лаҳзада яшаш – фақат кечаётган лаҳза билан ҳисоблашмоқ – хавотир ва қўрқувни енгишнинг энг яхши усулини эгалламоқни англатади.

Агар “кеча”ни устувор билган респондентлар “Ўтмишсиз тарих йўқ” ёки “ўтмиш инсон учун сабоқ” деган нақллар асос бўлса, “Эрта” – бу яхши ниятлар учун асос деб, унга устуворлик беришади. Бироқ, айрим респондентлар “Эрта”ги кунга нисбатан ижобий фикрда эмас.

330 рақамли анкета соҳиби, 56 ёшли эркак, тадбиркор, фан доктори, мучали сигир, буржи арслон (шер), қон гурухи II, шаҳарда яшовчи респондентнинг жавоби жуда қисқа бўлган:

“Эртага” сўзини кўп ишлатадиган инсонлар, одатда, но-  
чор, омадсиз, бахтсиз ва хаста бўлишади.”

Дарҳақиқат, бундай кишилар одатлангани сабабли ҳеч қа-  
чон қилмайдиган ишини ҳам ЭРТАГА қолдирадилар. Вақт  
талабига одимласада, фақат тескарисига, яъни эртага. Бугун  
жорий қилиш ёки бажариш мумкин бўлган нарсани эртага  
мўлжаллашади ва ҳ.к.

Шу маънода, америкалик ёзувчи Ог Мандионинг сўzlари-  
ни гап келди ўрнида келтиришни жоиз деб топдим.

---

Гап келди: “Бу кунни худди ҳаётингизнинг сўнгти ку-  
нидек яшант. Шуни унутмангки, “эртага” сўзи  
фақат нодонлар тақвимида учрайди. Кечаги  
маглубиятлар ҳақида унутинг ва эртанги кун  
муаммоларига эътибор берманг. Сизнинг Қи-  
ёмат кунингиз келган. Уни йилнинг энг яхши  
кунига айлантиринг. “Агар умримни қайтадан  
яашаш имкони бўлганда эди...”, деган сўзлардан  
ғамгинроқ сўзлар йўқ дунёда. Эстафета таёгини  
олинг-да, олга югуринг. Ҳозироқ! Эртага эмас,  
шу бугун! Бу сизнинг кунингиз!”

Ҳа, нақадар ибратомуз ва ҳикматли гап. Вақтин-  
гизни ўтмиш ноҳушликларини ўйлашга ва келажак-  
да қучоққа сиғмас, чексиз истакларни орзу қилишни  
бас қилинг. Бугундан унумли фойдаланишга кири-  
шинг.

---

## ТЕСТ

### Келажагингиз қандай?

Эртанги кун бугуннинг қандай кечишига боғлиқ, дейишади.  
Чунки биз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратамиз. Сиз-чи?  
Келажагингиз қандайлигига қизиқмайсизми? Агар қизиқсан-  
гиз, қуйидаги руҳий тест ёрдамида буни аниқлаб олиш имко-  
нингиз мавжуд.

1. Arap ўз қўлингизда бўлса, қайси даврда яшаган бўлардингиз?

- а) ўтмишда яшаган бўлардим;
- б) цивилизация чўққига чиқкан келажакда яшаган бўлардим;
- в) менга хозирги кун ёқади.

2. Телевизордан реклама кўраёттанингизда сизни қандай туйғу қамраб олади?

- а) рекламани хуш кўрмайман;
- б) қизиқиш билан кузатаман;
- в) менга фарқи йўқ.

3. Сизнингча, кейинги йилларда иқлим ўзгардими?

- а) ха, жуда ўзгариб кетди;
- б) ҳалиям ўша-ўша;
- в) бу ҳакда ўйлаб кўрмаган эканман.

4. Кўрқинчли тушлар кўриб турасизми?

- а) бўлиб туради;
- б) йўқ, тушларимнинг барчаси ёқимли;
- в) ҳамма тушларим бир-биридан кўрқинчли.

5. Кексайишдан кўрқасиз-ми?

- а) жуда! Заиф ва мункиллаб қолишимни ўйласам, совук тер босади;
- б) ҳар бир даврнинг ўзига хос гашти бор;
- в) менга фарқи йўқ.

6. Башоратларга ишонасизми?

- а) ха, кўпинча тўғри чиқади;
- б) ишонаман фақат яхши башоратларга;
- в) умуман ишонмайман.

7. Ёмон об-ҳаво иш қобилияtingизга таъсир қилади-ми?

- а) албатта, кўнглингизга чироқ ёқса, ёришмаса, ишлаш ёқадими;
- б) иш учун об-ҳаво қандай бўлишининг нима аҳамияти бор'
- в) нокулай об-ҳавода ҳам жилмайишга ҳаракат қиласман, шунда барча ғашлик тарқаб кетади.

8. Кўзгуга қараб нималарни ўйлайсиз?

- а) бунчалар хунук бўлмасам;
- б) чехрам ажойиб, қоматим ҳам жойида,
- в) идеал эмасман-у, лекин ёқимтойман.

**9. Танишларингизга қандай баҳо берасиз?**

- а) улар унчалик яхши ва қизиқарли одамлар эмас;
- б) ажойиб инсонлар;
- в) камчилик ҳар бир одамда бўлади, умуман олганда, яхши одамлар.

**10. Кун охирида қандай туйғуни хис қиласиз?**

- а) чарчоқ ва газабни;
- б) бахтни;
- в) озми-кўпми қониқишини.

### НАТИЖАЛАР

Агар сизда А жавоби кўп бўлса келажагингиз ёрқин ва нурафшон бўлиши учун олдингизга фақат эзгу мақсад қўйишингиз лозим. Гоҳида атрофдагилар сизни етарлича қадрламаётгандек туйилади. Баъзан эса омадсизман, дея тушкунликка ҳам тушиб қоласиз. Бироқ, сиз яхши ҳаёт кечиришга муносибсиз. Фақат бунинг учун дангасалик қиляпсиз, холос.

Агар сизда Б жавоби кўп бўлса, оптимист ва ҳаётни севувчи инсонсиз. Майда-чуйдаларга мутлақо эътибор қаратмайсиз. Фалабалардан жуда хурсанд бўласиз. Бироқ гоҳида вазият ва одамларга объектив баҳо бера олмай қоласиз. Яхшини ёмондан ажратиб олишга ўргансангиз, баҳтли келажак учун замин ҳозирланди, деяверинг.

Агар сизда В жавоби кўп бўлса, сиз анча жиддий инсонсиз. Жуда қувониб ҳам кетмайсиз, чуқур қайғуга ҳам ботмайсиз Ҳаёт турли пасту баландликлардан иборат. Бу эса сизни хавотирга солмайди. Бироқ, бу феъл билан катта муваффақиятларга ҳам эришиб бўлмайди. Сизда бироз ишонч ва хушкайфият етишмайди. Ахир айни шу хислатлар омад калити саналади шундай эмасми?!

Респондентларнинг фақат 3,9 фоизи, яъни, 39 киши "Сиз учун қайси кун мухим" деган саволга "Айтишга қийналаман" деб жавоб беришган. Бу тоифадаги кишиларга вақтини кўпроқ ишга "кўмилиб" ўтказадиганлар киради. Кечаги ёки бугунги кун энди асло орқага қайтиб келмаслигига эътибор бермайди.

Бундай одамлар доим банд бўлади улар нуқул ўз елкалари га бир дунё иш, учрашув ва топшириқларни юклаб олишади-да, кейин уларнинг ҳаммасини бажаришга уриниб у ёқдан бу ёқса тинимсиз – кўпинча бехуда югуриб юришади. Улар муваффақиятдан онгли равишда зўр бериб қочишга уринишади. Ў-ӯ, улар иш билан банд. Улар бир вақтнинг ўзида мингта майдачуидаги ишлар билан машгул. Шунинг учун ҳам турмушлари ва фаровонликларида катта ўзгаришлар ясаш имконияти туғилганида, улар одатда: “Афсуски, мен ҳозир жуда бандман, бошқа иш билан шуғулланишга вақтим йўқ”, деб жавоб беришади.

Ушбу тоифага кирган **323 рақамли анкета соҳиби** 58 ёшли эркак, тадбиркорнинг афсус надоматига эътибор беринг-а:

“Армоним... Ёшлиқда кечак, бугун ва эртанинг муҳимлиги даражасини билмайин зое кетган вақтимга ачинаман. Ўтган 10-15 йилни бекор ўтказганимга надоматдаман”

Мана сизга бефарқликнинг оқибати. Уларга қарата Шарқ дошишмандларидан бирининг қуийидаги иборасини эслатмоқчи-ман: “Эртаси кун қайғуга сабаб бўладиган бутунги шодликнинг маъноси йўқ”.

Инсонни доимо ўйлаб иш қилишга, ҳар хил ҳою-ҳавасларга, кутқуларга учмасликка, замонасозликка муккасидан кетмасликка ундейдиган бу ибора жуда чуқур ва кенг маънога эга. Энди янги пушаймоникни ортирадиган вақт эмас.

Ўлим тўшагида ётган буюк француз ёзувчиси ва файласуфи Вольтер (1649-1778) дан руҳоний диний расм-русумга кўра “шайтондан воз кечиб, уни лаънатлайсанми?” деб сўраганида, “Энди янги душман ортирадиган вақт эмас” деб жавоб берган. Респондентимизнинг ўтган 10-15 йилнинг бекор гумдан қилтани учун афсусланишининг ҳам вақти эмас.

Филжумла маъносида тахминан милоддан аввал 313-235 йилларда яшаган, қадимги Хитой файласуфи Сюн-Цзининг сўзлари ни гап келди ўрнига келтиришни лозим деб топдим.

---

**Гап келди:**      “Ўтмишга сажда қилманг, келажак учун сажда қилманг ва ташвишли ҳаёлларга берилманг. Кези келганда, фурсатни кўлдан бой бермай ишга киришинг”

---

IV ҚИСМ

ВАКТ  
ТҮҒРИСИДА ОДДИЙ  
ХАҚИҚАТЛАР

Ҳаёт ҳақиқати шундай: ҳеч ким бу дунёда ўз ихтиёри билан келмаган. Бу фоний дунё инсонни сувда, қуруқликда, исикда, совуқда, турли оғир, қийин, осон ва енгил шароитларда яшашни ўргатади. Инсоннинг яшаси ташвиш, ғам, ниҳоятда машаққатли меҳнат ва турли изланишлар эвазига кечади.

Бу оддий ҳақиқатлар “Осуда яшашнинг 99 сири” номли туркум таркибиға кирган 99 та китобнинг иккинчи қисмидаги рукнларда яъни:

- Қуръони карим оятларида;
- Ҳадисларда;
- Мақолларда;
- Донолар бисотида;
- Олган сабоқларим ва хулосаларимда;
- Шеъриятда;
- Латифаларда ўз аксини топган.

Ушбу рукнларни мутоала қилиш жараёнида ўқувчи аждодларимиз томонидан тўплланган тажриба билан яқиндан танишади. Бу эса ўз навбатида бутунги кунда ҳаётимизда мавжуд айрим муаммолар моҳиятини тўгри тушунишга ва уларнинг адолатли ечимини топишга кўмаклашади.

99 та китобнинг ҳар бирида ёхуд 99 та қадриятга оид келтирилган Қуръони каримнинг оятлари, пурмаъно ҳадислар, буюк мутафаккирлар ижодига мансуб фикрлар, турли туман таъсирчан ва чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган афоризмлар ҳар бир ўқувчининг қуваи-ҳафизасини янада юксалтиришига ёрдам беради.

Ҳаёт фикрлашга мавзууни кўп беради, лекин вақтни оз.

Владимир Соколов

ҚУРЬОНИ КАРИМ  
ОЯТЛАРИДА

1

## 12.1. ҚУРЬОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИ

“Бахтли ҳаёт сари” китобидан  
“Мана бу биз нозил қылган муборак Китоб  
(Куръондир)дир, унга эргашингиз ва тақво-  
ли бўлингиз токи раҳм қилингайсизлар”

(Олтинчи “Анъом” сураси, 155 оят)

### ШАРХ

Оlamлар Парвардигори Ҳақ субҳонаху ва таоло ўзининг пайғамбарларига 4 илоҳий китоб нозил қылган. Тўрт китобнинг:

Биринчиси – Таврот, Мусо алайҳиссаломга;  
Иккинчиси – Забур, Довуд алайҳиссаломга;  
Учинчиси – Инжил, Исо алайҳиссаломга;  
Тўртингиси – Қуръони карим, Пайғамбарамиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассаламга нозил бўлган.

Қуръони каримдан бошқа илоҳий китоб ва сихафалар бир йўла бир дафъада тушган. Аммо, Қуръони карим китоб шаклида бир дафъада эмас, балки 23 йил давомида вақти-вақти билан оят-оят, сура-сура шаклида оғзаки қабул қилиниб, жаноби расулуллоҳ алайҳиссалом орқали у зоти шарифга пайғамбарлик ваҳийисини юборган.

Қуръони каримнинг биринчи ояти ва сураси “Фотиҳа” сураси ҳам шу ондан нозил қилина бошланиб, оҳирги бир юз ўн тўртингиси, “Ан-нос” сураси йигирма учинчи йилнинг сўнгида нозил бўлган. Жаноби Расулуллоҳ алайҳиссалом нозил бўлган ояtlарни келгусида бир мукаммал мусҳаби шариф сифатида келтириш учун саҳобаи киромлардан тўрт кишини:

- Али ибн Абу Толиб;
- Муовия ибн Абу Суфён;
- Убай ибн Каъаб;
- Зайд ибн Зобитни ўзларига котиб қилиб олган эканлар.

Куръони карим 30 пора 114 та сура, 6236 та оятдан иборат.

“Оят” сўзининг бир неча луғавий маъноси: мўжиза, ибрат, ажойиб иш, белги аломат, ҳарф ва сўзлар жамоаси ҳамда Аллоҳ таолонинг қудрати далилини англатади<sup>1</sup>.

Куръони каримнинг ҳар бир ояти, унинг аввали ва охири ҳақидаги илмни Аллоҳ таолодан Жаброил алайхиссалом ўрганганд. У кишидан Пайғамбар алайхиссалом, у зотдан эса, мусулмонлар ўргангандлар.

Куръони каримдаги энг қисқа ояtlар “Тоҳо” ва “Ёсин”, энг узун ояtlар Бақара сурасидаги “Қарз олди-берди” оятидир.

Ояtlарнинг 63 фоизини Маккада, 37 фоизини Мадинада нозил бўлган ояtlар ташкил этади. Яъни маккия ояtlар 4780, мадания ояtlар 1456, жами бўлиб 6236 оят.

“Сура” сўзи лугатда кўргон, манзил ва шараф маънолари ни англатади. Бошқача қилиб айтганда, Куръон ояtlарининг кўргон илиа ўралгандек бир тоифасига сура дейилади.

Куръони каримдаги энг қисқа сура “Кавсар” сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура “Бақара” сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир<sup>2</sup>.

Куръони Карим шундай китобки, унинг ҳақлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унда ҳамма нарса очик-ойдин, аниқ равшандир.

(У) Сизларни (Одам Атони) лойдан яратиб, сўнгра ажал (муддати)ни ҳал қилган зотдир. Белгиланган ажал (қиёмат вақти ва бошқа ҳисоблар) ҳам Унинг ҳузуридадир. (Шундан) кейин (ҳам) сизлар шак қилмоқдасизлар.

Анъом сураси, 2-оят

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Т.: “Шарқ”, 2008, 5-бет.

<sup>2</sup> Шайх Муҳаммад Содик, Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1 –жуз. – Т.: “Шарқ”, 2008, 15-бет.

## ШАРХ

Яъни, Аллоҳ сизларнинг отангиз бўлмиш Одамни лойдан яратди. Шу билан бирга, ҳар бирингизнинг бу дунёда қанча муддат яшашингизни – ажалингизни белгилаб қўйди. Охиратда қайта тирилишингиз ҳам белтилик. Ушбу ишларни билиб туриб ҳам яна шак-шубҳа қиласиз-а! Лойдан ясалган жасадга жон киритиш ҳозиргача ҳаммани лол қолдираётган ҳаёт масаласига боғлиқ.

Жонли маҳлукотларда жон қаердан пайдо бўлади? Уни кўриш мумкинми? Илмий тажрибаларда, лабораторияларда яратиб бўладими? Худосизлар ҳар қанча уринмасинлар, жон ва ҳаёт ҳақидаги бунга ўхшаш саволларга жавоб топа олмадилар.

Шунингдек, жонни берган Зот уни қайтиб олишини – ажалини ҳам белгилаб қўйган. Қачон олишини йўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бу дунё ажалидан сўнг бошланувчи, у дунё учун белгиланган қиёмат вақтини ҳам тайин этган. Бу вақт, яъни, қиёмат қачон бўлишини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Мана шу аломатлар ақли-инсофи бор инсонларга ягона Аллоҳга иймон келтириш, унга ўзгани тенглаштирмаслик учун далил ва омил бўлиши керак.

**Кимки Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, бас, Аллоҳнинг (белгиланган) фурсати, албатта, келувчидир. У эшитувчи ва билувчидир!**

Анкабут сураси, 5 оят

## ШАРХ

Ана ўшанда ҳар ким қилганига яраша мукофот ёки жазо олади.

Шунинг учун ҳам:

**“Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса...”** кўнглини тўқ тутаверсинг.

“...албатта, Аллоҳ белгиланган вақт келгувчиидир.”

Келмасдан қолмайди. Албатта, келади. Ана ўшанда Аллоҳ берган ваъдалар ҳам албатта амалга ошади. Ҳар ким бу дунёда қилганига яраша мукофот ё жазо олади. Чунки, буни ваъда қилган зот Аллоҳдир.

“У ўта эшигтгувчи ва ўта билгувчиидир”.

У Ўзининг ушбу сифатлари ила бандалардан содир бўлган ҳар бир нарсани эшитиб, билиб турари ва ўша эшигтгани, билгани асосида ҳисоб-китоб қилади.

У қуёшни зиё (таратувчи) ва ойни нур (соҷувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ўлчовларидағи) ҳисобни билишпалингиз учун уни (ойни) манзил (бурж)ларга (бўлиб) ўлчаб қўйган зотдир. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур

Юнус сураси, 5 оят

## ШАРХ

Инсон ҳаёти давомида доимий ҳис этиб турадиган мавжудотлардан бири қуёш бўлса, яна биттаси оидир. Лекин инсон уларнинг мавжудиятига ўрганиб қолганидан, кўп ҳам эътибор бермайди, Агар инсон бу икки нарсага ибрат назари билан қараса, уларни ўрганса, Аллоҳнинг чексиз қудратига тан берар ва шунчалик нарсага қодир бўлган зотнинг Ўз бандаларидан бирига ваҳий юбориши ҳеч ажабланарли иш эмаслигини тўла англаб етар эди.

“У қуёшни зиё ва ойни нур қилган...”

Ҳа, қуёшни зиё – иссиқлик или ёруғлик сочадиган ва ойни нур – фақат ёруғлик сочадиган қилиб қўйган зот Аллоҳдир. Қуёшнинг ҳажми, унинг коинотдаги ўрни, борлиқقا таъсири ва бошқа ҳақиқатларни бир четта қўйиб турайлик-да, фақат иссиқлик билан ёруғлик таратишини олиб қўрайлик.

Дунё яралганидан буён қүёш оламга тинимсиз зиё сочиб турибди. Усиз ҳаёт йўқ. Усиз ёргулик ҳам бўлмайди. У чарчамайди, кечикмайди ҳам. Қуввати-да камайиб қолмайди. Доимо керагича зиё сочиб туради. Қүёшнинг катталитини ва бошқа хоссаларининг беқиёс эканлигини яна ҳам яхшироқ англаб етиш учун уни инсон мақтанаётган қаҳрабо ишлаб чиқариш ихтироси ва бошқа қашфиётлари билан солиштириб кўришнинг ўзи кифоя. Бу эса, биладиган, акл юритадиган ҳар бир киши учун Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига ва вахийга иймон келтиришга чорловдир.

Шунингдек, ойни ҳам тадаббур килиб кўрмоқ лозим. У нур сочади, яъни, иссиқликсиз ёғду таратади. Бу ҳам борликқа жуда зарурдир. Ой ва унинг нури бўлмаса, дунёда ҳаёт бўлмас эди. Ойнинг нури нима учун зарурлиги ҳақида тўлиқ маълумот олмоқчи бўлганлар махсус адабиётларга мурожаат қиласинлар. Агар унинг заруратини англаб етсалар, Аллоҳ таолога, Унинг Пайғамбарига ва вахийга иймон келтирмай иложлари қолмайди. Агар иймонли бўлсалар, иймонларига яна ҳам қувват қўшилиши, шубҳасиз.

Аммо, ояти каримада ўша давр кишилари тушунчасига мос тарзда байён келмоқда:

“ҳамда сизлар йилларнинг ададини ва ҳисобини билишингиз учун унинг манзилларини ўлчовли қилган Зотдир.”

Оятда ўрин маъносини англаувчи “манзиллар” истилоҳи фалакиёт илмида “буржлар” деб аталади. Ой ҳар кеча маълум бир жойдан чиқиб, маълум бир жойга ботади. Буни оддий кўз билан ҳам кўриб, билиб олса, бўлади. Бу манзиллар ва ойнинг улардан чиқиб-ботиши доим бир хилда туради. Шунинг учун, ҳозирда ҳам вақт ўлчови уларга қараб аниқланади. Яъни, соатлар қўёш, ой, ва юлдузларга қараб тўғриланади. Шунингдек, кун, ҳафта, ой ёки йил ҳисоблари ҳам Аллоҳ яратган ўша маҳлуқотларга қараб юритилади.

“Аллоҳ ўшани фақат ҳақ ила яратди.”

Аллоҳ ҳамма нарсани йүзи яратади. Яратганда ҳам ҳақ билан яратади. Жумладан, у зот қүёш ва ойни ҳам ҳақ билан яратгандир.

“У биладиган қавмлар учун оятларини батафсил баёндир қиласыр”.

Одамлар ушбу баёнлардан ҳидоят йүлини топишга ҳарарат қылмоқлари лозимдир.

Юқоридаги ояти каримада осмонлару ер, қүёшу ой Аллоҳнинг қудратига далил қилиб келтиради.

Ҳар бир (диндор) учун ўзи юзланадиган тарафи (қибласи) бор. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз! Қаерда бўлмангиз, Аллоҳ ҳаммангизни (маҳшаргоҳга) келтиради. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.


Бақара сураси, 148 оят

## ШАРХ

Гап бу ерда фақат ибодат пайтида қараладиган томон ҳақида эмас, балки умумий ҳолат ҳақида кетмоқда. Ҳар кимнинг ўз танлаган йўли бўлиб, у бошқаларни ҳам шу йўлга юритмоқчи бўлади. Жумладан, ахли китоблар турли услугуб ва амалларни ишга солиб, сизларни ўз йўлларига юритмоқчи бўладилар. Уларга эътибор берманглар. Ўз йўлларингизни маҳкам тутиб, яхшиликларни кўпроқ қилишга ошиқинглар. Чунки, иймонли инсон икки дунёда ҳам яхшиликларининг ҳажмига қараб мукофот олади.

Қани, бу дунёда ҳар ким ўз қибласига юзланиб, ҳар ким ўз ибодатини қилиб юраверсин-чи, охиратда, барибир, Аллоҳ ҳисоб-китоб учун барчани бир ерга жамлайди. Бунга шакшубҳа йўқ. Чунки:

“Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир”



ХАДИСЛАРДА

2

## 12.2. ХАДИСИ ШАРИФ

Ҳадис – Куръони каримдан кейин турадиган Ислом шарифтинг асосий манбаларидан иккинчиси ҳисобланади. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган ишлари, ва ул зот томонидан маъқулланган бошқа кишиларнинг ишлари Ислом динида суннат деб аталади.

Шу уч ҳолни ифода этувчи ривоят матнлари (иборалари) ҳадис деб номланади. Шунинг учун Куръони карим – Аллоҳ таолонинг сўзи, ҳадис эса Расулуллоҳ сўзлари деб умумий ҳолда таърифланади. Ҳадис тушунчасидан Ҳадиси Қудсий тушунчасини ажратмоқ зарур.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Бу шарафли иш ҳижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ейган. Ислом оламининг ўша пайтдаги маданий марказларидан саналган Боғод, Куфа, Басра, Дамашк, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган,

Улар ҳадис тўпламларини тузишган. Улар ичida энг ишончли манба саналганилари олтида бўлиб буларни:

- Имом Бухорий (810-870);
- Имом Муслим (817-875),
- Имом Абу Довуд (817-888);
- Имом ат-Термизий (831-932);
- Имом ан-Носоий (830-915);
- Имом Можжа (824-886) тузишган.

Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари туронзамилик бўлгани билан бутун ислом дунёси миқёсида фаҳрлансак арзиди. Фақат имом Бухорийнинг ўзлари жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг “Саҳийх” (энг ишончли деб ҳисобланган ҳадисларнинг покиза сифати) ва 200 минг “Ғайри саҳийх” ҳадисларни ёд олганлар.

\* \* \*

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат бил:

1. Ўлимингдан олдин тирикликни;

2. Бетоблиқдан олдин саломатлигингни;
3. Бандлигингдан олдин бўш вақтингни;
4. Кексалигингдан олдин ёшлигингни;
5. Фақиригингдан олдин бойлигингни.

\* \* \*

“Вақт қисқаради. Бир йил бир ойдек, бир ой бир ҳафта-дек, бир ҳафта бир кун каби ўтиб кетади, бир кун эса, худди бир япроқнинг ёниши қадар тезлашади, ҳеч нарсада барака қолмайди”.

\* \* \*

Икки кунни бир хил тарзда ўтказган инсон катта зарар қилибди.

\* \* \*

Пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар бешта нарсани шошилиб амалга оширишлари лозимлигини таъкидлаганлар:

1. Тезлик билан меҳмонга таом келтириш.
2. Ўликни тезлик билан дағн этиш.
3. Қизни тезлик билан турмушга бериш.
4. Тезлик билан қарздан қутулиш.
5. Гуноҳ иш қилиб қўйганда тезлик билан тавба қилиш.

\* \* \*

Ўз мақомидан сўзлаб, фурсатни ғанимат билган, ўринсиз сўздан сақланиб саломат юрган кишига Аллоҳи Таоло раҳму шафқат қилсин.

\* \* \*

Ҳар бир нарса қазою қадар билан бўлади. Ҳатто ожизлик ва зийраклик ҳам.

\* \* \*


Мусулмон кишига уч кундан ортиқ ўз биродаридан аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай-сўрашмай юриши мумкин эмасдур. Улардан қайси бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшаниси яхшироғидир.

\* \* \*

Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири – соглиқ, иккинчиси бўш ВАҚТ.



## МАҚОЛЛАРДА



3

## 12.3. МАҚОЛЛАР

Мақол – бу ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилған, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гап, дейилган ўзбек тилининг изоҳли луғатида. Бошқача қилиб айтганда, мақол – бу ўта донолик, ақл-заковат билан оқилона айтилган, “михлаб қўйилган”, ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гапдир.

Мақолларни “Ҳаёт қомуси”, оғзаки энциклопедия, ўзига хос бир бадиий-тарихий солнома дейиш мумкин. Улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қиласди, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз ҳазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг-баранг мақоллар нутқимизнинг экспрессив (яъни таъсир этувчи, хис-ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қолувчи кучга эгадир.

Уларнинг кишилик жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли аҳамиятта молик эканлигини жаҳон дошишманлари қадим-қадимдан эътироф этиб, қайта-қайта уқтириб келгандар.

Қуйида вакт ва ундан унумли фойдаланиш ҳақида айтилган мақолларни эътиборингизга ҳавола қиласмиз<sup>1</sup>.

**Болта тушунча кунда дам олар.**

Вар. “Болта келгунча тўнка дам олар, қассоб келгунча қўй”. Мажози: “Машаққатли дамлар оралиғидаги осойишталиқдагина киши нафас ростлаб олади”. “Бола нонсиз чидаёлмай-

<sup>1</sup> Қаранг: Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати, Т ЎСЭ, 1990 (Туркумдаги барча китобларда тегишли равища ҳикматлар айнан шу китобдан олинган.)

ди. Шунинг учун (Бозор), "Болта келгунча, кунда тинч туради, деган мақоли эслаб: "Бугунни кўрай, эртага нима бўлганини кўрарман", деб хат беришга рози бўлди" (С. Айний, Дохунда),

**Бултур кесилган бармогига бу йил йиглабди.**

Куч-қуввати, маблаги, имконияти бор пайтда бир ишни қилмай, вақтини зое ўтказиб юборган, кейин кўзи очилиб, пушаймон бўлиб, илгариги даврини қўмсаб, дод-хасрат қи-лувчилар ҳамда илгари эркатой, тантиқ бўлиб ўсган, умрида "кўлини совуқ сувга урмаган", кейин бирор оғирчиликка, зиён-захматга, кулфатга, қийин ишга йўлиққач, ҳасрат қилиб "йиглаб юрувчилар устидан шундай дейдилар.

**Вақт тонги емирап, сув тошни кемира.**

Мажози: Табиат қонунига кўра ўтган вақт, ўтган умр ҳар қандай бақувват одамни ҳам қаритади, ҳолдан тойдиради".

**Вақтинг кетди – нақдинг кетди.**

Инсон ҳаётида вақт энг қимматли саналади. Кўпни кўрган ота-боболар мақоллар ва ҳикматли сўзлар воситаси билан вақтнинг ҳар бир дақиқасидан ниҳоятда унумли фойдаланиб қолишга, бирор дақиқани ҳам зое ўтказмасликка даъват этганилар: "Вақтдан ютдинг – баҳтдан ютдинг"; "Вақтинг кетди – баҳтинг кетди"; "Вақт кетди, вақт кетди – Тожу сари таҳт кетди"; "Фурсатни ўтказдинг – ютқаздинг"; "Вақиллаган вақтин ўтказар, Қўлидаги нақдин кетказар"; "Вақт – оқчадур, Ғофил бўлсанг – қочадур"; "Вақтим бўшга кетди, Эрим гўш(т)га кетди"; "Куннинг ғами – саҳардан, Йилнинг ғами – баҳордан"; "Саҳар турмоқ – саодатдир"; "Тонг турганга – тоза ҳаво, Кеч турганга – не раво?"; "Эрта турмоқнинг хислати кўп"; "Баҳор келди – наҳор келди"; "Келса баҳор, тургил саҳар"; "Кун кўраман десанг, эрта тур"; "Эр киши эрта туради"; "Эрта турган эркакнинг бир ризқи ортиқ, Эрта турган аёлнинг икки ризқи ортиқ"; "Уч кун барвақт турган бир кун ютар"; "Эрта турган – иш битирав, Кеч турган – кўп туртинар"; "Кеч ёт, эрта тур, Олти дастани ортиқ ур" (даста – ўғир дастаси). "Эрталабки

иш күнгилни қилас хуш”; “Эрталабки муштдан ҳам қайтма” (эътиқодий тушунчага кўра, эрталаб барвақт турган одамларга фаришталар ризқ улашармиш. Шунинг учун “Эрталаб вақти туриб, биринчи галда эшигингни очиб қўй”, дея насиҳат киладилар); “Вақт кетига қайтмас, Сув кетига оқмас”; “Вакт – учқур қуш”; “Вақт – ғанимат, ўтса – надомат” (надомат – пушаймон, афсусланиш, таассуф). “Вақт кутиб турмайди”; “Кун қайтар, замон қайтмас”; “Ўтган умр – чириган кўмир”; “Ёқут билан вақт топилмас, Вақт билан ёқут топилар”. “Йўқолган олтин топилади, Йўқолган вақт топилмайди”.

### Куттанга – кун узоқ.

Бирорвни ё бир нимани куттан одамга кун ниҳоятда узайиб кетгандек, вақт имиллаб ўтаётгандек туюлади. Аслида эса куннинг, вақтнинг ўтиши куттанга ҳам, кутмаганга ҳам бир хил бўлади. Вар.: “Тикилган қозон қайнамас”; “Куттанинг вақти ўтмас, Шошганнинг иши битмас”; “Куттан – ўлгандан ёмон”; “Куттандан – сўйган яхши”.

### От ўйини қирқ йилда бир бўлади.

Замонанинг зайди билан, кутилмаганда, олдиндан маълум бўлмаган бир тарзда бир жойга кўпчилик одам йигилиб қолиб, хурсандчилик, ўйин-кулги, дилни хушнуд этувчи воқеа, меҳмондорчилик ва ҳ.к. бошланиб кетса, бундан кўнгли яйраб, хурсанд бўлиб кетган одамлар бир-бирларига: “Э, ўйна, ўйнайвер!” ёхуд (таому ноз-неъматларни) “Ол, олавер! Бунақа “от ўйини” қирқ йилда бир бўлади” (яъни, кунда-кунда бўлавермайди, аллақайтиб бир бўлиб қолади, шуғанимат фурсатдан фойдаланиб, еб, ичиб ўйнаб, кулиб қол, дейдилар.

### Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор.

Вар.: “Ўтга келган хотиннинг ўттиз гапи бор”; “Икки хотин бош кўшса, бозор бўлади”. Бу маколларда аёлларга хос бўлган одат ифода этилган. В. Наливкин ва М. Наливкина бу хусусда ўтган асрнинг охирги чорагида шундай деб ёзишган: “Сарт аёллари, ҳатто иш билан банд бўлганларида ҳам, бир

жойда бир неча соат ҳеч ким билан гаплашмай, жим ўтира олмайдилар. Агар аёлнинг олдига бирор одам келмаса, унинг кўзи қўшинисиникига чиқиб, бирпасгина бўлса ҳам, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб қайтади... Уларнинг гапи мақоллар, иборалар, қочириқлар, баъзан эса ўйноқи мазмунли эртак ва латифаларга бой бўлади. Буларни гап орасида едириб юбо-ришга уларнинг ҳаммаси уста бўлади. Гапни топиб, гапириш, берилган саволларга ёки ташланган луқмаларга ўринли жавоб қайтариш ва сұхбатдошни гапга солиб қўйишни улар ўзлари учун фахр деб биладилар... “шунингдек, “Хотин еттига чиқса, етти уйнинг калитини ола чиқади” деган мақол ҳам борки, бу билан: “Баъзи хотин еттига борса (ва умуман, бир кўчага чиққудай бўлса), шу баҳонада бир йўла неча жойларни ҳам айланиб, қўни-қўшнилари, таниш-билишлари билан бирпас-бирпас бўлса ҳам гаплашиб, кўнглини ёзиб келади”, дейилмоқчи. Аксарият аёлларнинг бундай қилишлари – ўтмишда уйдан ташқарига деярли чиқмаганлари, сиқилиб кетганлари натижасидир, албатта.

Эшакнинг орқасига офтоб тушса, қўлингни иситиб қол.

Мальумки, офтоб бир жойда турмайди: ҳозир офтоб тушиб турган ерга бирордан кейин қарасангиз, соя тушиб қолган бўлади. Мажозан: Ҳар бир ганимат фурсатдан, ганимат нарсадан ва имкониятдан ўз вақтида фойдаланиб қол, деган маънода насиҳат қилиб айтиладиган мазкур мақолнинг “Тўкилгандан ялаб қол” деган варианти ҳам бор.

Дангасанинг доим вақти йўқ.

Уйғур мақоли

### Инглиз халқ мақоллари

– Эрта ётиш ва эрта туриш одамни бой, соғлом ва ақлли қиласиди.

– Вақт – буюк табиб.

– Ҳаммасини вақт даволайди.

- Вақт ва сабр тутни ипакка айлантиради.
- Вақтдан ютқизган ҳамма нарсадан ютқизади.
- Ким эрта турса, унга омад ёр.
- Эрталабки бир соат кечқуунги икки соат билан баробар.
- Бугунги бир, эртанги иккидан афзал.
- Кеч қолиш – минг хил нокулайликларнинг отаси.
- Кечаги кунни қайтариб бўлмайди.
- Соатни орқага қайтариб бўлмайди.
- Бугун битириш мумкин бўлган ишни ҳеч қачон эртага сурма.

#### **Осетин халқ мақоллари**

- Вақт муддат билмайди.
- Эрталаб улгурмаган ишингни оқшомда тугат.
- Вақтни кўл билан тўхтатолмайсан.

#### **Озарбайжон халқ мақоллари**

- Ешакка эгар топгунимча, уни бўри еб кетди.
- Қиморбоз ҳеч қачон вақтида тўхтатмайди.

#### **Яхудий халқ мақоли**

- Вақтида айтилмаган доно гап ҳам аҳмоқона қабул қилинади.

#### **Грузин мақоли**

- Ҳар бир соат бизга дард олиб келади, охиргиси – ўлим.

#### **Хитой мақоли**

- Ҳаётнинг мазмунини чиқаришга ҳаракат қил, сандигингда анча кам вақтинг бор.
- Нимадир содир бўлса, айни вақтда содир бўлади.
- Шоҳ билан илдиз орасида вақт ётади.

#### **Олмон мақоли**

- Қуёш бир кунда икки марта чиқмайди.

### **Япон мақоли**

- Эртага эртанинг шамоли эсади.
- Жангга кечикса ғалаба, дехқон кечикса ҳосил бой берилар.

### **Хинд мақоли**

- Нодон ўтмиш билан овунади, ақли кам келажак билан, донишманд эса бугун билан.
- Вақт ҳеч кимни севмайди ва ҳеч кимдан нафратланмайди, вақт ҳеч кимга бефарқ эмас – у барчани олиб кетади.

### **Мисрликлар мақоли**

- Оламдаги ҳамма нарса вақтдан кўрқади, вақт эса эҳромлардан.

### **Оз-оз ўрганиб**

- Яширилган сирни вақт очади.
- Ёлғоннинг пучлигини вақт кўрсатади.
- Осойишта кунлар жуда тез, қийинлари эса секин ўтади.
- Вақтнинг этагидан тутиб бўлмайди.
- Вақтини йўқотган – нақдини йўқотади.
- Ҳозирнинг бир айланиши – ўтмишдир.
- Замондан ўзиб кетган ёки орқада қолган одам – кўп азият чекади.
- Мева – фақат дарахтнингтина ҳосили эмас, вақтнинг ҳам ҳосилидир.
- Оқил одамлар – вақтнинг ғурбатини ўзи билан қўшиб ўтказиб юборадилар, хурсандчилигини эса олиб қолишга ҳаракат қиласидилар.
- Вақт даволамайдиган дард йўқ.
- Ўч олишга кетган вақт – энг бемаъни вақт.
- Икки ялқов учрашса вақт ҳувиллайди.
- Соатни чўнтакка солиб юрган билан, вақтни сақлаб қолиб бўлмас.
- Вазифасини бажармаган – вақтдан орқада қолувчиидир.
- Вақтни ўзингга бўйсундиromoқчимисан – бир дақиқани ҳам беҳуда ўтказма.

- Дақиқа ҳам умрнинг бир зарраси.  
 - Вақтингни түғри тақсимламасанг, ҳеч нарсага улгурмайсан.  
 - Дунёдаги ҳеч енгиб бўлмайдиган куч бир дақиқадир.  
 - Вақт занжири даврни даврга улайди.  
 - Тарих – вақтнинг изидир.  
 - Замон – вақтнинг фарзанди.  
 - Вақт чиганоқдаги қатралардан дур ясай олади.  
 - Умр – бир парчагина вақтнинг ҳамроҳидир.  
 - Вақт ҳам қуради, ҳам емиради.  
 - Вақтни тўсадиган куч йўқ.  
 - Вақт орқага қайтмагани учун ҳам ҳар дақиқа ғанимат.  
 - Вақтдан орқага қолиш – қолоқлиқдир.  
 - Вақтни сотиб оладиган бозор йўқ.  
 - Тонги емирувчи ҳам вақтдир.  
 - Вақт олиб кетганни қайтариб бўлмайди.  
 - Вақт билан бирга қадам ташлаш – ҳаёт талаби.  
 - Босилган қадамларни вақт ўлчайди.  
 - Одамлар вақтга қарайди, вақт эса ҳеч кимга.  
 - Бир лаҳзада минг ўлиб, минг бир туғилиш мумкин.  
 - Вақт ишонтиrmайди ҳам, алдамайди ҳам.  
 - Биздан ҳаракат, вақтдан баракат.  
 - Ёзниңг ёзиғи – қишининг озиғи.  
 - Кузниңг неъмати – қишининг ғанимати.  
 - Баҳорги ҳаракат – кузги баракат.  
 - Фасллар дунё тусини ўзгартириб турадилар.  
 - Тоддаги қор – келажакнинг ободлиги.  
 - Вақт қуёши ҳар қандай метинни ҳам эритиб ташлай олади.  
 - Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар.  
 - Сабр қилганидан садаф ичидаги томчи дурга айланган.  
 - Инсоният хатоларини вақт тузатади.  
 - Ҳар қандай мушкулни ҳам вақт осон қиласди.  
 - Вақтсиз одамни синааб бўлмайди.  
 - Вақтга оқибатли бўлган киши – орқада қолмайди.  
 - Вақт ўтгандан кейин, қиличингни тошга чоп!

- Келажакнинг устози – бугунги фаолият.
- Бир йил тут эккан киши  
Юз йил гавҳар теради.
- Вақт ортимизда, вақт олдимизда, ўзимиз билан эса у йўқ.
- Вақтнинг ўтиши ҳам гоҳ фойдангта хизмат қиласди, гоҳ зиёнингта.
- Ақлинг бўлса,  
Бир кун илгари ҳаракат қилас!
- Ақлли кишилар бўлмағур нарсаларга вақт сарфламайдилар.
- Ҳамма нарсага улгуришга уринган аслида ҳеч нарсага ултурмайди.
- Оқилона фойдалана олсанг, вақт ҳамма нарсага етади.
- Бўлар-бўлмас ишлар кўп вақтни олади.
- Вақтга қолганда ҳамма саҳий: хотамтойлик билан уни сочиб-совуради.
- Ҳамма нарса ҳам ўз вақтида келгани маъқул – муддатидан олдин келса, қадрига етмайсан, кечикса керак бўлмай қолади.
- Вақтинг кетди – баҳтинг кетди.
- Фурсатни ўтказдинг – ютқаздинг.
- Вақт – ақчадур,  
Фофил бўлсанг – қочадур.
- Куннинг ғами – сахардан,  
Йилнинг ғами – баҳордан.
- Саҳар турмоқ – саодатдур.
- Эрта турган – иш битирар,  
Кеч турган – кўп туртинар.
- Вақт – учкур күш.
- Вақт – ғанимат, ўтса – надомат.
- Ёқут билан вақт топилмас,  
Вақт билан ёқут топилар.
- Йўқолган олтин топилади,  
Йўқолган вақт топилмайди.
- Йўқотилган йиллар ҳаммада ҳам бўлади, фақат кимдир унинг ҳиссасини чиқариб олади, кимдир йўқ.

– Худонинг куни кўп, лекин баъзида бир лаҳзада зор бўласан.

– Наврӯздан сўнг қиши бўлмас,  
Мезондан сўнг ёз бўлмас.

**Шошган – шамол билан тенг.**

– Бир кун ошиққандан қирк кун ақл қочади.  
– Шошганда лаббай топилмас.  
– Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнгийди, ҳам думи билан.

– Йилларни аямай совурган дақиқаларга зор бўлади.

– Ошиққан қиз эрга ёлчимас.

– Шошган – шамол билан тенг:

– Шошқалоқлиқ – аҳмоқлиқ.

– Санамай саккиз дема.

– Бердисини айтгунча уриб ўлдирма.

– Жўжани кузда сана.

– Чучварани хом санама.

– Сувга суюнма,


Сув кўрмай этик чиқарма.

– Шошмасанг тез етасан,

Шошгандан ўзиб кетасан.

– Вақтнинг муҳрини ўзгартириб бўлмайди.

– Йўқотилган вақт зарралари бир куни тош бўлиб бошингга тушади.



ДОНОЛАР БИСОТИДАН

4

## 12.5. АФОРИЗМЛАР

Турли давр ва халқларга мансуб буюк зотлар томонидан айтиб кетилгандын эң доно ўгитлар, эң ёрқин истиоралар ва фавқулодда афоризмларни бир саҳифага жамлаш ниҳоятта мушкүл иш. Уларда яширин аллақандай құдрат ўша фикрларни бир-бири билан баҳлашишга, мусобақалашып, бир-бирини орқага қолдиришга мажбур этади.

99 та китобдан иборат ушбу туркумда фақат олис ўтмиш донишмандларининг фикр мулоҳазалари эмас, балки унда улардан сүнгти ва ҳозирги замонда яшаёттган атоқли арбобларнинг ҳам фикр мулоҳазалари көлтирилган. Шу тарзда “афоризмларнинг пайвандланиши” га әришилган. Зоро, бу гунги ўтмишларимиз яратған оқилюна дурдоналаридан фойдаланылмай туриб, олға суриш мүмкін эмас.

Инглиз давлат арбоби, журналист, танқидчи Ж. Морлей-нинг таъбири билан айтади:

“Ҳикматли сүз ва афоризмлар чинакам ҳаёттый донишмандлик ва адабиётнинг мағзи эканини, ҳикматли сүз ва афоризмларга бой китобларгина күпроқ наф берішини унұтмаслик керак: одамлар китоб ўқиёттанды асосан шу ҳикматли сүзларни излашлари зарур”.

И. Гёте эса, иложи бўлса ҳар куни истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олмоқ зарур. Чунки улардан ҳар бир киши ҳаёт учун фойдали жуда кўп фикрларни топиш мүмкін, деб айтган.

Шунга риоя қилинган ҳолда ушбу 17-китобда доноларнинг фақат вақт, фурсат, лаҳза ҳақидағи фикрларини көлтиридик.

A

Вақт "хозирсиз" мавжуд буолмайди ва бутун маъносини йўқотади. Зеро "Хозир" ўзида ҳам ибтидони, ҳам интиқони жо этувчи ўрталиқдур.

Аристотель  
(мил. авв. 384-332, қадимги Юнон файласуфи,  
қомусий олим)

\* \* \*

Олдинги кетгандарни қувиб етадиган ва ортда қолганларни кутмайдиган шогирд ҳар нарсага улгуради.

Аристотель

Вақт ғазабни даволайди, нафрат эса бедаво.

Аристотель

Биз бўш вақтни қўлга киритиш учун бўш вақтдан маҳрум бўламиз, тинч яшаш учун эса уришамиз.

Аристотель

\* \* \*

Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқча вақт сарфлаш доно одам учун ниҳоятда оғирдир ва бу уни мислсиз ташвишга солади.

Афлотун  
(мил. авв. 427-347, қадимги Юнон файласуфи)

\* \* \*

Вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказади; йилларнинг поёнсиз ҳалқасиз номни ҳам, қиёфани ҳам, феъл-атворни, ҳатто тақдирини ҳам ўзгартира олади.

Афлотун

\* \* \*

Узлуксиз вақт оқими доимо мангуликнинг ҳадсиз навқиронлигидан ҳабар беради.

Марк Аврелий

\* \* \*

Инсон умрини белгиловчи вақт лаҳзага тенг. Унинг моҳи-  
яти мангу ҳаракатдир. Сезги ноаниқлиқ, қалб бекарорлик,  
такдир сирлилик демакдир. Шон-шуҳрат эса ишончсиз нар-  
са. Ҳаёт кураш ва саргардонлик демакдир.

Марк Аврелий  
(121-180, Қадимги Юнон файласуфи)

\* \* \*

Вақтнинг ўзи нима? Агар ҳеч ким сўрамаса, вақтнинг ни-  
малигини биламан, агар уни тушунтириш сўралса – тушун-  
тира олмайман.

Августин  
(354-430, ҳозирги Жазоир худудида  
яшаган христиан теологи ва файласуфи)

\* \* \*

Вақт хотира билан ўлчанади.

Августин (Аврелий)

\* \* \*

Дунё вақт билан бирга яратилган.

Августин

\* \* \*

Оlam яралмасидан илгари ВАҚТ ҳам бўлмаган. Унинг яра-  
лиши ҳаракатни юзага келтирган. Аммо шу ҳаракат онлари  
ва оламдаги ўзгаришлар – ВАҚТ деб аталади.

Августин

\* \* \*

Инсон туғилган ониданоқ ўлим сари юз тутади, аниқроғи,  
у бир вақтнинг ўзида ҳам яшайди, ҳам ўлабошлайди.

Августин

\* \* \*

Вақт фақат бизнинг руҳимиздагина мавжуд. Ўтмиш –  
хотирамизда, келажак эса орзу – умидларимизда яшайди.  
Келажакни ҳозирги ВАҚТДАГИ баъзи белгилар воситасида  
кўра олишимиз мумкин.

Демак, ҳозирги ВАҚТНИНГ моҳияти кузатиш, мушоҳада юритишдан иборатдур.

Августин Аврелий

\* \* \*

Одам табиатан қизиқ яратилган – бойлигини йўқотса хафа бўлади-ю умри зое кетаётганига эса парво қилмайди.

Абу ал-Фараж  
(1226-1286, суриялик ёзувчи ва олим)

\* \* \*

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

Амир Темур  
(1336-1405, иирик давлат арбоби,  
кучли марказлашган давлат асосчиси)

\* \* \*

Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтни ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндор.

Абдулла Авлоний  
(1878-1934, ўзбек маърифатпарвар адаби,  
давлат ва жамоат арбоби)

\* \* \*

Эй ғофил кўнгил, бу ўткинчи умрга ишонч йўқ, бас, нега ой-у йилларни масту беҳудалик билан ўтказаяпсан, ҳеч бўлмаса бир бор ақлу ҳушиングни йифишириб, ҳушёр тортсанг-чи!

Алишер Навоий  
(1441-1501, Буюк ўзбек шоири,  
мутафаккири ва давлат арбоби)

\* \* \*

Вақт – шундай ноаниқ нарсаки, бирорвга у жуда узок туюлса, бошқага тескариси.

Агата Кристи  
(1890-1976, инглиз ёзувчиси)

\* \* \*

Инсон умрини белгиловчи вақт лаҳзага тенг. Унинг моҳияти мангу ҳаракатдир. Сезги ноаниқлик, қалб беқарорлик, тақдир сирлилик демакдир. Шон-шұхрат эса ишончсиз нарса. Ҳаёт кураш ва саргардонлик демакдир.

Марк Аврелий  
(121-180, Қадимги Юнон файласуфи)

\* \* \*

Вақтнинг ўзи нима? Агар ҳеч ким сўрамаса, вақтнинг нималигини биламан, агар уни тушунтириш сўралса – тушунтира олмайман.

Августин  
(354-430, ҳозирги Жазоир худудида яшаган христиан теологи ва файласуфи)

\* \* \*

Вақт хотира билан ўлчанади.

Августин (Аврелий)

Дунё вақт билан бирга яратилган.

Августин

\* \* \*

Оlam яралмасидан илгари ВАҚТ ҳам бўлмаган. Унинг яралиши ҳаракатни юзага келтирган. Аммо шу ҳаракат онлари ва оламдаги ўзгаришлар – ВАҚТ деб аталади.

Августин

Инсон туғилган ониданоқ ўлим сари юз тутади, аникроғи, у бир вақтнинг ўзида ҳам яшайди, ҳам ўлабошлайди.

Августин

\* \* \*

Вақт фақат бизнинг рухимиздагина мавжуд. Ўтмиш – хотирамизда, келажак эса орзу – умидларимизда яшайди. Келажакни ҳозирги ВАҚТДАГИ баъзи белгилар воситасида кўра олишимиз мумкин.

Демак, ҳозирги ВАҚТНИНГ моҳияти кузатиш, мушоҳада юритишдан иборатдур.

Августин Аврелий

\* \* \*

Одам табиатан қизиқ яратилган – бойлигини йўқотса хафа бўлади-ю умри зое кетаётганига эса парво қилмайди.

Абу ал-Фараж  
(1226-1286, сурялийк ёзувчи ва олим)

\* \* \*

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

Амир Темур  
(1336-1405, йирик давлат арбоби,  
кучли марказлашган давлат асосчиси)

\* \* \*

Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтни ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндор.

Абдулла Авлоний  
(1878-1934, ўзбек маърифатпарвар адаби,  
давлат ва жамоат арбоби)

\* \* \*

Эй ғофил кўнгил, бу ўткинчи умрга ишонч йўқ, бас, нега ой-у йилларни масту беҳудалик билан ўтказаяпсан, ҳеч бўлмаса бир бор ақлу хушингни йиғишишиб, хушёр тортсанг-чи!

Алишер Навоий  
(1441-1501, Буюк ўзбек шоири,  
мутафаккири ва давлат арбоби)

\* \* \*

Вақт – шундай ноаниқ нарсаки, бирорвга у жуда узок туюлса, бошқага тескариси.

Агата Кристи  
(1890-1976, инглиз ёзувчиси)

\* \* \*

“Вақт ўтаяпти” деймиз сал хазинлик билан, бу гапни инсон ўзини овутиш учун ўйлаб топган. Аслида биз ўзимиз ўтаяпмиз.

Аскад Мухтор  
(1920-1997, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi)

## Б

Ховлиқмасдан сўзла: шошилиш ақлсизлик белгисидир.

Биант  
(тахм. мил. авв 600-530 йилларда яшаб ўтган қадимги юонон донишманди)

\* \* \*

Бир дақиқа вақтни беҳуда ўтказганим – ҳалок бўлганим.

Абу Райхон Беруний  
(973-1048, Хоразмлик буюк олим ва мутафаккир)

\* \* \*

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

Абу Райхон Беруний

\* \* \*

Ўтаётган вақтингдан шундай фойдаланки, токи қариганингда бекор кетган ёшлигинг учун ўзингни койимайдиган бўлишинг керак.

Жованни Боккаччо  
(1313-1375, италян ёзувчisi)

\* \* \*

Вақт ўтган сари (сайнин) совимайдиган ўтли қаҳр йўқ.

Ж. Боккачо

\* \* \*

Ишлар ўз вақтида бажарилиши керак: вақтида бажарилмаган иш суст бўлади.

Захириддин Муҳаммад Бобур  
(1483-1530, Ўзбек шоири ва давлат арбоби)

Энг оғир йүқотиши – вақтни йүқотиши.

Френсис Бекон  
(1561-1626, инглиз файласуфи  
ва сиёсат арбоби)

Яқин дүстлар ВАҚТ үғирлайдилар.

Френсис Бекон

Одамлар бирор янгилик яратышдан аввал вақтдан үрнак олишса, яхши бўларди. Чунки вақт энг буюк ўзгаришларни ҳам аста-секин, сездирмай амалга оширади. Акс ҳолда, ҳар қандай янгилик кутилмаган тасодифга айланиб қолади. Яна шуни айтиш жоизки, ҳар қандай янгилик доимо кимгадир баҳт, кимгадир кулфат келтиради.

Ф. Бекон

Факт энг улуғвор новатордир.

Ф. Бекон

Айни вақтини билиш – вақтни авайлаш демақдир, вақтида қилинмаган иш эса беҳуда қилинган ишдир.

Ф. Бекон

Агар ҳаётни севсанг вақтни беҳудага ўтказма, чунки ҳаёт вақтдан таркиб топади.

Бенжамин Франклин  
(1706-1790, америкалик олим, ва давлат арбоби)

Ҳамма нарсага қараганда ҳам ВАҚТ бизга тегишли эмас, бунинг устига у бизга етишмайди ҳам.

Бюффен Жорж  
(1707-1788, француз табиатшуноси)

\* \* \*

Вақт ўтиши билан эски бемаъни гаплар ҳикматга, эски кичик уйдирмалар жуда катта ҳақиқатга айланади.

Бомарш  
(1732-1799, француз комедио графи)

\* \* \*

Банд кишининг йиглашга вақти бўлмайди.

Байрон  
(1788-1824, инглиз шоири)

\* \* \*

Давлатни барпо қилиш учун минг йиллар ҳам камлик қиласди, унинг кулини кўкка совуриш учун эса бир соат ҳам етарли.

Байрон

\* \* \*

Вақт – ақлий меҳнат кишисининг сармоясидир.

Бальзак  
(1799-1850, француз ёзувчиси)

\* \* \*

Инсоният эришган барча ютуқлар сабр ва вақт мевасидир.

Бальзак

\* \* \*

Қўлимиздан келадиган барча уддабуронликлар чидам ва вақтнинг аралашмасидан бошқа нарса эмас.

Бальзак

\* \* \*

Кутишни эплаган кишига ҳамма нарса ўз вақтида келади.

Бальзак

\* \* \*

Ҳаёт беҳуда ишларга сарфлаш учун жуда ҳам қисқа.

Бенжамин Дизраэли  
(1804-1881, инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби,  
Буюк Британиянинг 1868,  
1874-1880 йиллардаги бош вазири)

\* \* \*

Вақт қиммат, лекин ҳақиқат вақтдан ҳам қиммат.

Бенжамин Дизраэли

\* \* \*

Вақт барча мойиллик, ҳис ва алоқаларнинг текшириш ўлчамидир.

Белинский

(1811-1848, Рус файласуфи ва адабий танқидчиси)

\* \* \*

Ҳаётдаги мұхым ишларга ҳар доим шундай шошилиш керакки, гүё бир дақиқа бой берилса, ҳамма нарса барбод бўладигандай туюлсин.

Б.Г.Белинский

\* \* \*

Бахтсизлитимни ўйлашга вақтим бўлмагани учун ҳам мен баҳтлиман.

Бернард Шоу

(1856-1950, инглиз ёзувчisi)

\* \* \*

Вақт ўтган сайин бизнинг аждодларимиз кўпдан-кўп буюк қаҳрамонликлар қилишади.

Веслав Брудзиньский

(1920-1996, поляк сатирик ёзувчisi)

## B

Ҳамма кишилар самимий бўлиб туғилиб, ёлғончи бўлиб оламдан ўтадилар.

Вовенварг

(1715-1747, француз файласуфи ва ёзувчisi)

\* \* \*

Кимки вақт қадрини англамас экан, у машхурлик учун яралмагандир.

Вовенварг

\* \* \*

Бир нафаслик лаззат қўпинча бир умрлик азоб-уқубатга  
сабаб бўлади.

К. Виланд  
(1733-1813, немис ёзувчиси)

\* \* \*

Ўн дақиқалик нутққа тайёрланиш учун тайёрланиш учун  
менга бир ҳафта зарур бўлади. Ўн беш дақиқалик нутқ учун  
эса – уч кун, ярим соатлик учун – икки кун, бир соатлик нутқ  
ни эса ҳозир ҳам ҳеч қандай тайёргарликсиз бошлишим мум-  
кин.

Вудро Вильсон  
(1856-1921, АҚШнинг 1913-1921 йиллардаги  
28-президенти)

\* \* \*

Вақт ўтади, соат ўтади, кун, ой бўлур, ой йил бўлади. Ле-  
кин сен ўтган кунингдан хурсанд бўл, бунга асосинг бор, ҳаёт-  
ни қадрла, вақтни қадрла.

Эркин Воҳидов  
(1936-2016, Ўзбекистон халқ шоири,  
Ўзбекистон қаҳрамони)

## Г

Иллар шиддат билан ўтмоқда ва ўзи билан биздаги бор  
нарсалар: ўйинқароқликни, ҳазилкашликни, юзимизнинг  
қизиллигини, улфатсеварликни ўғирлаб кетмоқда.

Гораций  
(эр. авв. 65-8 йилларда яшаган Рим шоири)

\* \* \*

Ҳар бир кун сенинг учун охирги кун бўлиши мумкин,  
шуни эсда тут.

Гораций

\* \* \*

Бугунги кунингдан хузурлан, эртадан камроқ умид қил.  
Соат ўз ортидан кунни етаклаб кетади.

Гораций

\* \* \*

Ўз вақтини қўлида маҳкам ушлаган одамгина росмана буюқдир.

Гесиод  
(мил. авв. VIII-VII асрлар, Юнон шоири)

\* \* \*

Истаган нарсангта эга бўлишинг мумкин, серсут сигирга ҳам, қалин жунли қўй-қўзига ҳам. Олтин ёлли отингта олтин тушов ҳам сотиб олишинг мумкин, лекин ўтган умрни орқага қайтариб бўлмайди.

Гомер  
(Тах. мил. авв. XII-VIII асрлар ўртасида яшаган Юнон шоири)

\* \* \*

Бекор ўтган умр – бу барвақт ўлим топишдир.

Гёте  
(1743-1832, немис шоири ва олим)

\* \* \*

Айниқса вақтни бой бериш билимдон одам учун қиммат гашади.

\* \* \*

Вақт қайсарликнинг содик иттифоқчиси.

\* \* \*

Дунёдаги ноеб нарсаларни қадрлашга фаҳму фаросати етмаган одамлар ҳам борлигини кўрсанг, тепа сочинг тикка бўлади кишининг.

\* \* \*

Тартиб вақтни тежашга ўргатади.

\* \* \*

Бирор дақиқа йўқки, сени, сенинг яқинларингни емирмасин, бирор дақиқа йўқки, ўз ихтиёридан ташқари бўлса-да,

бузғунчи бўлмасанг: кичик бир сайдар ҳам минглаб қумурска-  
ларнинг ҳаётини қурилади, биргина қадам ташлашинг шўр-  
лик чумолиларнинг машақат билан қурган уйларини вай-  
ронага айлантириб, бутун бир кичкина дунёни ер билан як-  
сон қиласди.

\* \* \*

Вақтни йўқотиш унинг қадрига етадиган киши учун ҳар  
нарсадан оғир.

\* \* \*

Ҳар қандай кайфият, боз устига ҳар қандай лаҳза беҳад  
қимматлидир, чунки у абадият унсуридир.

\* \* \*

Ёшлик тез ўтиб кетадиган нуқсондир.

\* \* \*

Ҳозирча кундуз – ҳаракат қилиб қилиб қол, тун бошлан-  
гач, ҳеч ким қимир этмайди.

\* \* \*

Келажак бизни хавотирлантиради, ўтмиш эса тутиб ту-  
ради. Шунинг учун ҳам бугунги кунимиз назаримиздан четда  
қолади.

Гюстав Флобер  
(1821-1880, француз ёзувчиси)

\* \* \* \*

Умр масофаси икки қош ўртасидек қисқа, муддати эса, кўз  
очиб юмгунча ўтган дамга teng.

Ғафур Ғулом  
(1903-1966, Ўзбекистон халқ шоири)

\* \* \*

Умр фурсатларнинг жамулжамидир. Фурсатлар ўз эгаси-  
дан уни бекорга ўтказмасликни талаб қиласди.

Ғафур Ғулом

Д

Үтиб кетган йўлингдан топ-чи бир кун,  
У қайтиб келарми кечаги кун!?

Хисрав Дехлавий  
(1253-1325, асли ота-боболари шахрисабзлик,  
форс ва урду тилларида ижод қилган  
улуғ хинд шоири ва мутафаккири)

\* \* \*

Ҳаммасидан ҳам ВАҚТИНИЙ йўқоттанига аччиқланадиган  
киши энг ақллидир.

Данте  
(1263-1321, итальян шоири)

\* \* \*

Кишида 20 ёшида – ҳис-туйғу, 30 ёшида – талант, 40 ёшида  
акл хукмронлик қиласи.

Грасиан  
(1601-1658, испан ёзувчиси)

\* \* \*

Кишининг ҳаёти: 20 ёшида – товус, 30 ёшида – арслон, 40  
ёшида – түя, 50 ёшида – илон, 60 ёшида – ит, 70 ёшида – май-  
мун, 80 ёшида – ҳеч нима.

Грасиан

\* \* \*

Ҳайрон қолиш учун бир дақиқа ҳам етарли. Ҳайрон қол-  
дирадиган иш қилиш учун эса кўп йиллар зарур бўлади.

Головецкий  
(1715-1771, француз файласуфи)

\* \* \*

Дунёни иккин золим ҳукмдор бошқаради: тасодиф ва вақт.

Гердер  
(1744-1803, немис файласуфи ва адабий танқидчиси)

• \* •

Вақт ҳам пулга ўхшайди, бўлар бўлмасга уни сарфлайвер-  
масангиз у сизга етарли бўлади.

Гастон де Левис  
(1964-1830, француз ёзувчиси)

\* \* \*

Бу жуда ҳам олдин бўлган эди. У пайтларда мен ёш ва но-  
дон эдим. Ҳозир эса кекса ва нодонман.

Генрих Гейне  
(1797-1856, немис шоири ва публицисти)

\* \* \*

Хукмдорлар келишади ва кетишади, халқ қолади, халқ  
абадийдир.

Генрих Гейне

\* \* \*

Вақтни бой беряётганда хуноб бўладиган одам энг доно  
одамдир.

\* \* \*

Агар бир кун яшасанг ҳам инсонга ўхшаб яшаш лозим.

Даниэль Дефо  
(1660-1731, инглиз ёзувчиси)

\* \* \*

Зиқна вақтнинг қанчалик тезлигини ва ҳаётнинг қанчалик  
қичхқалигини сезмай қолади.

Дени Дидро  
(1713-1784, француз ёзувчиси ва файласуфи)

\* \* \*

Ўз вақтининг лоақал бир соатини бехудага ўтказмоқчи  
бўлган кишини ҳаётнинг бутун қадр-қимматини ҳали тушу-  
ниб этиш даражасига бормаган деса бўлади.

Ч. Дарвин  
(1809-1882, инглиз табиатшуноси)

\* \* \*

Биз учун вақтни тежаш беш құлдай аниқ нарсадир.

Ф.Э.Дзержинский  
(1877-1926, рус давлат ва сиёсий арбоби)

\* \* \*

Вақтнинг қадрига етмаган машхур бўла олмайди.

Ф.М.Достоевский  
(1821-1881, рус ёзувчиси)

\* \* \*

Йиллардан ҳам узук туоладиган дақиқалар бўлиши мумкин.

Ф.М.Достоевский

\* \* \*

Дунёда яхши кишилар жуда ҳам кўп, лекин уларнинг ҳаммалари жуда ҳам бандлар.

Дон-Аминадо  
(1888-1957, рус адабиётшуноси, Францияда яшаган)

## Ж

Жуда ҳам кам кишилар бугунги кун билан яшашади, кўпчилик эса кейинроқ яшаш учун тайёрланиш билан овора бўлишади.

Жонатан Свифт  
(1667-1745, инглиз ёзувчиси)

\* \* \*

Вақт ўтишини четда туриб кузатадиганлар учун у жуда ҳам секин ўтади.

Самюэль Жонсон  
(1709-1784, инглиз танқидчиси ва ёзувчиси)

\* \* \*

Ҳаёт шундай тузилганки, биз фақат ўзгаришларни кутиб яшаймиз. Ўзгаришларнинг ўзи эса биз учун аҳамиятли эмас,

улар содир бўлгандан кейин биз яна бошқа ўзгаришларни кутаверамиз. Шу тариқа вақт дарё каби оқиб кетаверади.

Самюэль Жонсон

\* \* \*

Вақт ва пул ҳаётдаги энг оғир юқ, шунинг учун кишиларнинг энг баҳтсизи вақт ва пули ҳаддан зиёд кўпларидир.

Самюэль Жонсон

\* \* \*

Турган гапки, бизнинг ҳаётимиз зерикарли – акс ҳолда биз қандай қилиб бўлса ҳам вақтни йўқотиш учун доим жуда кўп миқдордаги майдо нарсалар ёрдамига мурожаат қиласиз.

Самюэль Жонсон

\* \* \*

Хеч бир ишни орқага сурма, чунки у сендан кейин осонлашиб қолмайди.

Жан Поль

(1763-1825, немис ёзувчиси)

\* \* \*

Кўшма Штатлар жуда ҳам тез ҳаракатланиши лозим, ҳаттоқи ўз ўрнида қолиш учун ҳам.

Жон Кеннеди

(1917-1963, Америка давлат арбоби,  
АҚШнинг 1961-1963 йиллардаги 35-президенти)

### 3

Вақт – ҳаракатнинг масофасидир

Китайлик Зенон

(мил. авв. 346-264, қадимги юонон файласуфи)

\* \* \*

Илм эгаллаш асносида энг кераксиз нарса – димоғдорлик, энг зарур нарса эса вақтдир.

Зенон

\* \* \*

Вақтни бой берәётганида хуноб бўладиган одам энг доно одамдир.

Данте  
(1263-1321, италян шоири)

\* \* \*

Вақт-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан ҳеч бир хайр қолмас

Аз-Замахшарий  
(1075-1144, хоразмлик улуғ аллома)

\* \* \*

Кўпинча вақтида ишлатиладиган хийла-ю тадбиркорлик кучу қувватдан ғолиб келур.

Аз-Замахшарий

\* \* \*

Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир.

Аз-Замахшарий

\* \* \*

Фурсат ганимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик!  
Саъй или жону дилда ҳимматга кўз очайлик!

Завқий  
(1853-1921, ўзбек шоири)

\* \* \*

Вақт шундай бешафқат ўтиб борадики, дарё каби уни ҳеч ким тўхтата олмайди.

Конфуций  
(мил. авв. 551-479, хитой файласуфи)

\* \* \*

Қандай ҳолатда бўлишингдан қатъий назар, ўзингни шундай тутки, ақл ўрганмоқ учун бирор соатингни ҳам зое кетказма, ахир ақлни нодондан ҳам ўрганиш мумкин.

Қобус  
(XI аср, тожик шоири)

\* \* \*

Зийрак ва огоҳларнинг офтоб каби порлаб турувчи кўнгиллари ойнасида зоҳир ва равшандирки, азиз умр яшин каби тез ўтиб боради ва **тириклик соатлари** дарё мавжидек ўткинчидир.

Шунинг учун ўтаётган **фурсатинг** ҳар бири, тенгсиз жавҳардир, унинг қадрига етиш керак.

Хусан Воиз Кошифий  
(1442-1505, мутафаккир-илоҳиётчи  
олим ва адаб, буюк ахлоқ муаллими)

\* \* \*

Вақтни оқилона тақсимлаш фаолиятнинг асосидир.

Я. Каменский  
(1592-1670, чех ёзувчisi ва мутафаккири)

\* \* \*

Бугунги ишни эртага қўйма, эртага тонг отмаслиги мумкин.

Уильям Конгрив  
(1772-1828, инглиз конструктори)

\* \* \*

Бахтли киши вақтни дақиқалар билан ўлчайди, бахтсизларга эса у ойларга чўзилади.

Купер Жеймс  
(1789-1851, америкалик ёзувчи)

Ҳар бир дақиқани чуқур мазмун билан бойита олган киши ўз умрини чексиз узайтирган бўлади.

И. Курц  
(1853-1944, немис адабаси)

Ўзининг ва ўзгаларнинг вақтини тежай билмаслик – ўтакетган маданиятсизлиқидир.

Н.К.Крупская  
(1869-1939, рус давлат ва сиёсий арбоби)

Одамзот ҳаёти тежалган вақтта қараб узаяди.

Ф. Коллиер  
(1870-1910, америкалик олим)

Ҳамма гап лаҳзададир. У киши ҳаётини белгилайди.

Франц Кафка  
(1883-1946, инглиз иқтисодчиси ва сиёсий арбоби)

Кишининг ҳаёти вақт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у, яъни вақт –соғлиқдан сўнгра энг қиммат ёки тўғриси баҳосиздир! Менимча, ҳаёт ёки бахтнинг қалити ҳам ана шу бебаҳо вақтдан тўғри, рационал фойдаланишдадир.

Қори Ниёзий  
(1987-1970, математик олим, педагог, жамоат арбоби)

Вақт – бу келажак.

Келажак – бу унинг қаршиисига соатига дақиқа тезлиқда пешвоз чиқаётганимиз.

Клайв Льюис  
(1889-1963, инглиз ёзувчisi)

Эллиқдан ошган одам шошилиши керак. Чунки бу ёқда қанча умр қолганлиги ёлғиз Аллоҳга аён. Савоб ишлар, улуғ ишларни улгурниб қилиб кетмоқ эса ҳамма инсон учун ҳам фарз ҳам қарзdir.

Ислом Каримов  
(1938-2017, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти)

Л

Вақтга бўйсунишга тўғри келади.

Лукан Марк  
(39-65, Рим шоири)

Вақт ўтган сайин нарсанинг моҳияти ҳам ўзгаради.

Т. Лукреций  
(эр. авв. I асрда яшаган римлик шоир ва файласуф)

Бир соат ичида бойишни истаган бир йил ичида осилади.

Леонардо да Винчи  
(1452-1519, италян рассоми ва олими)

Фиск-фасодга ва шу каби юрак дард-аламларига қарши  
энг яхши даво вақт ҳисобланади.

Леонардо да Винчи

Эллик ёшда ҳаёт бизни чарчата бошлайди. Олтмиш ёшда  
ҳаёт биздан чарчай бошлайди.

Аксель Оксеншерна  
(1583-1654, швед давлат арбоби,  
Швециянинг 1642-1654 йиллардаги канцлери)

Ғамни вақт ўз қанотида олиб кетади.

Ж. Лафонтен  
(1621-1695, француз ёзувчиси)

Сабр ва вақт куч ва эҳтиросдан кўра кўпроқ нарса беради.

Ж. Лафонтен

Бўш вақтинг кўп бўлишини истасанг вақтингни бехуда ўт-  
казма.

Ж. Лафонтен

Бехуда ўтказилган вақтдан афсусланиш ҳар доим ҳам қол-  
ган вақтдан оқилона фойдаланишга ёрдам қиласвермайди.

Ж. Лабрюйер  
(1645-1696, француз ёзувчиси)

Энг фазилатли иш – вақтни мақсадга мувофиқ сарфлаш-  
дир.

Ж. Лабрюйер

Ўз вақтидан оқилона фойдалана олмайдиган одам ҳамма-  
дан бурун вақт етмаслигидан нолийди: у кунларни кийиниш-

га, овқатланишга, ухлашга, олди-қочди гапларга, нима қилиш керак, деган ҳәёлларга, ҳеч нима қилмасликка сарфлайди.

Ж. Лабрюйер

Кишилар ўзлари билан ўзлари шундай бандларки, атро-фидагиларга назар ташлаб уларни холисона баҳолашга ҳам вақтлари етишмайди. Шунинг учун ҳам яхши фазилатлари кўп, лекин ўта камтар кишилар кўпинча ПАНАДА қолиб кетишади.

Ж. Лабрюйер

Омад кўп нарсани вақтинча фойдаланиш учун беради, абадий фойдаланиш учун эмас.

Станислав Лешинский  
(1677-1766, 1704-1711, 17333-1734 йилларда  
Польша қироли)

Ҳар доим вақтим йўқ дегувчилар аслида ҳеч нарса қилмайдилар.

Г. Лехтенберг  
1742-1799, немис сатирик ёзувчиси,  
адабиёт танқидчиси ва физик олими)

Вақт хатони эскитади, тўгрилаб жиловлади.

Г. Левис  
(1764-1830, француз ёзувчиси)

“Эртага” “буғун”нинг зўр душманидир; “эртага” бизни бор-будимииздан айиради, фаолсизликда ушлаб, охир-оқибат нотавон қиласди.

Э. Лабуле  
(1811-1883, француз публицисти, олим, сиёсий арбоб)

Ҳеч бир ишни эртага қўйма – вақтнинг қадрига етадиганларнинг устунлиги ҳам, сири ҳам шунда.

Э. Лабуле

Эртанги кун келмасдан олдин, бугун сенинг учун қанчалик яхши эканлигини тушунмайсан.

Л. Левинсон  
(1905-1974, америкалик ёзувчи)

Эртадан бошлаб ҳеч нимани эртага қолдирмайман.

Л.С.Левинсон

Қачонки сизнинг фаровонлигингиз ўртага тикилган бўлса,  
сиз ҳафтада етти кун 24 соат ишлай бошлайсиз.

Ли Куан Ю.  
(1938, Сингапур Президенти)

Вақт бизни ўйламайди, лекин биз уни ўйлашимиз керак.

Ли Куан Ю.

## M

Вақт ҳамма жароҳатларни даволайди.

Менандр  
(эр. авв. тах. 343-2291, қадимги Юнон драматурги)

Умрнинг ўлчови унинг узунлигига эмас балки сизнинг ундан қандай фойдаланганингизда.

Мишель де Монтень  
(1533-1592, француз файласуфи, ёзувчи)

Ҳаёт ўтиб кетгандан кейингина биз яшашга ўрганамиз.

Мишель де Монтень

Кишининг жуда ҳам ёш ва жуда ҳам кекса бўлиши оралигидаги вақт ҳаддан зиёд қисқа.

Монтескье  
(1689-1755, француз мутафаккири)

Мағур бўлиб кезма умринг гулига,  
Дуч келарсан бир кун хазон елига.  
Юз йил яшаб тушсанг ажал қўлига,  
Чапингдан ўнгингта боққанча бўлмас.

Махтумкули  
(1733-1780, туркман шоири)

Вақт қобилияtlарни ўстириш учун зарур бўлган кенглик.

К. Маркс  
(1818-1883, немис иқтисодчиси)

Ҳар қандай тежамкорлик охир-оқибатда вақтни тежашдан иборатдир

К. Маркс

Тезкор вақт, қайтиб келмайдиган вақт инсоннинг энг қимматбаҳо бойлигиdir, бинобарин, уни елга совурмоқ бориб турган талон-торожлиқидир.

С. Моэм  
(1874-1965, инглиз ёзувчisi)

Ҳар бир кунни ўлча, сарфлаган ҳар бир дақиқангни ҳисобга ол! Фақат вақт масаласидагина хасислик қилиш мумкин ва бу мақтovлидир.

Т. Манн  
(1875-1955, немис ёзувчisi)

Вақт ақллироқ, яхшироқ етукроқ ва мукаммалароқ бўлиб етишишимиз учун бизга инъом этилган қимматбаҳо совғадир.

Т. Манн

“Вақт ярани даволайди” – бу фақат тасалли сўзлар албатта, у ёлғон, лекин шундай бўлишини истардим.

Марлен Дитрих  
(1901-1992, америкалик киноактриса)

Кўрдимки, вақтини "эсиз", "қанийди", "кошки"лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин Кубро  
(1145-1221, хоразмлик буюк файласуф, шоир, авлиё)

Фурсати келмагунча қобилияtlар жуда оз фойда беради.

Наполеон  
(1769-1821, француз лашкарбошиси  
ва давлат арбоби, император)

\* \* \*

Асосийси, урушни бошлаб олиш, у ёғини эса вақт кўрсатади.

Наполеон

Ичига соладиган нарсангиз бўлса, бир куннинг минг чўнтағи бор.

(1844-1900, немис файласуфи)

Дарё ҳам, вақт ҳам тўхтаб тура олмайди.

Овидий  
(мил. авв. 17-йилларда яшаган Рим шоири)

Вақт ҳамма нарсани еб битиради.

Овидий

Вақт – бу сароб, у баҳтичи чоғларда қисқаради, азоб-уқубат дамлари чўзилиб кетади.

Олдингтон  
(1892-1962, инглиз ёзувчиси)

Ўлмас иш яратаеттанинг ўлими доимо бевақт бўлади.

Плиний Кичик  
(62-114 йилларда яшаб ижод қилган рим ёзувчиси ва давлат арбоби)

Ўтаётган ВАҚТ қанчалик бахти бўлса, у шунчалик қисқа бўлади.

Плиний Кичик

Келажак ҳар доим ҳозиргидан яхши бўлиб кўринади.

Полибиий  
(мил. авв. 200-120, Қадимги Юнон тарихчиси)

Вақт ҳамма нарсани ўзи билан бирга олиб кетади.

Платон  
(мил. авв. 427-347, Юнон файласуфи  
асли исми Аристокль, Платон унинг лақаби  
бўлиб “елкадор” деган маънени беради)

Аввало одам бўлишга ҳаракат қил, ортиқча вақт топсанг  
олим бўлаверасан.

Пифагор  
(мил. авв. 580-500 йилларда яшаган  
Юнон файласуфи ва математиги)

Ҳар куни эрталаб уйкудан турган заҳоти ўзингдан “Бугун  
нима қилишим зарур?” деб, кечқурун ухлашдан олдин эса  
“Нима қилдим?” деб сўра.

Пифагор

Ўтган кун ҳақидаги: “Мен уни қандай ўтказдим, нималар  
қилдим-у, нималарга улгуролмадим?” – деган саволларга жа-  
воб топилмагунча кўзларинг уйкуга кетмасин.

Пифагор

Вақт – бу энг яхши маслаҳатчи.

Приеналик Биант  
(мил. авв. VI аср Қадимги Юнон файласуфи,  
Юнонистондаги етти етакчи файласуфлардан бири)

Ҳамма нарсани сабаби нима? Бу – вақт.

Периандр

(мил. авв. 629-583 йилларда яшаган файласуф  
қадимги Юоннинг “етти донишманди” дан бири)

Эсингизда бўлсин, вақт керакли паллани ақл билан тан-  
лай оладиган кишиларни яқин дўсти ва иттифоқчисидир.

Лекин у кераксиз пайтда шошқалоқлик қиласиган киши-  
ларнинг энг хавфли душманидир.

Платон

(46-120, Қадимги Юон ёзувчиси ва тарихчиси)

Вақт оқими биздаги бор нарсанинг ҳаммасини олиб кета-  
ди.

Блез Паскаль

(1623-1662 франциялик математик,  
физик, файласуф ва ёзувчи)

Сизнинг эришган ҳамма нарсангизни вақт олиб кетишини  
хис қилиш нақадар кўрқинчли.

Блез Паскаль

Киши қаҳрамон бўлиши учун бир он кифоя, лекин комил  
инсон бўлиб шаклланиши учун бутун умр талаб қилинади.

Поль Брюла

(1866-1940, француз ёзувчиси)

Назарий жиҳатдан ернинг айланәётганини биламиз, ле-  
кин сезмаймиз. Вақт ҳам худди шундай.

Марсель Пруст

(1871-1922, француз ёзувчиси)

Вақтни бой бериш ўзини-ўзи қатл қилиш этиш билан ба-  
робар.

Говард Пекк

(1885- ?, америкалик шифокор)

Вақтни тежаб пул топиш мүмкін, лекин пул сарфлаб  
вақтни топиб бўлмайди.

Мамаюнус Пардаев  
(1948, иқтисод фанлари доктори,  
профессор, инсоншунос олим)

## P

Биз учун аср билан соат тенгдир... Узун йўл, қисқа вақт биз  
учун эмас! У узун-қисқалик жисмларга нисбатандир, жонга  
қандай мос келсин? Асҳоби Каҳф уч юз тўққиз йил ётдилар:  
Ухладилар, аммо бу уч юз тўққиз йил уларга бир кундек ту-  
юлди. На хафа бўлдилар, на афсусландилар. Бу оламда кеча  
билан кундуз, ой билан йил бўлмаса зерикиш, кексалик қан-  
дай бўлсин?

Жалолиддин Румий  
(1207-1273, форс шоири)

Ҳар қанча оғир мусибатлар ҳам ақлу идрок ва ВАҚТ таъ-  
сирида сусаяди.

Ф. Рохас  
(1465-1541, испан ёзувчisi)

Вақт бор, вақт бўлди, вақт ўтиб кетди

Грин Роберт  
(1558-1592, инглиз ёзувчisi)

Ўзимизга кичкина баҳтни фақат бугун учун яратса оламиз.  
Эртага яна бошқатдан бошлишимиз керак ва ҳар куни шун-  
дай қилишимиз зарур.

Жюль Ренар  
(1864-1910, француз ёзувчisi)

Вақт бизнинг энг арzon ва айни вақтда энг қимматбаҳо  
мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсага эриша-  
миз.

Я. Райнис  
(1865-1929, латиш шоири, драматург)

Кимки бўш вақтини оқилона ўтказа олса, шахсий маданияти олий даражадаги кишидир.

Б. Рассел  
(1872-1970, инглиз файласуфи, жамоат арбоби)

C

Баъзи ишларнинг буюклиги уларнинг катталигига эмас, ўз вақтида бажарилганлигига.

Сенека  
(мил. авв. 6-3 милоднинг 65 йилларида яшаган  
Рим файласуфи ва ёзувчиси, ирландиялик)

Нимани кутасан? Барча истаклар ижобат бўлишиними?  
Бундай ВАҚТ келмайди! Истаклар занжири шунақаки, бир  
истак иккинчисини пайдо қиласди.

Сенека

Баъзи нарсаларни улуғворлиги уларнинг кўлами билан  
эмас, балки ўЗ ВАҚТИДА бажарилганлиги билан белгилана-  
ди.

Сенека

Биз ҳаётга келган биринчи соатдан бошлаб умримиз  
қисқара бошлайди.

Сенека

Ёшликнинг ўтаётганлигини ҳеч ким ҳис қилмайди, лекин  
у ўтиб кеттанидан кейингина ҳаммага сезилади.

Сенека

Ақл ожизлик қилган ерда қўпинча ВАҚТ ёрдамга келади.

Сенека

Вақтлар келадики, авлодларимиз биз шундай аниқ ва од-  
дий нарсаларни билмаганимизга ҳайрон бўладилар.

Сенека

Вақтдан бошқа ҳеч нарса бизга тегиши эмас.

Сенека

Келажақдан хадиксирайдиган киши баҳтсиз бўлади.

Сенека

Ўтмишга сажда қилманг, келажак учун ғам чекманг ва ташвишли хаёлларга берилманг! Кези келганда, фурсатни қўлдан бой бермай ишта киришинг.

Сюн-цзи

(тах. мил. авв. 313-235 й.,  
қадимги Хитой файласуфи)

Агар кишининг бекор ВАҚТИ кўп бўлса, у кўп нарсага эришмайди.

Сюн-цзи

Вақт барча яшириналарни очади, барча маълумларни яширади.

Софокл

(496-406, Юнон драматурги, сиёсий ва ҳарбий арбоб)

Модомики, бегамлик ва ношуддик кўрсатилар экан, қулай фурсат қўлдан бериб кўйилади. Вақт ўтгандан кейин афсусла-ниш бемаъни ва бефойдадир.

Муҳаммад Захирий Самарқандий  
(?-1003, қонуншунос ва илоҳият олими,  
Самарқанд шайхулисломи)

Учта қийин иш бор: сирни сақлаш, зулмни унутиш ҳамда вақтнинг қадрига етиш.

Саъдий Шерозий

(1203-1291, форс шоири ва мутафаккири)

Кимки бефойда умрин ўтказди,  
Ҳеч нарса олмай, олтин кетказди.

Саъдий Шерозий

Вақт ўчиролмайдиган хотира, ўлим тугатолмайдиган оғриқ йўқ.

Сервантес  
(1547-1616, испан ёзувчиси)

Пул азиз, инсон ҳаёти ундан ҳам азиз, вақт эса ҳамма нарсадан азиздир.

А.В.Суворов  
(1729-1800, рус лашкарбошиси, генералиссимус)

Вақт ва сув тошқини ҳеч қачон кутиб турмайди.

Б. Скотт  
(1771-1832, шотланд ёзувчиси)

Йиққан. Яшалган ҳар бир кунингта йиққан ҳосилинг билан эмас, эккан уругинг билан баҳо бер.

Стивенсон  
(1850-1894, шотланд ёзувчиси ва шоири)

Туғилиш ва ўлишга даво йўқ, шунинг учун улар орасидаги ВАҚТДАН унумли фойдаланиш зарур.

Жорж Сантаяна  
(1863-1952, америкалик файласуф)

Вақт ўтаверади, вақт келаверади.

Жозе Сарамаго  
(1922, португалиялик ёзувчи)

Вақт мавжуд воситаларнинг энг қимматлисиdir.

Теофраст  
(мил. авв. 372-287, Қадимги Юнон файласуфи)

Инсон бошига тушиши мумкин бўлган энг оғир йўқотиш вақтни бой беришдир.

Теофраст

Қадимги деб қадрланадиган ҳамма нарса бир вақтлар янги бўйган.

Тацит

(Публий Корнелий, тах. 56-117 йилларда яшаган Рим тарихчиси)

Икки нарса борким, кўпчилик уларни қадрига етмайди:

1. Бири – соғлиқ.
2. Иккинчиси – бўш вақт.

Ат-Термизий

(820-932, мутафакир)

Ўз вақтида қоқилган йиқилмаслиги мумкин.

Томас Фуллер

(1608-1661, инлиз абадиётшуноси)

Хаётимнинг энг баҳти оналарим – бу, менинг уйда, оилас даврасида ўтказган вақтларимдир.

Томас Жефферсон

(1743-1826 йилларда яшаган,

Америка сиёсий арбоби,

АҚШнинг 1801-1809 йиллардаги 3-президенти)

Сиз ҳеч қачон шошманг ва сиз ўз вақтида улгурасиз.

Шарль Морис де Талейран

(1754-1838, Франциянинг сиёсий ва давлат арбоби)

Аёллар фурсатдан тез фойдаланадиган эркакни севади, бироқ фурсатни бой берган эркакни ёқтирумайди.

Талейран

Вақтни бой бериш боқийликка заарар келтиришдан бошқа нарса эмас!

Г. Торо

(1807-1862, америкалиқ ёзувчи ва файласуф)

Ёшлигимда юқори ва осон қўлга киритадигандай кўринган мақсадлар, ёш ўтган сайин узоқлашаверади, узоқлашаверади.

Генри Давид Торо

“Эртага” сўзи қатъиятсиз кишилар ва болалар учун ўйлаб топилган.

И.С.Тургенев  
(1818-1883, рус ёзувчиси)

Вақт баъзан қушдай тез учади, баъзан чувалчангдай судрадали: лекин унинг тез ёки секин ўтишини пайқамаслик, инсон учун айниқса яхшидир.

И.С.Тургенев

Тубан ниятларни олий ниятларга қурбон қила борар экансан, маълум вақт учун, ийл учун, ой учун, хафта учун, кун ва соатлар, лаҳзалар учун, бус-бутун ҳаёт учун мақсадинг бўлсин.

Л.Н.Толстой  
(1828-1910, рус ёзувчиси)

Вақт ором нималигини билмайдиган ниҳоясиз ҳаракатдир – уни бошқача тушуниш мумкин эмас.

Л.Н.Толстой

Эртага бажарадиган ишингни бугун бажар: бугун айтмоқчи бўлган гапингни эртага гапир.

Казимеж Тетмайер  
(1865-1940, поляк ёзувчиси)

Кишининг ҳар бир дақиқаси, ҳатто ҳар бир нафаси фазилатли амалларга бағишланиши керак. Таъбир жоиз бўлса, вақт намланган совунга ўхшайди. Уни қўлда тутиб туриш жуда қийин.

Ўтган вақтнинг ортга қайтмаслиги ва ўрнига алмашмаслигини англамайдиган одам йўқ. Ҳар бир кун ўз яқинини, ҳар

бир соат ҳам ўз ниҳоясини топади. Кунни, соатни, ҳатто лаҳзани қайтариш ёки бошқаси билан алмаштиришга ҳеч ким уриниб ҳам кўрмаган. Отилган ўқ изига қайтмаганидек, УМР ҳам ўз изига қайтмайди.

Тохир Малик  
(1946-2018, Ўзбекистон халқ ёзувчиси)

## у

Кимдаки ақлдан бирон сатр бор,  
Умрин бир лаҳзасин ўтказмас бекор.

Умар Ҳайём  
(1048-1131, шоир ва олим, математик,  
файласуф, астроном ва табиб)

Кувватим борида фойдам билмадим,  
Тушунган вақтимда кучим бўлмади

Умар Ҳайём

Дунёда энг кўп исроф қилаётганимиз – ВАҚТ. Ваҳоланки,  
УМРнинг ҳисобини берамиз. Сантиметр – сантиметригача.

Умар Форук Сайдо ал-Жазарий

Беҳуда сарф этган вақтингни дунё ва охиратнинг узун ва фойдали ишларига сарф қил. Ахир умрни исроф қилиш увол. Соатлаб қаҳвахона, чойхона ё билярдҳоналарда ўтиришади. Бекорчи, бемаъни гап-сўзлардан гурунг қилиб, тонгни тунга, баъзан тунни тонгга улашади. Кошкийди, сенга бир фойда бўлса. Афсус, афсус, шунча вақт, УМР исроф, нестнобуд бўляпти.

Умар Форук Сайдо ал-Жазарий

Ёшлиқда пулинг кўп бўлади, вақтинг етмайди,  
Қарилиқда вақтинг кўп бўлиб, пулинг етмайди.

Баҳодир Умрзоқов  
(1948, иқтисод фанлари доктори, профессор)

Ф

Бу кунги юмушни эртага қўймоқ марғуб эмас,  
Тонгла не ҳол рўй берурни кажрафтор айтиб бермас.

Фирдавсий  
(941-1025, форс-тожик шоири ва мутафаккири)

Кувватим борида фойдам билмадим,  
Тушунган вақтимда кучим бўлмади.

Фариуддин Аттор  
(1148-1219, форс-тожик адабиётининг мумтоз вакили)

\* \* \*

Вақтнинг чеки йўқ дейдилар. Лекин унинг маълум бир бўлганини олиб бошланиш ва тугаш нуқтасини белгилаш мумкин. Масалан, биз кун ёки йилнинг бошланиши ва охири ҳақида гапирамиз. Аммо мангулик ҳақида бундай деёлмаймиз. У бундай сифатдан холидир.

Аквинолик Фома  
(1225-1274, италиялик файласуф ва илоҳиётчи олим)

Вақт ва мангулик айни бир нарса эмас.

Аквинолик Фома

Боэцийнинг фикрича, вақт ва мангулик ўртасидаги фарқ шундаки, мангуликнинг ҳар бир лаҳзаси яхлит воқеликдан иборат. Вақт эса бундай сифатдан маҳрумдир. Мангулик – мавжудлик мезони бўлса, вақт – ҳаракат мезони.

Аквинолик Фома

Биргина бутуннинг қиймати, эртанги куннинг иккитасига тўғри келади.

Б. Франклайн  
(1706-1790, америкалик олим ва давлат арбоби)

Йигирма ёшида кишида истак ҳукмронлик қилади, ўттиз ёшида – ақл, қирқ ёшида мuloҳаза.

Б. Франклин

Модомики вақт энг қимматбаҳо мулк экан, унда вақтни талон-торож қилиш энг оғир гуноҳдир.

Б. Франклин

Вақт – бу пул

Б. Франклин

Ҳаётни севасанми? Севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт деган мато яралади.

Б. Франклин

Пул ҳамма нарсага қодир деб ҳисоблаган киши пул учун истаган нарсага тайёр деб гумонсираса бўлади.

Б. Франклин

Эрта ётиб, эрта туриш – соғлом, бой ва доно қилур.

Б. Франклин

Бугунги бир соат эртанги икки соатта айланади.

Т. Фуллер

Ёшликни беҳуда ўтказмасанг, қариганда ҳеч нарсадан афсусланмайсан.

Хам Фэй

(мил. авв. 280-233, Қадимги Хитой файласуфи)

## X

Дарёning суви бир он ҳам тўхтамасдан шошиб оқади, қирғоқ эса тип тинч. Вақт ҳам худди шундай, бироқ инсонлар эса нотинч. (Муалл.)

Хун Цзи Чен

(XVII аср бошида яшаган, Хитой адабиётида афористик жанрни бошлаб берган мутафаккир)

Ҳар бир тонг ёришадиган кун борки, инсон боласига нидо қиласи: "Мен янги яратилдим. Ишларингта шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Кетар эканман, Қиёматга қадар қайтмайман".

Ҳасан Басрий

## Ц

Жанг тезликни талаб қиласи

Цицерон

(мил. авв. 106-43 йилларда яшаган Рим сиёсий арбоби,  
нотиги ва ёзувчиси)

Мен ҳамиша бўш вақтимда кўпроқ банд бўламан.

Цицерон

Бебош ва саёқ ёшлик кексаликка шалвираган танани ҳадя этади.

Цицерон

Вақт келди – Устоз таваллуд топди,  
Кетишнинг фурсати етди – Устоз итоат этди.

Чжуан-Цзи

(369-286, қадимгт Хитой файласуфи)

Ҳар бир йўқотилган лаҳза – йўқотилган иш, бой берилган фойдадир.

Ф. Честер菲尔д

(1694-1773, инглиз давлат арбоби, ёзувчиси)

Вақтинг ҳеч нимага етишмаслигини истасанг, ҳеч нима қиласи.

А.П.Чехов

(1860-1904, рус ёзувчиси)

Менинг ягона душманим – бу вақт.

Чарлз Чаплин

(1889-1977, америкалик киноактёр, режиссёр)

Кўз очиб наззора қил, вақт ўтмасин,  
Эрк қушин сайёра қил, вақт ўтмасин.

Чустий  
(1904-1983, шоир, таржимон)

Қуёш ботаётган маҳалда умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, деб эслаб туриш керак.

Чингиз Айтматов  
(1928-2008, қирғиз ёзувчиси)

Тажриба фақат фаолият ёрдамида қўлга киритилади,  
ВАҚТ ёрдамида эса мукаммаллашади.

Вильям Шекспир  
(1564-1616, инглиз шоири ва драматурги)

Соат занги вақтнинг беҳуда ўтаётганидан огоҳ этади.

В. Шекспир

Агар ишинг бор бўлса, уни тезроқ тутат.

Шиллер  
(1759-1805, немис шоири ва драматурги)

Келажак ҳаддан ташқари имиллайди, ўтмиш ҳаракатсиз,  
ҳозир эса қуондай тез ўтади.

Ўртамиёна одам вақтни тез ўтказиш пайида бўлади, ис-  
теъдод соҳиби эса ундан фойдаланиб қолишга уринади.

А. Шопенгуэр  
(1759-1805, немис шоири ва драматурги)

Тентакликнинг энг заарлиси ВАҚТни зое этишдир.

Шорасул Зуннун

Э

Фурсатлар сони уларни кўра оладиган одамлар сонидан  
кўпроқ.

Томас Эдисон  
(1847-1931, америкалик ихтирочи ва тадбиркор)

Дунёда ҳамма нарса йўқолиб кетса ҳам коинот ва ВАҚТ  
қолади.

Альберт Эйнштейн  
(1879-1955, немис физик олими,  
Нобель мукофоти лауреати)

Мен келажак учун ҳеч хавотирланмайман у жуда ҳам тез  
келади.

Альберт Эйнштейн

Биз вақтни ўлдирамиз, вақт эса бизни.

Эмиль Кроткий  
(1892-1963, рус шоири)

Ю

Кимнинг сочига оқкуш туси келиб ўрнаса, кўнглини оқкуш  
каби оқ, тутиши керак.

Юсуф Хос Хожиб  
(1020-..., туркий мутафаккир, давлат арбоби)

Муддатни чўзиш вақтни ўғирлаш демакдир.

Э. Юнг  
(1633-1765, инглиз шоири)

Я

Вақт фақат китоблардагина тўхтаб туради.

Курек, Ялю  
(1904-1983, поляк ёзувчиси)



**ОЛГАН САБОҚЛАРИМ  
ВА  
ХУЛОСАЛАРИМ**



5

## 12.6. ҚАЛБИМ УММОНИДАГИ ТОМЧИЛАР

Ҳар бир киши бу ёруғ дунёга келиб, то ундан рихлат қилгүнига қадар инсоний бурчини қандай ўташи кераклигидан баҳс очади, сабоқ олади ва сабоқ беради, ўзгаларнинг фикрларини ўрганиш ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратишга ҳаракат қиласди, ўзини ҳайратга соглан ҳар қандай ҳодисадан ҳикмат, сир-синоат излайди, кексалик озиқсиз қолмаслиги учун тинимсиз мутолаада бўлади.

Итальян рассоми, ҳайкалтароши ва архитектори Леонардо да Винчи (1452-1519) бу ҳақда шундай деган:

**“Кексаликнинг озиғи донолик эканини ёдда тутиб, ёшлиқда шундай ҳаракат қилгинки, кексалик озиқсиз қолмасин”.**

Немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788-1860) эса юқоридаги фикрларни амалга ошириш йўли ҳақида шундай дейди:

**“Кексайтанингда ёшлиқнинг бутун кучини эскирмайдиган асарларда мужассамлаштиришга муваффак, бўлинганини англашдан яхшироқ таскин берадиган нарса йўқ”.**

Айтиш жоизки, бу ўта мушкул иш. Масалан ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя, бироқ ҳайратлантирадиган, ёхуд, эътиборни ўзига жалб қила оладиган теран гап айтиш учун эса кўп йиллар керак. Зоро, ҳар қандай ҳикмат ёки битик тафаккурдан, тинимсиз илм олиш, доноларнинг фикрларини ўрганиш эвазига туғилади. Бу ҳақда рус ёзувчиси Н.А.Рубакин шундай ёзади:

**“Ўрганиш ўзгаларнинг фикрлари ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратиш демакдир”.**

Ушбу ҳикматли сўзлар туртки бўлдими, умр бўйи адабиётга меҳр кўйдим. Китоб муроаласи севимли машгулотим бўлди. Нафақага чиққач эса, ўзим ҳам ярим асрдан ортиқроқ давр ичида мазкур туркум таркибига кирган ҳар бир мавзу бўйича ўқиганларим, ийқанларим, ҳаётий кузатмаларим ҳақида қоғоз қоралай бошладим.

Ва ниҳоят, кексалик озуқасиз қолмасин деб не-не изланиш изтиробларига чулғанган кечалар эвазига юзага келган қуйи-

даги битикларимни битдим ва "қалбим уммонидаги томчилар" деб атадим.

\* \* \*

Эртага бугунни топиб бўлмайди. Вақт қадрини вақт белгилайди дегани шу бўлади. Молу мулкинг кетса кетсин, аммо вақтингни зое кетказма.

\* \* \*

Вақт кеча ҳам ўтган, бутун ҳам, эртага ҳам ўтади. Унинг қолдирган изи эса ҳамма вақт ҳам Сиз истаган натижа бўлмаслиги мумкин.

\* \* \*

Ҳаётни севасанми? Севсанг вақтни бой берма! Ҳаётинг воқеаларга бой, унинг ҳар бир дақиқасидан баҳра олиб яша. Ҳар куни шундай яша.

\* \* \*

Вақт гилдираги тўхтаб турмайди. У ҳеч кимга, ҳеч нимага қарамай бир маромда айланаверади. Мол-мулкни асрой оладиган соқчи топилади, лекин бефойда ўтган фурсатни сақлаб қоладиган соқчи топилмайди.

\* \* \*

Вақт кескир қилич каби. Агар сен уни кесмасанг, у сени қиймалаб ташлайди. Одам ўзига тез-тез ҳисоб бериб туриши вақтни кесиши, унинг устидан ғалаба қозонишнинг бирдан-бир йўлидир.

\* \* \*

Вақт – душман мисоли. У шиддат билан ёшлигимиздан мосуво қиласди. Шуни била туриб ёшлар улгурман деб "кун ўтса бўлди" қабилида вақтни гумдон қиласдилар, қариялар эса ултурмайман деб жонини жабборга бериб тинмай вақт пайида бўладилар.

\* \* \*

Вақт – олий ҳакам. У барча қилган ишларинг устидан хукм чиқаришга қодир. Унинг хукми эса ҳақиқий хукмдир. Ана шу кескир қилич шамширдай душман, олий ҳакам – вақт инсонга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

\* \* \*

Дақиқалар соатларни, соатлар кунларни, кунлар ойларни, ойлар йилларни, йиллар асрларни етаклаб бораверади. Шу давр ичидә кимлар дүнёни тарк этадилар. Ҳаёт чархпалаги айланаверади, шу айланишда.

\* \* \*

Агар вақтингизни ўзингиз режалаштирмасангиз, уни бошқалар режалаштиради, сиз Құл бұласиз.

\* \* \*

Вақтни омборхонада хомашёни жамғарған каби жамғарыб бўлмайди, Вақт беназир ва тиклаб бўлмайдиган бойлиқдир. Уни йўқотар эканмиз, ундан тамоман айриламиз.

\* \* \*

Вақтнинг ҳеч ким билан, ҳеч нима билан иши йўқ, ўтиб кетаверади. Биз эса у билан ҳисоблашмай замин қолиб самога бўйлашамиз.

\* \* \*

Болалиқда сен вақтни қувлайсан, ёшинг улғайгач, вақт сени қувлайди. Шу боис сенинг бебаҳо ёшлигинг қариликнинг баҳти кечиши учун берилган олтин фурсат эканлиги ёдингда турсин.

\* \* \*

Вақтни бой бериш – ўз-ўзини қатл этиш билан баробардир. Тентакликнинг энг зааралиси ҳам вақтни зое этишдир.

\* \* \*

Одам бир кунмас бир кун ўлади. Лекин вақт ўлмайди. Агар инсон ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган Вақтни эзгулик, бунёдкорлик, тоат-ибодат йўлида сарфланган бўлса, Вақтнинг хотирасида абадий қолади. Бундай зотларни ўлди дейиш нотўгри.

\* \* \*

Соч-соқол оқаради. Вақтнинг соч-соқоли оқармайди. У навқирон! Кўзнинг нури камаяди. Вақтнинг сўзи камаймай-

ди. У ҳамма нарсани кўради. Хотира пасаяди, вақтнинг хоти-раси мустаҳкам. У ҳеч нарсани унутмайди.

\* \* \*

Вақтни на тутиб, на ундан ўтиб, на тўхтатиб бўлади. Вақт ўтаверади. Соат тўхтаб қолса ҳам, вақт тўхтамайди. Вақт се-нинг ихтиёригдан ташқарида ўтади, шунинг учун ҳам уни тутиб туролмайсан, лекин ундан унумли фойдаланиш сенинг ихтиёригда.

\* \* \*

Вақт бизнинг энг арzon ва айни пайтда энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки у туфайли биз ҳамма ёки кўп нарсага эришишимиз ёки кўп нарсани йўқотишимиш мумкин.

\* \* \*

Мен вақт деган қайтарилемас, улуғ ҳакамга муносабатда жуда тежамкорлик керак деб ўйлайман. Чунки, одамзот ҳа-ёти тежалган вақтга қараб узаяди.

\* \* \*

Вақт – ғанимат, беҳуда ўтса – надомат.

\* \* \*

Бемаъни ўтган вақтга ачинишдан кўра, ундан тегишли ху-лоса чиқариш ва умрнинг қолган қисмидан оқилона фойда-лана билиш афзалдир.

\* \* \*

Вақтнинг бешафқат ҳукмига бўйсунмасдан иложимиз йўқ. “Болам, сен чоригингни унутибсан”, “оёғинг ердан узи-либди”, деган ҳукмни ҳам вақт чиқаради.

\* \* \*

Вақтнинг қадрига иши бор одам етади. Дангасалик – вақт-нинг энг хавфли душмани.

Ўтган воқеага ечим қидириб юрманг. Унинг иложи йўқ. Вақт ўтди, биродар! Инсон бу борада буткул ожиз.

У ишга ўз вақтида келиб, ўз вақтида қайтарди. Шунинг учун унинг калласи қабул соатларидан ташқари келган фуқароларни қабул қиласди.

\* \* \*

Шамолни түр билан тутиб бўлмайди, вақтни эса зўрлик билан. Уни алдаб ҳам бўлмайди.

\* \* \*

Хеч қачон шошаётганингизни билдириманг: шошилиш-ўзингизни ва вақтни ирова эта эта олмаслик белгисидир. Ўзингизни вазмин ва хотиржам тутинг.

\* \* \*

Вақтни бошқариш санъатини эгалланг. Ҳали мавриди келмаган пайтда сабр қилинг ва пайти пишиб етилган онларда жон-жаҳд билан курашмоқни ўрганинг.

\* \* \*

Вақтни тўғри танланг. Ҳозирги тўлқинда сузгандан кўра сизни муваффақият сари олиб чиқадиган кучли сув тошканини куттанингиз маъқул.

\* \* \*

Замон рафтори сизга қарши бўлганда асабийлашманг, тушкунликка тушманг ёки жаҳл отига минманг. Вазмилийк ва совуққонлик чегарасидан чиқманг. Шундагина вақт сизнинг фойдангизга ишлайди.

\* \* \*

Аросатда қолмасликнинг энг тўғри усули ВАҚТ билан ҳамнафас бўлиб, уни ўзиб яшашга интилишдир.

\* \* \*

Инсон умрининг тўрт фасли ўз давридаги ВАҚТ билан узвий боғлиқ. Агар баҳор вақтини бегамлиқда, ёз вақтини лоқайдликда ўтказсанг, куз вақтида ҳосилинг – аттант, умр-

нинг охири – қишиш вақтида эса ҳасрат-надоматдан иборат бўлади.

\* \* \*

Вақт ҳамишадек шовқин ва ортга қайтмас дарё мисоли, шиддат билан олдинга интилгани интилган.

\* \* \*

Вақт пулдан анча қадрли ва қимматроқ. Уни пул сингари кредитга ололмайсиз

\* \* \*

Орзулар сари йўл олган орзуларнинг ушалишини олий ҳакам – вақт кўрсатади. Ушалмас орзулар кетидан қувиш – бу сароб. Яхшиси қувламай қўйинг.

\* \* \*

Вақт – ҳаракатни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч. Вақтимиз тифиз деймиз-у ҳаракатимиз ҳамин қадар. Яна ҳеч нарсага улгурмаяпман деймиз.

\* \* \*

Вақт – олтинга teng. Уни рашк ва ҳасаднинг қора кучлари билан олишишга беҳуда сарфламанг.

\* \* \*

Ижтимоий ҳаётнинг қайси бир соҳасига тегишли бўлмасин буюм ва ҳодисалардаги ўзгаришлар физика фанининг умумий тушунчаларидан бири ( $t$ ) вақтда содир бўлади.

\* \* \*

Ўтаётган йиллар тўзони бизни ВАҚТ деб аталмиш ҲАКАМнинг интиқосисиз имтиҳонларга рўбарў қиласи. Шу боис, баъзан вақт ўтгани сайин, ўзимизнинг нималарга қодирмиз-у, нималарга қодир эмаслитимизни англаб борамиз.

\* \* \*

Лағча чўғ устида ўтирган одамга вақтнинг ҳар дақиқаси жуда секин ва оғир ўтади.

\* \* \*

Ҳар қалай вақт оқими бизнинг қўлимиизда эмас. Аммо, вақтимизни қандай ўtkазиш ўз қўлимиизда. Шундай экан, ҳар кунимиз мазмунли осудалиқда, яхши инсонлар билан бирга эзгулик ва ёруғликка ҳамоҳанг тарзда кечганига нима етсин?

\* \* \*

Айтишади-ку, вақт югуриқдир. Гоҳ унинг шитоб билан ўтишини англагунингча умр поёнига етиб қоларкан.

\* \* \*

Энди яшай деганингизда  
Умр тугаб қолар ўшандা.

\* \* \*

Вақт – бу ҳаёт жароҳатларини даволовчи табибdir. Энг кучли дардларни ҳам вақт даволайди.

\* \* \*

Вақти келганда инсон осонгина жон беради. Бу тарк этган ҳаёт (вақт) бошқа одамларга умид беради. Оқил одам умрининг зое кетган қунларининг ҳиссасини чиқариб олиш пайидан бўлади.

\* \* \*

Қиздирилган печка устида ўтирган одамга вақтнинг ҳар лаҳзаси жуда имиллаб, секин ва оғир ўтади. Учрашувга чиққан йигит ва қизнинг вақти-чи? Ёки маҳбусга учрашув учун берилган вақт-чи? Эйнштейннинг нисбийлик назариясини бир эсланг-чи.

\* \* \*

Вақтнинг индамай ўтаётганидан хотиржам бўлма. Бир куни у ҳар бир беҳуда ўтган лаҳза учун товон сўрайди.

\* \* \*

Вақтида воз кечиши ҳам билиш керак. Вақтида йўқ дейиши ҳам ўрганиш керак. Вақтида келиши ҳам кетиши ҳам ўрнига қўйиш керак.

\* \* \*

Юургин... Шундай юургинки, дунё бир қадам бўлиб туюлсин. Фақат шошмасдан шошил. Фақат қоқилмайин фурратни бой берма.

\* \* \*

Вақтни ўлдириб бўлмайди.

\* \* \*

Ҳеч ким тақдир қилингандан ортиқ бир лаҳза ҳам яшай олмайди.

\* \* \*

Инсон ҳаётда бир кун яшайди: ўтмиш эртак, келажак орзу.

\* \* \*

Ким ўтмишдан кулса, келажакда ўзи майна бўлади.

\* \* \*

Ёшлик сел каби. Сугорадиган экинингизни сугориб қолмасангиз ўтиб кетади. Кейин кексаликнинг қўзойнагини тақиб игна билан қудуқ қазищдан иш чиқмайди.

\* \* \*

Вақтдан умрнинг тарихи яратилади. У тарих сизнинг ҳар кунги ҳаётий кашфингизга, эзгулик қилиш йўлидаги ҳалол ва шарафли меҳнатингизга, қалбингиздаги саховотни одамларга сочишингизга қараб белгиланади, баҳоланади ва хотира-ларга жойланади.

Вақтни сотиб оладиган бозор йўқ. Унинг этагини тутиб бўлмайди. Босилган қадамларни ҳам вақт ўлчайди. Эпчил ўғрини ҳам бир куни вақт қўлга туширади:

\* \* \*

Ҳар бир кунни гўё охирги кундек яшаш даркор, чунки ундан кейин нима келади, ҳеч ким билмайди.

\* \* \*

Агар одамлар тўғрисида ёмон гапирсак, уларни яхши кўришимизга ВАҚТИМИЗ қолмайди.

\* \* \*

Ҳаётимизда барча ғов-тўсиқлар ўз ичимида. Уларни бузиб ташланг. Ижоддами, илмдами, турмушдами – олдингизга вақт талабига мос креатив мақсадларни қўйинг.. Уларга ишонч ва иштиёқ билан интилинг. Қулаг фурсатни кутманг, у фақат битта. Унинг номи “ҳозир”.

\* \* \*

Эй вақтини бекор ўтказаётган дўстим! Сен умрингнинг энг бебаҳо даврини бой бераяпсан. Кел, менинг дўстона сўзимга қулоқ ос. Фафлат уйқусидан уйгон. Ҳавога совурилаётган кунларингта маъно кирит. Қуруқ олиб қочаётган ҳаёлларингга чек қўй. Ушалиши мумкин бўлмаган орзуларингдан воз кеч, истак-ҳоҳишларингни ихчамла.

\* \* \*

Йилларини елларга совурмаган инсон, албатта, орзуларига эришиши муқаррар.

\* \* \*

Офтобдан илгари турган одамлар вақтдан ўзишга, ундан ғолиб чиқишига ҳаракат қилувчилардир. Улар барака топгувчилардир.

Мен эртанги кунга ишонаман, негаки кечаги кунни қўрдим, режаларимни бажаришимга кўмак берди, миннатдорчилигимни билдириб хайрлашдим. Бугунни севдим, бир-бirimizni ютиш учун бегараз рақобатда бўлдим.

\* \* \*

Менинг бир дўстим бор. У мاشаққатли ижоднинг нурли онларидан ҳузур қилади, қалби илҳом олади, руҳи тетик. Чунки у маълум маънода ВАҚТни ўз ботинига қамаб олган. У вақтнинг исёнига қарши туролган шахс.

\* \* \*

Келажакка интилган ҳар бир кишининг умидини ушбу сўзлар безаб туриши шарт:

— Мен, вақтни шунчаки яхши ёки зўр қадрламаслигим керак. Мен уни чинакамига қадрлашим шарт.

\* \* \*

Вақт — гўё ҳаёт кийимига тўқиладиган иплар бўлиб, унинг пишиқ ва нафислигига қарб ҳаёт азиз ва бебаҳо бўлади. Агар иплар ёмон ва тўзиган бўлса, ҳаёт ҳам тубан, мазмунсиз бўлади.

\* \* \*

Вақт пулдан-да қадрлидир. Кўп пул топишни уddaлаш мумкин, лекин кўп вақт топишнинг имкони бўлмайди. Унинг бозори йўқ. Пул бозори эса бор.

\* \* \*

Ҳаётда энг олий ҳакам ВАҚТдир. Инсоннинг ўз эътиқодига содик эканлигини вақтнинг ўзи қўрсатади.

\* \* \*

Қайтар дунё дейишганига ишонинг. Вақти келиб отган маломат тошлирингиз ўзингизга отиласди, қилган “муруватингиз” ўзингизга қайтади.

\* \* \*

Тангри яратган барча нарсалар доимий, инсонлар яратган нарсалар эса муддатли, яъни вақтингчалик эканини асло эсдан чиқармайлик.

\* \* \*

Вақтни бекорга оқар дарёга қиёслашмайди. Чўкиб кетмаслик учун унда ҳам доим қўл-оёқни тўхтовсиз ҳаракатлантириб совурилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

\* \* \*

Эътибор берсангиз, ўзига тўқ, тўкин-сочин умргузаронлик қилаёттан кишиларнинг аксарияти фаол ҳаракат билан машғул. Дангаса, сафсатабоз учун эса, осмондан сузиб ўтаётган булат сояси ҳам юқ, гап деса қоп-қоп...

\* \* \*

Вақт югираяпти деймиз. Бу нисбий гап. Вақт югирмаяпти. Фақат инсониятнинг қўнгли осуда ва хотирдам эмас, қўнгил хотиржамлиги етишмаяпти инсониятга.

\* \* \*

Ишёқмас, ялқов одам ҳатто йигитлик чоғида ҳам қари одам тусини кўрсатиб қолади. Чунки ишсиз, бекорчилик, танбаллик билан кечган вақтнинг ҳар дақиқаси бир соатдан узундир.

\* \* \*


Бу дунёда вақт деб аталмиш одамзотнинг душмани борки, у ҳали бирор кишиига шафқат қилмаган.

\* \* \*

Яратувчи, бунёдкор, изланувчи кишиларда бўш вақт бўлмайди.



## ШЕЪРИЯТДА



6

## 12.7. ШЕЪР ҲАҚИДА

Ньютон бўлмаганда ҳам олма барибир дарахтдан пастга ҳаракатланарди, аммо олим бу ҳолатда буюк қонунни, яъни ернинг тортиш қонунини кашф этди.

Инсоннинг қалб соҳаси эса бу қонунни инкон этади. Қалбда унган дарахтнинг “олма”лари пастдан юқорига қараб ҳаракат қила олади. Бу “қонунбузарлик”нинг бир номи бор. У ҳам бўлса шеърдир, шеъриятдир.

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарифиддинов “Бир ҳовуч офтоб” китобининг сўзбошисида:

“Шеърият – юракнинг гўзал манзаралариdir. Улар ичida бир ҳовуч офтоб сингари дилларга ҳарорат берадиган, қисқа ва лўнда ифодада кўнгил кечинмаларини, ҳаёт қувончлари-ю ташвишларини ўзида акс эттирувчи рубоий жанри юрак ганинасиdir”, – деган эди.

Авар шоири Расул Ҳамзатов шундай ёзади: “Шеър бу – нур демакдир. Нурдан эса ҳеч кимга соя тушмайди.

Буюк ўзбек шоири Усмон Носир таъбирида эса:

“Ишқимнинг энг олий тухфаси – шеърим

Лабларингдан тўйиб ўпгани

Шеъримга бекинди

Атайлаб меҳрим.”

Дарҳақиқат, шеър кўнгилга лирик кайфият улашади ёки чарчаганда чўккан руҳга қанот бағишлайди, ўксиган қалбларга кувват беради. Одамзот шеъриятсиз яшай олмайди. Чунки шеъриятсиз, яъни гўзал ташбеҳлар, муножатлар сўз таманноларисиз қандай ғарib бўлар эди бу ҳаёт...

Шеърият шундай сеҳрли хилқатки, у шоирларни ҳам, китобхонларни ҳам бирдай ҳаяжонга солади. Бу ҳаяжон ғалати бир ҳиссиёт. Киши кўнглидан ана шу ҳиссиётлар кечганда у одатдаги ҳаёт тарзидан баландлаб кетади. Ўзини куч-қудратли сезади. Ҳар кун кўриб ютган нарсалари кўзига бошқача кўринади.

Хақиқий шеър қудрати қүшиндай юрак қалъасини бир зарб билан эгаллайди. Баҳор чақмоги осмонни ларзага солған мисоли күнгил осмонларини құзғатади.

Ишонмасанғиз вақт ва ундан унумли фойдаланиш ҳақида ёзилған шеърларни үқинг.

### Тұртликлар

Яхшидир кемасдан ушбу жаһондан  
Ақлинг халос бўлса ҳар пушаймондан  
Эртан қўлдан келаганин қилолмагайсан  
Фойдаланиб қолгин, бу кун имкондан

Абу Али ибн Сино  
(980-1037, буюк табиб, файласуф, олим ва шоир)

\* \* \*

Билим қидиришга урдим бошимни,  
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.  
Қайдаки эшитсам илму донишни,  
Эшиги тагида ўлтиридим маҳкам.

Носир Хисрав  
(1003-1088, форс-тожик тилида ижод  
қилған шоир ва мутафаккир)

\* \* \*

Хушвақт бўл, ғуссанинг чеки йўқ бир он,  
Бу чарх юлдузларга солади қирон.  
Сенинг тупроғингдан ясалган ғиштлар,  
Бўлар ўзгаларга манзилу макон.

Умар Хайём  
(1048-1131, математик,  
файласуф, астроном ва табиб)

Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Ишонмағил молингта, бир кун қўлдан кетаро.  
Ота-она, қариндош қаён кетди – фикр қил,  
Тўрт оёғлиф чўбин от бир кун санга етаро.

Ахмад Яссавий  
(?-1167, ўзбек мумтоз адабиётининг буюк  
намоёндаларидан бири, олим ва шоир)

\* \* \*

Умримнинг умид қуши мени тарк этди,  
Сархуш кечалар охири бошга етди.  
Ҳар лаҳзаси жонга тенг бўлган умрим,  
Афсуски бехуда қўлимдан кетди...

Саъдий Шерозий  
(1203-1292, форс шоири ва мутафаккири)

\* \* \*

Эрта ғамини чекма, азизим, бир дам,  
Ҳар лаҳза ғанимат – уни ўтказ ҳуррам.  
Жон чиқса ётармиз-да неча минг ийиллик  
Аждодларимиз билан бақамти биз ҳам...

Паҳлавон Маҳмуд  
(1247-1326, Хоразмда яшаб ўтган,  
полвон, аллома, авлиё)

\* \* \*

Бу жаҳонга келдинг эй тан, бўлмагин андешасиз,  
Баркамол кўклаб туролмайди дарахти решасиз.  
Айла ислоҳи ҳаётинг, фикр этиб одоб ила,  
Қилмағил умрингни зоеъ дангаса, нобар ила.

Оразий  
(1867-1942, наманганлик ўзбек шоири)

Бу дамни тут ғаниматким, келурдамдин асар йўқтур,  
Не дамким, ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.

Алишер Навоий  
(1441–1501, буюк ўзбек шоири,  
мутафаккири ва давлат арбоби)

Ғафлат уйқусидан уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,  
Ким етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

Бобур  
(1483–1530, ўзбек шоири ва давлат арбоби)

Азиз асримизнинг азиз онлари  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чогидир умр дафтарин

Бевафо умр экан, ўтди-ю, кетди,  
Сувда қалқиб борган қизил олмадай.  
Тонг ўтди, кун ўтди, оқшом ҳам етди,  
Шу фурсат мазмунин шимай ҳолвадай.

Ғафур Ғулом  
(1903–1966, Ўзбекистон ҳалқ шоири)

Бош тебратар соат кағири  
Шошил одам, ўтмоқдадир он.  
Ҳар нарсанинг бўлар охири,  
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон

Эркин Воҳидов  
(1936–2016, Ўзбекистон ҳалқ шоири,  
Ўзбекистон қаҳрамони)

Фурсат – олтин.  
Сен кўкрак кериб,  
Олтинингни сочиб борасан.

Фурсат қувар,  
 Унга чап бериб,  
 Сўроғидан қочиб борасан.  
 У етолмас,  
 Ёшсан, абжирсан,  
 Қувиб келар лекин кетингдан.  
 Шошма, йигит,  
 Вақт келар, бирдан  
 Фурсат тутар маҳкам ёқангдан.  
 Фойда бермас  
 Минг тавбанг у кун,  
 Сўрар экан фурсат сарҳисоб.  
 Бекор ўтган ҳаётинг учун  
 Вақт олдида берарсан жавоб.

Эркин Воҳидов

### СОАТ

Соат миллирига боққанинг замон,  
 Кечмасми кўнгилдан бир гап ногаҳон:  
 кимдир шу дақиқа дунёга келди,  
 Кетди шу дақиқа қайси бир инсон.

Абдулла Орипов  
 (1941-2016, Ўзбекистон халқ шоири,  
 Ўзбекистон қаҳрамони)

### УМР ИЧРА ВАҚТ ҚАДРИ

Бир йилнинг қадрини англамоқ учун –  
 Якуний имтиҳондан ўтолмаган талабадан сўра.

Бир ойнинг қадрини англамоқ учун –  
 Вақтли кўзи ёриган онадан сўра.

Бир ҳафтанинг қадрини англамоқ учун –  
 Ҳафталик газетанинг муҳарриридан сўра.

Бир соатнинг қадрини англамоқ учун  
Учрашмоқчи бўлган ошиқлардан сўра.

Бир дақиқанинг қадрини англамоқ учун –  
Поезд, автобус ё уюққа кеч қолгандан сўра

Бир сониянинг қадрини англамоқ учун –  
Ҳалокатдан омон чиққан одамдан сўра.

Бир миллисониянинг қадрини англамоқ учук –  
Олимпиадаларда кумуш медаль олган спортчидан сўра.

Ҳа, умр ичра вақт ҳеч кимни кутиб ўтирумайди. Вақтимизнинг қадр-қимматини билайлик. Юқоридаги каби бъази хос кимсалар билан баҳам кўрилганда вақтнинг қиймати билинади.

*“Хаётга доир” китобидан*

## ТЎРТЛИКЛАР

Ҳар кун – умримизнинг бир сафари,  
Ҳар он – кунимизнинг бир гавҳари.  
Тинчлик, омонлиқда отган ҳар бир тонг  
Аллоҳнинг бизларга хушхабаридир.

Кўринган тоғларинг қояларидир.  
Ул ота-бобомнинг сояларидир.  
Осмонга интилгаи баланд чўққилар  
Эрк дея юксалган ғояларидир.

Кўриб душманларинг куйиб сил бўлгай,  
Эҳ-хе, ёзверсам қанча йил тўлгай.  
Ватан, бир дилимни гиёҳларингта  
Бўлиб чиқсан, эҳ-хе, қанча дил бўлгай!

Сирожиддин САЙИД

Ортингда, ўйла-чи, бир он, нима қолди?  
Хирмон қолдими, қолдими тўфон, нима қолди?  
Инсон боласи олгай нафас орзу ҳавас-ла,  
Шодлиқ қолдими, қолдими пушмон, нима қолди?

Инсон ҳаёти ёниб ўчар нурга баробар,  
Нур қолдими сендан, зимистон, нима қолди?  
Не қолди сендан, деб сўраса юрт бир кун Охунжон,  
Бошигнни эгиб, ўксимай нолон, нима қолди?

Охунжон Ҳаким

### ЯКШАНБА

Ўчириб қўй қўл телефонингни  
Кундай ўтсин ҳафтада бир кун.  
Якшанба-ку  
Асра жонингни,  
Дам ол, ҳатто ухлашинг мумкин

Ортга бир бок. Иш, бола-чақа...  
Битилмаган китобларинг нақд  
Қирқ йил ўтди. Кечирар балки  
Чўнгагингдан тушиб қолган вақт.

Қўчкор Норқобил

### БИР КУН

Ҳаёт биносининг бир гишти кўчди,  
Кеч тушибди, бир куннинг қуёши ўчди.  
Бир кунингни бир умрга қиёс қил,  
Тонгни келиш, шомни кетиш вақти бил.  
Қандай кечди куним? Қилдим не савоб?  
Қилган қайси ишим виждонга азоб?  
Не кор этдим Худо рози бўлгудек?  
Қарзим йўқми ўлсам ҳозир ўлгудек?

Кимни мамнун айлаб, ранжитдим кимни?  
Устимдан ўқирлар қандай хукмни?  
Ҳар кеч шу саволга изламак жавоб  
Аҳли имонга хос ҳикматдан бир боб.  
Шунга қилиб амал бўл одил ҳакам,  
Бу йўлда аяма ўзингни ҳечам!  
Кундуз содир қилган гуноҳинг учун  
Кечда дўзахда ён, ииғла жигархун!  
Хаёлан ўлиб кўр ва кир қабрга,  
Жавоб қил саволи Мункар-Накирга.  
Сўнг тарозуга бор, палласига бок,  
Савоб изла, гуноҳ келса оғирроқ.  
Қадам қўй қилдан-да нозик бўлса ҳам,  
Тушиб кетма, кўприк ости жаҳаннам.  
Сафар ҳақдир, ҳар кун эсла кетарни,  
Дилингдан фаромуш қилма хатарни.  
Ўлмай ўтказ ўлимни ўз нафсингдан  
Етса ажал, ҳеч иш келмас дастингдан.  
Бас, қар кунинг, ҳар нафасинг ғанимат,  
Шаррдан тийил, хойротга қил азимат!

Фозил Зоҳид, Хоразм

### БУГУН, БАЛКИ...

Камми-кўпми яшадим эй дўст,  
Кўп ишларга балки улгурдим.  
Ҳар кун тонгда ўйлайман ҳануз,  
Бугун балки охирги куним.  
Эртага ҳам режам кўп гарчи,  
Армонларим кўпи бирламчи,  
Ажал ногоҳ тортади қамчи,  
Бугун балки охирги куним.  
Сўзим эшит, сирдошим соат,  
Ёниб ўчар онимиз омонат,  
Балки эрта бўлар қиёмат,

Бутун балки охирги куним.  
Дую қилинг мени онажон,  
Юраккинам оғрир чалажон,  
Кетсам, рози бўлинг дадажон,  
Бутун балки охирги куним.  
Хафа бўлма мендан дўстгинам,  
Сени билмай ранжитган бўлсам,  
Ортимдан тош отмагин ўлсам,  
Бутун балки охирги куним.  
Ижодим деб, бахтимдан кечдим,  
Қанча йиллар заҳрини ичдим,  
Бир шам каби ёндин-у ўчдим,  
Бутун балки охирги куним.  
Бутун балки охирги куним,  
Софинаман сингилларимни.  
Бир меҳрибон акадай бўлиб  
Ололмадим кўнгилларини.

Аҳад Қаюм

### КЕЧАГИ КУНИНГНИ УНУТИБ ҚЎЙМА!

Омад бир тулпордир, ҳоритиб қўйма,  
Ёш жонингни қийнаб қаритиб қўйма,  
Душманлар қилмишин унуггин аммо,  
Кечаги кунингни унугтиб қўйма.  
Кимларга қўл етмас юлдузсан бутун,  
Энг баланд чўққисая сен кимлар учун,  
Бир куни ҳаммаси ўтар, сен тушун,  
Кечаги кунингни унугтиб қўйма.  
Томчи-томчи йиққан шухратинг бордир,  
Эл ичида қанча хурматинг бордир,  
Бу кунга етолмай қанчалар зордир,  
Кечаги кунингни унугтиб қўйма.  
Азиз бўлиш бошқа, бой бўлиш бошқа,  
Ақл бу қарамас кексаю ёшга,  
Эл ичида дўстим керилма бошқа,

Кечаги кунингни унугиб қўйма.  
Аслида пул ҳам бир оддий бир қоғоз,  
Жигарим, ўзингни босиб ол бироз,  
Оёқларинг ердан узилгани рост,  
Кечаги кунингни унугиб қўйма.  
Биламан, қандай иш бошлиған эдинг,  
“Ё Аллоҳ” ишларим юришсин дердинг,  
Оғир кунлар ўтди, баҳтни ҳам кўрдинг,  
Кечаги кунингни унугиб қўйма.  
Эсингдами қандай юрардинг кеча,  
Орадан вақт ҳам кўп ўтмабди унча,  
Билмабмиз ўзгариб кетибсан анча,  
Кечаги кунингни унугиб қўйма.  
Шеърларини ўқиб Аҳад Қаюмни,  
Демагин, сен танқид қиляпсан кимни,  
Оғир олма дўстим тағин сўзимни,  
Кечаги кунингни унугиб қўйма.

Аҳад Қаюм

### СОАТ

Соатга қарайман вақт ўтаяпти,  
Умримнинг онлари... Эҳ кетаяпти.  
Начора қўлимдан нима келарди.  
Соат ҳам аҳволим баъзан сезади,  
Вақти-вақти билан тўхтаб туради.  
Начора қўлидан нима келарди...

Аҳад Қаюм

Бахту саодатта тўла ойларим.  
Гўё давом этди кундан ҳам қисқа.  
Ва лекин хижронга тўла кунларим,  
Йиллардек кўринди менинг кўзимга.  
Наҳот энди ўтди йиллар, дўстларим,  
Ҳайрат-ла боқаман бу кун ўзимга.

“Ҳаётга доир” китобидан

## ДҮСТИМГА

Ииқилсанг-да, ўрнингдан тур  
Таслим бўлма, олдинга юр.  
Бундай йўллар ҳали анча,  
Юрганинг билмам, қанча?!

Бу йўллардан юрмоқ учун,  
Сабр керак, керак бардош.  
Манзилингта етмоқ учун,  
Тезроқ юргин, бўлақол, шош!

Саломат КАРИМОВА

## УМР ИЧРА УЧЛИКЛАР

Ҳаётда бир кетдими, қайтиб келмайдиган уч нарса:

- Вақт, сўзлар ва фурсатдир.

Ҳаётда ҳеч қачон йўқотилмаслиги керак бўлган уч нарса:

- Тинчлик, умид ва тўғрилик.

### Ортда қолган умр

Умр ўтди, яхши-ёмон қолди ортда,  
Болалигим ёғоч отнинг устидадир.  
Бугун мени миндириллар ёғоч отга,  
Энди замин шу заминнинг остидадир.

Сўнгти манзил бешак, билинг мозор бўлгай,  
Вужуд тупроқ, бўз тупроққа айланар у.  
Вужуд учун мозор тоши ёдгор бўлгай,  
Ёдгорлик ҳам бир кун тупроқ бўлар, ёху!

Мени излаб мозорларга борманг, зинҳор,  
Қалб риштаси шу Ватанга бойлангандир.  
Бухорога келиб қаранг такрор-такрор,  
Садриддин ҳам Бухорога айлангандир.

Садриддин Салим Бухорий

## ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

### ВАҚТ

Қичқираман кетаётган фурсатта қараб:

– Болалигим орзуларин қайтиб бергін тез!

Сүңг армонсиз күнларимдан тұраман сұраб:

– Нечун содиқ дүстларимдан жудо этдингиз?

Қичқираман шафқат билмас йилларни кувиб:

– Ёшлигимни қайтaringиз, мәрдлигимни ҳам!

Яна кезай тоғларимда қулонлар қувиб,

Яна куйлай ишонч билан, ухлай хотиржам.

Жавоб йўқ. Йиллар –

Дарёдаги түлқинлар.

Қишки ҳовли. Оппоқ боғ. Чарақлар.

Ғичирлайди фақат дарахтлар...

Қайсин Қулиев

### КҮНЛАР

Бахтли, бахтсиз күнлар – ҳаммаси бўлган,

Гоҳ заҳар қўшилди ичган ошимга.

Камалак чамбари бошимда кулган,

Чақмоқлар ваҳшати қўнган бошимга.

Ҳамроҳ бўлолмайман, кимки ўйларкан

Куёшли йўллардан юрмоқни нуқул.

Дунё қандай бўлса, шундай севарман

Баравар завқ берар: бўрон, атиргул.

Балки кулфат келар хонадонимга,

Бошимни чангаллаб яна беилож

Туарман чўғи йўқ ўчоқ ёнида

Қаттол фожиага юзма-юз ва оч.

Лекин шарафламай иложим йўқдир,

Сизларни: еру кўк, диёр тоғлари,

Тұнлар ғарамларда ўрмалаган нур,  
Шабнамга күмилган баҳор боғлари,  
Қайғум, ғалабамнинг жон сингиллари  
Қоғозларим, сизга нисор күзларим;  
Сизга ҳам, пойгада отлар сингари  
Бир-бирин кетидан қувган сўзларим.  
Биламан, бизда нон, шароб бебаҳо,  
Чақмоқ, камалақдан мен шоду хуррам.  
Сизни шарафлайман, кузак, навбаҳор,  
Дунёning қаҳратон куниларини ҳам.

Қайсин Қулиев



## ЛАТИФАЛАРДА



7

## 12.8. ЛАТИФА

Латифа" латифликни англатади. Яъни нозик қочиримлар билан кишини кулдириш, қувонтириш латифанинг вазифасидир. Кулдириш одоб доирасидан чиқса, латифа эмас масхарабозлик бўлади. Йиллар бўйи халқ тилида яшаган Насриддин Афанди латифаларида нозикликдан ташқари ҳикмат ҳам бор.

Оддий қилиб айтганда, латифа халқнинг ақл-заковатини, меҳр ва нафратини, кулгиси ва пичингини лўнда, замирида назокат ётувчи соддалик билан диалог шаклида ифодаловчи бир эпизодли асардир. Унинг асосида зийраклик, ҳозиржавоблик, ҳазил мутойиба ва ўткир ҳажв ётади.

Ўзбек халқ латифаларининг қаҳрамони дастлаб бир киши, бир ҳаким, бир донишманд, бир дарвеш, бир наққош, бир табиб, бир фақир, бир камбағал, бир косиб каби шахслар сиймосида тасвиранганди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ҳаёлий қаҳрамон Насриддин Афанди типига ўз ўрнини бўшатиб берди.

Кент халқ оммасига хос турли-туман хислатларни биргина ўзида жам этганидан бўлса керак, Насриддин Афанди ёхуд Афанди дейилганда аллақандай кулгига мойил, ҳар бир кишининг қалбида илиқ меҳр уйғотувчи тип кўз олдимиизда намоён бўлади. Шундан бўлса керак, кишилар ўртасида ўта содда, лақма шахсларнинг қилимишларига қараб "Афанди экансиз" каби ифодалар қўлланилади. Бу ифода ўша шахсга нисбатан нафрат ёки газабни эмас, балки енгил юморга йўғрилган меҳрни, хайрҳоҳликни англатади.

Ҳар бир халқнинг ўз қизиқчиси бор. Ўзбеклар уни Насриддин Афанди дейди, қозоқлар Алдар кўса, татарлар Ахмат оғай, хиндолар Бирбал, немислар Эйленшпингель, арманлар Пулипуги, яхудийлар Гейшель, корейслар Ким Сон ва ҳ.к.

Эътиборингизга вақт ҳақида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган айрим латифаларни келтирамиз.

"Ҳар бир йўқотилган дақиқани асраб-авайланг!"



“Чекилган бир дона сигарета умрни икки соатга; қисқартиради. Бир шиша ароқ – уч соатга, иш куни эса етти соатта қисқартиради.



Бир ходим бошлиқ хузурига кирибди-да, нақ бир соат деганда чиқибди. Буни кузатиб турган бошқалар ҳавас билан унга: “Каттамиз сени жуда қадрлар экан-а? Бўлмаса сен билан шунча сухбатлашармиди?” дейишса, у: “Йўғ-е, у киши мен билан бор-йўғи бир минут гаплашди, қолган 59 минут телефонда ким биландир валаклашди” деган экан...



Узоқ вақт сукунат. Кутимаганда сухандоннинг овози эши-тилди:

– Сиз “Буюк соқов” номли радиопъесани тингладингиз!



Врач беморнинг томирини эшитиб деди:

– Томирингиз жуда секин уряпти.  
– Нима, сизнинг вақтингиз йўқми?



Учрашувга чиқсан чукча қўлидаги термометрга қараб дейди:

– Минус қирқча кутаманда, келмаса уйимга кетаман.



– Соат нечи бўлдийкин, билмайсизми? – деб сўради бир киши иккинчисидан. Шунда йўловчи ўнг чўнтагини кўвлаб битта соат олиб унга юзланди, кейин чап чўнтаgidан бошқа соат олиб унга ҳам тезда қараб олди-да:

– Саккиздан ўн дақиқа ўтибди-деди.  
– Раҳмат, сиз жуда аниқ иш юритар экансиз.  
– Арзимайди, ўнг чўнталимдаги соатнинг кичкина мили йўқолган. Чап чўнталимдаги соатнинг эса катта мили йўқ.



– Дадаси, мен қўшни дугонамникига беш дақиқага чиқиб келаман. Сиз мен бошлаган овқатга қараб туринг. Ярим соатдан сўнг сув солинг, яна эллик дақиқадан кейин мosh солинг, ўн дақиқа ўтгач гуруч солинг, шундан сўнг йигирма дақиқа қайнатинг.



– Ўғлим, уйланганингдан кейин ҳақиқий баҳт нима эканлигини тушунасан, – деди ота.

– Наҳотки?! – деди ўғил ҳайратланиб.

– Лекин вақт ўттан бўлади, – деди ота хўрсиниб.



Зинхор ва зинхор эртанги ишни бугун қилма. Акс холда эртага нима қилишни билмай қийналасан.



Маърузани узоқ нутқдан сўнг тингловчилардан сўради:

– Саволлар борми?

– Марҳамат.

– Соат нечи бўлди?



Эр хотинига:

– Фақат тўғрисини айт, 15 минутдан сўнг меҳмонга боришига тайёр бўлишинг учун қанча вақт керак бўлади?



Ресторанда:

– Официант, нега овқатингизнинг гўшти қаттиқ? Буни чайнаш учун бир соат вақтим кетса керак.

– Ҳеч хавотир олманг, бугун Янги йил муносабати билан эрталабгacha ишлаймиз.



– Тушунмадим, поездлар доимо кеч қоладиган бўлса, бу ерга жадвал осиб қўйишнинг нима ҳожати бор?!

– И-е, бу жадвал бўлмаса, поездингиз кеч қолаёттанини қаердан билардингиз!

☺ ☺ ☺

– Доктор, чекишни ташлашим керакми?  
– Йўқ, bemor, энди кеч бўлди.

☺ ☺ ☺

– Жонгинам, нима учун йиғлаляпсан? Мен ўн йилга эмас, бор-йўги бир ойгагина сафарга кетаяпман-ку.

– Сени биламан. Ҳар доим бир ойга кетаман дейсан-у, лекин уч кунда уйга қайтасан.

☺ ☺ ☺

– Кеча тонгти соат бешга қадар ўтирганимиз учун хотининг адабингни бергандир-а?

– Йўқ, манави тўртта тишимни барибир олдириш керак эди.

☺ ☺ ☺

Бир ичувчидан сўрашибди:

– Вақт қанча бўлди?  
– Юз эллик грамм, – дебди у.  
– Ҳа-а, бирдан элликта ўтибди-да.  
– Э-э, қанақа гарангсан.

Бир ярим литр деяпман.

☺ ☺ ☺

– Алло, дўстим, бир зарур иш чиқиб қолди, бизникига соат ўнларда етиб кел.

– Боролмайман, вақтим йўқ.  
– Нега?  
– Соатим бузилиб ётибди.

☺ ☺ ☺

– Алло, ўт ўчирувчиларми? Тезроқ келинглар, уйим ёньяпти.

– Ўзингиз ўчирмай туринг, ҳозир етиб борамиз!



Хотинининг хархашаларидан безор бўлган Сукрот ахийри чидолмай, шундай деди:

– Жонгинам, тўйимиз олдидан “Сенинг қўлингдан бир қадаҳ заҳар ичишга ҳам тайёрман” деган эдим. Лекин бу қадаҳни ҳар куни уч марта нонушта, тушлик ва кечки овқатда сипқораман, деб сира ўйламагандим.



Қамоқхонага янги муҳбусни олиб келишибди. Соқчилардан бири ундан сўрабди:

– Нега қамалдинг?

– Э, лапашанглигимдан.

– Тушунмадим.

– Қалиғимга сени олиб қочиб кетаман, деб ваъда берувдим. Келишилган куни ҳовлиққанимдан уни қолдириб, сепини олиб қочибман!



Ўқитувчи ўқувчилардан сўради:

– Болалар, менга гаройиб тасодиф ҳақида мисол келтиринглар!

Шунда бир ўқувчи туриб деди:

– Менинг отам ва онамнинг тўйи бир кунда бўлган!



Ота ўғлининг кундалигини кўраётиб:

~~Хўш~~ нима учун тарихдан икки баҳо олдинг? – деб сўради.

– Ўқитувчимиз мен туғилмасимдан олдинги воқеаларни сўрадилар-да...



– Азизам, сенга 8 Март байрамига нима совға қилай?

– Вой, нима десам экан, қандай жавоб беришни ҳам билмаяпма

– Унда мен сенга яна бир йил ўйлаб кўришинг учун вақт бераколай! Енисефод ён

Ўқитувчи: – “Мен яшаяпман” феълиниңг ўттан замондаги шакли қандай бўлади?

Ўкувчи: – Сиз, аллақачон ўлгансиз.

☺ ☺ ☺

Ресторанда ўтирган хўранда деди:

– Официант, бошлангунча юз грамм беринг.

Бир неча дақиқадан сўнг:

– Бошлангунча яна юз грамм беринг.

Хўранда ярим литр ичгац, официант деди:

– Қачон пулини тўлайсиз?

– Ана бошланди.

☺ ☺ ☺

Врачнинг уйида ҳожатхонаси ишдан чиқиб, уста чакирди.

Уста беш дақиқа ичида созлади-да, деди:

– Хизмат ҳақи беш минг сўм бўлади.

– Ие, беш дақиқа ичида-я? Мен жарроҳман, етти йил ўқиганман. Аммо беш дақиқа ичида менга беш минг тўлашмайди.

– Тўгри, менам бир пайтлар жарроҳ бўлганман. Ўшанда менгаям беш дақиқа учун бунча пул тўлашмасди.

☺ ☺ ☺

– Қизим, шу йигитга турмушга чиқма! Яхши одамга ўхшамайти!

– Ойижон, хавотирланманг, тезда тўй бўлади. Сўнг тезда ёнингизга қайтиб келаман. Ахир ҳамма дугоналаримни куйдириб ҳаётимда бир боргина оқ кўйлак кийишим керак-ку!

☺ ☺ ☺

Бир киши дўхтирга шикоят қилибди: – Акажон, менга шифо беринг, ҳар кечаси тушимда футбол ўйнаётган сичқонларни кўраман, бу сичқонлар ўйинлари жонимга тегди. Дўхтири. – Мана бу дорини иссангиз шу кечадан бошлаб ёки умуман туш кўрмайсиз, ёки фақат яхши тушлар кўрасиз.

Бемор дорини кўлига олибдию ичмай, иккиланиб турган экан, дўхтири. – “Нимага ичмаябсиз”, деб сўрабди?

Бемор. – Дўхтири ака, шу дорини эртага ичсан бўладими?  
Дўхтири. – Нимага ҳозир эмас?

Бемор. – Бутун ўша сичқонлар футболида финал ўйин бўлиши керак эди-да.



Хотин эрига деди:

– Эсингиздами, қачонлардир сиз мени янги йил кечаси уйимгacha кузатиб қўйгансиз. Ўшанда итимиз занжирини узиб, сизни тишлаб олганди!

– Ҳа-ҳа, эсимда, аммо ўша итинг мени еб қўяқолмаганига ҳалиям афсусланаман.



Шилқим йигит бекатда турган қизга гап қотди:

– Яхши қиз, соат неча бўлди?

– Яхши йигит, бу гап моддадан қолган-ку? Қайси вақтда учрашамиз, деяверинг.



Икки ўғри бироннинг уйини тунаяпти. Бирдан полиция машинасининг чинқириги эшитилди.

– Кочдик! Деразадан ўзингни ташла! – Қизиқмисан. Ўн учинчи қаватдан-а?

– Э, ҳозир ирим-сиримнинг вақти эмас, ташла!



Икки қарға дарахт шохида ўтиришганди. Тепаларидан ҳарбий самолёт учиб ўтди. Бири иккинчисидан сўради:

– Анави қушча намунча тез учади?

– Сениям думингни ёқиб юборишса, кўрардим қандай учишингни!



– Бизнинг алоқа бўлимида гилар жуда ёмон ишлашаркан.

– Нега?

– Ўзинг ўйлаб кўр, ўн кун аввал хат жўнатгандим. Бугун қарасам, чўнтағимда ётибди.



Бир тижоратчининг боласига энагаси эртак айтаяпти:

– Бир бор экан, бир йўқ экан...

Бола:

– Кампиршо, чўзмай, қисқароқ қилинг!..

Энагаси унинг айттанини қилибди:

– Шундай қилиб, Дўмбоқвой мурод-мақсадига етибди.



Шифокор ярим соат давомида bemorning кўкрак қафасини эшилтгач дейди:

– Ҳайронман, ё менинг асбобим ишдан чиқсан ёки сиз аллақачон ўлиб кетгансиз.



– Биласанми, бошлиқ мени иш вақтида футболга борганим учун мукофотдан маҳрум қилди.

– У қаёқдан билибди?

– Орқамдаги қаторда ўтирган экан-да!



Икки дангаса гаплашиб ўтирган экан. Биттаси:

– Қанийди, ҳафтада икки кун ишласак-да, беш кун дам олсак, деса.

Иккинчиси:

– Қанийди, ўша икки кун ҳам шанба, якшанбага тўғри келса, дермиш.



Соат чамаси тунгги 23. Аёл қўшнисиникига чиқди:

– Ўқлоғингизни бир соатга бериб туролмайсизми?

– Йўқ, йўқ, беролмайман. Ўзим ҳам эримни кутаяпман!



Үқитувчи:

- Шуни унутмангки, болалар, ҳаёт учун энг зарур бўлган кислород 1773 йилда кашф қилинган. Үқувчи:
- Вой, унгача одамлар нима билан нафас олишган?



Эр танишларига мақтанди:

- Мен уйда шундай тартиб ўрнатдимки, гап йўқ! Масалан, хотинимга тайинлаганман: тушлик роппа-роса соат ўн учдан ўн уч дақиқа ўтганда тайёр бўлиши керак. Агар бир дақиқа кечиксам, тамом, тушликсиз қоламан.



Бир пиёниста ишлаб турган вентиляторга узоқ тикилиб қаради... Сўнгра деди:

- Лаънати, вақт деганлари бу қадар тез айланмаса!



- Энг яқин темир йўл вокзалига бориш учун қанча юриш керак? - сўрабди бир гурӯҳ сайёҳлар ўша ерда яшовчи қариядан.

- Бораверинглар, - дебди чол.

- Биз бормоқчимиз, аммо қанча юришимиз кераклигини билмоқчидик.

- Бораверинглар!

Сайёҳлар хафа бўлиб, кета бошлабдилар.

- У ерга бир соатда етиб борасизлар, - орқадан чолнинг овози эшитилибди.

- Раҳмат, - миннатдорчилик билдиришибди сайёҳлар. - Нега буни аввалроқ айтмадингиз?

- Мен сизларнинг қандай тезликда юришларингизни кўришим керак эди-да.



Саёҳатчи аёл маҳаллий чолдан сўрайяпти:

- Отахон, хув анави тоғнинг тепасигта қандай қилиб тез кўтарилиш мумкин?

– Агар жуда тез чиққинг келаётган бўлса, ҳозир, бир дақиқа, итимни занжиридан бўшатворай...

☺ ☺ ☺

Контролёр бекатда турган автобуснинг орқа эшигидан ҳайдовчига бақиравмиш:

– Озроқ шошмай тур, яна бир киши келаяпти.

Бир оз вақт ўтгандан сўнг: Ҳайда тезроқ! Мен уни танийман, имтиёзли гувоҳномаси бор. Кетдик!

☺ ☺ ☺

– Алло, доктор, тезроқ келинг. Хотинимнинг иссиғи қирқ беш даражага чиқиб кетди.

– У ҳолда дўстим, “Тез ёрдам” наф бермайди. Ўт ўчирувчиларга қўнгироқ қилинг.

☺ ☺ ☺

– Қизим, тошбақани нимага уйга олиб кирдинг.

– Дада, у ростдан ҳам икки юз ийл яшайдими-йўқми, шуни текшириб кўрмоқчиман.

– Яхши қиз, бугун кечқурун бўшмисиз?

– Ҳозир, календаримга қараб кўрай-чи...

☺ ☺ ☺

Пиёнисталар уч ҳолатда ичадилар:

кайфиятлари йўқ пайтда – куйганидан;

кайфияти яхши бўлганда – қувончдан;

ҳаммаси жойида пайти – зерикканидан.

☺ ☺ ☺

Паришонхотир доктор қабулига кирган бемор:

– доктор, бошим доим қаттиқ оғриб, азоб беради.

– Қачондан бери?

– Туғилганимдан бери.

– Унгача ўзингизни қандай ҳис этгансиз?



Ⓐёл эрига деялти:

- Тұрмуш куришдан илгари күнің бир неча дақиқа күришсак ҳам ўзингни ниҳоятда бағытла ҳис қылардінг.
- Ҳозир ҳам шундай.



- Сенга бепул маслағат бераймы?
- Яхши бұларды.
- Ҳеч қачон бепул маслағаттарни әшитиб вақтингни кетказма!



Ярим кечаси милиция бўлимида телефон жиринглади:

- Машинам рули ва тормоз педалларини ўғирлаб кетишпти. Ёрдам беринг.
- Ҳотиржам бўлинг, ҳозир етиб борамиз.
- Навбатчи офицер отланишга буйруқ бериб ултурмай яна қўнғироқ бўлди:
- Кечирасиз, орқа эшигидан кирган эканман. Ҳаммаси жойида экан...



- Мен йога билан шугууланяпман. Ҳар куни бир нуқтага уч соат термулиб ўтиравераман.
- Айнан қайси нуқтага термуласиз?
- Телевизор экранига-да.
- Аквариум – жону дилим. Унга термулиб бир неча соатлаб ўтиравераман.
- Қойил! Бироқ, хотининг индамайдими?
- Қизиқ экансан, менинг ишда нима қилишим билан унинг нима иши бор!



Орадан анча йиллар ўтгач, – деди бир камбағал рассом уй эгасига. – Одамлар бу хароба кулбани кўриб, бу ерда буюк рассом яшаб, ижод қилған, дейишади.

— Гапларингиз түғри, лекин ижара ҳақини бугун тұлама-сангиз одамлар бу гапни эртагаёқ айтишлари мумкин.

☺ ☺ ☺

Йиғидан тұхтаган ўғлидан отаси сүрабди:

- Йиғингни тұхтатдингми?
- Йўқ, бир оз дам олиш учун тұхтадим.

☺ ☺ ☺

- Абрам, бугун сана неchanчи?
- Календарга қараб юбор.
- Фойдаси йўқ, календарда кечаги варақ, осиғлиқ турибди.

ВАҚТИМ МЕНДАН  
РОЗИ БЎЛСА БАС

## ХОТИМА

Вақт кутиб турмайды, биз бефарқмиз. Соат чиқ-чиқлаң сониялар ўтмоқда. Сониялар дақиқаларни, дақиқалар соаттарни, соатлар күнларни, күнлар ойларни, ойлар йилларни, йиллар эса УМРни тутатмоқда. Таассуфки, бунга жиғдий өзтибор бермаяпмиз. Инсон ўзи ҳақида бир ўйлаб күрсін: "Кече ким әдім? Қачон бу ёшга етдім?" Ҳа инсон маълум ёшга етгач ортига қараса, гарчанд ўтган вақт бир күнча күрингесе ҳам, у қанча йўлни, қанча йилни аллақачон босиб ўтган бўлади. Орадан ўттиз, қирқ, эллик йил ўтган, аммо кечаги кундек гўё.

Аллоҳ таоло бизга вақт деган қийматли имконият берди. Ана шу вақт ичида гўзал амалларимиз билан Аллоҳ таолонинг розилигига эришишимиз лозим. Шўнга кўра вақт биз учун жуда қийматли, аҳамиятлидир.

Вақт – гўё ҳаёт кийими тўқиладиган иплар бўлиб, унинг пишиқ ва нағислигига қараб ҳаёт азиз ва бебаҳо бўлади. Агар иплар ёмон ва тўзиган бўлса, ҳаёт ҳам тубан, мазмунсиз бўлади.

Одамзод мудом учта илинжга суюниб яшайди. Булар КЕЧАГИ кундан САБОҚ (ундан афсусланмаслик), БУГУНГИ кунга ШУКРОНАЛИК (ҳаётсиз, сиҳат-саломат, осуда, тинч яшайпсиз, шу кунингиздан розисиз) ва ЭРТАНГИ кундан УМИД (фарзандлар, невара-эвараларнинг иқболини кўриш, умрингиз давомида сарфлаган вақтингизни рози қилиш).

Ҳар бир кун – бу Тангрининг алоҳида инъоми. Кимдир бу кунлардан сабоқ олиб умр кечирса, яна бирор шукр қилмай нолиб яшайди.

Шу ўринда,

**Гап келди:** Донишмандлардан бири шундай деган экан: Ўн күнлик дунёни бир кун деб ҳисобла. Чунки бир куни ўтиб кетди. Яна бир куни келадими-йўқми Худо билади. Сен ҳозирги кунингни ғанимат билиб ҳаракатдан тўхтама. Дарҳақиқат вақт ўткинчи, дунё бевафо, умр қисқа, охират эса боқийдур.

Ўлган одамлар кўпдан кўп улугланидилару, тириклар билан ишларимиз йўқ.

### 13.1. МЕНИНГ ЎТМИШИМ (кеча)

Вақт ҳамма нарсани ортда қолдириши рост экан. Ҳа демай 80 ёшга тўлиб қолибман. Шу давр ичида инсон умрининг Вақтдан иборат эканлигига, унинг оқар дарё ва олий ҳакам эканлигига амин бўлдим.

Ҳаётимдаги барча мақсад ва вазифаларимни ВАҚТнинг қўйидаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда режаларимни, кундалик йўл ҳариталаримни тузиб уларни амалга оширишга ҳаракат қилдим:

#### ВАҚТ ХУСУСИЯТЛАРИ

- Вақтни орқага қайтариб бўлмайди
- Вақт инсонга бўйсунмайди
- Вақтни сотадиган ва сотиб оладиган бозор йўқ
- Вақтни пойлаш мумкин, лекин уни овлаб асир олиш мумкин эмас
- Вақтни қарзга бериш ҳам қарзга олиш ҳам мумкин эмас
- Вақтни захирада сақлаш ҳам мумкин эмас

Хақиқатан ҳам ВАҚТ югурик, йиллар бешафқат, чопағон әканлыгини ўз бошимдан кечирдим. Хусусан, ёшлиқда катта орзулар, мақсадлар сари шитоб билан интиларкансан. Сүнг бир давр келарканки, беихтиёр босиб ўтган йўлингни сарҳисоб қилиб қоларкансан. Энг муҳими, ўша пайт кўнгил қилган ишингдан қониқиб янада юксалади ёки афсус надоматга чўкади. Унда ёрқин хотиралар қанчалик кўп бўлса, босган изинигта қараб эслаш шунчалик гаштли бўлади. Кўнгилга эзгулик уруглари экилган бўлса, умр дафтари ҳам шунчалик безаниб бораверар экан...

Доноларнинг:

“Киши ўз умрини қанча йил яшаганилиги билан эмас, балки бу фурсатдан қандай фойдаланганлиги ва қандай эзгу ишлар қилиб ҳаётда из қолдиргани билан улуғламоги лозим”, деган ўтити мени шу мақсад сари йўллаб турди.

Эслатма ўрнида,

Гап келди, азизлар!

---

Умр жуда узун, умр жуда қисқа. Узунлиги яхши амалларинг фарзандлар, шогирдлар тимсолида давом этаверади. Қисқалиги кимгадир яхшилик қиласанг, эзгулик пайида бўлмасанг, вақти келиб беҳуда ўтган йиллар аламида кун ўтказасан.

---

Мен ўтмишимдан нолимайман. Сабаби, Вақтнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдим. Ва қандайдир маънода шунга эришдим ҳам. Бунга асосий омил раҳматли отам Абдулло Мавлоновнинг ( ) вақтга нисбатан жуда талабчан әканлиги ҳисобланади. Ўзлари ҳам тинмас эдилар. Бизни ҳам тинч қўймасдилар. Мудом ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланишга даъват этардилар. Бундан 70 йил муқаддам айтган сўzlари ҳамон хотирамдан ўчмайди.

“Ўтаётган ҳар бир кунингнинг қадрига ет, вақтни ғанимат бил. Юк кўтарган инсон албатта юзага чиқади. Яхшиларга интилиб, ҳайрли ишлар қил, вақtingни беҳудага ўтказма.

Умрни елга совурган одамнинг баҳори хазонли, кузи тӯфонли бўлади".

Отам бизга меҳрибон, айни чоғда жуда қаттиқ кўл эдилар. Биз "мумкин" ва "мумкин эмас", деган тушунчаларни билардик. "Истайман" ва "истамайман" деган хоҳишлар биз учун ёт эди.

Раҳматли онам Рухсатой Мавлонова ( ) ҳар доим:

"Ўғлим, барвақт турсанг, хосияти кўп бўлади. Ишларинг равон топади. Аллоҳ насибангни бутун қилиб беради, кўп ишга ултурасан, деб насиҳат қилардилар.

Ота-онам нафақат Вақтни бой бермаслик тўғрисида айтардилар, балки ёшлигимииздан сурункали меҳнатга ҳам жалб қиласланлар.

Эсимни танибманки, буғдойни омоч билан ерни қўш хўқиз ёки қўш эшакка қўшиб шудгор қиласланмиз. Сўнг буғдойни экканмиз.

Буғдой ўрими пайтида машъала ёрдамида ёки ой ёруғида тунгти соат 1, 2, 3 ларгача буғдой ўрадик. Сўнг уни қўш отлар билан янчардик. Сўнг уни шамол ёрдамида совуриб буғдойни сомондан ажратиб, чош ва ўрта галвирлардан ўтказардик. Сўнгра буғдойни эшакка ортиб ун қилиш учун сув тегирмомига олиб бораардик.

Бу даврларда Вақт биз учун олтиндан ҳам қиммат эди. Ҳаммасига ўз вақтида улгуриш талаб этиларди. Вақтдан оқи-лона фойдаланиш ҳам аслида бир ҳикмат эканлиги ёшлик йиллариданоқ шакланган эди. Мактабда 0-синфда ўқиб юрганимда, яъни 1957 йилда Ғозғон совхозининг узумчилик бўлимига ишчи бўлиб ишга кирганман. Шундан бери орадан қарийб 65 йил вақт ўтиби.

1 йил 365 кундан иборат десак, 365 кунда 8760 соат бор. 8760 соат эса 525600 дақиқадан ташкил топар экан. Бу эса кичик муддат эмас. Бир дақиқани кутилгандан кўра узокроқ муддат эканидан ҳайратланган одам учун 65 йилнинг бунчалар тез ўтгани жуда қизиқ-а?

Вақт деганлари ана шунаقا экан. Ҳар бир ўтган кунимни тақдиримдан деб билдим. Пешонамда ёзилганидан афсус

чекиб, армонларда ўртанишдан узоқда бўлдим. Нимаики бўлган бўлса яхшиликка бўлган бўлсин деб эзгу умидлар билан шунча умрни ўтказдим. Билганларим, ишонгандарим ана шулар бўлди. Улуғлардан бирининг айтишича, "Ақл кишиси бўлишни истаган одам ўзига тез-тез ҳисоб бериб турмоги лозим".

Кишининг жамиятга, оиласига қандай фойда келтириб яшаётгани ана шу "ҳисобот"дан аён бўлишини доимо ёдимда тутдим. Ҳисоботни ҳеч канда қилмадим.

Ўтган умрим давомида 9 нарсани ўзимга эр деб билмадим:

1. Иймонсизликни
2. Ношукурикни
3. Сабрсизликни
4. Имкони бўлмаган, чексиз орзу-ҳавасни (баднафсликни)
5. Ёлгон сўзлашни
6. Ҳасад қилишни
7. Умидсизликни
8. Ишончсизликни
9. Иродасизликни

Қадрсизланиб қолмаслигим учун бутун умрим давомида 9 нарсани ўзим учун номуносиб деб билдим.

1. Лавозим сўрашни;
2. Орден ва медаллар сўрашни;
3. Мени ҳимояга олинг ёки ҳимоя қилинг дейишни;
4. Асоссиз танбех беришни ва эшитишни;
5. Салоҳиятим, ақлим етмаган ишга қўл уришни ёки маслаҳат беришни;
6. Эҳтиёж бўлмаган жойда сўзлашни;
7. Интизомсизликни;
8. "Ҳеч қачон" сўзини қатъий айтишни;
9. Бефарқликни.

Бутун ўтган ҳаётим давомида ота-онам ва устозларимнинг айтган қўйидаги сўзларига амал қилиб яшадим:

"Сенга тош отганларга, ош отгин, болам", деган ўтитлари-га амал қилиб, кам бўлмадим. Мабодо бир инсон сени хафа

қилган тақдирдаям, унга “мендан ўтган бўлса кечиринг” деб турсанг, бир гапдан қолсанг, ўзи хатосини тушуниб, таъзим қилади, дердилар.

Саксон ёшга кирган бўлсам ҳам, ҳалигача шу сўзлар менинг шиорим.

### Хуллас:

Мен ўтмишимдан мамнунман. Афсусланмай яшадим.  
Бир умр бегидир яшаб келяпман. Менинг аксарият кунларим  
шодликка тўла ўтди. Ҳаёт билан доимо муросада бўлдим.  
Тақдиримга тан бериб келдим.

Эртами, кечми кўнишиш, ўрганишим керак бўлган нарсага мўлжални олиб келдим: муқаррарни қабул қилиш ва у  
билан ҳисоблашиш. “Бу шундан бошқача бўлиши мумкин  
эмас”. Тўгри бунга кўникма ҳосил қилишнинг ўзи бўлмайди.  
Ҳатто қироллар ҳам ҳақиқатни ўзларига муттасил эслатиб  
туришлари керак бўлган.

Букингем саройидаги мархум Георг кутубхонасининг де-  
воридаги рамкада шундай сўзлар осиб қўйилган экан:

“Менга имкони бўлмаган нарсани орзу қилмасликни ва  
садир бўлган нарсадан куйиб-ёнмасликни ўрган”.

Ушбу сўзларни дастуриламал қилиб олдим. Чексиз ор-  
зу-истакларнинг қулига айланмадим, фойдасиз нарсаларга  
керагидан ортиқча вақт сарфламадим. Шу ўринда мен рус  
композитори Антон Рубенштейннинг (1829-1894):

“Ҳаётни кенг қамровда тасаввур қилиш, унда нима мухим,  
нима номуҳим эканини билиш, кундалик муаммоларга ечим  
топиш билан бирга, яшашнинг асл мақсадини англаш, қай  
йўлдан қаерга боришни билиш – бу ҳар қандай олимлик-  
дан-да устун бўлган нарса – донолиkdir” деган фикрини дас-  
туриламал қилиб олдим.

Ўтмишимни қуидагича якунлашни жоиз топдим:  
“Керакли нарсаларга аҳамият бериб вақт ажратиш буюк  
санъат ҳисобланса, кераксиз нарсаларга аҳамият бермаслик  
ва беҳуда вақтни сарфламаслик санъатларнинг шохидир”.

## 13.2. МЕНИНГ БУГУНИМ (бугун)

Албатта, инсон умри хатолар, адашишлар, йўқотишлиар силсиласидан иборат. Шунинг учун ҳам Шайх Саъдий: “Қани эди, инсонга икки марта умр берилса-ю, биррида тажриба ҳосил қилиб, қилган хатоларингдан хулоса чиқариб, иккинчисида ўзинг хоҳлагандай хато-ю адашишлар, йўқотишу кулфатлардан холи мазмунли, хуш-хурсанд умр кечирсанг!” дейди.

Навоийдек дурдона асарлар битган даҳо шоир ҳам: “Эй Навоий, сенек ёшлик даврини зое этган киши қариллик айёмида юлдуз каби кўзларидан ёш тўкса-да, сира фойдаси йўқ”, дейди ўзидан қониқмай:

Кўринадики, ўтган умрдан қониқмаслик, амалга оширган ишларидан кўнгли тўлмаслик туйгулари, армонга айланган орзуларидан афсусланиш ҳисси улуғ Навоийга ҳам бегона эмас экан...

Мен оптимистман. Ўтган умримда қўйган хатоликлар, адашишлар, йўқотишлиардан тегишли равишда сабоқ чиқарган ҳолда Бугунги кун билан яшаяпман. Ўтган асрнинг 90-йилларида яхши ният билан бошлаган ишимни, 99 жилдан иборат, “Осуда яшашнинг 99 сири” номли маънавий-маърифий, фалсафий туркум устида ишлайпман.

Бугунги кунда ушбу туркуннинг 25 жилди (ҳар бири 350 бетдан иборат) нашр этиш учун босмахонага топширилган. Шулардан уч жилди, яъни “Осуда яшашнинг 99 сири”, “Ҳаёт ва осудалик” ва қизиқарли статистика” номли китоблар уч мартадан чоп этилиб ўқувчиларга тақдим этилди.

Айрим дўстларим: “Сиз аллақачон ишламай, факат ўзингизни ўйлаб, кексалик гаштини суриб яшашингиз керак эди. Бироқ ҳануз ишлайпсиз. Эҳтимол ўз ишингииздан мамнундирсиз?”, деб савол беришади. Ҳар гал менинг жавобим жўнгина бўлади.

Ҳа, мен ўз ишимдан мамнунман. Дараҳт бир жойда кўкаради дегани рост экан. Ярим асрдан ортиқ шу олий ўқув

юртида ишлаб келаяпман. Оддий талабалиқдан то фан доктори ва профессорлик даражаларига эришдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби бўлдим. Аниқ мақсад сари ҳалол ва тинимсиз меҳнатларим туфайли шу мартабаларга эришдим. 53 йиллик меҳнат фаолиятимнинг 33 или раҳбарлик лавозимларида кечди.

Ҳозиргача мамнунлик билан ишлаб келаяпман. Бунинг сабаблари кўп. Шуларнинг энг асосийларидан бири, бу иш жойида, қолаверса ҳаётда ўз ўрнимни топа олганимдан деб биламан. Эҳтимол, бу сарфлаган вақтимнинг мендан рози бўлгани эвазига бўлса ажаб эмас.

Бугунги кунда теварак-атрофим оилас, фарзандларим (Алишер, Покиза, Бахтиёр, Азизжон, Хуршидjon), қариндош уруғларим (Турғун тогам, Рӯзи ва Сафар укаларим) ошно, оға-инилар, дўстлар, шогирду-устозлар билан мустаҳкам “истеҳкомланган” даражада тинч осудаликда яшаётганимдан шукроналиқдаман.

Қайси иборага таяниб яшайсиз, деб сўрашса, қадимги юонон файласуфи Эпикурнинг (мил. авв. 341-270) “Хокисор яша” деган ўтитика ва “Ҳеч қачон ҳеч ким билан тортишма” деган қоидага амал қилиб яшайман, деб жавоб берардим.

Америкалик руҳшунос Дейл Карнегининг (1888-1955):

“Ҳаётингизда беҳаловатлиқдан қутулмоқчи бўлсангиз: ўтмиш ва келажакни темир эшик билан ўзингиздан ажратиб қўйинг”. Бугунги кун билан яшанг, дейди у.

Фарзандларимга ҳам шу ўтиларга таяниб яшашни, доим бир гапни такрорлаб тураман:

“Иложи бўлса мен қилган савобли ишлардан битта кўпроқ эзгу ишни буғуноқ қил, мен қилган хатолардан битта камроқ хато қил. Бахтили бўлишни истасанглар, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаринглар, бугунги ишни эртага қолдирманглар, фурсатни бой берманглар”.

Фарзандларим бу ўтиларга амал қилиб яшаб келмоқдалар.

### 13.3. МЕНИНГ ЭРТАМ (Эрта)

Ўтган кунларим давомида ўтмишим (кечаги куним) дан сабоқ, бугунги кунимга шукроналик ва мудом келажак, яъни эртанинг умиди билан яшадим. Ҳатто ҳозир ҳам, олдимда арзимаган масофа қолган бўлса-да энг аввало Яратган эгамга, иймонга, сўнгра рафиқам ва фарзандларимга, тоғам, укаларим, синглим, шунингдек, атрофимдаги яхши дўсту-биродарлар борлигига ишониб яшаб келаяпман.

Фарзандларим, невараларим ва эвараларимнинг баҳту иқболини кўришни рафиқам билан сиҳат-саломат умр кўришни Аллоҳдан сўраб яшайман.

Мен учун бир пайтлар ҳаёт қанчалар муҳим бўлган бўлса, бутунги кунда охириги нафасим қандай кечади, тўшакка михланиб қолмайин деган умид ана шу даражадаги муҳим нарсага айланиб қолган.

Бир куни мендан: “Ҳаётингизни қайта бошдан яшашни истармидингиз?”, деб сўраб қолишибди. Нима ҳам дердим, умуман, менинг ҳаётим жуда яхши кечди, айтиш мумкинки, айримлар билан қиёслаганда аъло даражада яшадим. Бироқ, шундай бўлса-да, уни қайтадан яшаб кўришга ҳеч бир имкон йўқ, ҳаётнинг қораламаси бўлмайди...

Эртанги кунга катта умид боғлар эканман Яратгандан қуидагиларни сўрайман:

“Эй Қодир эгам, қалбимдаги ҳароратни то сўнгти нафасимгача сўндирамагин ва қўлларимга куч ато қилган. Ҳанузгача четта суриб қўймаган қаламим ва ўчиригичимга мадад бериб тургин.

Яхши ният билан бошлаган “Осуда яшашнинг 99 сири” номли 99 жилдан иборат маънавий-маърифий, фалсафий туркум китобларимни ёзишни давом эттиришим учун:

- мени ёзиш, чизиш баҳтидан маҳрум қилмагин;
- қўзларимни хира тортишидан асрагин, токи ўқиш, ёзиш азобга айланиб қолмасин;
- хотирамни заифлашиб, қулогимнинг оғирлашиб қолишидан асрагин;

• қоралама даражасида тайёrlаган туркум китобларимнинг барчасини нашрга тайёrlашга ва чоп этишга менга мадад ва кўмак бергин.

Эртанги кунга умид боғлар эканман уни ушбу сўзлар билан безашга ҳаракат қиласман.

- Мен умримнинг охиригача қолган Вақтимдан оддийгина унумли ёки юқори даражадаги унум билан эмас, балки ўта юқори даражадаги унумдорлик билан фойдаланишим шарт!

Бунинг учун Вақтимнинг ҳар бир дақиқа, лаҳзасигача моддий, маънавий, ижтимоий неъматга – қадриятга айлантиришим лозим. Бугунги кунимдаги вақтдан қанчаки унумли фойдалансам – эртанги кунимга камроқ асир бўламан.

“Эртанги кунга банди бўлмай десанг, дейди Рим ёзувчиси ва файласуфи Сенека, бугунни қўлдан бой берма. Ҳар кунни гўё охирги кундек яшаш даркор, чунки ундан кейин нима келади, ҳеч ким билмайди”.

Альберт Эйнштейн шундай деб ёзган эди:

“Агар бирор менга уч соатдан кейин ўласан деса, мен бундан асло чўчимаган бўлардим. Мен энг аввал мана шу уч соатдан қандай қилиб унумли фойдаланиб қолиш мумкин деб ўйлардим, сўнгра қофозларни йигишириб, ўлиш учун хотиржам ётардим”.

### Сўнгти жумла

Мен эртанги кунга ишонаман. Унга яхши ниятлар ила катта умид boglaiman. Негаки, кечаги кунни кўрдим. Ундан баҳраманд бўлдим. Уни рози қилишга ҳаракат қилдим. Шу баробарида ҳар бир бугунимни яхши кайфият билан кутиб олдим. Бугунги ишни эртага қолдирмасликка ҳаракат қилдим. Шу аснода вақтнинг розилигини олиш измида бўлдим.

### Сўнгти қаторлар

Сарфлаган вақтимдан мен-ку розиман.

Рози бўлармикин мендан вақтим.

Омадим келиб, бу ҳаётдан жимгина, билдиrmасдангина ҳеч кимга вазминлигим тушмасдан, ҳеч бир азоб-уқубатсиз кетиб олсайдим, деб яратгандан умидворлик билан сўраб қоламан.

## МУНДАРИЖА

Вақтни қадрлашга чорловчи (сүзбоши ўрнида) ..... 3

### I ҚИСМ. ВАҚТ ХУСУСИЯТЛАРИ

<b>1 БОБ. Вақт тавсифи</b> .....	8
1.1. Вақт – ўзи нима? .....	8
1.2. Вақт ўлчов бирлигими? .....	11
1.3. Эра, милод ва йил ўлчовлари .....	13
1.4. Фасл ўлчовлари.....	14
1.5. Мучал йил ўлчовлари .....	16
1.7. Олам неча кунда яратылған? .....	19
1.8. Мустақиллик йиллари қандай номланған? .....	20
1.9. Мамлакатимизда қайси кунлар байрам кунлари деб белгіланған? .....	22
1.10. Вақт билан bogлиқ айрим астрономик маълумотлар .....	23
<b>2 БОБ. Вақт қадри</b> .....	25
2.1. Лахза қадри.....	25
2.2. Вақтдан ўзган умрлар.....	33
2.3. Қандай қилиб вақтни бўйсундириш мумкин? .....	36
2.4. Ҳар нарсанинг вақти-соати бор .....	42
2.5. Биз – буюк ўт哩лар .....	45
2.6. Соғлиқ ғаниматдир, ҳар соати неъматдир .....	48
2.7. сотиб олинган вақт.....	58
<b>3 БОБ. Вақт – бу умрми?</b> .....	63
3.1. Умрни нималар билан ўтказдингиз .....	64
3.2. Ёшлиқ даврида нима билан машгул бўлдингиз? .....	71
3.3. Мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топдингиз ва нималарга сарфладингиз? .....	79
3.4. Ўргангандан илмингизга қандай амал қилдингиз? .....	85
3.5. Вақти йўқ олимлар .....	86
3.6. Севги, билим, вақт! .....	90
<b>4 БОБ. ВАҚТ – бу оқар дарёми?</b> .....	94
<b>5 БОБ. Вақт – бу пулми?</b> .....	98
<b>6 БОБ. ВАҚТ – бу олий хакам.</b> .....	106

## II ҚИСМ. ВАҚТНИ БОШҚАРИШ МУМКИНМИ?

7 БОБ. Вақтингиз режалими?	112
7.1. Вақт режасини түзиш инсоннинг ҳаёт тарзига боғлиқми?	112
7.2. Вақтни режалаштириш инсоннинг қуёш энергиясини қабул қилишга ҳам боғлиқми?	115
7.3. Қандай қилиб ўз вақтининг хўжайини бўлиш мумкин?	119
7.4. Бутун – бу кечаги эртамиз.	120
7.5. Кимсиз: Бошқарувчими ё бошқарилувчи?	122
8 БОБ. Вақтдан фойдаланишнинг олтин қоидалари	
8.1. Аниқ мақсадингиз борми?	125
8.2. Вақтни режалаштиришда нималарга эътибор бериш керак?	136
8.3. Режа (йўл харитаси)ни түзиш қандай тартибда бўлиши керак	142
8.4. Режани түзишда 5 муҳим қоида	143
8.5. Нечолик тартибли инсонсиз?	148
8.6. Режани түзишда қатъиятли бўлишнинг 7 та тамоили	155
8.7. Режага киритилмаган йўқотилган вақт	158
9 БОБ. Вақтни бошқарса бўладими?	161
9.1. Вақтни бошқаришнинг фалсафий асослари	162
9.2. Сизга куч бағишлиовчи 7та фоя	163
9.3. Сиз фоянгизни бошқара оласиз-ми?	164
9.4. Ўз вақтингизни бошқара оласизми?	168
9.5. Сиз қанчалик ўзингизни бошқара оласиз?	170
10 БОБ. Вақтни самарали бошқаришнинг 7 та асосий қоидаси	
10.1. Биринчи қоида	172
10.2. Иккинчи қоида	181
10.3. Учинчи қоида	185
10.4. Тўртинчи қоида	187
10.5. Бешинчи қоида	188
10.6. Олтинчи қоида	190
10.7. Еттинчи қоида	193

## III ҚИСМ. РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

11 БОБ. Вақт ва осудалик ҳақида социологик сўров натижалари	200
11.1. Вақт ва осудалик тўғрисида социологик сўров	200
11.2. Рақамлар замиридаги ҳакиқат	202
11.3. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?	210

11.4. Кимлар күпроқ вақт ўғриси ҳисобланади?	221
11.5. Йилнинг қайси бир фаслида меҳнат таътилини ўтказишни маъкул деб биласиз?	225
11.6. Сиз учун қайси кун муҳим?	230
<b>IV ҚИСМ. ВАҚТ ТҮҒРИСИДА ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР</b>	
<b>12 БОБ. Одди-ю, олий ҳақиқат</b>	242
12.1. Қуръони Карим ояtlарида	244
12.2. Хадиси шариф	251
12.3. Мақолларда	254
12.4. Донолар бисотидан	263
12.5. Афоризмлар	264
Олган сабоқларим ва хуносаларим	301
12.6. Қалбим уммонидаги томчилар	302
Шеъриятда	313
12.7. Шеър ҳақида	314
12.8. Латифалар	328
<b>13-БОБ. Вақтим мендан рози бўлса бас (хотима ўрнида)</b>	340
13.1. Менинг ўтмишим (кеча)	342
13.2. Менинг бутуним (бугун)	347
13.3. Менинг эртам (эрта)	349

Қайдлар учун

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ

*Маърифий-оммабон туркум*

**ВАҚТ ВА ОСУДАЛИК**

Мухаррир *Ф. Исломлова*

Дизайнерлар: *Ж. Одилов, У. Ортиқов*

Компьютерда саҳифаловчи *Ш. Мирқосимова*



E-mail: [tipografiyacnt@mail.ru](mailto:tipografiyacnt@mail.ru) Tel: 97-450-11-14, 93-381-22-07.

Bosishga ruxsat etildi 14.12.2022.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Palatino Linotype гарнитураси.

Кегли 11 шпонли. Шартли босма табоги 22,25. Нашр табоги 22,50.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 209.